



Шухрат  
НЕЪМАТ



Бунча қаттиқ суйдим-а,  
гулим?!..

\*\*\*

Жуда қаттиқ суйдим-а, гулим,  
Нечун бунча суйдиргич бўлдинг?!  
Бир гулпараст жоним қасдиға  
Ўсма ичган жуфт қилич кўйдинг.



Бунча қаттиқ суйдим-а, гулим,  
Ёқанг каби юрагим ўйма.  
Соч толангдан окқан сув бўлай!...  
Йўқ, телбаман, менчалик суйма!

... Кўп термулиб киприкларингни  
Махзунлатиб кўйдим-а, гулим?!  
Ахир бунча суйдиргич бўлдинг,  
Бунча қаттиқ суйдим-а, гулим!

### РУҲ БИЛАН СУҲБАТ

Ўзи сенга шу азоб керак,  
Йўқса, учиб кетарсан қушдек.  
Ором бермас сенга бу юрак -  
Йиқилмасанг бир куни ўк еб.

Сен дунёга лаб босдинг қаттиқ,  
Оғридим экан жонлари?!  
Балки шундай гуноҳларингдан  
Ёришолмас Умринг тонглари?!

Дилингда шеър ёғди осмондан -  
Сен ерликка ҳеч ўхшамайсан.  
Тушунмайсан ер удумларин.  
Сен, бегона, қандай яшайсан?



Тонгда потраб куёшинг чиқар -  
Танидингми қариндошингни?  
Нега унда шодланиб дилгир,  
Тиёлмадинг кўзда ёшингни?

Осмонингда бир куни қайтсанг,  
Туркий юртга сурурингни бер.  
Кетар чоғи пичирлаб кетгин:  
“Мен қайтаман, эй севдигим ЕР!”

\*\*\*

Бу кўҳна оламни лол қилолмадим,  
Гарчи олов бердим кўксимни ёриб.  
Устимдан кулди-я маккори қадим,  
Тошдек тураверди меҳримдан тониб.

Бутун дил лангардан воз кечган дорбоз,  
Осмонга боғлиқдир бутун жон толам.  
Кетарда қолдиргум бир битик қоғоз:  
“Лол қила олмади бу кўҳна олам”.

\*\*\*

Минг йил бўлди туғилганимга,  
Ассалом, эй минг биринчи ёш!  
Жуда оз ўк отдинг танимга  
Мен севганим, эй азиз куёш!

Исроф қилдим ғазинанг, меҳр,  
Балки шушдан кўп дил қийноғим?!  
Шундан руҳнинг манзилларида  
Камдир, йўқдир дил ҳайриҳоҳим?

Минг йил найҳон қилдим сўз мулкин,  
Чиройига етказдим қусур.  
Еб тугатдим чоғи шукуҳинг,  
Кечир мени, эй сўз - чин дур, нур!...

Минг йил титдим тош хирмонини:  
Тополмадим кўксига мосин.  
Минг йил бордир ҳали ўлимга,  
Жуда оз ўк отдинг, куёшим!



Шухрат НЕЪМАТ (Умаров) - Бувайда тумани-  
нинг Хонобод қишлоғида туғилган. Шеърлари  
жумҳурият матуботида эълон қилинган. “Овозсиз  
суҳбат” шеърӣ тўпламининг муаллифи.



Хотам АБДУРАИМОВ

ЎШЛАР - БУЎУНИМИЗ,

ЎШЛАР - КЕЛАЖАГИМИЗ



**Т а ҳ р и р и я т д а н :**  
Муҳтарамрам журналхон. Агар муқовамизнинг иккинчи бетидеги маълумотларга разм солган бўлсангиз, муассисларимиздан бири ўзгарганлигини илгандирсиз. Дарҳақиқат, шундай. Журналимизнинг ўтган сонидан бошлаб бизга Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” жамгармаси муассислик қила бошлади.

Очигини айтганда, ушбу ўзгаришдан аввало биз, таҳририят ходимларининг умидимиз катта. Зеро, муҳтарам Президентимиз Фармонига кўра ташкил этилган “Камолот” жамгармаси сизу бизнинг, қолаверса бутун республика ёшларининг жамгармасидир. Демак жамгарма фаолияти қандайдир даражада ҳар биримизнинг ҳаётимизда ўз изини қолдирмоғи лозим. Устига-устак, бозор иқтисодиётига юртбошимиз томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосида босқичма-босқич ўтаётганимиз айтилган тарихий кунларда иқтисодий жиҳатдан бели бақувват жамгарма жуда улкан, таъбир жоиз бўлса оламшумул ишларни амалга ошириб юбориши мумкин ахир...

Хуллас сўз Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамгармаси бошқаруви раиси Хотам Маҳаматович АБДУРАИМОВга.

Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман.

Э. БЕРК

инглиз жамоат арбоби

Биз келажак буюк бир давлат курмоқдамиз. Айти кунларда зўр тантаналар ила нишонланаётган энг улуғ байрамимиз - Ўзбекистон истиқлолининг беш йиллиги шодиёналарига боқиб, уларда иштирок эта туриб ўтган ушбу қисқагина тарихий фурсат ҳаётимизда нечоғлик ўзгаришлар, онгимизда ва қалбимизда мислсиз янгиликлар ясаб улгурганини ҳис қилиб, беихтиёр ҳайратга тушамиз. Ва ушбу ҳайрат асносида салтанатимиз буюклигининг тамал тошлари, мустақкам асослари ҳар дақиқада, сонияма-сония бағоят изчил тарзда қўйилиб борилаётганини тушуниб стамиз.

Биз келажак - ёшларники, деган гапга кўникиб, ҳаттоки бунга андаккина расмий тус бериб, бот-бот такрорлайверишдан безиб ҳам қолганмиз. Менинг назаримда эса нафақат келажак, балки бугун ҳам ёшларники. Илло, келажак ўз ҳолида, бўшлиқда пайдо бўлиб қолмайди, у бугундан, шу лаҳзадан бошланади. Мен бу ўринда Нозим Ҳикматнинг машҳур бир гапини эслаб ўтмоқчийдим: “Ёшлик - бу орзу. Бу - ишонч. Бу - жасоратга интилиш. Бу - лирика ва романтика. Бу - келажакка тузилган улкан режалар. Бу - истиқболнинг бошланishi”.

Кўпчиликка аён, жумҳуриятимиз - ёшлар ўлкаси. Аҳолининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Инчунун, уларга кўп ва хўп эътибор қаратилмоғи жоиз.

Мана шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, бизнинг “Камолот” жамгармамиз айнан ёшлар учун ташкил этилган, айнан ёшлар учун хизмат қиладиган муассасадир.

Шахсан муҳтарам Президентимиз Ислому Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан ташкил этилган жамгармамиз ўз Низомига кўра фаолият кўрсатади. Биз ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топиши, уларда чуқур билим, юксак маънавият ҳосил қилиш, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини юксалтириш, замонавий ишбилармонлик, тадбиркорлик ва омилкорликни шакллантириш учун кўлимиздан келган барча имкониятларни ишга соламан.

Бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши жараёнида ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишда иштирок этишни, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни, ўз қобилият ва имкониятларини намоен қила олишлари учун давлат, жамоат ташкилотлари, барча турдаги мулк эгалари билан ҳамкорликда иш жойлари, меҳнат ва ўқиш учун зарур шарт-шароитлар яратишни, келажакимиз учун истисодли ёшларни қўллаб-қувватлашни мақсад этиб қўйганмиз.

Барчамизга маълумки, мустақил Ўзбекистонимизнинг келажакини эски маънавий ва мафкуравий маҳдудлик ҳамда мутелик руҳия-

тидагилар билан боғлаб бўлмайди. Жамғармамиз ёшларимизни тарих илмини, маънавий ва маданий меросини чуқур эгаллаган, жисмоний ва руҳий пок, маърифатли, дунёқараши кенг инсонлар сифатида камол топишлари борасида ҳукумат, унинг органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишни мақсад қилиб олган.

Албатта, бундай эзгу мақсадлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бу жуда катта ташкилий ҳаракат, меҳнат, фидокорлик, қолаверса салмоқли молиявий маблағ ҳам талаб қиладиган юмуш. Аини пайтда уни, айтайлик, жамғарма бошқарувидаги ўн-ўн беш, йигирма киши кўмагида ҳам эшлаб бўлмайди. Ёшлар тарбияси жуда катта куч талаб қилади. Мен шуни фахр билан таъкидлаб ўтишим мумкинки, жамғармамиз ташкил этилган дастлабки кунлардан унинг фаолияти жамоатчилик, ҳокимиятлар, нуфузли давлат идоралари томонидан қўллаб-қувватланди. Бир ой ичида барча вилоятларда, туманларда дарҳол унинг бўлинмалари тузилди. Жамоа марказлари ўз фаолиятлари-ни бошладилар. Маҳаллий ҳокимиятлардаги масъул раҳбарларга яна бир бор минг раҳмат, улар бизнинг истакларимизга пешвоз чиқиб, дарҳол бўлинмаларимизнинг ҳисоб рақамлари очилишига, жой билан таъминланишига, бошқа ташкилий муаммоларнинг ҳал этилишига яқиндан ёрдам бердилар. Шу билан бир қаторда барча бўлинмаларимизга ёш, ғайратли, янгича дунёқарашига эга мутахассислар жалб этишга ҳаракат қилдик. Ахир, энди, ҳамма ўзи учун, диёримиз учун ишлайдиган замон келди. Хонада ўтириб олиб, қандайдир бош-кети йўқ мажлислару йиғинлар баённомаларини ёзиб ўтирадиган даврлар ортга қайтмас бўлиб ўтиб кетди. Энди биз жойлардаги вакиллари-миздан фақат амалий иш талаб қиламиз. Ёшлар ўртасида тadbирларни амалга ошириш ёки тadbиркорликни ҳаётга тadbик этиш учун муаммо борми - марҳамат, жойлардаги бўлинмаларга, бошқарувимизга мурожаат қилинг. Биз таклифларни диққат билан ўрганиб чиқамиз ва дарҳол ўз ҳулосамизни айтамыз. Лозим бўлган барча амалий ёрдамларни кўрсатамыз.

Шу ўринда мен бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтмоқчийдим. Ҳукуматимизга, унинг раҳбариятига

чексиз миннатдорчилик билдирсак арзийди. Чунки, ўтиш даврининг табиий учрайдиган этади. Хўш, биз қилинмайди. Ҳолбуки, демократик давлатнинг эркин фуқаролари учун қонунни билиш, уни ҳурмат қилиш қарз ва фарз. Айтайлик, жуда кўп ёшларимиз фақат қонунни билмаганликлари туфайлигина ўз ҳаётларини ўзлари мураккаблаштириб юборадилар, деб ўйлайман. Ҳуқуқий саводсизлик орқасидан улар қандайдир эгри йўллар, таниш-билишлар қидиришга тушиб кетадилар, порахўрлик иллатини авж олдирадилар, натижада ўзлари қўйган қопқонга аксар ҳолларда ўзлари тушиб қоладилар. Фақат қонунни билмаслик оқибатидагина, айтайлик, бир қанча ёшлар тузган кичик қорхоналар банкротликка учрамоқдалар, баъзилари эса ўзлари топширган маҳсулот учун ўз пулларини ололмаётдилар. Ҳолбуки, бизда анчадан буён хўжалик суди ташкил этилган ва ишлаб турибди...

Биз бу ўта муҳим соҳадаги қоқоқликка, камчиликларга қарши имкон қадар курашмоқчимиз. Мақсадимиз, ёшларимизга ҳуқуқий билим бериш билангина чекланиб қолмасдан, балки уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамдир. Лозим бўлса ёшларимизнинг иқтисодий, маънавий ва ҳаттоки сиёсий, Конституциямиз томонидан кафолатланган ҳуқуқлар кирраси, холос.

Истикбол боис, Ватан, ватанпарварлик тушунчалари ўзининг асл моҳиятига эга бўлди. Инсон борки, Ватанни севади. Бироқ севиш фақат ҳайратланиш ёхуд Ватанни тўлиб-тошиб мадҳ этишдангина иборат эмас, ахир. Севиш - Ватанни ҳимоя қилиш ҳамдир. Бугун Ватанимиз сарҳадларини ёш-ёш йигитларимиз кўриқламоқдалар. Уларнинг жисмоний, ақлий, маънавий баркамол бўлиши-сарҳадларимиз дахлсизлиги, демакдир. Биз бу борада ҳам бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштириб қўйганмиз. Уларнинг бир қисми эса аллақачон ҳаётга тadbик этилди ҳам. Хусусан, ҳарбий-ватанпарварлик мавзудаги суҳбатлар, учрашувлар, кўриklar, мусобақалар...

Мен сўзининг якунида ушбу кунларда амалга оширилаётган ишларни мухтасар тарзда қайд этиб ўтсам дегандим:

Жамғармамиз ўз фаолият доирасида зиммасига юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумҳуриятимиз ёшларининг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, ҳуқуқий эҳтиёжларини доимий ва изчил равишда ўрганиб бормоқда, шунингдек, бу эҳтиёжларни қондириш юзасидан амалий тadbирлар тузиб, уларни ҳаётга тadbик этмоқдамиз, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳукумат дастурларини амалга оширишга кўмаклашмоқдамиз, жамиятда қонуннинг устивор кучлилигини англаш жараёнига ўз ҳиссамизни қўшяпмиз, ёшларга оид қонун, қарор ва бошқа ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинишида бевосита иштирок этиб, ўз мулоҳаза ва таклифларимизни беряпмиз, юқорида таъкидлаганимиздек, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, улар учун янги иш жойлари яратиш борасида кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, хорижий мамлакатлар ёшлар ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганияпмиз, таҳлил этапмиз.

Мана, истиқлолимизнинг беш йиллик санаси ҳам кириб келди. Қутлуғ шодиёна барча вилоят, туман, бўлинмаларимизда кўтаринки руҳ билан кутиб олинди.

Мутбуот органларимизга келсак, жамғармамиз моддий жиҳатдан таъминланиши билан ўзимизни барча матбуот нашрларимизга зарур бўлган ёрдамни беришни асосий вазифаларимиздан бири деб биламиз.

“Ёшлик” журналимиз бугунги кунда фақат ёшларнинггина эмас, балки барча ёшдагилар учун энг сеvimли журналлардан бирига айланганлигини яширмасак ҳам бўлади. Журналнинг бундан кейинги фаолиятида мунтазам иштирок этиш, унинг мазмун моҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бизнинг бурчимиз деб биламан.

Ўз ўрнида “Ёшлик” журналига ҳеч қачон халқимиз назаридан тушмаслигини, у доимо ёшларимизнинг қўлдан-қўлига ўтиб юрашини, ёшларимиз ундан доимо баҳраманд бўлишини, уни ўқиб эзгуликка интилишларини тилаб қоламан.





Абдулла ОРИПОВ

## СОҲИЪҚИРОН

Беш пардали шеърий драма\*

ТЕМУР

Йўқ, азизам, Самарқанднинг салтанатида  
Ўзингизу пабирамиз Муҳаммад Султон  
Ҳукмфармо бўлиб туринг.  
Юмушлар талай.

Қурилишлар, боғи-роғлар, бола-бақралар.

БИБИХОНИМ

Олампаҳоқ, биласизки, мен ўзим учун  
Жомеъ масжид қурмоқдаман.  
Битказай уни.

Токи Сизни кутиб олай масжид қошида.

У мандан бир ёдгор бўлгай.

Фарзандим йўқ-ку...

ТЕМУР

Менга ҳам бир масжид бино қилинсин, аммо

Бундай ғамгин баҳонани келтирманг, биби.

Шаҳзодалар, набиралар барча-барчаси

Улғаймишдир.

Улғаймоқда меҳрингиз билан.

Салтанатни олгин узук десам мен агар

Унинг олий беазаги-Сиз,

Ёқут кўзи - Сиз.

Эслайсизми, не деб ёзмиш эронлик Ҳофиз

- Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони

Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Шоир билмас, аллақачон бу икки шаҳар

Ҳада бўлган Бибиҳоннинг қаро холига.

Орзуим бор, йўлим тушиб, насиб этса гар

Ўша танги шоир билан гаплашар эдим.

БИБИХОНИМ

Олампаҳоқ, Сиз бир вақтлар Балх тахтин эмас

Асли менинг юрагимни забт этгандингиз.

Толеимдан минг розиман, вали неъматим!

ТЕМУР

Қайда бўлмай хаёлимда Сиз ва Самарқанд,

Гўё икки қароғимдек доим биргасиз.

Шаҳримизнинг ишлари-ю тартиботига

Масъул этиб қолдиргаймиз Хожа Юсуфни.

Умидворман, бош кўтармас нафси бузуқлар,

Юрт тинч бўлар, қон тўқилмас, гадоё кўпаймас.

БИБИХОНИМ

Ташвиш чекманг, Олампаҳоқ, бизларни ўйлаб,

Фақат азиз жонингизни эҳтиёт айланг.

ТЕМУР

Маъзур тутинг, бишим, Сизга бир ўтинчим бор,

Майли айтай, дилингизга ботса ҳам оғир.

БИБИХОНИМ

Олам юки қадар буюқ қудратингизни  
Кипригимда кўтаргайман муҳаббат билан.

ТЕМУР

Ота-онам ҳоки ётган Кеш тупроғида

Менинг учун даҳма қуринг, мақбара қуринг

БИБИХОНИМ

(тиз чўкиб)

Олампаҳоқ!

Бу гапларни айтаётган Сиз ўзингизми?

ТЕМУР

Билар эдим талвасага тушинингизни,

Иншооллоҳ, ҳали узок яшармиз, биби.

Аллоҳ лозим кўрганича даврон сургаймиз.

Бироқ эсан чиқармайлик бандаликни ҳам.

Фуқаролар тоҳо мени кўкка кўтариб

Унутарлар кўп қатори инсонлигимни.

Амир Темур ўлмайди, деб юргандан кўра

Қора кунга кўникишиб тургай фуқаро!

Боз устига, ҳовлиққанда мазорга бор, деб

Бежиз айтиб кетмаганлар қадим боболар.

Эсга солар у умрнинг ўткинчилигин

Ва кўнгилда шафқат ҳиссин бисёрроқ қилгай.

БИБИХОНИМ

Олампаҳоқ, ўз лутфингиз билан айтайин:

Бундай ғамгин баҳонани келтирманг Сиз ҳам.

ТЕМУР

Вақти келиб, қиличини қайраб Азройил

Салтанатим тепасида пайдо бўлган чоғ

Мақбарамни кўриб ортга қайтиб кетгайдир,

Аллақачон бунинг жонин олибман-ку деб.

БИБИХОНИМ

Жаҳонгирнинг ҳазили ҳам нақадар даҳшат.

(Хонзодабегим гоёт паршон, юзлари моматалоқ ҳолда  
дафътан кириб келади)

БИБИХОНИМ

Хонзодабегим?!

ХОНЗОДАБЕГИМ

Олампаҳоқ,

Бибинойм,

Маъзур тутгайсиз...

БИБИХОНИМ

(Темурга)

Аълоҳазрат,

Келинингиз Хонзодабегим,

Амирзода Мироншоҳнинг завжасидир бу.

ТЕМУР

Не гап ўзи?

Бу аҳволда келмишсиз, ажаб!

\*Охири. Боши ўтган сонда.

### ХОНЗОДАБЕГИМ

Бибиойим иккалангиз холи турганда  
Мен арзимни айтмоқликка айладим журъат.  
Олампадох, фарзандингиз - Амирзодамни  
Еру кўкка ишонмайин эъзоз этаман.  
Шукр, Сизнинг меҳрингиздан бахраманддирмиз.  
Амирзодам ғоят хушфеъл, ғоят меҳрибон.  
Бирок сархуш бўлган чоғи, жунбушга келиб,  
Менга бот-бот кўл кўтарар  
Сабрим тугади.

### ТЕМУР

Ҳали кўлин кўтардим Сизга Мироншоҳ.  
Юзларингиз кўкаргани...  
Унинг ишими?!

*(эшиқбонга)*

Чақирингиз Мироншоҳни!

*(Хонзодабегимга)*

Кечиринг, келин...

Бошим ерга теккунчалик эгиламану

Сиздан узр сўрайман мен -

Қайинотангиз!

Бирок биздан яширмангиз бирор сир бўлса,

Воқеанинг сабабини билмак истайман.

### ХОНЗОДАБЕГИМ

Мен айтишга...

### ТЕМУР

Айтинг, тортинманг!

Умрдир бу, ахир бозор савдоси эмас.

### ХОНЗОДАБЕГИМ

Амирзодам сархуш бўлган кезлари доим

Ўзларини тугулмаслар...

### ТЕМУР

Етар, тушундим!

Сизга рухсат.

Кўнглингизни чўқтирманг, аммо

Бир бармоғим лат ебди-ю, билмабман, афсус.

*(Хонзодабегим чиқади)*

Биби, Сизга неча бора айтгандим, эсланг,

Ўғилларим сархуш бўлиб зинҳор-базинҳор

Келинларим тўшагига бормасинлар деб.

Сархуш бўлгай сархушиқдан туғилган фарзанд.

Хонзодага етказингиз ташаққуримни.

### БИБИХОНИМ

Мироншоҳнинг бу феълдан воқиф бўлсам-да

Сизга атай, айтмагандим,

Минг ўйга бориб!

*(Мироншоҳ таъзим ила киради)*

### ТЕМУР

*(Мироншоҳга)*

Бери келинг,

Бери келинг!

Хўш, Амирзодам,

Сизга янги, шўх қилиқлар муборак бўлсин!

### МИРОНШОҲ

*(довдираб)*

Аълоҳазрат, не қилибмен?!

### ТЕМУР

*(газаб билан)*

Қилмишинг учун

Сени ҳозир тилка-пора қилсам ҳам оздир.

Соҳибкирон ўғлиман деб,

Шаҳзодаман деб,

Ёки босар-тусарингни билмай қолдингми?

Ё салтанат емишидан буқадек тўйиб

Занжирингни узмоқликка қасд айладингми?

Аёлингга сархуш ҳолда кўл кўтаргунча

Паҳсакашлик қилгин эди,

Кўчага чиқиб!

### МИРОНШОҲ

Авф этингиз, Олампадох!..

### ТЕМУР

Жанжалнинг сирини

Аён бўлди:

Зурёдиға,

Пушт-камарига

Ёмонликни раво кўрган жоҳил, худбинсен!

### МИРОНШОҲ

Авф этингиз!

### ТЕМУР

Аёл кишига

Кўл кўтариш нималигин билурмисан?

Айт!

Сен-ку одам боласисан,

Қайси бир ҳайвон

Эмаётиб, узиб олар онасин кўксин.

Шоҳларни-ку кўятурай,

Пайгамбарлар ҳам,

Набилар ҳам туғилган-ку аёл зотидан.

Унутибсан,

Сенга бир вақт айтиб бергандим,

Тўмарис деб аталгувчи ёвкур момомиз

Турон замин эрки учун майдонга чиқиб,

Эрон шоҳин калласини қонга бўқтирган.

У ҳам ахир аёл бўлган,

Билиб қўй, ўғлим!

Аёл зоти хонадоннинг шамчирогидир,

Ўша чироқ ўчмасин деб жанг қиламиз-ку!

Энди эса, зиндонга бор!

Қирк кун ётгайсан!

### ПАРДА

### III-САҲНА

*(Ангора яқинидаги тепаликда Темур чодирини. Ташқаридан говур-гувур, отлар кишинаши, филлар наъраси эшитилиб туради. Чодир ичида тахтада Амир Темур. Унинг атрофида шаҳзодалар, амирлар, лашкарбошилар)*

### ШАЙХУЛИСЛОМ

Олампадох, изн беринг.

### ТЕМУР

Гапиринг, ҳазрат.

### ШАЙХУЛИСЛОМ

Кеча тунда мунажжимлар - ахтаршунослар

Юлдузларнинг ҳолатига обдон боқишиб,

Хосиятли топишибди бугунги кунни.

### ТЕМУР

Қутлуғ таъбир.

Аммо бугун Боязид билан

Амир Темур жангга кирар,

Мунажжимлармас.

Шайхулислом, билиб қўйинг ҳасратимни Сиз.

У ҳам муслим, мен ҳам муслим.

Бу не кўргулик.

### ШАЙХУЛИСЛОМ

Гап шундаки, муслимликдан Боязид йироқ,

У Мария исмлиқ бир насорон қизни

Никоҳига олиб қўймиш.

Сиз - асл муслим.

### ТЕМУР

Жанг тақдирин ҳал этажак мана шу жиҳат,

Иншооллоҳ,

Худо менга маладкор бўлгай!

### ШАЙХУЛИСЛОМ ВА БОШҚАЛАР

Иншооллоҳ! Иншооллоҳ!

### ТЕМУР

У ҳам туркий, мен ҳам туркий.

Бу не густоҳлик!

Самарқанддан етиб келган менинг лашкарим

От суради акаси ё укаси томон.

Юрагимни ўртар бу ҳол.

Лекин мажбурман.

Ҳар қандайин муҳораба олдидан доим

Аллоҳимдан малад сўраб, ёлвораман мен.

Шайхулислом, зафар тилаб тиловат қилинг.

*(Шайхулислом тиловат қила бошлади)*

ТЕМУР

*(Шаҳзодалар, амирларга)*

Шунқорларим,

Улуғ жангга қираётирсиз.

Ўнг қанотни топширгайман сенга Мироншоҳ,

Сўл қанотни бошқарасан Шохруҳ Мирзо, сен!

Самарқанддан лашқар билан мадал бергани

Етиб келар амирзода Муҳаммад Султон.

Обонғортни фақат ўзим назорат қилгум.

Ҳозиргача маълум бўлган хабарга кўра

Жангга чикмиш ёв тарафдан тўрт юз минг лашқар.

ШАҲЗОДАЛАР, АМИРЛАР

Олампаноҳ, Аллоҳдану Сиздан куч олиб,

Ҳар қандайин ёғийни ҳам тор-мор этгаймиз.

ТЕМУР

Болаларим, бу оғир жанг.

Билинг, бу жангга

Румонинг ўз лашқарлари ҳимоядадир.

Улар ахир ўз юртларин кўриқлағайлар.

Ўйлаб кўринг,

Агар улкан бир қайрағочга

Ўзга жонзод яқинлашса,

Ўша заҳоти

Қайрағочда ошён қурган жамъи парранда

Чийиллашиб, чувилашиб жангга шайланар.

Аммо Румо ерида мен ўзга эмасман,

Мен мусулмон амириман!

Насабим туркий!

Адолат ва дини Ислом посбонидирман.

Фармонимга қулоқ тутинг:

Бизким, мулки Турон,

Амири Туркистонмиз.

Бизким миллатларнинг

Энг қадими ва энг улуғи

Туркнинг бош бўғинимиз.

Аллоҳ Сизга мадал бериб, зафар ёр бўлсин!

Нагоралар чалинсин.

То еру осмонни

Бизнинг лашқар суронлари чулғаб олсинлар.

Ёғийларни таҳликага солсин бу сурон.

Наърамизга жўр бўлсинлар жанговар филлар.

Ясовулар ҳар дақиқа менга пайдар-пай

Етказишиб турадилар жанг тафсилотин.

Саркардалар, Сизга рухсат

Аллоҳу акбар!

*(Амирлар, саркардалар чиқадилар.*

*Темур эшиқбон-ясовулга)*

Энди эса чорланг бу ён Аловиддинни.

У бетимсол бир истеъдод, шатранж устаси.

Самарқанддан атай уни олиб келганман.

*(Аловиддин киради)*

АЛОВИДДИН

Олампаноҳ, чорламнишсиз.

ТЕМУР

Ҳа, Аловиддин

Сен билан биз неча йилки шатранж сурамиз.

Аммо билки, бу галгиси бошқача ўйин.

Бу - бошқа жанг! Доналарни тер, Аловиддин.

*(Аловиддин шатранж доналарини теради. Темурда оқ*

*доналар)*

Эшитгансан, Аловиддин

Ёшлик чоғимдан

Мен шатранжга ишқибозман.

У нозик ўйин,

Уни тенгсиз санъат дея таъриф этарлар.

Бирок шатранж ўхшар кўпроқ жанг санъатига.

АЛОВИДДИН

Қани, юринг, олампаноҳ.

ТЕМУР

Юрди, сипоҳим,

Қани олға пиёдалар,

Зафар ёр бўлсин.

*(Чодир ташқарисидан жанг садолари баралла*

*эшитила бошлайди)*

АЛОВИДДИН

Шоҳ сипоҳин бизга қарши йўналтирдингиз,  
Каминанинг сипоҳи ҳам анойи эмас.

ТЕМУР

Ҳозир нечун жанг қилмокда пиёдаларим,

Хабар келиб қолур ҳозир у томондан ҳам.

Жуда оғир жанг кетмокда чодир ортида.

Сен - Аловиддин.

Фақат шатранж соҳасида жаҳонгирдирсан,

Бизнинг эса чекимизга бошқа юк тушган.

Бизнинг учун улкан замин шатранж тахтаси,

Ғолибнинг ҳам, мағлубнинг ҳам тургон қартаси

Қон тўла бир ҳовуз эрур!..

Мамот жанги бу.

АЛОВИДДИН

Сизнинг буюк истеъдодга тараф йўқ асло,

Шатранжда ҳам бетимсолсиз.

Иқрорман, ҳазрат.

Аммо менга, изн беринг, бир саволим бор.

ТЕМУР

Айт, Аловиддин!

АЛОВИДДИН

Шу аснода улуғ бир жанг давом этмокда,

Сизнинг ғолиб бўлмоғингиз гарчи муқаррар.

Лекин, ҳазрат, Сиз мен билан чодир ичида

Шатранж ўйнаб, жанг мақомин кузатмокдасиз.

Бир қарашда бепарводек,

Ҳатто совуққон.

ТЕМУР

Мен биламан, Аловиддин ўз қудратимни,

Рақибимни довлиратар бу усулим ҳам.

АЛОВИДДИН

Усули бу?

ТЕМУР

Ғоят зўр усул!

Одамларим аллақачон Рум султонига

Менинг шатранж ўйнаб туриб жанг қилишимни

Етказдилар!

Боязидни таҳлика босди!

Душманингни бундан ортиқ камситиб бўлмас.

Бамисоли фил қошида бир лайча каби

Алам билан ангиллағай энди Боязид.

ЯСОВУЛ

*(Киради)*

Аълоҳазрат, пиёдалар нобуд бўлмокда.

ТЕМУР

Аттанг, аттанг.

Ўз қучига ортиқ ишонса,

Ғафлат босиб қолгусидир ҳатто филни ҳам.

*(ҳам Ясовулга, ҳам Аловиддинга)*

Тўлғама деб аталгувчи бир йўлимиз бор.

Етказингиз ўнг қаноту ҳам сўл қанотга.

Мироншоҳу Шохруҳ Мирзо икки тарафдан

Ёғийларни ўраб олсин!

Обонғортда мен!

Аловиддин, шоҳга қарши ҳужум бошладим.

ЯСОВУЛ

*(Яна киради)*

Олампаноҳ, ёв лашқари тўп-тўп бўлишиб,

Биз томонга ўтаётир.

ТЕМУР

Шоён яхши гап!

Улар асл мусулмондир, зиён етказманг.

АЛОВИДДИН

Аълоҳазрат,

Ҳар иккала майдон ичра ҳам,

Ғоят қизгин тус олмакда жанговар санъат.

ТЕМУР

Лашқарларим урҳо-ур деб жанг майдонига

Найза билан, қилич билан ва камон билан

Ёв сафларин кириб борар ҳозир аёвсиз,

Мен ҳам ҳозир улар билан руҳан биргаман.

Шу гап ҳақки, Сенга қарши ташлайман руҳни.

## АЛОВИДДИН

Олампаноҳ, кўтармоқчи бўлсангиз туғни  
Боязиднинг алвон рангли чодери узра,  
Рухни эмас, аспларни майдонга ташлаш  
Маъқул тадбир бўлгувсидир.

ТЕМУР

Тангрим мададкор!  
Рухни суриш фикрини у ўргатди менга.  
Аспларни қамчилайди белуда кучи.  
Ғалабага ишонч ўти сўнган кимсалар  
Эшитингиз,  
Рух ҳақиқат қиличидек кескир, беомон.  
Мен рух билан жанг қилишни севаман жула.

АЛОВИДДИН

Рухингизнинг набрасига жавобим шу-да.

ЯСОВУЛ

Олампаноҳ, орқадаги ёв ўрдасини  
Халқа каби ўраб олди бизнинг лашкарлар.  
Бироқ ўрда устивордир!

ТЕМУР

Бизнинг қўлда нафтандоз деб аталувчи бир  
Аждаҳодек ўт пуркагич яроғимиз бор.  
Бамисоли осмондан тушгандек қуюн  
У ўт-олов пуркай бошлар замин устига.  
Ўрда томон йўналтиринг нафтандозларни.  
Ўрда чилим сархонаси каби ёнсини  
Тамакидек тутаб кетсин тубида ёғни.

(Аловиддинга)

Аловиддин, қай йўсунда йўлимни тўсма  
Мана энди ишга тушар саркардам фарзин.  
Ва ортидан иккинчи рух чиқар майдонга.  
Энди қайга қочиб боргай шўрлик қорашоҳ.  
Энди кимдан мадад кутсин ё кимга арзин  
Баён этсин.

АЛОВИДДИН

Чиройли мот!  
Мот!

ТЕМУР

Бу - рухнинг иши...  
Шояд рухлар менга мудом бўлгай мададкор.

ЯСОВУЛ

Аълоҳазрат, Аълоҳазрат.  
Яхши хабар бор!  
Шу аснода Рум султони асир олинмиш!

ТЕМУР

(Ясовулга)

Исминг недур?

ЯСОВУЛ

Аълоҳазрат, исмим Қосимбек.

ТЕМУР

Қаердансан?

Насабинг ким?

ЯСОВУЛ

Мен - шаҳри Кешдан.  
Отам сизга сарбоз бўлган.  
Дехли жангида  
Шаҳид кетган.

Бугун менинг ўзим сарбозман!

ТЕМУР

Бизнинг учун ғоят қутлуг мужда келтирдигин,  
Ўғлим, сени сийлагайман бу мужда учун.  
Иншооллоҳ, Самарқандга қайтиб борган чоғ  
Никоҳингга беражакман бир набирамни.

ЯСОВУЛ

Олампаноҳ, ўлгунимча Сизга содиқман.

АЛОВИДДИН

О, Аллоҳнинг марҳамати бунчалар кенгдир,  
Бир бандасин дақиқалда кўкка кўтарди.

ТЕМУР

Шукр, дейман, яратганга -  
Парвардигорга,  
Бироқ зафар нашидасин тортмасдан бурун  
Рухиятим амри билан бир гап айтаман:  
Ҳеч бир шоҳнинг бошига бу қулфат тушмасин.

Олиб кириш Боязидни!

(Боязидни оёқ қўли боғлиқ ҳолда олиб киришади)

Эвоҳ, бу не ҳол?

Оёқ-қўли ечинг дарҳол,

У ахир, Шоҳ-ку!

Чумолилар хор қилишса арслон рутбасин  
Бузилгайдир ўрмоннинг ҳам қонунияти.

(Боязидга)

Мен таассуф билдираман, тушунгин, Султон.

БОЯЗИД

Асир бўлиб турсам ҳамки қошингда, Темур  
Зор эмасман илтифотинг, таассуфингга.

ТЕМУР

Оддийгина бир воқеа юз берди, ахир,  
Сен Йилдирим лақабли бир қудратли чакмоқ  
Чўнг темирга урилдингу чилларчин бўлдинг.

БОЯЗИД

Сен устимдан қулмоқдасан,

Масхара қилма!

Ботирларнинг иши эмас ётгани топташ.

ТЕМУР

Топтамасман ва инчунун, қулмасман асло.  
Бироқ тақдир деб аталмиш буюк ҳукмдор  
Қулган экан иккимизнинг устимиздан ҳам.

БОЯЗИД

Бу гапингни қай йўсинда англамоқ керак?

ТЕМУР

Мен бир лангу,

Сен эса қўр, нотавон сўқир.

Бу дунёда бутун одам топилмагандай

Иккимизга ер юзининг жиловин бермиш,

Тавба қилдим,

Тавба қилдим,

Минг бора тавба!

Сен билан мен не қадарли қудратга молик

Қамчисидан қон томғучи подшоҳ бўлмайлик,

Яратганининг ҳузурида ожиз бандамиз.

Алалхусус, бунга мисол

Сенинг қисматинг.

БОЯЗИД

Лашкарларим сўнги дамда хиёнат қилди,

Бўлинишиб қочиб кетди икки тарафга.

Афсус, чора тополмади ўғилларим ҳам.

ТЕМУР

Ўз бошингга ўзинг етдинг,

Иқрор бўл, Султон,

Тақабурлик ва манманлик хунаринг бўлди.

Ўз қавминдан чиққан биздек Соҳибқиронга

Кўп полойик мактубларни битган бу сен-ку.

Худо сендан юз ўгирди,

Лашкарларинг ҳам.

Қора Юсуф, Жалойирдек ганимларимнинг

Бошин силаб, атай менинг гашига тегдинг.

Ер юзининг бир бўлагин эгаллаб олиб

Жаҳонгирлик даъво қилиш муродинг эди.

Ўзинг ўйла, чиқишгайми икки жаҳонгир?

Бу оламга икки худо кўплик қилмасми?

БОЯЗИД

Агар менинг қилмишларим қусур саналса

Бунинг бари сенга ҳам хос, билиб қўй, Темур.

ТЕМУР

Бироқ Аллоҳ йўригидан чиқмаганман мен,

Ва аксинча, бу йўриқни бузган зотларнинг

Адабларин бериб қилдим, беражакман ҳам.

БОЯЗИД

Таҳқир қилма, мусулмонман, алҳамдулиллоҳ!

ТЕМУР

Мария деб аталмиш бир насорон кизни

Никоҳингга олдинг, буни олам билади.

Шу аҳволда Оврүпода ислом байрогин

Кўтармоқчи бўлдинг,

Ахир, мунофиқлик бу!

Иродам шул: Оврүпога ҳеч ким тегмагай,

Сен ўйлаган ишнинг энди акси бўлажак.

## БОЯЗИД

Оврупони сен билмайсан, гапирма Темур,  
Ўнғай келса, сен билан ҳам тил топишиб у  
Тулпорингта кийгизади юмшоқ югани.

## ТЕМУР

Ана энди хушёр тортиб,  
Тингла, эй Султон,  
Иккимиз ҳам туркийми?

## БОЯЗИД

Ха, иншооллох, туркий.

## ТЕМУР

Туркийларнинг икки шохин гиж-гижлаб қўйиб  
Уруштириш кимга зарур бўлганин ўйла.  
Оврупонинг найрангига лакқа учдингу  
Соҳибқирон Темурингдан юзни ўгирдинг.  
Қанча узоқ олишсалар икки паҳлавон  
Исроф бўлар улардаги шунчалик куч ҳам.  
Ва ўртада голиб чиқар гиж-гижлаган зот.

## БОЯЗИД

Муродингни айтгил менга.  
Ўлдирсанг - ўлди!

## ТЕМУР

Билгакс, сени муҳофаза қилурман, Султон,  
Турк элининг ноаҳилилик тарихида сен  
Тирик тимсол сифатида яшаб юргайсан.  
Хурматинг ҳам шу қадарли бўлади, кўркма,  
Илтмосу тилагингни Сен айтсанг-дуруст.

## БОЯЗИД

Вайрон қилма Румо юртин.  
Лашкарингга айт,  
Ҳеч бўлмаса турк қавмига шафқат кўрсатсин.

## ТЕМУР

Урушларнинг ўз даҳшатли низомлари бор,  
Голиб аскар юрагида жўшгайдир ғурур.  
Фанимини мағлуб ҳолда кўрар экан у  
Хаёлига нима келса - шунини қилгайдир.  
Менга эса ҳар доимо зафар ёр бўлди.  
Балки худди шу сабабли лашкарларимни  
Шафқатсиз деб атайдилар,  
Сабаби - зафар.

Сен маишат ишқибози, такаббур Султон  
Булёдорлик нималигин қайдан биласан.  
Мен қурдирган шаҳарларни кўрмоғинг даркор.  
Қафоратга юз бурган бу салтанатингдан  
Олиб кетгум ёлғизгина Қуръони қаримни.

## БОЯЗИД

Улуғ Темур, мен мағлубман  
Ва лекин шу зум  
Инсон сифат, падар сифат бир гапни айтай:  
Исо, Мусо, Мустафою Сулаймон деган  
Ўғилларим жанг қилдилар,  
Қайдадир улар?

Аҳли аёл тақдири ҳам номаълум менга.

## ТЕМУР

Менинг ҳам бор фарзандларим Мироншоҳ, Шохруҳ.  
Ана улар, рўпарангда қатор турибди.  
Самарқанддан набирамиз Муҳаммад Султон  
Лашкар билан етиб келди.  
Ҳозир у бетоб.

Ха, падарлик баробардир барчага Султон.

(Шаҳзодаларга)

Боязиднинг яқинларин топиб келингиз.

## ШОХРУХ

Аълоҳазрат, асир тушган Султон ҳарами.

## БОЯЗИД

Аё, Темур, мардлик қилиб, авф эт уларни.

## МИРОНШОХ

Улуғ жангни кузатмоққа атайин келган  
Ўрусия, Оврупо элчилари бор,  
Аълоҳазрат, қабулингиз кутар улар ҳам.

## ТЕМУР

Ҳаммасини олиб келинг.  
Чодиримиз кенг.

(Элчилар, ҳарам аҳли қирадилар)

Мен - Темурман!

Хуш келибсиз, дейман.

Мархабо!

Ўйлайманки, мамнундирсиз жанг тинганидан.

Рум Султонин ўғиллари қайси бирингиз?

## ШОХРУХ

Аълоҳазрат, хозирчалик биттасин тутдик,  
Унинг исми Мусо экан.

Мана бу йигит.

## ТЕМУР

Уни дарҳол кийинтиринг Шаҳзодага хос.

## БОЯЗИД

Манов аёл Марияндир.

Бизнинг завжамиз.

Сен айтгандек, бир замонлар ислом йўригин  
Шу жувон деб бузган эдим.

Иқрор бўламан.

## ТЕМУР

Ўзинг ёзган мактубингга риоя қилсак

Сен учун у энди талок,

Кўнсанг кўнмасанг!

Уни бирон насоронга ҳаля этгаймиз.

(Буқаламунни имлаб чақиради)

Никоҳингга олгил бун.

Асраб-авайла.

Унинг зарра гуноҳи йўқ.

У туткин бўлган.

## БУҚАЛАМУН

Аълоҳазрат, миннатдорман. Аммо менинг ҳам  
Бир совгамни қабул қилинг.

## ТЕМУР

Нечук совға у?

## БУҚАЛАМУН

(Кўйнидан буқаламунни (хамелеон) чиқаради)

Бу - буқаламун.

## ТЕМУР

Ха, тушундим.

Сенмисан у устаси фаранг.

## БУҚАЛАМУН

Аълоҳазрат, Сиз буюрган барча юмушни  
Адо этдим.

Неча-неча қибор элчилар

Сизнинг улуғ ғалабага гувоҳ бўлдилар.

Марияни қабул этмоқ мушкулдир аммо,

Одатим бор - бир юмалаб муслим бўламан.

## ТЕМУР

Бу жувонни ўз юртига қайтаринг омон.

Аёлларнинг шўри курсин.

Тандирдир улар.

Энди эса тилга кирсин кўҳна Оврупо.

## ИОАН СУЛТОНИЙ

Мен Иоан Султонийман, фаранг элчиси,

Қирол Шарл дерлар менинг ҳукмдоримни.

## ШИЛЬТБЕРГЕР

Мен - Боварлар вакилиман,

Шильтбергер номим,

Менинг валинеъматимни Генрих дейдилар.

## ТЕМУР

Шарли у, Генрихми у - менга барибир,

Барчангизни атаганман фарангилар деб.

Сизнинг чалкаш исмлар ҳеч ёдимда қолмас,

Фармоним шул:

Етказингиз хонларингизга,

Парвардигор хоҳиши-ла омонлик бердим.

Унутмангки, дўстлашмоқчи бўлса инсонлар

Бир-бирларин феъл-атворин билмоқлари шарт.

Бу дунёни бузадиган гумон, миш-мишдир.

Сиз ўйларсиз, Амир Темур бойликка ўч деб.

Тафтиш қилиб кўринг қани бор хазинамни,

Ортиқ ақча топармисиз.

Сабаби - аён.

Не орттирсам барчасини лашкарлариму

Мамлакатнинг манфаати учун сарфладим:

Шаҳар қурдим.



Арик қаздим,  
Йўллар ўтказдим.  
Мен-Амирман, жаҳонгирман!  
Рақибларим-чи,  
Чумолидек фаҳм этурлар улкан дунёни.  
Ўзларидек майдагина манфаат учун  
Аллоҳ берган буюк бахтни барбод қилурлар.  
Бўйин товлар ҳамкорликдан, улуг ишлардан,  
Мен адолат ўрнатгани йўлга чиққанман.

#### ШИЛЬТБЕРГЕР

Аълоҳазрат, Оврупони Боязиддан Сиз  
Кутказдингиз.

Олтин ҳайкал муносиб Сизга.

#### ИОАН СУЛТОНИЙ

Худди шундоқ, аълоҳазрат.

#### ТЕМУР

Аҳли Овруро!

Мени содда осиелик дея ўйламанг.

Жуда яхши биламан мен муродингизни,

Рум Султонин менга қарши гиж-гижладингиз,

Оқибатда қутилдингиз унинг зулмидан.

Худо ўзи инсоф берсин сенга, Овруро.

Олтин ҳайкал, олтин ҳайкал.

Хушомадми бу?

Менинг қурган шаҳарларим - ҳайкалларимдир.

Тагин шуни билингки, мен бутпараст эмас.

Савдо-сотик деган гап ҳам бордир дунёда,

Не-не халқлар дўстлашгайдир тижорат боис.

Самарқандга ташриф этсин карвонларингиз.

Ҳиндистондан Болконгача бирор болакай

Боши узра олиб ўтса лаган марварид,

Йиллар оша улғаяди болакай аммо

Бир дона ҳам тўқилмагай ўша лагандан.

Ўқдингизми, мен қандайин тартиб ўтнатдим.

Сиз фаранглар йиғиштиринг қароқчиликни,

Бизлар каби ҳалолликка риоя айланг.

Сизлар хочга топинасиз.

Хоч кўриниши -

Бамисоли Шарку Фарбнинг қўшилувидир.

Иншооллоҳ, мусулмонман! Айтар гапим шу:

Ҳамкор бўлсин Оврурою улуг Осие.

#### ЎРУСИЯ ЭЛЧИСИ

Аълоҳазрат, мен ўрисман, Москов тарафдан,

Шарку Фарбни боғлайдиган бир худудданман.

#### ТЕМУР

Сиз улугвор бир муҳитда яшайсиз, аммо

Ўзингизни эплалмайсиз.

Парокандасиз.

Иклимингиз ғоят совуқ, буни устига.

Ўрусия тупроғидан бир карра ўтдим.

Сизнинг Елис деб аталмиш истеҳкомингиз

Эса қолди.

Баҳодирлар бордир Сизда ҳам.

Улуг эллар кўшни бўлиб яшар эканлар,

Унутмасин: То қиёмат тақдирлари бир,

Дарё тошса - офат етгай икки ёнга ҳам.

#### ЎРУСИЯ ЭЛЧИСИ

Бизни озод этдингиз Сиз Олтин Ўрдадан.

#### ТЕМУР

Тўғрироғи - Ўрдани мен олдим ўртадан.

#### ЯСОВУЛ

Аълоҳазрат, ташриф этмиш йўловчи карвон.

Ҳофиз отлиг бир элчиси қабулга келмиш.

#### ТЕМУР

Ҳофиз?

Ҳофиз?

Ким у, Ҳофиз?

#### ЯСОВУЛ

Шерозий эмиш.

#### ТЕМУР

Наҳот ўша шоир бўлса,

Кўрмоқчи эдим.

(*Чодирдагиларга*)

Миннатдорман барчангиздан

Жаноб элчилар,

Тилагимни етказингиз, элларингизга.

Одатимча Самарқандга таклиф ётаман.

Сизга руҳсат,

Қол мен билан Султон Боязид.

(*Бошқалар чиқиб кетадилар Темур Боязидга*).

Ташвиш тортма,

Сенинг ўша фарзандларингга

Бўлиб бергум Румнинг барча вилоятларин.

#### БОЯЗИД

Ўзимга-чи?

#### ТЕМУР

Ўзинг эса пойтахт шахринг Бурсага бориб

Мамлакатга валинеъмат бўлиб тургайсан.

Ишинг эса ўлпон тўлаш ва тавба қилиш.

#### БОЯЗИД

Чидолмасман, чидолмасман мағлубиятга.

#### ТЕМУР

Тингла, Султон!

Подшоҳликлар алмашабарар.

Қабулимга қирар ҳозир улуг бир сиймо,

Буюқ шоир, Яссавийдек беназир даҳо.

У - абадий фаҳри бўлгай Эронзаминнинг.

Фаҳм айлагил, музаффару мағлуб подшоҳлар

Мангуликнинг кўзгусида нечоғ камтармиз.

#### БОЯЗИД

Сени жоҳил дер эдилар.

#### ТЕМУР

Асли сен жоҳил.

Кишилиқнинг манглайига битган шоирни

Соҳибқирон Амир Темур қабул айлагай.

Сен-чи, Султон, ҳарам билан овора бўлиб,

Унутгансан ҳам ҳарбин-ю ҳам шеърятни.

Боязидни кузатингиз,

Ҳурматин қилинг.

Шеър Султони киргай энди қабулимизга.

Шерозийни таклиф этинг.

(*Ҳофиз Шерозий киради*)

#### ҲОФИЗ

(*Таъзим ила*)

Ассалом, амир!

#### ТЕМУР

Сиз, Ҳофизми?

Шерозийми?

Ўша шоирми?

Бунча озғин,

Бунча ночор,

Бунчалар юпун.

Нима билан исботлайсиз ўзлингизни?

#### ҲОФИЗ

Қора Юсуф деб аталмиш сур бир қароқчи

Карвонларни талар экан Макка йўлида,

Бизни ундан қутқазилди сарбонларингиз.

Элчи бўлиб келдим Сизга раҳмат айтгани.

#### ТЕМУР

Қора Юсуф!

Қора Юсуф!

Азал душманим.

Ундайларга паноҳ берган Боязидни мен

Тор-мор этдим.

Кўрқмасинлар энди ҳожилар.

#### ҲОФИЗ

Энди мен ҳам ишондим, ҳа, Темур экансиз,

Шоир эса ўзлингизни исботлаш учун

Шеърларидан бўлак бирор ашъё тополмас.

-Агар он турки шерозий бадаст орад, дили моро

Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

#### ТЕМУР

-Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,

Қора холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Шундоқми?

### ҲОФИЗ

Ҳа, афсуски, шундоқ.  
Ушбу байтим учун балки дорга тортгайсиз,  
Демак, қисмат исбот қилур Ҳофизлигимни.

### ТЕМУР

Самарқанду Бухоро деб дунёни олдим,  
Бир хол учун Сиз уларни ҳада этмишсиз,  
Шунчаликми?

### ҲОФИЗ

Ҳазрат ахир кўриб турибсиз,  
Бисотимни гўзалларга улаша бериб  
Шундоқ ҳолга тушиб қолдим,  
Ночор, юпунман.  
Оқибатда мажбур бўлиб, битта хол учун  
Дунёдаги энг бетақрор икки шаҳарни -  
Самарқанду Бухорони ҳада этганман.

### ТЕМУР

*(Қаҳ-қаҳ уриб)*

Ширин ҳаёл бандасиз Сиз,  
Эҳ Сиз, шоирлар,  
Мен ростини айтсам агар, ёр холи учун  
Шаҳар эмас, жонни нисор айламоқ даркор.  
Гапнинг асл индаллосин эшитинг энди:  
Бизнинг улуг шаҳарларни баҳолаш учун  
Бундан ортиқ ташбиҳ бўлмас, тасанно Сизга.  
Энди бир байт ҳада қилсин Сизга Темур ҳам.  
-Ўз лафзидан тинглаш учун Ҳофиз шеърини.  
Қайта бошдан забт этардим Шероз ерини.

### ҲОФИЗ

Минг ташаккур, аълоҳазрат, лутфингиз учун,  
Аммо у пайт, биронта байт айтмасдим, узр.

### ТЕМУР

Бу мушкулни тангри ўзи ҳал этди осон.  
Ҳофиз билан суҳбатдошман бежанг, беқурол,  
Самарқанду Бухорога ташриф буюринг.  
Улуг зотлар яшаб ўтган у жойларда ҳам.  
Ясавийни эшитгансиз!

### ҲОФИЗ

Султон ул Орифийн,  
Туркистонлик авлиёдир.  
Соҳиб ҳикматдир.

### ТЕМУР

Шоир аҳли куйласа бас икки жиҳатни.  
Ясавийдек ҳикматларин ёзинлар ёки  
Ёр жамолин васф этсинлар Сиздек-Ҳофиздек.  
Сийёсатга аралашиб ҳазрат Фирдавсий  
"Шоҳнома"да камситмишдир турк султонларин.  
Шул сабабли, жаҳли чиққан Маҳмуд Ғазнавий  
Фирдавсийга арзигулик олтинни эмас  
Ҳада қилмиш бир қажава кумуш тангани.  
Лекин шоир байтларида жаннат исси бор,  
Икки олам шавқати бор дostonларида.

### ҲОФИЗ

Шеъряту илму фанга Сиз каби жумард,  
Олий ҳиммат ҳомий берсин донм Аллоҳим.  
Ана шунда гуллаб яшнар Эронзамин ҳам,  
Ана шунда чарақлагай Турон ҳам абад.

### ТЕМУР

*(Қарс уради . Мулозим киради )*

Сиз шоирнинг елкасига зарбоф тўн ёпинг,  
От миндинг,  
Илҳомидек учкур, саман от.  
Карвонини кузатингиз манзилигача.  
Инъом беринг, икки шаҳар хирожи қадар.

*(Ҳофизга)*

Хайр, устоз!

### ҲОФИЗ

Хайр, Амир!  
Аллоҳ ёр булсин!

### ЯСОВУЛ

Аълоҳазрат, Самарқанддан чопар бор.  
ТЕМУР

Кирсин.

*(Чопар киради)*

Хўш, омонми ёру дўстлар, доруссалтанат?

### ЧОПАР

Бари омон!  
Эрта-ю кеч фахру гурурла  
Ҳақингизга дуо қилиб яшар Самарқанд.  
Сизни буюк зафар билан қутламоқ учун  
Мунтазирдир йўлингизга катта-ю кичик.

### ТЕМУР

Қандай хабар келтирмишсан?

### ЧОПАР

Хитойдан мактуб,  
Чин фағфуриг элчилари олиб келмишлар.

### ТЕМУР

*(Чопарга)*

Сен озодсан.

*(Мактубни ўқий бошлади)*

Бу қандайин қабоҳатким, Чин ҳукмдори  
Биздан ўлпон талаб қилмиш!

Сурбет, муттаҳам!

Бир замонлар Шарқ ва Шимол узра ястанган  
Туркийларнинг худудларин забт этди улар.  
Ҳатто Шошнинг тоғларидан маъдан конларин  
Хонбалиққа ташиб кетди, еб тўймас юҳо.  
Мўғулларнинг даштларин ҳам олдилар босиб.  
Оёқ ости қилди қанча мусулмонларни.  
Мен дунёнинг тенг ярмини фатҳ этибману  
Кенжа фарзанд эмишман у осмон ўғлига.  
Тавба қилдим!

Мантқиқ қани ?

Адолат қани?

Мен уларни ўрнатгумдур Хитой ерида.  
Ёраб, қандок яратгансан кажрав фалақни.  
Мени кимдир айблади-ю мен эса кимни...  
Ҳали Миср тупроғида қилар ишим бор,  
Тинчитмоғим керак ҳали ўжар Қоғозни.  
Иншооллоҳ, барчасини удалайдурман,  
Лекин шу зум нетмоқ керак?

*(Ясовул киради)*

### ЯСОВУЛ

Олампаҳо, шошининч хабар.

### ТЕМУР

Тагин не гап?

### ЯСОВУЛ

Бандаликни бажо қилмиш Султон Боязид.

### ТЕМУР

*(Фотиҳага қўл тортиб)*

Худо уни раҳмат қилсин.

Ўлим муқаррар.

*(Ясовулга)*

Етказингиз амирлару шаҳзодаларга,  
Таъзияга кечикмасдан етиб боргаймиз.

*(Ясовул чиқади)*

Ғалати бир ҳикмат бордир бу ҳодисада,  
Иродасиз бўлар демак такаббур одам.  
Такаббурнинг қуролидир демак ўжарлик.

Мағлубият юкини у кўтаролмабди.  
Султонга хос хурматини қилгумдир лекин.

### ЯСОВУЛ

Олампаноҳ, чопар келди Қора Ҳисордан.

### ТЕМУР

Кирсин дарҳол!  
Тинчлик бўлсин илойим, бу гал .  
(Чопар киради)  
Саломатми амирзода Муҳаммад Султон?

### ЧОПАР

Олампаноҳ, минг афсуски...

### ТЕМУР

Тирикми ўзи?

### ЧОПАР

Умрлари узок бўлсин амирзодамиз  
Бетоб эрур, хийлагина бетоб ва лекин.

### ТЕМУР

(Ясовулга)

Сен кетабер,  
Етиб боргум.  
У бемор эди.  
Зора юмшоқ об-ҳавоси шифо бўлар деб  
Қора Ҳисор томонларга жўнатган эдим.  
У суюкли набирамдир, Валиаҳдимдир.  
Аллоҳ менга қаҳр ҳиссин қанча мўл берса,  
Юрагимга ўшанчалик меҳр ҳам солмиш.  
Мени енгса меҳр ҳисси енгар оламда.  
Азиз ўғлим Жаҳонгирдан айрилган чоғим  
Фарёд солдим.  
Тожу тахтни олгину худо,  
Болаларим жонларини менга қолдир, деб.  
Жаҳонгирдан набирам шул-Муҳаммад Султон,  
Наҳот унинг ҳаёти ҳам энди муаллақ.  
Бу тахт нима?  
Нима ўзи соҳибқиронлик?  
Қуршаб олди бир-биридан ноҳуш хабарлар.  
Қўлга олгин ўзингни эй, Темур Тароғай,  
Барча ишга улгурмоғинг, енгмоқлигинг шарт.  
(Қарс уради)  
Кунўғлонга эгар уринг!  
Отни ҳозирланг!

### ПАРДА

### IV-САҲНА

(Бибихоним жомия масжиди олдидagi майдон. Бибихоним юккак курсида. Атрофида Девонбеги, Шаҳар доругаси, аёнлар, кўриқчилар. Уртага Амир Темур тахти қўйилган.)

### БИБИХОНИМ

Нусрат зафар соҳибқирон қайтиб келмоқда  
Пойтахтига-ўз муборак Самарқандига.  
Ҳазратимнинг хоҳишларин сўзсиз бажариб  
Мен ул зотни масжидимда кутиб олгайман.  
Салтанатнинг аёнлари - аркони давлат  
Кешга кетди - Жаҳонгирга пешвоз чиқмоққа.  
Ҳаётимнинг энг чароғон кунларидан бу,  
Яна буюк бир зафарнинг шохиди бўлдим.  
Зафар тўйи, набиралар тўйи кетма-кет  
Давом этар Регистондан Конигилгача.  
Етти иқлим элчилари етиб келмишлар.  
Интиқ бўлиб кутаётир Жаҳонгирни халқ.  
Девонбеги, биз курдирган бу жомия масжид  
Соҳибқирон назарига лойиқ бўлурми?

### ДЕВОНБЕГИ

Шоён лойиқ,  
Шоён лойиқ!

Тенги асло йўқ!

### БИБИХОНИМ

(Рўбарўдаги кичикроқ масжидни кўрсатиб)

Олампаноҳ номидаги у масжид эса  
Бизниқидан сал мўъжазрок  
Хижолатдаман.

### ДЕВОНБЕГИ

Иккиси ҳам мансуб ахир бир хонадонга.

### БИБИХОНИМ

Хожа Юсуф!  
Самарқанднинг Сиз доругаси,  
Таптана-ю тўйлар учун шаҳар тайёрму?  
Конигилда базм бўлгай қирк кеча-кундуз.

### ХОЖА ЮСУФ

Маблағимиз сарф айладик маликам, буткул,  
Ташвиш тортманг, Олампаноҳ ҳушнуд бўлгайлар.  
Ақча етмай, қийналишиб қолган фурсатда  
Раъиятга солиқ солдик.

### БИБИХОНИМ

Бемаъни бу иш!  
Жаҳонгирни кутиб олиш кунлари, атай  
Чўп тикқанга ўхшайсиз-ку ари иннига.  
Ер юзининг адади йўқ барча бойлиги  
Самарқандга оқиб турган шундай замонда  
Раъиятга Сиз ортиқча солиқ солибсиз.  
Бир кори ҳол бўлмасайди, кўнглим сезмоқда.  
Ана, майдон тўлаётир ҳалойиқ билан,  
Самарқанд хўб соғинибдир валинеъматин.  
Карнай, сурнай, нағоралар шай бўлсин, Хожа,  
Салтанатнинг тарихида улуг кун бу кун.

### ҚОРОВУЛБОШИ

Хоним ойм, Сизнинг берган буйруққа кўра  
Келтирмишлар уч нафар ёш муллаваҷчани.

### БИБИХОНИМ

Олиб келинг, улар ғалат ҳаёлкашдирлар.  
(Учта муллаваҷча таъзим ила яқин келадилар)  
Кеча тунда, одатимча шаҳар айлаиб,  
Бир мадраса ховлисига ташриф буюрдим.  
Бу-учовлон хужранишин, суҳбат қиларди.  
Бирини дерди: -Ох, имконим бўлсайди агар  
Ҳозир палов ошар эдим, тўйгунча роса.  
Иккинчиси айтар эди: -Кўлимга тушса  
Ухламасдан ўкир эдим фалон китобни,  
Ғоят кизиқ учинчисин армони эса,  
У дер эди -Қани, тақдир насиб этса-ю  
Бибихоним висолига бир зум етишсам.

### ДЕВОНБЕГИ

Чакки эмас хумпарларнинг иштаҳалари,  
Аниқласак бўлар эди учинчисини.

### БИБИХОНИМ

Ошни орзу қилганингиз қайси бирингиз?

### БИРИНЧИ МУЛЛАВАҶЧА

У-мен эдим.

### БИБИХОНИМ

Девонбеги, бу йигитчага  
Серёғ, сергўшт битта палов ясаб бергайсиз.  
Илму фанга ружу қилган қайсингиз эди?

### ИККИНЧИ МУЛЛАВАҶЧА

Китобни мен тилагандим, ҳазрат маликам.

### БИБИХОНИМ

Самарқанднинг улуг, номдор бир олимига

Шогирдликка берилсин у.  
Нияти қутлуг.

*(Учинчи муллаваччага)*

Демак сенсан ошиқ бўлган Бибиҳонимга?

### УЧИНЧИ МУЛЛАВАЧЧА

Мен иқрорман!  
Жазо беринг, энг олий жазо.

### ДЕВОНБЕГИ

Рухсат беринг, ўша гапни айтган тилини  
Шу захоти таги билан сугуртирайин.

### БИБИХОНИМ

*(Муллаваччага)*

Мен-Темурнинг завжасиман,  
Ҳой, муллавачча,  
Жавобим ҳам, жазоим шул:  
Етишолмассан!

*(Девонбегига)*

Девонбегини, Самарқанднинг энг гўзал қизин  
Бу йигитга олиб беринг.  
Тамом.  
Вассалом!

*(Отлиқ жарчи майдонга шитоб билан кириб келади).*

### ЖАРЧИ

Соҳибқирон Самарқандга кириб келмоқда,  
Соҳибқирон Самарқандга кириб келмоқда.  
*(Халойиқда улуг бир жонланиш. Карнай сурнай садолари.*  
Амир  
Темур жамиъ масжиди олдида отдан тушади. Поёндозлар  
тушалган.  
Бибиҳоним Амир Темурга нисор-сочқилар сочади).

### ТЕМУР

*(Халойиққа)*

Салом бўлсин фирдавсмонанд Самарқандимга.

### ХАЛОЙИҚ

Салом бўлсин соҳибқирон Амир Темурга,  
Салом бўлсин, соҳибқирон Амир Темурга.  
Зафар ва шон муборақдир Улуғ Темурга  
Зафар ва шон муборақдир Улуғ Темурга.

*(Бир қария олдинга чиқади)*

### ҚАРИЯ

Салтанату мамлақату халқлар бахтига  
Умрлари боқий бўлсин Соҳибқироннинг,  
Илоҳи Омин!

### ХАЛОЙИҚ

Омин!  
Омин!  
Илоҳи Омин!

### ТЕМУР

Биз ким, мулки Турон,  
Амири Туркистонмиз.  
Бизким, миллатларнинг  
Энг қадими ва энг улуги  
Туркнинг бош бўғинимиз!  
Аллоҳимнинг ирода-ю инояти-ла  
Ер юзининг тенг ярмини қўлга киритдик.  
Забт айладик Румо юртин,  
Мисру Шомни ҳам.  
Яловимиз дини Ислом учун барқ уриб,  
Шамширимиз адолатни ҳимоя қилди.

Не ботирлар ҳалок бўлди буюк жангларда,  
Жаннат ато қилган бўлсин уларга Аллоҳ.  
Илоҳи Омин!

### ХАЛОЙИҚ

Илоҳи Омин!

### ТЕМУР

Ер юзида енгилмас бир салтанат туздик,  
Қовуштирдик бошларини не-не халқларнинг.  
Самарқанднинг қутлуг номи бизни харқайда  
Қўлаб турди, йўллаб турди ғалаба томон.  
Қирқ кун зафар нашидасин сурсин Самарқанд,  
Етти иқлим тўй ўтказсин биз билан бирга.  
Фармоним шул:  
Зиндонларда банди ётганлар  
Бугунданок авф этилсин,  
Озод этилсин.

### ХАЛОЙИҚ

Минг бор қуллук Олампаҳоқ марҳаматига,  
Минг бор қуллук Олампаҳоқ марҳаматига.

### ҚАРИЯ

Аълоҳазрат, фармонингиз ғоят ўринли,  
Шу тахлитда ҳиммат қилган пайғамбарлар ҳам.  
Бордир лекин фармонгача банди бўлмаган  
Озод юрган турли-туман жиноятчилар.

### ТЕМУР

Улар кимлар?  
Айтинг менга Самарқанд аҳли,  
Ер юзини олибмизу адолат учун,  
Наинки, ўз юртимизда бепарво бўлсак.

### ҚАРИЯ

Эл-юрт тўйди доруғанинг қилмишларидан.

### ХАЛОЙИҚ

Тўйдик! Тўйдик!

### ТЕМУР

Қилмиши не?

### ҚАРИЯ

У порахўрдир!  
У жарима ундиради бўлар-бўлмасга.  
Текин бўлса, мушуги ҳам офтобга чиқмас,  
Фақатгина фикр қолди солиқдан холи.

### ТЕМУР

Фуқародан уч нафари гувоҳлик берсин.

### ХАЛОЙИҚ

Олампаҳоқ, биз барчамиз гувоҳмиз, гувоҳ!

### ТЕМУР

Самарқанднинг доруғаси дорга тортилсин!

### МУҲАММАД ҚОВЧИН

*(Олдинга чиқади)*

Аълоҳазрат, мен қулингиз Муҳаммад Қовчин.

### ТЕМУР

Бир томчи қон кўзларига селдек кўринган,  
Ғанимларнинг бошларига ачинган Қовчин,  
Не иш билан машғулдирсен?  
Тилагингни айт?

### МУҲАММАД ҚОВЧИН

Беҳушдекман мен саройдан кетгандан бўён,  
Навкарликка олмадилар, ёшинг ўтган деб.  
Эрта-ю кеч қушхонада жонлиқ сўяман.  
Азбаройи, қалласини олганда, молни  
Мен ўзимча, ёвингиз деб хаёл қиламан.

Аълоҳазрат, қассобларда инсоф қолмаган,  
Мижозларни алдайдилар, худодан кўркмас  
Менинг ўзим гувоҳдирман, кўрдим барчасин.

#### ХАЛОЙИҚ

Хақ гап!  
Хақ гап!  
Қассоблар ҳам жазога лойиқ!

#### ТЕМУР

Хар даҳада бир нафардан инсоф қассоб  
Ўзи қурган қанорага осиб кўйилсин!  
Сен-чи, яна саройга қайт, Муҳаммад Ковчин.

#### БИБИХОНИМ

Аълоҳазрат, пойингизга жонимиз инсор,  
Сиз сафарда вақтингизда Самарқанд ичра  
Бунёд бўлди неча сарой,  
Неча-неча боғ,  
Неча-неча мадраса-ю  
Не-не масжидлар.  
Булар бари фармонингиз ижроси эрур.  
Назар солинг масжидимга.

#### ТЕМУР

Муборак бўлсин!  
Ғоят нозик ҳам мунаққаш  
Маҳобатлидир.  
Безаклари ҳуснингиздан нухадир гўё.  
Хайбати-ю салобати Маликага хос.  
Тарихда у Бибихоним масжиди дея  
Алал-абад қолгувсидир.  
Ғоят мамнунмен!  
Рўбарўда турган анов нечук иморат?  
Бул масжиднинг қошида у товуқ катаги...

#### БИБИХОНИМ

Олампадох, кечинг бизнинг гуноҳимизни,  
Не аламки, ўша масжид Сизга аталган.  
Маҳмуд Довуд деган ношуд бир вазиримиз  
Бунёд этган уни маккор доруға билан.

#### ТЕМУР

Сизнинг улуг  
масжидингиз унинг қошида  
То ҳижолат чекмагайдир асрлар ўтгач.  
Олам аҳли кўзи тушмай, бузингиз уни.  
Вазир эса Самарқанддан қувғин қилинсин.  
Маъзур тугинг мени, Биби, ҳатто арслон ҳам  
Иллатлардан тозалармиш ўз ўрмонини.  
Одамлар-чи, айбларини яширар мудом,  
Оҳ-воҳ чекар бир кун келиб, қўлга тушганда.  
Тили бошқа, дили бошқа лўттибоз зотлар  
Подшоҳини алдамоқчи бўлар, ҳай аттанг.  
Мамлакатни бузадиган асли ўшалар.  
Ҳукмдорлар сева туриб фуқароларин  
Умид ҳамда кўрқув аро сақлаши даркор.  
Биби, Сизнинг одамларга меҳрингиз чўнгдир,  
Нобакорлар дуч келмаган ғазабингизга.  
Шул сабабдан улар Сиздан чўчимамай кўйган.

#### БИБИХОНИМ

Олампадох, то одамзод яшар заминда  
Ўтмагандир ва ўтмагай Сиздек ҳукмдор.

#### ТЕМУР

Афсуски, мен шамшир билан дўст бўлдим кўпроқ,  
Машғалага ўзин урган парвоналардек  
Куйиб кетди қанча одам гуноҳ-беғуноҳ.  
Иншооллоҳ, ювгайдирман, доғларим бўлса...  
Мен ғолибмен!  
Айни чоғда мағлубдирмен ҳам.  
Қазо қилиб набирамиз Муҳаммад Султон  
Буқилмаган бу қадимни букди-ю кетди.

Унинг учун бир макбара қургаймиз, балки,  
Аллоҳ билар, ётгайдирман унда ўзим ҳам.

#### БИБИХОНИМ

Аълоҳазрат, йироқ бўлинг ғамгин ўйлардан,  
Мана баҳор авжга кирди, Сиз ҳам авждасиз.  
Зафарингиз байрамга қўшалок қилиб  
Ўтказурмиз набиралар никоҳ тўйларини.  
Кониғилда базм бўлар кирқ кеча кундуз.  
Тўйбоши Сиз, Сиз уларни қўтиб олғайсиз.  
Энг аввало, жуфт-жуфт бўлиб келин-куёвлар  
Дуонгизни олмоқ учун саломга келур.  
Ана улар фурсатингиз пойлаб турибди.

#### ТЕМУР

Тўйни бошланг!  
Сочкиларни ҳозирланг, Биби.  
*(Бибихонимнинг ишораси билан келин-куёвлар яқин кела бошлайдир. Муסיқа садолари, ҳофизлар хониши. Раққосалар хиромии).*

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврўзи,  
Кечди баҳмал замҳарир киш, қолмади қори, бузи.  
Кун келу минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,  
Тонг бализлаб нақши бирлан безанур бу ер юзи.  
Киришани қор қани англик боқса тоғлар сурати,  
Тўнлики тангсуқ йипардин Рум, Хитой атлас чузи.  
Кўкда ўйнар, қўл солишур қуғу қоз, қил, қарлуғоч,  
Ерда юғруб жуфт олишур ос, тийинг киш, қундузи.  
Лола сағроқин ичарда сайрар усруб сандувоч,  
Турна ун тортиб ўтарда секрашур бақлан кузи.  
Хури ин ужмоҳ ичинда енг солиб таҳсин қилур,  
Ёз уза мундоқ ғазаллар аймишда Носир Рабғузий.

*(Сокин ва латиф муסיқа янграб туради. Бошлари узра сўзана соябон остида келин -куёвлар жуфт-жуфт бўлишиб, Соҳибқирон олдидан таъзим ила ўта бошлайдилар. Исиқлар тутатилади).*

#### БИБИХОНИМ

Аълоҳазрат, набирамиз Мирзо Улуғбек  
Амирзода Шохруҳнинг ўғли.

#### ТЕМУР

*(Сочқи сочади.)*

Бахтли бўлинг, қўша қаринглр.

#### БИБИХОНИМ

Набирамиз Иброҳим Султон,  
Амирзода Шохруҳнинг ўғли.

#### ТЕМУР

*(Сочқи сочади.)*

Бахтли бўлинг, қўша қаринглр!

#### БИБИХОНИМ

Набирамиз Ижил Мирзо,  
Амирзода Мироншоҳ ўғли.

#### ТЕМУР

*(Сочқи сочади.)*

Бахтли бўлинг, қўша қаринглр.

#### БИБИХОНИМ

Набирамиз Сиди Аҳмад,  
Амирзода Умаршайх ўғли.

#### ТЕМУР

*(Сочқи сочади.)*

Бахтли бўлинг, қўша қаринглр.

#### БИБИХОНИМ

Жиянингиз Бойқаро Мирзо.

**ТЕМУР***(Сочқи сочади.)*

Бахтли бўлинг, кўша қаринглари.

**БИБИХОНИМ**

Аълоҳазрат,  
Ваъдангизга риюя айлаб,  
Набираминз Зубайдани бунга узатдик,  
Бу - Қосимбек.

**ТЕМУР***(Сочқи сочади.)*

Бахтли бўлинг, кўша қаринглари.  
Жуфти билан барқарордир Инсон боласи,  
Сиз ҳам биздек ували-ю жували бўлинг.  
Омин!

**ҲАММА**

Омин!

**БИБИХОНИМ**

Қонигилга йўл олгайдир келин-куёвлар,  
Мунтазирдир Тўқал хоним, Боғи Дилкушо.

**ДЕВОНБЕГИ**

Муборақбод этмоқ учун ҳазратимизни  
Яқин-йироқ ўлкалардан меҳмонлар келмиш.  
Олампаҳо, Шаҳри Кешдан-Ота макондан  
Қутлагали қариндошлар ташриф буюрмиш.  
*(Олтин эгар жабдуқли отни етаклаб  
кешиклар яқин келадилар)*

**ТЕМУР***(Улардан бирига)*

Исминг недур?

**МАЪРУФ**

Исминг Маъруф, тағойингиз Жонузоқ ўғли,  
Сиз от сурган у чўлларда йилки боқаман.  
Бу аргумоқ тулпорингиз Кунўғлонга хеш.

**ТЕМУР**

Кенг дунёнинг қадам етмас бир бурчагидан  
Агар қўйиб юборсалар кўзимни боғлаб,  
Хеч адашмай шаҳри Кешни топиб келардим.  
У жойдадир ота-онам хоки покларни,  
Мангу ором олар унда ўғлим Жаҳонгир.  
Кечагина тавоф қилдим мазорларини.  
Кешдан тортиб Занжир Сарой ҳудудларида  
Энг беғубор йилларимни ўтказган эдим.  
Жанг-жадалдан ҳориб-чарчаб қайтган маҳали  
Тушларимга кирар ўша осуда дамлар.  
Хотирлайман пойгалару кўпқариларни.  
Менинг асл зуламни пишитган у юрт,  
Икки дунё қарздорман унинг қошида.  
Кешдан келган меҳмонларга тўн кийдирилсин!

**ДЕВОНБЕГИ**

Олампаҳо, сарандиблик элчи мунтазир.  
*(Сарандиб элчиси яқин келади)*

**ТЕМУР**

Сен кўзимга ғоят иссиқ кўринмоқдасан,  
Исминг недур?

**БОРЧИК**

Исминг Борчик.

**ТЕМУР***(Қаҳ-қаҳ уради)*

Ўша Борчикми?  
Қабулимдан сени бир вақт ҳайдаган эдим,  
Маъзур тутгин, ҳаёлимни банд этганди жанг.  
Энди сенга, хуш келибсан, марҳабо дейман.

**БОРЧИК**

Аълоҳазрат, шу бемаъни исминг туфайли  
Даққи едим. Мени бу бор айбга буюрманг.  
Сарандибдан ўрмон шоҳи-шерни келтирдим  
Сизнинг қутлуғ тўйингизга тўёна бўлгай.  
*(Қафасда шерни келтирадилар)*

**ТЕМУР**

Бироз ноҳуш, ўрмон шоҳин қафасда кўрмоқ,  
Сарандибнинг шоҳи лекин озод юрса бас.  
Ва, албатта тўнга лойиқ ҳазрати Борчик.

**ДЕВОНБЕГИ**

Ифранж юрти - Испаниё элчиси келмиш.

**ТЕМУР**

Клавиҳо, бизнинг эски биродаримиз,  
Айт-чи, ўғлим, қиролингнинг аҳволи нечук?  
Унга жамъи эзуликлар ёр бўлсин дейман.

**КЛАВИХО**

Қиролим ҳам Сизга мудом соғлиқ тилайди,  
Қарвон билан етиб келгай унинг тухфаси.  
*(бир альбом узатади)*  
Аълоҳазрат, бул муракка дафтгарда эса  
Испан юртин жилолари тасвир этилган,  
Шаҳарлари, қасрлари, манзаралари...

**ТЕМУР***(Мураққани варақларкан)*

Ғоят ноёб совғадир бу.

Сенга ташаккур!

*(Девонбегига)*

Шоён ҳурмат кўргазингиз Клавиҳога,  
Саруполар ҳадя этинг шоҳона, олий.

**ДЕВОНБЕГИ**

Тўйга ташриф буюрмишлар андижонийлар,  
Бир минора ясамишлар момик пахтадан,  
Тепасида қанот ёйиб турибди лайлак.  
*(Андижонликлар кириб келадилар)*

**ТЕМУР**

Фаҳр этурман мен халқимнинг санъати билан,  
Унинг кўнгли худди ўша пахтасидек оқ.  
Сийловларни аямангиз улардан асло!

**ДЕВОНБЕГИ**

Ўрусия вакиллари навбат кутмоқда!

**ЎРУСИЯ ЭЛЧИСИ**

Тўёнаминг қабул қилинг, ҳазрати Темур,  
Олиб келдик олмос кўзли олтин қарчиғай  
Ва силовсин муйнасидан тикилган пўстин.

**ТЕМУР**

Ташаккурим айтадурман қарчиғай учун,  
Дўст бўлгай у голиб Турон бургути билан,

*(Девонбегига)*

Ўрисларнинг елкасига зарбоф тўн ташланг.

**ДЕВОНБЕГИ**

Аълоҳазрат, етиб келди Чин элчилари.

**ХИТОЙ ЭЛЧИСИ**

Салом бўлсин Сизга Осмон мамлакатидан.  
Бизнинг улуғ подшоҳимиз -Чиннинг фағфури  
Сизга мактуб йўлаганди.

**ТЕМУР***(Асабийлаша бошлайди)*

Олдим.

Ўқидим.

Жавобини ўзим бориб айтурман унга.

### ХИТОЙ ЭЛЧИСИ

Улуғ Амир,

Жавобингиз эшитдик, аммо

Совға билан келолмадик ҳузурингизга,

Чунки бизнинг фағфуримиз-

Чин ҳуқумдори,

Сиздан Ўлпон талаб қилиб юборган эди.

### ТЕМУР

Кимки келмиш бизни дилдан қутламоқ учун

Барчасига ҳуш келибсиз,

Марҳабо деймиз.

Аммо ўша қарорини эслатиб қўяй:

Мен ким амир Темур,

Иродам шул,

Қасамёдим шул:

Бўйсунмадим,

Бўйсунмасман босқинчиларга.

Жавобимда очиқ ойдин айтган эдим-ку?!

Мен халқ билан подшоларни фарқлай оламан.

Менга совға саломларнинг қиммати йўқдир.

Хей, сен элчи?!

Сен чинакам нодон экансан!

### ЭЛЧИ

Буюрилган юмушни мен адо қиламан.

### ТЕМУР

*(Ўзини аранг тутиб)*

Эшит элчи:

Ҳар не бало келар қўлимдан,

Фармонимни олгин ҳарфла ўйиб танинга

Жўнатишим мумкин эди, сабр этдим бироқ,

Сира душман эмасман мен сенинг халқинга.

Конфуцийни биласанми?

### ЭЛЧИ

*(ҳайрат билан)*

У - бизнинг пир-ку!

### ТЕМУР

Шундай зотни етиштирган сизнинг Чинлар-ку?

Ул зот айтмиш:

Оддийгина кийик боласин

Асраб қолган

Ноил эрур

Жаннат васлига!

Билдингми сен!?

### ЭЛЧИ

Бироқ, Амир,

Фағфуримга не деб айттайин?

Ўлпон беринг, ўз юртимга энди қайтайин.

### ТЕМУР

Халқимизда бир муқаддас одат бор, яъни

Ким бўлмасин - меҳмон келса озор берилмас.

Сиз яхшиси, Конирилга - базмга боринг.

Бироқ менинг рухсатимсиз, шу зумдан бошлаб

Самарқанддан бир қадам ҳам нари жилмайсиз.

*(Хитой элчилари узоқлашадилар)*

### БИБИХОНИМ

Қандай журъат этмиш Сизга Чин ҳуқумдори,

Бу қадрли сурбетликни жаҳон ҳўрмаган.

Не ҳайратки, аълоҳазрат, тоқат қилдингиз.

### ДЕВОНБЕГИ

Бамисоли тиги ўтқир, кесқир қиличга

Беш панжасин телбаларча урмоқчи улар.

### ТЕМУР

Фағфур биздан ҳатто ўлпон талаб қилмоқда.

Аён гапки, куни битмиш Чин ҳуқумдорин.

### БИБИХОНИМ

Олампадох, наҳот яна бошланур уруш?!

### ТЕМУР

Иблисдан ҳам баттар ахир гап уқмас улар,

Истайдики, биз уларга қарам, қул бўлсак.

Истайдики, тобе бўлса аҳли мусулмон.

Менга фағфур мамлакатин тахти керакмас.

Лекин мазлум элатларни озод этурман.

### БИБИХОНИМ

Одамзотга раҳм айлагил, ё Парвардигор,

Инсоф бергил султонларга, ҳуқмдорларга .

Ҳазратимнинг от устида ўтмоқда умри .

Бир инсонга шунча юмуш,шунча ташвишми?

Халоватни қачон кўргай менинг Амирим?

Аълоҳазрат, ёнингизда бўлғум мен энди.

### ТЕМУР

Сиз ҳозироқ Конирилга жўнанг, Малика,

Онагинам Некўзбегим мақомида Сиз

Келинлару қуёвларга бош-қош бўлғайсиз.

Ортингиздан етиб борғум мен ҳам албатта.

*(Бибихоним ва бошқалар кетадилар)*

Буқаламун, сен қайдасан?

### БУҚАЛАМУН

*(Буқаламун дафъатан пайдо бўлади).*

Лаббай, ҳазратим!

### ТЕМУР

Кўзларингни қисиб, энди Хитой бўлғайсан.

Етиб боргин Чин давлатини ҳудудига сен.

Минглаб оту тойчоқларни харид қилгину

Чегарага яқин жойда шайлаб, боқиб тур.

Лашкар билан жуда узоқ йўл босиб боргач,

Хориб толган отларни биз алмаштиргаймиз

Иншооллоҳ, тез орада чиқғум сафарга.

### БУҚАЛАМУН

Аълоҳазрат, отам асли от жаллоб ўтган,

Йилқи зотин мен танийман, йилқи ҳам мени.

У жойларда падаримнинг танишлари кўп,

Ишончингиз ўзи менга омад бағишлар.

### ТЕМУР

Балли, ўғлим, йўлинг қутлуг, бехатар бўлсин.

*(Буқаламун кетади)*

Эвоҳ, мени авлодларим ким деб эслашур?!

Урушқоқ бир жаҳонгирми ё ҳақ посбони?

Ўлдирмасанг ўлдирурлар, тинчинга қўймас.

Адолат деб умрим бўйи курашдим, бироқ

Афсуски, у бўлмас экан жангу жадалсиз.

Бир ёғини тикласанг гар дунё деворин,

Нураб кета бошлар экан иккинчи ёғи.

Асли нима етмайди бу ҳуқмдорларга?

Унвонлари шоҳ бўлса ҳам, адоватга қул.

Тағин бир бор амин бўлдим, буткул жаҳонни

Бошқармоғи керак экан ягона бир зот.

Умр эса ўтаётир оққан дарёдек.

Ер юзини Чин хавфидан қутқазмоқ шартдир.

Ҳозир эса Конирилга бормоқлик лозим

Тўй ҳам мени шошилтирар, ўй ҳам қўймайди.

### Парда

### V-САҲНА

*(Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси. Тонг пайти Мақбара эшигидан Амир Темур ҳорғин ҳолда чиқиб келади. Уни оппоқ соқолли, нуроний бир дарвиш қариши олади).*

ДАРВЕШ

Ассалому алайкум!

ТЕМУР

Ваалайкум ассалом!  
Биздан олдин салом фарзин адо этдингиз,  
Валлох биздан улуг эрур Сизнинг ёшингиз  
Сиз кимдирсиз, субхидамлек нуроний бобо?

ДАРВЕШ

Мен бул жойга келиб-келиб тургувчи дарвиш,  
Сизни эса биз таниймиз.  
Сиз Амир Темура.  
Аълоҳазрат, тунни яхши ўтказдингизми?

ТЕМУР

Бобомизнинг пойларида бедор ўлтириб,  
Рухларига ором сўраб тиловат қилдим.

ДАРВЕШ

Ҳоят мақбул!  
Шод бўлгуси руҳлари бешак,  
Бизнинг улуг Хожамизда каромат бисёр.

ТЕМУР

Тонгга яқин бир дақиқа кўзим илинмиш,  
Ўшал онда ҳазрат гўё намоён бўлди.

ДАРВЕШ

Бир султонга меҳмон бўлса иккинчи султон,  
Мезбон томон илтифотлар қилгай, шубҳасиз.

ТЕМУР

Йўк, илтифот қилмадилар, афсус, минг афсус,  
Ҳолбуки, мен болалиқдан ўсиб улгайиб  
Бир нафас ҳам ул ҳазратга шак келтирмадим.  
Боборакот сулукига содиқлигимдан  
Қурган эдим маҳобатли бул мақбарани.  
Ёнларида тикдим, ана, чодиримни ҳам.  
(Темур мақбарага яқин жойдаги чодирини кўрсатади)  
Атрофимда минглаб эмас, юзминглаб лашкар  
Хожа Аҳмад Яссавийга талпинмоқдалар.

ДАРВЕШ

Сиз қай томон отланмишсиз? Йўлингиз қаён?

ТЕМУР

Ё, Аллоҳ деб кўшин тортидим Чин тарафларга.  
Бул азиз зот руҳи мени қўллаша дердим.  
Туни бўйи вужудимда сездим бир оғрик  
Бунинг акси бўлмоқлиги керак эди-ку?!

ДАРВЕШ

Сўнгги юз йил Туркистонда, Турон заминда  
Бундай совуқ бўлмаган ҳеч,  
Даҳшатли совуқ,  
Бир нафас ҳам кўзочирмас изгирин, бўрон.  
Кўзда ёш ҳам тўнғиб қолар соққадан чиқмай.  
Илло, совуқ голиб келмиш вужудингизда.  
Аълоҳазрат, мен фақирни маъзур тутгайсиз,  
Сафар қилмоқ шарт эдимиз шул қаҳратонда?

ТЕМУР

Сиз билмайсиз, ғаниматдир ҳар бир фурсатим,  
Лашкарларим эса обдон чиниққан, жасур.  
Совуқни ҳам улар ёвдек енга олади.

ДАРВИШ

Модомики, танангизга кирмишдир оғрик,  
Саксовулнинг оловида тобланинг, амир.

ТЕМУР

Саркарданинг таҳликаси - ожизлик демак,  
Мен лашкарга ибрат бўлиб турмоғим шартдир.  
Хайр, дарвиш!

ДАРВИШ

Хайр, Амир!

ТЕМУР

(Дарвишга қўл узатиб хайрлашаётганда бирдан нидо қилади)  
Ё, кудратингдан!

ДАРВИШ

Кўйворингиз кўлимни тез!

ТЕМУР

Йўк, қўйвормайман!  
Сиз Хизрсиз.  
Бесуякку бошбармоғингиз.

ДАРВИШ

Кўйвор, Амир!

ТЕМУР

Кўйвормайман!  
Аллоҳга шуқр.  
Тағин Сизга дуч келибман элик йил ўтгач.

ҲАЗРАТИ ҲИЗР

Ха, Хизирман.  
Тилагингни эшитмоғим шарт.  
Йигит чоғинг кўрингандим сенга илк дафъа.  
Аmmo энди нима етмас сенга Жаҳонгир?  
Яратганинг ирода-ю инояти-ла,  
Ер юзининг қоқ ярмини қўлга киритдинг.  
Тоҷу-тахтинг, хонадонинг, ҳадсиз мулкинг бор.

ТЕМУР

Барчаси бор.

ҲАЗРАТИ ҲИЗР

Унда яна нима истайсан?  
Фақатгина, Темур, мендан умр тилама.

ТЕМУР

Яратганга шуқр дейман барчаси учун  
Қанча умр берган бўлса шунча яшарман.  
Йиллар бўйи кийнаб келган саволларимни  
Ечсам дейман суҳбат ҳуриб бир Инсон билан.

ҲАЗРАТИ ҲИЗР

Сен дунёнинг неча улуг зотлари ила  
Мулоқатда бўлдинг, ахир шу етмадимми?

ТЕМУР

Қовоғимга қарашарди, афсуски, улар,  
Дилларини очмадилар одамга ўхшаб.

ҲАЗРАТИ ҲИЗР

Унда кимни хоҳлайсан сен, сўйла-чи, Темур?

ТЕМУР

Яссавийни кўрсатингиз, сўровим шулдир.

ҲАЗРАТИ ҲИЗР

Аллақачон кетган ул зот боқий дунёга,  
Олам бўйлаб кезиб юрар руҳлари лекин.  
Подшоҳларни худойимнинг сояси дерлар.  
Соҳибқирон истагини рад этмоқ мушкул.  
Сен тасаввур айла, Темур, шу сониядан  
Яссавий - мен!  
Мен - Яссавий!  
Тайёрман, мана!



### ТЕМУР

Тинсиз жангу жадал билан ўтди ҳаётим  
Балки қанча умрларга зомин бўлганман.  
Охиратда этагимдан тутмасми улар?

### ЯССАВИЙ

Оллоҳимнинг хоҳишига мувофиқ келса  
Икки дунё савоб эрур ҳар қандайин иш.  
Айт-чи, Темур, сен бесабаб қон тўкканмисан?

### ТЕМУР

Адолат ва дини Ислоҳ ҳимояси деб  
Ер юзини фатҳ айладим, тартиб ўрнатдим.

### ЯССАВИЙ

Улуғ, эзгу ниятларнинг рўёби учун  
Жангу жадал, қон тўқишлик шартмикан, амир?  
Энг аввало, ҳар бир банда нафсини тийсин,  
Бу дунёнинг неъматлари алдамчи, рўё,  
Охиратни ўйлаганлар қомил бўлғайлар.  
Тотлик-тотлиғ еганлар, турлик-турлик кийганлар,  
Олтин тахтада ўтурганлар туфроқ аро ётмишлар.  
Мулло муфти бўлганлар, ёлғон даъво қилганлар,  
Оқни қаро қилганлар, ул томуға кирмишлар.

### ТЕМУР

Магар инсон ўз нафсини тия олмаса  
Уни мажбур қилмоқ лозим, чорадир бу ҳам.

### ЯССАВИЙ

Ният қанча жозибали бўлса ҳам, Темур,  
Қилич билан мурод ҳосил бўлмоғи гумон.  
Сендан кейин билганини қилар одамзод.  
Инсонларнинг шуурига муттасил, тинсиз  
Қаноат ва инсоф ҳиссин сингдирмоқ керак.  
Ураберсанг ғаюр тортар ҳаттоки ит ҳам.

### ТЕМУР

Мен дунёда худди итдек талашиб ётган  
Баднафс, юҳо кимсаларнинг оғзини ёпдим.  
Ўзингиз-чи, ер тагига тириклай кириб,  
Не каромат кўрсатдингиз?  
Нима ўзгарди?

### ЯССАВИЙ

Юзим ёруғ бордим тангри остонасига,  
Мўминларга сабрим билан ибрат бўлолдим.  
Ҳикматларим ўлмай яшар, инсофга чорлаб.  
Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,  
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.  
Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,  
Доно топмай ер остига кирдим мано.

### ТЕМУР

Ҳа, инсонлар ер юзида қомил бўлолмас,  
Ахир нурдан яралмаган инсон боласи.  
Исботи бул:  
Шайтон ҳануз ишсиз эмас-ку!  
Кўча-кўйда тўп-тўп бўлиб зикр тушишдан  
Бир манфаат чиқармикан?  
Не дейсиз Ҳазрат?

### ЯССАВИЙ

Нега алла айтишади оналар мудом,  
Нега Куръон ўқилади кироят билан?  
Улар таъсир этгай аввал Инсон қалбига,  
Эзгуликка мойил қилар ёвузларни ҳам.  
Ғарибларни кўрган ерда огритмангиз,  
Ғарибларга ачигеланиб сўз отмангиз,  
Заиф кўриб ғарибларга сўз қотмангиз,  
Бу дунёда ғарибликдек бало бўлмас.

### ТЕМУР

Ҳазрат,

Сизнинг ҳикматларни дилимга жойлаб,  
Куч билан мен гап уқдирдим инсониятта.  
Мана, ҳозир Чин томонга лашкар торганман.  
Агар уни маҳв этмасам, мани маҳв этгай.

### ЯССАВИЙ

Эвоҳ, яна нафс дунёда тантана қилмиш.  
Нафсининг кучи голиб келмиш икки ёқда ҳам.  
Шул сабабдан, тушингда мен намоён бўлдим  
Рўйхуш бермай, безовта-ю тунд киёфада.  
Во ажабо иккимиз ҳам битта элданмиз,  
Тилимиз бир, динимиз бир, иймонимиз бир.  
Бир хил юмуш юкланмишдир иккимизга ҳам.

### ТЕМУР

Сиз ер ости, мен устида лашкар тузибмиз.

### ЯССАВИЙ

Сен тиг билай, мен сўз билан, бошқардим уни.  
Бироқ сенинг йўругингни ёқлайолмайман.  
Воз кеч, Темур, бу хатарли Чин сафаридан,  
Ёш бир жойга бориб қолгач, улат афзалдир,  
У дунёнинг сафарига тадорак лозим.  
Бу дунёда югурук отга мингучилар,  
Олмос-пўлуд қилич-қурни чорғучилар.  
Ажал келса бегухонни қўймас эрмиш.

### ТЕМУР

Мен умримда ғайри динлар баробарида  
Қонин тўқдим балки қанча мусулмоннинг ҳам.  
Буни талаб этар эди ахир адолат.  
Энди эса, тўқилган у қутлуғ қонларни  
Мажусийлар қони билан ювмоқчиман мен.  
Мен уларнинг зуғумини бир ёқли қилмай,  
Бу дунёдан кетолмасман, катъий адҳим шу!

### ЯССАВИЙ

Қайттин, Амир!  
Ҳар неки иш тақдирдан бўлғай.  
Сени қисмат қутаётир, ўзингни урма.

### ТЕМУР

Қуллук, Ҳазрат!  
Менга зафар тиланг, яхшиси,  
Гадолик ҳам қисмат эрур, шоҳлик ҳам қисмат.

### ЯССАВИЙ

Бошинг тошдан бўлсин, Амир!  
Қул Хожа Аҳмад сўзлагани Ҳақнинг ёди,  
Эшитмаган дўстларига қолсин панди,  
Ғурбатланиб ўз шаҳрига қайтиб ёнди,  
Туркистонда мазор бўлиб қолдим мано.  
(Яссавий гойиб бўлади. Темур бетоб бир аҳволда тепаликка -  
чодирини томон кўтарила бошлайди)

### ТЕМУР

Ўнгимми бу ё иситма алангасими?  
Аввал Дарвеш, кейин Ҳизр, сўнгра Яссавий...  
Биз билмаган сир-синоат кўпдир оламда.  
Гоҳи-гоҳи айтар эди раҳматли отам,  
Менинг фотиҳ бўлишимни тушда кўрганин.  
Кўп ғалати суҳбат қурди анави зотлар,  
Балки улар ростдан келди, балки хаёлдир...  
Не бўлса ҳам Инсон зоти ёлғиз қолмасин,  
Ҳеч бўлмаса гаплашсин у ўз-ўзи билан.  
(Темур оғир тин олади)

Вужудимда кучаймоқда тобора оғрик,  
Шууримни қоплаётир нохуш хаёлот.  
Наҳот сўнгги сафарим бу! Сўнгги манзил бу?  
Йўқ!  
Вужуднинг қутқусига қулоқ солмасман.  
Менинг руҳим метин кўрғон, асло қуламас.  
Икки дафъа менга заҳар берган эдилар.  
Неча бора кўкрагимга қадалди найза.

Бирок ўлмай қолдим-ку мен,  
Ўлмай қолдим-ку!

Магар ажал келганда ҳам, Самарқандимда  
Болаларим қуршовида жон берсам дердим.  
Мендан кейин салтанатнинг ҳоли не кечар!  
Наҳот яна бошланади парокандалик?  
Ҳар бир ишнинг оқибатин ўйламоқ даркор  
Фарзандларнинг укувига кўзим етарми?  
Барлос қони жўшармикан томирларида?!  
Жаҳонгирнинг ўғли Мирзо Пирмуҳаммад-чи?  
Бул набирам айни пайтда она томондан  
Олтин ўрда тахтига ҳам ворис бўлолмай.  
Балки унга топширурман валиаҳдликни.  
Эҳ-хе, ҳали қанча гап бор у қуларгача.

*(Темур ўз чодирин олдида чиқиб боради. Уни амирлар,  
саркардалар ва бошқалар қарши оладилар)*

Сибирини совуғидан баттар бу совуқ,  
Лашкаримнинг ҳоли нечук?  
Тетикми руҳи?

#### БАРЛОС БАҲОДИР

Олампаҳо, хуш кўрасиз рост гапни доим,  
Ланжлик бордир аскарларнинг кайфиятида  
Қаҳратон киш таъсирдан албатта, бу ҳол.

#### ТЕМУР

Сартарошни чорланг буён!  
Яланг тепада лашкарларим кўз ўнгида соч олдираман.  
Токи ҳамма амин бўлсин:  
Совуқ писандмас  
Темурга ҳам, унинг ёвқур қўшинига ҳам!  
Биз ғалаба нашъасини сурганмиз ҳатто  
Изиллаган Ўрусия ўрмонларида  
*(Сартарош келади. Темур сартарошга)*  
Ҳа, биродар, юрибсанми соғу саломат,  
Сен билан биз кезиб чиқдик ярим дунёни.  
Тошдан бўлган бу каллага назар ташла-чи,  
Битта-ярим тола борми эрмагинг учун  
*(Сартарош ишга киришади)*

#### САРТАРОШ

Олампаҳо, навқиронсиз, сочингиз ҳамон  
Ўспириннинг сочи каби қопқора, қуюқ.

#### ТЕМУР

Қулук сенга, қунгул учун айтган гапинга,  
Ушбу бошдан ўсиб чиққан қора савдони  
Ёлғиз ўзинг даф этгансан қиртишлаб, юлиб.  
Сени кўрсам гоҳо-гоҳо ўйлаб дейманки,  
Сартарошга ўхшаб кетар шоҳлар ҳам асли.  
Улар фақат қиртишлайди думалоқ ерни.

#### САРТАРОШ

Аълоҳазрат, Сиз ортиқча мўйларин кириб  
Гўзал хусн баҳш этдингиз ер деган бошга.

#### ТЕМУР

Иккиси ҳам ташвишлардан ҳоли бўлолмас.  
Ҳа шоҳларга суянгайдир юрда фуқаро.  
Аммо кимга суянсинлар шоҳларнинг ўзи?!  
Магар ношуд эглай олмас  
Подшоҳ кимга дардин айтиб, кимга арз қилсин?!  
Нагоҳонда ноҳақ ҳукм чиқариб қўйса  
Эл олдида у ўзини дорга тортсинми?!  
Унинг ўзи танлаб олган маслаҳатгўйлар  
Магар нобоп чиқиб қолса, кимни айбласин?!  
Товонига кирса агар чақиртиканақ  
Аламидан экинзорни пайдон қилсинми?!  
Сиз тунлари ухлагасиз оёқ узатиб,  
Шоҳни эса тергаб чиқар юрғоқ виждони.  
Ҳой, сартарош, имиллама, битказ ишингни,  
Ногаҳоний оғриқ турди бошимга шу кез.

#### САРТАРОШ

Қаҳратонда соч олдиранг демоқчи эдим,  
Бирок Сизнинг раъйингизни ким ҳам қайтарур.  
Ишим битди!

#### ТЕМУР

Битган каби менинг ҳам ишим...  
*(Ясовулга)*

Чодирдан чақирингиз Бибиҳонимни,  
Пирмуҳаммад ва Улуғбек бирга келишсин.  
*(Амирлару саркардаларга)*

Менинг содик амирларим, саркардаларим,  
Гапларимга қулоқ тутинг, ваҳима қилманг,  
Умидворман, яқдил бўлиб, мендан кейин ҳам,  
Салтанатга садоқатни сақлаб қолгайсиз.

#### АМИРЛАР, САРКАРДАЛАР

Олампаҳо, салтанатнинг Сиз-ку таянчи,  
Сизга боқий умр тилаб, камарбастамиз.

#### ТЕМУР

Ана, икки Мирзо билан келди Малика  
Бамисоли қўш юлдузни етаклаган ой.  
*(Бибиҳоним, Мирзо Улуғбек, Мирзо Пирмуҳаммад таъзим ила  
яқин келадилар)*

#### БИБИХОНИМ

Аълоҳазрат, йўқламишсиз...

#### ТЕМУР

Безовта қилдим,  
Безовталиқ таъкиб этар зеро бизни ҳам.

#### БИБИХОНИМ

У қандайин безовталиқ?  
Бонси нима?  
Аълоҳазрат, юзингизда нечун ҳорғинлик?

#### ТЕМУР

Юрагимда томчи-томчи гаплар йиғилмиш,  
Мен уларни тўқай дерман Сизга, Сизларга...  
Сен ёнимга яқинроқ кел, Мирзо Улуғбек.

#### МИРЗО УЛУҒБЕК

Аълоҳазрат!..

#### ТЕМУР

Ҳазрат эмас,  
Бобо дегил,  
Бобожоним де.  
Сени тийрак набирам деб суюб юраман.  
Иштиёқинг бисёр эмиш илму урфонга.  
Юлдузларнинг тилини ҳам уқар эмишсан.  
Орзу этгум, пайти келиб, менинг наслимдан  
Зора осмон илмининг ҳам сардори чиқса.  
Юлдузларинг яхши гаплар айтсин, илоҳи,  
Улар сенга эзгуликдан берсин дараклар.  
Ўша кезлар бобожоннинг юлдузини ҳам  
Назарингдан қочирмагин, Мирзо Улуғбек.  
Мен-чи осмон пештоқидан абадий бедор  
Фахр билан кузатурман ҳар бирингизни.

#### БИБИХОНИМ

Аълоҳазрат, бундай гамгин ўғитлар нечун,  
Гапларингиз юрагимни тилкаламоқда.

#### ТЕМУР

Ҳеч бир банда бу дунёда мангу қололмас,  
Туғилмоқлик бор экан-ки, ўлмоқ ҳам бор гап.  
Фоний дунё Искандарга вафо қилдимми?  
Ёки вафо қилганмиди Чингизхонга у?  
Вужудимни мудҳиш оғриқ тамом чулғади.  
Бориб етди у миямнинг тубига қадар.

Ғоят аниқ кўринмоқда умрнинг шоми.

### БИБИХОНИМ

(Амирларга)

Табибларни чақиринг тез!

### ТЕМУР

Шошманг, Бибижон  
Улгурамит табибларнинг шифоларига.  
Ахир мен ҳам шошмоқдаман, улгурай мен ҳам  
Дилимдаги гапларимни айтиб қолишга.

### БИБИХОНИМ

Аълоҳазрат, бундай деманг.

### МИРЗО УЛУҒБЕК, МИРЗО ПИРМУҲАММАД

Бобо, бобожон!

### АМИРЛАР, САРКАРДАЛАР

Олампаҳоқ, Аллоҳ ўзи Сизни асрасин,  
Толеимиз офтобисиз, сўнмассиз асло!

### ТЕМУР

Баланд парвоз хитобларнинг мавруди эмас,  
Болаларим, хушёр бўлиб тинглангиз мени.  
Рухим қуши учишга шай, англаб турибман,  
Фойдаси йўқ, обидийда қилманг бекорга.

(Бибиҳоним унсиз йиғлай бошлайди)

Ҳаётимнинг чароғбони, - азиз маликам,  
Биби, Сиздан минг розиман, йиғламанг ортик,  
Мендан сўнг ҳам ўктам бўлиб оналик қилинг  
Салтанатга,

Фарзандларга,

Набираларга...

Ғарчи қолиб кетаётир қанча ниятим,

Мен суронли ҳаётимдан розиман, рози...

Буюк давлат барпо этдим,

Тангрига шукр,

Кўриклангиз, уни Сизга қолдирмоқдаман.

Золимларнинг тааррузли қўлларини мен

Мазлумларнинг этагидан юлиб ташладим.

Маслак ила тариқатни ҳимоя айлаб,

Монеъ бўлдим имонсизлик, зўравонликка.

Сиз миллатнинг дардларига дармон бўлингиз,

Йўқсулларни асло бойлар зулмига берманг.

Орангизга сира-сира тушмасин нифоқ,

Умр бўйи ҳазар қилинг мунофиқлардан,

Болаларим, хоинлардан бўлинг эҳтиёт,

Инсон зоти кўп нарсага чидайди, аммо

Ғар адолат поймол бўлса - тоқат қилолмас.

Адолат ва озодликни муқаддас билинг.

Йўлдошингиз бўлсин доим ақлу тажриба,

Ғар кимларнинг қутқусига дафъатан учманг.

Агар менинг гапларимга содиқ қолсангиз

Иншооллоҳ, бошингизга тош тушмағайдир.

Пирмуҳаммад Жаҳонгирни шу кундан бошлаб

Тоғу тахтим вориси деб эълон қиламан.

Ушбу кундан эътиборан Самарқанд тахти

Унинг ҳукми фармонида бўлғай, иншооллоҳ.

Сизлар унга мадад бўлинг,

Қўллаб-қўлтиқланг,

Токи олам бузилмасин, тўзмасин дунё.

Энди эса менинг содиқ кўмондонларим

Ёш амирга итоатнинг оминин айтинг!

### АМИРЛАР, ҚЎМОНДОНЛАР

(Йиғлашиб)

Соҳибқирон фармонига итоат айлаб,  
Йиғлай-йиғлай омин, деймиз, Илоҳи Омин.

### ТЕМУР

Жангу жадал орасида фурсат топган чоқ

Битик қилдим қоида-ю амалларимни.

Мен уларни атаганман Тузуқот дея.

Умидворман келажакда бу тузуқларим

Асқотгайдир салтанату авлодларимга.

(Темур қўйнидан Тузуқот китобини чиқариб, Мирзо

Пирмуҳаммадга узатади)

Тоғу тахтни мендай узоқ саклай десангиз,

Қиличингиз ўйлаб чекинг, бўлинг ҳамжихат.

Шунқорларим, адолатни дастур қилингиз,

Энг аввало, Ватан ила Миллатни асранг.

### ҚОСИМБЕК

(ўкраб йиғлаганча)

Ташлаб кетманг, Олампаҳоқ ташлаб кетмангиз.

### ТЕМУР

Сен, Қосимбек, нега бундай ўкраб йиғлайсан,

Ангорда айтганимнинг устидан чиқиб

Мен набирам Зубайдани бердим-ку сенга,

### БАРЛОС БАҲОДИР

Олампаҳоқ, мунтазирдир Сизга табиблар.

### ТЕМУР

Энди кечдир.

Мен чодирга кириб кетаман.

Ундан қачон қайтиб чиққум?

Билмасман ўзим...

### БИБИХОНИМ

(Фарёд солиб)

Олампаҳоқ ёнингизда бўлай то абад!

(Темур, унинг изидан Бибиҳоним чодирга кириб кетадилар)

### БАРЛОС БАҲОДИР

Кўзимиздан ниҳон бўлди улуг бир ҳаёт,

Унинг ёниқ нури эса ўчмағай асло.

Темур учун,

Миллат учун,

Хур Ватан учун,

Баҳодирлар,

Ғамдаст бўлиб,

Қалқинг оёққа!

### ТАМОМ





Баҳодир  
ХУСАНОВ



## Иқтисодимиз "ҳалқа"лари

*Маълумки, бизнинг замонамизда ҳеч бир давлат ўзини "Хитой девори" билан тўсиб, ихтоталанган ҳолда яшай олмайди. Бозор иқтисоди ҳам барча соҳаларда интеграцияни тақозо этади. Аммо интеграция қандай шаклда бўлмоғи керак? Бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси нимани кўрсатади?.. Шу ва шу каби бошқа бир қанча саволларга имкон қадар жавоб топиш учун биз ёш олим Баҳодир ХУСАНОВга мурожаат қилдик.*

Кейинги вақтларда матбуотда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари ўртасидаги интеграция тўғрисида кўп ёзилмоқда. Бу ўринда кўпчилик Европа Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕИХ) ва унинг интеграция натижасида эришган муваффақиятларини мисол қилиб келтиради.

Хўш, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти нима? У қандай ташкил топган? Ҳозирги ютуқларини қўлга киритиш учун унга қанақа муаммоларни ечишга тўғри келган? Шулар тўғрисида бироз тушунчага эга бўлмасдан туриб, дабдурустдан МДХ билан ЕИХни таққослаш унчалар ўринли эмас.

ЕИХнинг тузилиши 50-йилларнинг бошларида Европа кўмир ва пўлат бирлашмасининг пайдо бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу бирлашма кўмир ҳамда пўлат умумий бозорининг вужудга келишини таъминлаши, бу бозорга ҳукуматлар аралашинишга йўл қўймаслиги, қисқача қилиб айтганда, шу соҳада ишлаб чиқариш ва сотишни ўз назоратига олиши керак эди. Бу бирлашманинг яратилиши кўмир ҳамда пўлат ишлаб чиқариш тармоғига катта ҳисса қўшди, шу тариха ЕИХ юзга келишига туртки бўлди.

1951 йили олти Европа давлати - Франция, ГФР, Италия, Нидерландия, Люксембург, Белгия раҳбарлари ЕИХ тузиш ҳақида Рим битимига имзо чекдилар. 60-йилларда бу давлатлар атом энергиясидан тўғри фойдаланиш, умумий қишлоқ хўжалик сисъатини ишлаб чиқиш, ягона бож иттифоқига уюшиш масалалари билан шугулландилар.

70-йилларнинг бошларида Буюк Британия, Ирландия ва Дания каби давлатларнинг аъзо бўлиб кириши билан ЕИХ ривожланишининг иккинчи босқичи бошланди. Бу даврда ЕИХ Иқтисодий ва валюта иттифоқини босқичма-босқич яратиш режасини ишлаб чиқди. Натижада 1979 йили Европа валюта тизими барпо этилди.

ЕИХ доирасида интеграция жараёни ривожланишининг учинчи босқичи 80-йилларга тўғри келади. Бу даврда ЕИХ Греция, Португалия, Испания давлатлари ҳисобига янада кенгайди. Энг асосийси, бора-бора Европа ички бозорини яратишга муваффақ бўлинди. Учинчи босқичда маҳсулот, ишчи кучи ва сармоянинг тўсиқсиз бир мамлакатдан иккинчисига ўтиши учун шароит яратиш кўзда тутилган эди. Аслида, маҳсулотларнинг тўсиқларсиз ўтиши масаласи дастлаб 1959 йили кўтарилган ва у уч босқичда амалга ошиши мўлжалланган. Ҳар бир босқич 4 йилни қамраб олиши лозим эди. Шунга қарамадан бу масаланинг ечими 90-йилларга қадар давом этди.

Маҳсулотларнинг тўсиқсиз ўтиши дегани давлатлар ўртасидаги назоратни тўла бекор қилиш дегани эмас, албатта. Бунда, биринчидан, чегарадан олиб ўтилаётган маҳсулотлар

микдори олдиндан белгилаб қўйилмайди; иккинчидан, бож тўлови олинмайди. Лекин чегараларда контрабанда, гиёҳванд моддалар ва сифатсиз товарлар ўтказилиши қатъий назорат қилинади.

ЕИХ товарлар ички бозорини ташкил этишга катта қийинчиликлар орқали эришди. Масалан, Бож иттифоқи ташкил қилинганидан кейин, талай муаммолар юзга чиқди. Бож тарифи қандай аниқланиши зарур? Бу умумий Бож тарифи кимга фойдаю, кимга зарар келтиради? Унинг ишлаб чиқаришга таъсири қандай бўлади?

ЕИХ тажрибаси шуни кўрсатдики, интеграция жараёнига жалб қилинган давлатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодий қонун-қоидалари бир хил бўлмас экан, кимдир фойда олади, кимдир эса албатта зарар қўради. ЕИХ доирасида ишчи кучи, хизматлар ва сармоянинг эркин силжиши муаммолари ҳам жуда катта қийинчиликлар билан ҳал бўлмоқда.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, ЕИХ давлатлари доирасидаги интеграция сал кам ярим асрлик тараққиёт даврини бошдан кечирди.

ЕИХ ҳозирги интеграция даражасига, авваламбор ҳамжамият аъзоларининг ўз бозор иқтисодий тузилмаларини такомиллаштириши ва бир-бирига мослаштириши натижасида эришган.

ЕИХ тажрибаларини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнингча, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиёти интеграциясига кириб бориши бир неча босқичлардан иборат бўлиши керак. Ўзбекистон ўзининг ички бозорини ривожлантириш лозим. Буни биз, шартли равишда, интеграцион жараённинг биринчи "ҳалқа"си деб атаймиз.

Статистик маълумотларга қараганда, республикамизда ишлаб чиқарилаётган миллий даромаднинг 23,6 фоизи - саноатда, 43,9 фоизи - қишлоқ хўжалигида, 14,7 фоизи - қурилишда, 5,7 фоизи транспорт ва алоқа соҳасида, 12,1 фоизи эса бошқа соҳаларда ишлаб чиқарилади.

Кўриниб турибдики, миллий даромаднинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги ва саноатдан олинади. Шунинг учун ҳам айнан шу тармоқлар ривожланишига давлат томонидан катта аҳамият берилмоқда. Бу эса шу соҳадаги корхоналарнинг иқтисодий потенциалини оширади ва уларни интеграция жараёнига тайёрлайди.

Интеграция авваламбор, рақобатга асосланган иқтисодий тизилма. Шуни ҳисобга олиб, биз ички бозоримизни тобора такомиллаштиришимиз керак.

Шундагина чинакам интеграция ҳақида гап кетиши мумкин.

Интеграциянинг иккинчи "ҳалқа"си Марказий Осиё

## МУСИҚИЙ НАФОСАТ

минтақасини ва шу ҳудуддаги Қозоғистон, Қирғизистон, Турк-манистон ва Тоҷикистон миллий бозорларини қамраб олади.

Ўзбекистон, кўп иқтисодий жабҳалар бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллайди. Республикамининг улуши Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг 39 фоизини, аҳолининг 41 фоизини, миллий даромаднинг 32 фоизини, асосий ишлаб чиқариш фондларнинг 31 фоизини ташкил қилади.

Халқ ҳўжалиги соҳалари бўйича таққослаётган бўлсак, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги саноат маҳсулотларининг 33 фоизини, кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг 34 фоизини ишлаб чиқаради.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ҳиссаси барча жабҳалар бўйича Марказий Осиё иқтисодиётининг деярли учдан бир қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Марказий Осиё минтақасида интеграция жараёнини кучайтиришдан энг кўп манфаатдор.

Марказий Осиё интеграциясини шакллантиришга интилаётган эканмиз, ўз-ўзидан, аввало, Марказий Осиё минтақасига хос асосий иқтисодий хусусиятлар нималардан иборат эканига бир назар ташлашимиз керак. Булар, бизнингча, қуйидаги нуқталарда намоён бўлади.

- корхоналарни бир-бирига чамбарчас боғлаб турувчи ишлаб чиқариш технологиясининг бирлиги;
- умумий географик, демографик ва табиий ресурсларнинг бирлиги ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг типини, маҳсулот номенклатураси ва ассортиментини аниқлайди;

- меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига рақобат қобилиятига эга бўлмаганлиги учун МДХ бозорига мўлжал, яъни ориентация қилинганлиги;
- хорижий валютага эҳтиёж катталиги.

Бундай шароитда интеграциянинг кучайиши Марказий Осиёда ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ўзаро иқтисодий муносабатлар янги шакллариинг ташкил этилишига олиб келади.

Учинчи “ҳалқа”га эса собиқ иттифок давлатлари қиради. Ўзбекистон ишлаб чиқариш технологияси, ҳўжалик юртиш ва меҳнатни ташкил этиш шакллари жиҳатидан уларга жуда ўхшаш. Бу ҳудудда бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ҳам катта.

Масалан, 1994 йили Ўзбекистон умумий товароборотининг 58,4 фоизи, экспортининг 62,5 фоизи, импортининг эса 54,2 фоизи МДХ ва Болтик давлатларига тўғри келди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон учун МДХ доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик катта фойда келтиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, МДХ доирасида амалга оширилиши керак бўлган интеграциянинг сунъий тезлаштирилиши собиқ иттифок “ягона халқ ҳўжалиги комплексининг” қайта тикланишига олиб келиши муқаррар. Бу ерда кимлардадир: “Агар эски ягона халқ ҳўжалиги комплексини тикланса, аксинча, тўғри бўлмайди” деган савол туғилиши ҳам мумкин. Йўқ, албатта, чунки “СССР ягона халқ ҳўжалиги” самарасиз, технолог жижатдан қоқок, иқтисодий жиҳатдан боқиманда ва сохта марказлаштирилган эди. Холбуки, 1991 йилдан бери катта машаққатлар билан республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотнинг асл моҳияти ҳам иқтисодий самарадорликни ошириш ва технологик қоқокликка барҳам бериш йўли билан халқ фаровонлигига эришишга йўналтирилган. Эски “СССР ягона халқ ҳўжалиги комплексини” қайта тиклашни ўйлаш яна ўша иқтисодий самарасиз ва технологик қоқок даражани кўмсашдан бошқа нарсас эмас.

Интеграциянинг тўртинчи “ҳалқаси” эса жаҳон иқтисодиёти ва бозори билан бўлган алоқаларни мустақамлашдан иборат (Европа, Осиё, Америка ва бошқа минтақавий бирлашмалар).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига дадил кириб бориши изчиллик талаб этувчи жараёндир...

**Баҳодир ХУСАНОВ** 1970 йили Жиззах вилоятининг Фориш туманида тузилган 1987-1992 йиллари Ломоносов номи Москва Давлат университетининг иқтисод факультетида таълим олган. Айни кунларда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг “Халқаро иқтисодий ривожланиш” кафедрасида илмий тадқиқот олиб бораётти. Туркияда малакасини ошириб келган.

Маълумки, ҳукулатимиз Республикаимиз мустақиллигининг беш йиллик тўйи муносабати билан “Ўзбекистон - ватаним меним” шиори остида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Пировард мақсад эса тушунарли: оммавий айтиладиган ўз қўшиқларимни яратишимиз керак. Айтиши жоизки, бу қарор бузун ёки яқин эртани кўзда тутмаётгани, балки ўн йиллардан сўнг ҳам аҳамиятини йўқотмаслиги керак бўлган тадбирларимизнинг дебочаси бўлса ажабмас. Шу боис ёш авлод руҳида муסיқий нафосат тарбиясини ривожлантириш бобида баъзи таклифу мулоҳазаларим билан ўртоқлашиш ниятиданман. Куй ва оҳангнинг аҳамияти Исрофил суридан бошланар экан, бобокалонимиз Алишер Навоий, илҳом, шифо, ҳаёт бахшида этувчи унсур деб таъриф бергани бежиз эмас. Ёхуд Абу Наср ал-Фаробий “куй, қўшиқ кишининг руҳий мувозанатини сақлайди”, дейди.

Миллий қадриятларимиздан ҳисобланмиш муסיқий билимни кенг ўргатиш боғча ва умумтаълим мактабларининг амалга ошириши муҳим бўлган масалаларидандир.

Муסיқа санъати эстетик тарбиянинг муҳим амали бўлиб, у гармоник ривожланган шахсининг камолотга етиши учун унга муҳим таъсир этувчи жараёндир. Боғчада, оилада, бошлангич синфда, муסיқа машгулотларини қониқарли уюштириши, ёш авлоднинг ички дунёсини бойитиши ва санъатини тўғри тушунишдаги ягона йилдир.

Муסיқа дарси ўз табиатига кўра санъат дарсидир. Уни миллий руҳда сермазмун ва қизиқарли ўтказиш ўқитувчидан педагогик ва пропорционал маҳоратни талаб этади. Миллий қадриятлар асосида бошлангич синф ўқувчиларини дарсга қизиқтириши, энг аввало, тизлаш вақтда этиш учун танланадиган асарлар репертуарига боғлиқ. Бошлангич синфлар учун танланадиган асарлар репертуарининг асосий мезони ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши, билим ва кўникмалари даражасига мувофиқлиги, мавзунинг ранг-баранглиги, гоъвий-бадиий сифати ҳамда педагогик хизмати билан белгиланади. Бошлангич синф ўқувчиларининг идрок этиш қобилиятларига мос, ўтмишининг юксак гоъларини акс эттирадиган, шакли ва мазмуни билан гўзал ва ҳаётбахш, нафис ва хушоҳанг асарлари янграши лозим. Мана шундай асарларгина ўқувчиларда миллий қадриятларга қизиқиш уйғота олади, уларнинг ахлоқий эстетик ҳиссиётларини, зарур бўлган қобилиятларини ўстиради. Шунингдек, замонавий қўшиқлар қатори халқ қўшиқларидан ҳам кенг фойдаланишга ўрганади, ёш ижрочиларда халқимиз ижодига, унинг муסיқа ва қўшиқ санъатига, меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириб боради.

Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Авлоний сингари улуг педагогларимиз табиат қўйнида ўқувчилар билан машгулот ўтиши йўлидан самарали фойдаланишган. Бу йўлнинг қулайлиги шундаки, очиқ ҳавода ўқувчига муסיқа ҳам, ранг ҳам, бошқа мавжудодлар ҳам, синф хонасидаги нисбатан бир неча баробар тез, осон таъсир қилади. Афсуски, бу усулдан ҳозир деярли фойдаланишмайди.

Рубоб, дутор, чанг, най, гижжак, афгон рубоби, доира каби асбобларидан, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, халқ ўйинлари, қўшиқ рақс, тасвири туширилган турли қўшимча расмлар ва пластинкалар каби воситалардан фойдаланиш жуда муҳимдир.

Миллий қадриятлар асосида чуқурлаштириб олиб бориладиган дарс мавзулари бошлангич синф ўқувчиларда дўстлик, аҳиллик, биродарлик, юртга, ватанга муҳаббат ҳис-туйғуларини, ҳаётга ва табиатга муҳаббат, табиаттан лаззатланиш каби ҳиссиётларни шакллантиришдек вазифани ҳал эта олади.

**Фазилдин ХАЛИЛОВ**  
**Шавкат РАХИМОВ**



Салим АШУР



## Зарур сўз тополмай телбаман...

*Кўнгиш изҳор истайди. Изҳорда санъат гамидан кўра ҳаёт муҳаббати, ҳаяжон бўрони хўб келади. Буям бир қидирилган кўзгу, губорлар чайиладиган шабнамзор. Шундан гўзал ва ёруғ гусса салтанатига из солинади...*

*Кўнгиш изҳор истайди. Айни изҳор навбати навқирон ўзбек шеърляти вакили Салим Ашурники.*

\*\*\*

Бу ҳаётнинг бозорларига  
Хамёнимдан бердим ўттиз йил.  
Яхши одам бўлмоқчи эдим,  
Бўлиб қолдим тубан, паст, разил.  
Болаликда орзум мўл эди,  
Тегса дердим Ватанга фойдам.  
Кўлтигимда кўлларим бугун,  
Ичдим. Чекдим. Хушрўй кизларга  
Тинчлик бергим келмади сира.  
Юрагимни тилла тугмадай  
Шамшод қизга қилдим назира.  
Кўзларини мендан олганми  
Севги кўрмай ўлаётган ит.  
Вароқларнинг чангини ютдим,  
Бўлай дердим ақли, расо.  
Шаҳру кишлоқ оралиғида  
Умрим ўтти бемаъно, расво.  
Шаҳар деган улкан жангтоҳда  
Ғолиб бўлдим, бўлмадим мағлуб.  
Лекин ортка чорлайверади  
Волидамга ўхшаган ғуруб.  
Посон, пўрим, олифта давра...  
Тупурганим, сочганим тупроқ.  
Ахир, уйда онам кутмоқда  
Ва онамга ўхшаган кишлоқ.  
Бу дунёдан қолган кўнглимни  
Овлай олмас энди сулувлар.  
Тиззасига бошини кўйиб,  
Салим деган битта ит увлар.  
Бу ҳаётнинг бозорларида  
Харжлаганим дил ва ўттиз йил.  
Яхши одам бўлмоқчи эдим,  
Бўлиб қолдим тубан, паст, разил.



\*\*\*

Сочларини ечиб юборди,  
Хайрли тун тилади дилбар.  
Кўлларимни ҳеч ишонмасдан,  
Кўлларига боғлади дилбар.

Вужудидан боққан гулларни  
Тишларимни қонатиб тердим.  
Лабларига, кўкракларига,  
Томоғига шивирлаб бердим.

Ҳаётида биринчи марта  
Озод оху бўлиб яйради.  
Ана, дилбар қароқларида  
Тонг портлади. Қушлар сайради.

Тошойнага ўзини солиб,  
Тарамокда тун сукутини.  
Фариштаннинг кўллари билан  
Таҳрир қилар ўз вужудини.

Мазмун юклаб қадамларига  
Деразанинг ёнига борди.  
Деразанинг эмас, қалбимнинг  
Туйнугини очиб юборди.

Дунё билан менинг ўртамда  
Маъсума шу қиз бўлди талош.  
Лойқаланган кўчалардаги  
Тун юқини супирар фаррош.

\*\*\*

Келган келди. Кетганлар кетди.  
Ютган югти. Ютқазган ҳам кўп.  
Хайриятки, сизга тегмади  
Юрагимни тешиб ўтган ўқ.  
Ҳаётимни гаровга кўйиб,  
Сизни ютиб олдим рақибдан,  
Ҳайиқмасдан яшайсиз энди,  
Қутуласиз мангу таъқибдан.  
Кетинг, кетинг бу давралардан!  
Қаргаларга бўлмангиз эрмак.  
Сарғайтириб бармоғингизни  
Чекмоқ, сизга, айтинг, не керак.  
Ҳеч бўлмайсиз энди қўлма-қўл,  
Ароқ ҳиди билан ўпишмас.  
Синдирибон тунчирокларни  
Ёруғ китоб каби ўқишмас...



Ўз-ўзимни яна алдайман,  
Дилда яна ёлғончи жаранг.  
Мен ҳаммани алдаб яшайман,  
Сиз мени алдаманг! Алдаманг!

\* \* \*

Кунлар келар, бу ҳасратлар битгайдир,  
Бу тиканлар гулзорларда йитгайдир,  
Уйда ойдек соҳибжамол кутгайдир  
Ва тобокда юрагини туггайдир,  
Кўнглим ила сулҳлар тузган тузум йўк.

На сонда ва на ҳисобда бордирман,  
Арзанда у, мен тубанман, хордирман,  
Сочларини бир силашга зордирман,  
Хорлик, зорлик аро бахтга ёрдирман,  
Бахти ёрлар диёрида изим йўк.

У тош олса, гуҳар бўлсин, дур бўлсин,  
У дур олса, зиё бўлсин, нур бўлсин,  
У нур тутса, гуриллаган кўр бўлсин,  
Ўти менга кафан, чўғи гўр бўлсин,  
Фироклардан йироқ бирор куним йўк.

У очуннинг озод учган оқ куши,  
Келгаймукан бошимгача паст тушиб,  
Бир эсласам, минг зирқира ҳар тишим,  
Ё худога ёқмадим қилишим,  
Менга на боғ ва на тоғда кўним йўк.

Кеча ногоҳ бош айланди, шом эди,  
Чин дунёдан эҳтимол пайғом эди.  
Ўтган ҳар дам зоҳирда айём эди,  
Богин эса мангу қатли қом эди  
Айтай десам, овозим бор, сўзим йўк.

Баҳорим бор, ёрим бору ўзим йўк,  
Юрагимда тўфон бору тўзим йўк,  
Жисми жоним, жаҳоним бор, рўзим йўк,  
Кўрай десам, кўрманми мен кўзим йўк,  
Кўнглим ила сулҳлар тузган тузум йўк.

\* \* \*

Ортиқ бу мушкулга чидай олмайман,  
Бир куни йўлингни тўсаман аста.  
Кет десанг, кетмай, қол десанг қолмайман,  
Етиб сўнг тутаман қизил гулдаста.

Шу тундай тугайди бир куни сабрим,  
Бир кўза жавоҳир топиб келаман.  
Сенга қизиги йўк - не менинг дардим,  
Зарур сўз тополмай балки телбаман.

Лаганда жонимни сузиб келтиргум,  
Қара, қандай иссиқ, таралар ҳовур.  
Жигаримни ишққа белаб едиргум,  
Менинг оловимда ўзингни қовур.

Билиб-билмасликка олавер, илло  
Майли менинг севгим керак бўлмасин.  
Менинг чорбоғларим қурисин,

аммо

Сенинг битта гулинг бевақт сўлмасин.



## ТАРАҚҚИЙ ПАРВАР

Мустақиллигимиз шарофати билан тарихий-маданий меросимизни ўрганиш, уни бутунги кун учун аҳамиятини кўрсатиш ҳозирнинг муҳим вазифаларидандир.

Асримиз бошларида Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Авлоний, Мунаввар Қори каби ўнлаб алломаларимиз истиқлол орзусида курашганлар. Улар миллатнинг маънавий юксалиши учун ўзларининг бор қурбларини ишга солганлар.

Мунаввар Қори ана шундай илғор фикрли, миллатнинг келажагини олдиндан кўра билган тараққийпарвар эди. У ўз фаолиятини Туркистон ўлкасида айна пайтда энг зарур бўлган янги усулдаги мактаб ташкил қилиш ва шу мактаблар учун ўқув дарслиги ёзишдан бошлади. Унинг "Адиби аввал" ("Биринчи муаллим"), "Адиби соний" ("Иккинчи муаллим"), "Алифбо", "Жуғрофия" каби дарслик китоблари мана шулар жумласидандир. Етук устоз ва илғор ташкилотчи бўлган Мунаввар Қори назария билан амалиётни бирдай олиб борди. Айна даврдаги Туркистон ўлкасидаги шароитдан, болаларнинг ҳаётий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, дарсликлар ижод қилди.

Мунаввар Қорининг сеvimли шоғирдларидан Лазиз Азиззода шундай ёзган эди: "Мунаввар Қори... ниҳоятда ўткир фикрли, бақувват, мафкурачи, омгани бир ишга тўла сафарбар қилиш керак бўлса, уни илҳомлантира олувчи, қобилиятга эга стратегик куч, ўта устамон дипломат. Айтиши мумкинки, унга тенг келадиган куч ва тафаккур соҳиби йўк. Унинг фикри доимо ҳиссиётдан кучлироқ. Чунки ўз хатти-ҳаракатида у жуда кам хато қилади".

Мунаввар Қори ўз замондоши таъкидлаганидай кучли сиёсатдон ҳам эди. Унинг Инқилобгача бўлган асосий фаолияти маориф ва уни юксалтириш йўлида кечди, жумладан унинг "Тараққий" газетасининг 1906 йилда нашр қилинган. "Бизнинг жаҳолат" мақоласида миллит ва мактаб муаммосини ўртага ташлайди.

"Ҳар миллат авлодини тарбият ва таълим илмда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам маълум авлодларни жаҳолат ва ғафлат зулматда қолмоғига ҳеч бир ризолари ўлмай қўлларидан келганича тарбият ва таълим авлодда қусурлик кўрсатмагувчи зотлар мавжуддурлар".

Муаллиф мақоланинг дастлабки саҳифаларида миллатнинг илмини кўрсатувчи ғайратли ва иқтидорли шахслар ўлкамизда талайгина эканлигига ишора этади.

Бундан ташқари муаллиф Туркистон ўлкасида илмнинг зарурлигига алоҳида эътибор билан қарайди. Айна даврда кишилар ўртасида дунёга нима учун келгани билмай юрган ва маорифга ҳеч ҳам эътибор қилмайдиган шахслар орамизда анчагиналигини алоҳида таъкидлайди: "... Жонидан ширин болаларини кўчама-кўча кездириб, бечора маъсумни азиз умрини жаҳолат оташини ёндирувчи беҳамият ва бедийнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур".

Мунаввар Қори айна даврда ўлкамизни оёққа туришининг дастлабки воситаси мактаб эканлигини алоҳида айтади. Шу билан бир қаторда мактаб учун мутахассис жуда ҳам зарур эканлигини ҳар бир чиқишларида ва мақолаларида ёзди. У ҳар доим Туркистон ўлка ва халқига қарата қайта-қайта мурожаатлар қилган. Унинг ушбу: "Ҳой қариндошлар, вой миллатдошлар! кўзингизни ғафлат уйқусидан очиб, атрофимизга назар солмоғимиз лозимдур. Ҳар миллат ўз саодат ҳоли ва истиқболининг муҳофазасига биринчи восита илм ўлмоғига қаноат ҳосил қилиб илм ва маорифга ортиқ даражада кўшиш қилган бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик бўлиб, ҳамма оламга масҳара ва кулгу бўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдур". Тараққий парвар айна даврнинг жаҳолат натижаларини измсизликдан деб билди. У шунинг учун бутун умрини Туркистоннинг тараққиёти ва истиқболига бағишлади.

Мунаввар Қори асарларининг қадри ва қиммати бугун ҳам йўқолган эмас. Дарсликларидан инсон ҳаётий эҳтиёжи бўлган ота - она ва бола, фарзанднинг тарбияси ва унинг келажаги учун керакли муҳим фикрлар илгари сурилади. Айниқса бошланғич синф ўқувчилари учун зарур бўлган мактаб, илм, адаб, ўқимок, ўқиган ва ўқимаган бола хусусида мулоҳазалари жуда қўл келади.

Хуллас, Мунаввар Қорининг дарсликларида танишиш замон тарбияси учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Чунки бу билан болаларимизнинг ахлоқи, одоби, ҳамда тарбиясида қудрат берадиган мозейдаги нилолар ўзини кўрсатади.



# ДИНОЗАВР

Роман\*

- Сан жим ўтир. Ман... омади гапни айтдим. Абзал ака, мани тўғри тушунинг, - деди Шахло.

- Ҳа-ҳа, - Абзал ака ерга қаради.

- Раҳмат сизларга, - деди ниҳоят Маҳкам. Ва: "Шу таъналардан қачон қутилар эканман? Бунинг йўли борми? - деб ўйлади-ю, муносабатлари тобора кескинлашиб бораётганини қайд этди. - Майли, - деди кейин ўзига ўзи. - Ҳаёт кўрсатади. Аммо биз қаёққадир боряпмиз..."

- Ука, - деб шивирлади Абзал ака ва бемалол қўл узатиб, "Распутин"ни олди. Адҳам эса четдаги бир жуфт пиёлани ҳожи бобонинг олдига суриб қўйди. Ҳожи бобо унга бош иргаш-ла миннатдорчилик билдириб, битта пиёлани яримлатди-да, Маҳкамга узатди.

Маҳкам ҳам шу алфозда пиёлани оларкан, Шахло дик этиб ўрнидан турди.

Абзал ака шошиб қўлини кўксига қўйди.

- Келин, мени авф этинг, - деди. - Менки, бир тақводор шу ишни қилдим, сиз ахир замонавий аёлсиз, эрингиз: кимсан - адиб, кимсан - режиссор... - Овози титраб, йиғи саслари тарала бошлади. - Бир-бирларингни тушунинглар, илтимос...

- Мен-ку тушунаман, - деди Шахло.

- Аммо лекин фақат аёл сифатинда тушунилса, камлик қилар, деб ўйлайман. Зероки мен хотинимни фақат эр сифатинда тушунганим оқибати бу бўлди... Демокчиманки, мен мулло Маҳкамни улкан ижод соҳиби деб биламан ва ҳурмат қиламан. У ёғини сўрасангиз, "Ислом нури" мухбирлиги бобида Маҳкамжонга маслаҳат солиш, хаёлимга ҳам келмаган эди. Аллоҳ мени кечирсин, пайғамбаримиз марҳамат қилиб айтганларки, инсон икки ҳолда ёлғон сўзласа бўлади: аёлнинг кўнглини овлаш учун ҳамда беморнинг руҳини кўтариш учун... Мен Маҳкамжоннинг кейинги вақтлардаги аҳвол-руҳияларидан бохабарман. Зеро, Тошқанга борганимда, сўраб-суриштириб тураман. Хусусан, дўстлари Комрондан... Комронни биларсиз? Уйда мана шу тоғда отилган бўрининг териси осиглик турипти...

- Бу кишининг "ука"лари, - дея курсига қийшайиб ўтирди Шахло. - Уям унутди бизни...

- У бизнес билан машғул, бош қашишга вақти йўқ. Қисқаси, Маҳкамжоннинг кайфияти менга маълум эди. Бу ерда бир муддат ўлтириб ҳам амин бўлдимки, Маҳкамжон танглик торгаёттирлар, буни ўзлари ҳам айтдилар... Хуллас, мухбирликка тавсия этдим...

- Сиз ўзи бошдаям қитмир эдингиз, - деди Маҳкам.

- Мунча совуқ-е... - гижинди Шахло.

- Ҳа.

- Қўяверинг, келин. Мен ўрганиб қолганман... Хулласи калом, бу кишининг кўнгли шу тоғда шул нарсани тусабдим, асти қайтармаслик керак... Сиз кулманг, келин. Мен

биламан: бу киши ичувчи эмас... Ичувчи - мен эдим! Мен, келинжон.

- Боя айтдингиз.

- Шундоқ.

Шахло хўрсиниб юборди.

- Ман бу кишининг ичишларига қарши эмасман. Эр-как одам ичади...

- Балли.

- Лекин кишида қандайдир маральний права бўлиши керакми-йўқми? Ё нотўғрими?

- Ойнанай, раҳмат, - деб юборди Маҳкам. - Аммо баъзан аламдан, қандайдир ишинг амалга ошмаслигини билатуриб, шу тўғрида бош қотириб ўтиргандан ҳам ичгинг келиб кетар экан... Тушунтиролдими? Гапнинг қисқаси, - давом этди Маҳкам, - тутилган юртга анчагина саргузаштлар, қийинчиликлар сўнгида эсон-омон етиб келганимиз учун, онаизоримни соғ-саломат кўрганим учун, мана, Абзал бобо билан учрашганимиз, бу кишининг ўз тажрибаларидан чиққан ҳикматларини эшитганимиз учун, яна нима дейин...

- Деманг, олинг, - деди Шахло. - Шундоқ ҳам тўйдигидек тост айтдингиз.

- Раҳмат.

Шундан кейин ковордукдан едилар, чой ичдилар.

37

- Айтмоқчи, Жамолитдинни кўрибсизларми? - деб сўраб қолди Абзал ака.

- Ҳа, - деди Маҳкам ва шу сониянинг ўзида чўнтагдаги пул ёдига тушди яна. - У олийжаноб инсон бўлипти. Фақат ГАИчилару айрим ҳамкасбларидан хафа экан...

- Гайи энди - гайи, - деди Абзал ҳожи. - Аммо галонинг душмани-гадо, деган гап ҳам бор. Конкуренсия одамий муносабатларга путур етказаркан, ука...

Маҳкам "ажойиб инсон бўлипти" деб, бу таърифда нимадир етишмаслигини, яъни ўша "нимадир"ни фаҳмламай қолганини ҳис этиб, "шарҳ"лашга эҳтиёж сезар экан:

- Бу табиий ҳол, - деди-ю, Жамолитдин айтгани - аксар бойваччаларининг "кўзлари оч" экани эсига тушиб кетди. - Бизда ҳали савдогарлик маданияти йўқ...

- Балли, - деди Абзал ака. - Савдо - мардларнинг иши. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳи васаллам Хадича онамизнинг молларини сотиш учун...

Маҳкамнинг хаёлини яна "нимадир" тортиб, унинг мағзини қақишга тиришаркан, тилига яна ўша исқоти сўз келди: "мослашув".

Ва фикри равшан тортиб: "Бу "мослашув" эмас. Илгариям қўли очиқ эди унинг, - деди. - Балки бундай дейиш мумкин: бизнесменлик унинг фазилатлари очилишига кўпроқ имконият беряпти. Шуниси ажойибки, ўзининг яхшилик қилишидан ўзи завқ олади...

\* Охири. Боши ўтган сонларда.



Алҳазар!"

Маҳкам, ниҳоят, чойдан ҳўплаб, томоқ кирди-да (йўталиб қолишдан кўрқиб, ўнг кафтини ўпкаси устига босди), кейин:

- Абзал ака, мақсадга ўтайлик. Иш хусусидаги гапимиз чала қолди, - деди.

- Ҳа-ҳа, - деди Абзал ака Хадича онамининг бойиб кетишлари-пайғамбаримизнинг саъи-ҳаракатларидан эканига нуқта қўйиб. - Мулло Маҳкам, мен тушундим, ул майда ишлар сизга муносиб эмас...

- Бўлмаса, нимани муносиб кўрар эканлар? - деди Шаҳло бепарволик билан: зеро, пайғамбаримизки савдогар бўлган ва хотинларини бойитиб юборган эканлар, демак, савдо аҳлининг иши - жойиз, жумладан, ўзининг ўқтин-ўқтин хорижа чиқиб келиши ҳам - аини муддао: бу йўрида уялмаслик, балки фахрланиш лозим, эрининг бу касбга панжа орасидан қараши эса - "эскилик саркити", яъни, Шўро идеологиясининг хусусий савдога душманлиги таъсиридир, бинобарин, эрининг оёқлари "у томонда қолгани" рост - ана шунга амин бўлган эди.

- Шаҳло қулоқ беринг, - деди Маҳкам. - Ҳали тостда айтган гапларимда бир нуқта... Ман бунга сизга етказишим учун Абзал ака билан гаплашишим, баъзи нарсаларни сўраб олишим керак.

- Манинг бу ерда ўтиришим шартми?

- Эшитишингиз шарт.

- Хўп.

- Мана, Абзал окам ҳадисларга шарҳлар ёзар эканлар. Кўп савобли иш қилиптилар... Бундай ишни, ҳожи бува, ҳазрат Навоий ҳам қилганлар. У зотнинг "Арбайн" деган китобчаси, қўлингизга тушгандир? Ман варақлаб кўрдим. Қирқта ҳадисга шеърӣй изоҳ ёзган эканлар... - Сўнг мийиғида қулди. - Бизнинг айрим шоирларимиз эса биратўла ҳадис ёзишга киришиб кетдилар... Бир-иккитаси бундай шеърлари учун Диний Бошқармадан мукофот ҳам олишди... Ҳолбуки, ал-Бухорий, ат-Термизий боболаримиз ҳадис йиғиш учун умрларини бердилар. Ҳолбуки, улар ҳам ёзиши-ёзворишлари мумкин эди. Улар донишманд одамлар эди...

Ҳожи бува қандайдир кичрайиб ўтирар, шеър ёхул мусиқа тинглаётганга ўхшар, бир неча сония муқалдам: "Хўп, мақсадга ўтинг" дейишга ҳозирланган Шаҳло ҳам хўмрая бошлаган, Адҳам акасига ер остидан жиддий тикилар, Собит анқайиб ўтирар эди: зеро у...

...дадасининг ичида бунақанги гаплар ҳам борлигини билмас, чунки дадаси у билан ҳам бу мавзуларда сўзлашмас эди.

Шу пайт Маҳкамнинг онаси (тўнни ечиб, ранги ўнгиб кетган нимча кийиб олган) аста-аста юриб кела бошлади-ю, ҳамма бир вақтда у кишини кўрди ва қимирлаб қолишди. Она зина пастига етиб, Абзал ака билан алоҳида сўрашди, "хуш кепсиз", деди. Ва шундоқ зинага ўтира қолди.

- Буюққа чиқинг, - деди Маҳкам қарийб дўқ қилиб. - Йўғасам, сиздан пастга тушиб ўтираман!

Она қулиб, ёнига тушган Шаҳлонинг тирсагига тиралиб, шийлонга кўтарилди ва олпоқ эҳром кийган қарияга яна таъзим қилиб, Собит бўшатган курсига чўқди.

Маҳкам ёнига - панжарага ўтириб олган ўглининг тиззасига уриб қўйиб, Абзал акани онасига таништирди. Она ўзининг чамаси ўн йиллардан буён чорбоғдан кўчага чиқмагани, шундай "мўътабар одамлар борлигини"дан беҳабарлиги учун уэр айтиб, Абзал акага ўзи чой қўйиб узатди.

Абзал ака кизаринкираб пиёлани олди: шубҳасиз, у намози қазо бўлганидан хижолатда, қолаверса...

...Маҳкам таърифлаганчалик эмас эди; ҳатто ёши энди олтмишга чиққан, ёшлиқдаги бебошлик қолдирган излар туфайли қари кўринарди.

38

- Биз сўфилар ҳақида гапирвоммиз, - деди Маҳкам онасига. Ва Шаҳло хўмрайди: "Боя гапиришувди-ку?"

- Ў, сўфилар, - деб қўйди она. - Авлиё одамлар бўлишган. Башорат қилишган...

У онасини қучиб қўйиб:

- Манинг онагинам, - деди-да, Абзал акага қаради. - Ҳадисларни шарҳлаганингиз учун раҳмат, тақсир. Улар ҳар бир инсон учун йўлчи юлдузлар.

- Қулуқ, - деди Абзал ака қироат билан.

- Хўш, Президентимиз ҳам айтаяптиларки, "комил инсон" бўлишимиз керак, "Баркамол жамият" қураимиз, деб... Тўғри, ман у жамиятни ҳали тасаввур қилолмайман. Чунки бизнинг авлод қандайдир тайинли бир манзилга ҳаракат қилиб ўрганган: унинг номи "коммунизм" эди. Баайни "жаннат"га борвоммиз, деб ўйлардик.

- Коммунизмда яшаб ўтиб кетибмиз-у, билмай қопмиз, - деди Шаҳло ва...

...ҳамма қулиб юборди.

- Келинлар, "комил инсон" ҳақида гаплашишлик.

- Гапиринг, - деди Шаҳло.

- Раҳмат... Абзал ака, ман бир нарсага батамом инонаманки, "комил инсон"нинг фазилатлари умуминсоний сифатларга уйғун келиши керак...

- Ҳаққат рост, - деди Абзал ака. Ва ўйчан тортиб: - Фақат аҳли мусулмон эканимизни ҳам унутмаслигимиз лозим, - дея илова қилди.

- Албатта, - деди Маҳкам. - Бунинг устига бизнинг "комил инсон"да миллий жиҳатларимиз ҳам мумкин қадар тўлалигича намоён бўлиши лозим...

- Аини ҳақиқат.

- Хўп, гап шундоқ экан, "Ислом нури"дек бир табаррук газетлада аини шу - "комил инсон" бобида, унинг сифатлари бобида мақолалар кўпроқ чоп этилса...

- Чоп этиляпти! - китыйлик билан деди Абзал ака. - Сиз ўқиб борасизми ўша газетани?

- Бир-икки сони қўлимга тушган, холос... Хўш, газетангизда энг комил инсонлар ҳисобланиш - сўфийлар тўғрисида материаллар босиладими?

- Ҳа... Уларнинг ҳикматли сўзлари, онангиз айтганларидек, башоратлари, ҳаёт тарзларидан иборат ҳикоялар... босиб борилади.

- Хўш, уларнинг ҳалокатлари, айримларининг териси шилингани ва бунинг сабаблари тўғрисида-чи?

- Маҳкамжон...

- Нима?

Абзал ака оғриниб, жамоага қараб олди. Сўнг хижолатомуз минғирлаб:

- Ҳаложнинг териси шилинган бўлса, бунга ўзи айбдор, - деди. - Ким унга "анал ҳақ!" дегин депти... Бу ғирт шаккоклик, Маҳкамжон.

- Нима учун? - Маҳкам "Прима"дан тутатиб олди. - Хўш, "ман ҳақман" дегани учунми?

- "Ман худоман" дегани-да бу, ука... - Абзал ака бошини кўтарди.

Она кути учиб ёқасини ушлади, Шаҳло ўқрайиб қолди, Адҳам қарахт, Собит бақрайиб қолган эди. Кейин улар бирданга Маҳкамга қарашди.

Маҳкам синик қулимсиради.

- Аллоҳ ер юзидаги барча жониворлар, гиёҳлар, жумладан, инсонни ҳам ўз нуридан яратган... Шундоқми, Абзал ака? Шундоқ бўлса, бу махлуқоту мавжудоднинг ҳар биттасида Алло-таолонинг бир улуши, айтиш мумкинки, шакли борми? Бор албатта... Гап шундоқ экан, Мансур Ҳаллож: "Мен - Ҳақман!" деган бўлса, нима бўпти? Бу унинг, қайтамга Аллоҳга яқинлигини кўрсатмайдими?.. Ман битта ривоят айттайин, кечирасизлар... Бир дарвеш бир саҳрода эшаги билан ёмғирда қолипти. Жула қийналиб, бир чордеворни топипти. Ўзи кирипти-ю, уловини ташқарида қолдирипти. Кейин: "Эй, худо, эшагимга қараб тур!" депти.

- Нималар деяпсан, шаккок? - бирдан йиғламсиради она. - Ман эшитмай...

- Онажон, бир минут... Шундай қилиб, дарвеш чордеворда ётиб қолипти. Кечаси бир маҳал эшагидан ҳабар олса - йўқ. Қаттиқ хафа бўлиб: "Э, худо, ман санга "эшагимга қараб тур" девдим. Нага қарамадинг?" депти. Кейин яна вайронага кириб ухлапти. Эрталаб уйғониб чиқса, эшаги жойида турганмиш.

- Хўш? - шивирлади Абзал ака.

- Биласизми, онажон, - деб давом этди Маҳкам. - Бу

ҳикоя ҳазрати Баҳовуддин Нақшбандий ҳузурда айтилган. - Ҳамма сергак тортиди. - Буни бир дарвеш ҳикоя қилиб бериб, шарҳини сўрайди: "Таксир, бунинг маъноси нима?" дейди. Нақшбандий ҳазратлари нима дейдилар: У киши табассум қилиб: "Яхши. Ул дарвешнинг Аллоҳдан бошқа кими бор?" дейди.

- Уф. - Она ёқасидан кўлини олди. Абзал ака ҳам қоматини кўтариб ўтирди.

Шахло билинар-билимас жилмайиб, Адҳамга қараб олди. "Интересно", деб қўйди Собит.

- Мана шунақа гаплар, ҳожи бува, - гўё гапига якун ясади Маҳкам.

- Узр, бу билан нима демоқчисиз? - сўради Абзал ҳожи. - "Шундай ҳикоялар ҳам босиладимиз?" деб сўрамоқчи бўлсангиз, манимча, йўқ.

- Нага?

- Авом тўшунавермайди.

- "Халқ"ни - "авом" дейишни ҳам ўрганибмиз... Йўқ,

Абзал ака, сўфийликнинг моҳияти ҳақида кўпроқ мақолалар босилишини истардим газетангизда... Айтмоқчи, Мансур Ҳалложнинг ҳалокати сабабига келсак, у зот ўша калимаси билан икковимиз шарҳланган маънони билдирганим-йўқми, ўзига аён... Бу тўғрида манбалардаям аниқ маълумот йўқ. Бирок, Ҳаллож, Машрабдай комил инсонлар оламга кам келади, бу факт!

- Б-буни инкор этиб бўлмайди, - деди Абзал ака.

- Лекин шарият фатвоси билан...

- Уни айтдингиз, Маҳкамжон, - ялинди ҳожи. - Бизнинг мавзуйимиз...

- Шошманг, Ҳожа Аҳмад Яссавийни биласиз? Албатта... Мана, онам ҳам эшитганлар. Шахлоям... Хуллас, ўша кишининг Ҳалложга аталган бир шеърлари бор. Онт ичаман, унда: "Нодон руҳонийлар Ҳалложни ўлдирдилар..." деган сатрлар бор. Афсуски, шеърни ёдлаб олмаган эканман.

- Ҳа энди... - Шахло кулди. - Яссавийнинг бошқа шеърларидан айтинг. Гоҳо мана бу захардан отволиб келганингизда минглараб ўқирдингиз-у.

- Хўп бўлади.

- Кечирасиз, Маҳкамжон, - деб уни сўздан тўхтатди Абзал ҳожи. - Нечук бўлиб бунча қизиқиб кетдингиз сўфийлик тариқатларига, а?

- Ҳолбуки, практик аҳамияти йўқ, а?

- О, нега... Ҳарқалай, буни битиш қизиқ-да... Ўзингиз намозхон бўлмасангиз, масжидга бормасангиз...

- Келинг, Яссавий ҳазратларидан бир-икки байт айта қолай, кейин бир гап бўлар... Ҳим, сизнинг кейинги саволарингизга жавоб айтаман. Бенамозлигим, масжидга қатнамаслигим сабаблариям аён бўлади. Аслида, гап бошқа ёқда... Гап - сизнинг биринчи саволингизда, яъни, манинг сўфийлик гояларига қизиқишимда...

- Бўпти. Шеърни айтинг, - деди Шахло. - Ойи, жуда таъсирли, тинглаб боқинг.

- Айт, айт, болам.

Маҳкам укасига "анавиндан озроқ қуй" маъносидан ишора қилди-да:

- Жилла изоҳ, - деди. - Биз Ҳақиқатни излаймиз, Ҳаққа етишни истаймиз, дейлик... Албатта биз, шахсан ўзим бошқа мақсадда олий ҳақиқатни излаб кўрганман, қурбим етганча. Кейинги вақтда. Муҳтожликдан... Ҳожа муҳтожликдан. Демокчиманки, Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари чин Ҳақиқатни, борингки, Ҳақни излаб, унга етиш йўлларини излаб юриб, оқибат шундай ёзган эканлар:

Юз минг орифни кўрдим барча жавлон ичинда.

Мен аларда юрүвдим, истажакимни сўрдим,

Барча айтур: "Сандадур!", қолдим ҳайрон ичинда.

Тушунарли бўлдими?

- О, албатта, - деб нурли табассум қилди Абзал ака ва бошмалдоғи билан кўксини нуқди. - Аллоҳ мана бу ерда.. Нима дедингиз, онахон?

- Ў, бўлмасам-чи, - деди она йиғламираб. - Яна айт, болам, - Маҳкамнинг тиззасига кафтини қўйди. Шу фурсатдан фойдаланиб Адҳам "Распутин"дан пиёлага қўйди.

Ҳеч ким унга эътироз билдирмади.

Маҳкам:

- Ўша шеърнинг давоми, - дея бошлади:

Ўзумни дардга қўйдим, чўмдим денгиз ичинда,  
Дурни садафла кўрдим, гавҳарни кон ичинда.  
Мискин Ҳожа Аҳмад жони - ҳам гавҳардир, ҳам кони,  
Барча онинг макони, ул ломакон ичинда.

Абзал ҳожи беихтиёр чапак чалиб юборди. Она ўглининг чаккасидан ўпди.

- Йиғлатайми сизни? - деб кулди Маҳкам ва даврага қаради. Шахло қовоғини ўйди. Адҳам бетараф. Собит аросатда. Абзал ака бош эгди. - Келинглар, шундай улуғларни эслаяпмиз экан, ростакамига эслийлик, - деди Маҳкам. Ва юрагида шундай шодиёналикни туйдики, кўзлари гилқ ёшга тўлди... - Бўпти-е, айтганим бўлсин, - деди. -

Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,  
Инонмағил молинга, бир кун қўлдан кетаро.  
Ото, оно, қариндош қаён кетди, фикр қил,  
Тўрт оёқлик чўбин от бир кун санго етаро.

Тамом.

Шахло йиғлаб юборди-да, ўрнидан туриб, шийпонинг у бошига борди. Кўзи намланган Адҳам ҳожининг олдидаги пиёлани олиб, арокдан қўйди-да, шартта отиб олди. Собит боши оғриётган каби пешонасини ишқар экан, буви-сининг зинадан тушаётганини кўриб, унга эргашди.

39

- Ҳе режиссёр бўлмай кетинг, - деди Шахло ва Абзал акадан узр сўраб, қайнонаси ортидан кетди. Собит онасининг жойига ўтирди.

- Дунёвий, - деб ниҳоят бошини кўтарди Абзал ака ва унинг юзлари жикка ҳўл экани кўриндики, Маҳкам ҳайрон бўлмади: чол боя анчайин гаплардан ҳам йиғламираётган эди...

- Абзал ака, узр, бунинг ҳумори тутмайдими? - иш-шайиб сўради Маҳкам.

- Шундай гапларни қўйинг, - деди у кийимидан оппок рўмолча билан юзларини артаркан.

- Майли, "бизга майхона" бўлса, бас. - Маҳкам пиёлани қўлига олди.

- Биламан-е, Маҳкамжон, - деди чол ниҳоят.

- Лекин?

- Уёғига ўтманг.

- Хўп.

- Мен сўфийлар тариқати тўғрисида сизчалик ишонч билан гапира олмайман. Лекин яхши билмаслигим рост... Уни ҳазм қилиш осон эмас. - Абзал ака бирдан Маҳкамга жиддий тортиб тикилди. - Нега қизикдингиз бу дунёвий илмга? Маҳкамжон, очиқ айтинг. Мен ҳам собиқ шоирман, ахир... Билишим лозим ижод аҳлининг аҳвол-руҳиясини... Дарвоқе, - ёқасини тутамлаб ушлади. - Аллоҳга шукур. - Сўнг яна Маҳкамга бокди. Энди чолнинг нигоҳида қувлик-шўхлик жилва қилар эди. - Хали келган чоғимдап нима дедим сизга?

- Кўп нарса дедингиз.

- Йўқ, бу ерда ҳамфикрлар йўқ делдимми?.. Масжидда ўзингиз билган гаплар. Биламан, айрим буюк сўфийлар, ҳатто шоҳлар таъзим қиладиган сўфийлар намозни уйларида ўқишган.

- Ў-ўў. - Маҳкам ҳайрати ва қўрқувини шу бир садо-да баён этиди-ю, онгида бошқа ҳол кеча кетди: "Буни, бу ҳаракатни нима деб баҳолаш керак? Буям янги ҳаёт тарзига мослашишми? Ёки... соғинилган ўтмишга етишиб... Йўқ, бу соддаликдан бошқа нарса эмас...

Аммо бу ҳол ҳам туппа-тузук зиёлиларнинг савдога уриб кетишига ўхшайди...

Вей, наҳотки ҳаётнинг тарзи шу хилда давом этса... Шунда иттифоқо бир нарса - Абзал аканинг ўзига арок қўйиб берганию сўнгги сўзларига унга аллақандай энгилик берди. - Яхши!"

- Маҳкамжон, сўфийликка қизиқишингиз сабаби... Ахир, ука, мен сизга ёлгон сўзламадим. Тўғрими?.. Лекин муҳбирликдан чиқишим тайин. Мен энди мактабдор бўлдим...  
- Чол яна жимиб қолди: унга нимадир азоб берарди, албатта. Ва, албатта, бу ҳолни Маҳкам ҳам аниқ кўриб турардики, дарвоқе, "шариат", деб ҳам айтди.

Аммо, чамаси, бундан ҳам муҳимроқ сабаб борга ўхшарди. Шундай бўлмаганда, чол намоздан кечикмас ва ароқ шишасини кўлига олмас эди.

- Абзал ака, - деди Маҳкам ҳаёлан унинг жавобига тагин ҳозирлана бошлаб...

Унинг бунчалик "ҳозирлик" кўришига сабаб шу эдики, сўфийлик таълимотида дуч келгач, унга берилиб кетганини сезмай қолган эди: илло ана шу сўфийлар йўлида, уларнинг ақидаларида - чин инсоний қадриятларни кўрган эди; буям кам: сўфийлик тариқати ислом даврида пайдо бўлмаган, балки ундан минг-минг йиллар бурун илдиз отиб, тариқатга мойил тамойиллар ўшандаёқ инсониятнинг буюк маданият бешикларига жумладан, (Юнонистонда ҳам) устивор бўлган.

Дарвоқе, Бангладешлик улуғ сўфий Исҳоқ шайхнинг "Сўфизм" китобида ёзишча, "сўфи" сўзи аслида - грекча бўлиб, "сўфис"дан келиб чиққан экан.

(Баайни "ҳакнус"нинг пайдо бўлган ватани ҳам асли Юнонистон эканидек).

Хуллас, Маҳкам сўфийлик сулуқларининг бари-барисида ўша мангу қадриятлар устулиги, демак, мангулигига қаноат ҳосил қилган эди.

Демак, ҳар қандай жамият-тузум-жамоада (улар ер куррасининг қайси бурчагида бўлмасин), ўша қаноатлар - инсонлар аро муносабатларнинг асосий мезони ҳисобланади, вассалом.

Ўша қадриятлар-сифатларни ҳатто фашистлар ҳам у ёки бу даражада байроқ қилишган, ўзимизда - Шўро замонда эса, айниқса, "амалда" эди...

Хўш, шундоқ экан, нега энди Мустақил Ўзбекистонда устивор бўлмаслиги ва инсонларнинг инсонлигига ўлчов бўлмас экан?

- Маҳкамжон ўшанинг сабабини...

- Нима, сиз ҳам бунча қизиқиб қолдингиз? - жилмайди Маҳкам. - Сўфийлар ҳақида биринчи марта эшитаётганга ўхшайсиз-а?

Шунда чойни янгилаб Шахло келиб қолди. Ўртадаги вазиятни дарҳол англаб:

- Олдин манинг саволимга жавоб берсинлар, - деди. - Қани, махсус муҳбирликка ўтасизми-йўқми?

- Айта қолинг, - деди Собит ҳам ва онасига жой бўшатиб, тагин панжарага ўтирди.

Маҳкам дам меҳмон ҳожига, дам хотинига кўз ташлади-да, ҳарқалай ҳожининг сўроғига олдин жавоб беришни маъқул топди. Ва Шахлодан кўз қараши ила ижозат олиб (айни чоғда айтажак гаплари унга-да қизиқ бўлишини тусмоллаб), "бошладим" деганда, тагин "тайсаллаб" қолди.

Таваккал.

- Сўфийлар этиқоидига хос бўлган ("фазилатлар" дейишга тили бормади) кўп жиҳатлар ўзимдаям бор экан. - Кейин фикри равшанлашиб кетди. - Шу нарса аёнки, Абзал ака, сўфийларга хос барча яхши фазилатлар у ёки бу даражада ҳар бир инсонда бўларкан. Бекорга сўфийларнинг бири қулол, бири нашқчи, бири этиқдўз, яна бир кўнчи бўлмас экан... Умуман, - унинг овози ишонч касб эта бошлади, - сўфийлик тариқатларининг энг муҳим талабларидан бири, хусусан, Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратларнинг тариқатларида бу ҳол қонун тусини олганки, ҳар бир сўфи, ҳа, ҳар биттаси ҳаётда битта фойдали касб эгаси бўлиши ва ўша билан шуғуланмоғи лозим эди. Ана шунинг учун ҳам у киши: "Даст ба кор, дил ба ёр", деб шиор ташлаган экан.

- Нима-нима? - деди Шахло.

Абзал ака узоқ йиғлаб толиққан кишининг овозида:

- "Даст ба кор", яъни, қўл ишда бўлсин, "дил ба ёр", яъни, дил-кўнгил "ёрда-худола" бўлсин, - деди. - Қандоқ доно сўзлар. - Сўнг ушбу мискинлигида: - Шахлохон, - деди.

- Ҳали Маҳкамжон дунёвий нарсаларни севмак кераклиги ҳақида кўп яхши гапларни айтдилар. Навоий бобомиздан мисол келтирдилар: "зоҳид санга хуру, манга жонона керак... "Шундоқ зоҳидлар бўлганки, улар оламдан, кишилик жамиятидан воз кечиб яшаганлар. Мақсад - гуноҳга қўшилишдан қўрқиш, мақсад - тўпла - тўғри жаннатга тушиш ва ҳуриликлар жамолига етишиш бўлган... Аллоҳ ўзи кечирсин, ким билади дейсиз, улардан нечаси жаннатга тушди. - Сўнгра ёрқингина жилмайиб, Маҳкамга боқди. - Эслайсизми, Машрабнинг бу ҳақдаги сатрларини? Ҳозир айтиб бераман:

"Олимлар илмига мағрур, жоҳиллар исёнга ғарқ.

Кас не билсун рўзи маҳшар кимни тоши кам келур".

- О-о, - деди Маҳкам роҳатланиб ва бир сония аслаб Абзал ақанинг кифёсини кўрди бу арвоҳдек кимсада.

Кимс давом этди:

- Шундоқки, бир умр мадраса тупроғини ялаган дарвешдан бир умр намоз ўқимай, рўза тутмай, аммо чин-комил инсон бўлиб яшаган банди мумин жаннатга тупиши мумкин... Маҳкамжон, давом этинг. Кўп яхши бошладингиз.

Шахло ҳам бу гапларга Адҳам билан Собитниқидан кам бўлмаган қизиқиш ила берилган эса-да:

- Фақат кириш сўзи камроқ бўлсин, - деди. - Изоҳларниям кўпайтирворманг.

Маҳкам бу "танқид"ни тан олди.

- Рост, - деди. - Ким билади, бекорчиликданми, чўзиб гапиргиси келади кишининг... Айтмоқчи, сан чарчамадингми, ўғлим? Шахло сиз ҳам ухлаб тургандай - свежийсиз!

- Гапиринг! - нозли жеркиди аёл. Кейин завқини яшира олмади: - Ичсалар, камплемент қилдилар, холос...

41

- Қисқаси, Абзал ака, суҳбатимиз бошида сўфийларнинг фазилатларини айтдингиз, яъни, энг нормал одамга хос сифатларни... ана шу жиҳатлар мандаям йўқ эмас. Бунинг устига, ман бир ижодкор сифатида худди ўша фазилатларни улуғлашга маҳкумман: асл санъатнинг талабиям - шу, ўзимнинг ички эҳтиёжим ҳам - шу. Шунинг учун кўриб турганингиз қуларимизда дўстлар ғанимга, душманлар - ёлгон дўстга айланиб бораётган, меҳр-оқибатда маъно қолмаётган бир пайтда... бу қулар ўтқинчи бўлсам, ўша қадриятларга нисбатан манинг кўнглимда аллақандай иккиланиш пайдо бўлган эди.

- Мен тушунаман, - деб шивирлади чол.

- Эй, ҳожибобо, бизам қийналганмиз, - деб қолди Адҳам. - Нима, биз одаммасми?

- Вой-вой, мулло Адҳам?

- Жим ўтиринг-да энди, - деб у кулиб юборди. Унга қўшилиб ҳожибобо ҳам қулди ва маълум бўлдики, улар ҳазилкаш; ҳа-ҳа, шундоқ бўлишмаса, ҳали - суҳбат бошида Адҳам у кишини "пиёнбобо" демас эди.

Шахло эрига "гапиринг" ишорасини қилди. Маҳкам унга миннатдорчилик билдирди-ю, гапи қаерда тўхтаганини зўрға эслади.

- Хўш, демак, ўша иккиланиш, гумонлар сўнгида ман излана бошладим-да, сўфизмга дуч келдим. Ўқиб, ўйлаб қарасам, сиз айтган сўфиёна, яъни инсоний фазилатлар мундан минг-минг йиллар бурун ҳам одамзод учун мезон бўлиб келган экан. Америкада - бошқача, Шўро давридаям бошқача эди бу - "главный герой"...

- Хўш, Абзал ака, қаноатландийизми? - деб сўради Шахло ниҳоят.

- Ҳа, албатта, - деди ҳожи тез-тез бош ирғаб. Аммо ҳали "нимадир етишмаслиги" аниқ кўриниб турарди.

Бироқ у нима "етишмаслигини" айтмади. Зеро саволига жавоб олиб бўлган эди.

Шуниси қизиқки, Маҳкам ҳам ўзини "қаноатланарли" жавоб бердим деб ҳисобламади, илло нимадир қолиб кетган, нимагадир кўпроқ урғу бериши лозимдек эди.

- Хўш, - деди ниҳоят Шахло кинояли табассум билан. - Бизнинг саволга жавоб беринг-чи?

- Жавоб, жавоб... айтилди шекилли? - деди Маҳкам. Ва ҳожи бобога қаради. - Шундайми?

- Ха, Шахлохон, - деди чол мунгайиб. - Бизнинг ре-  
дакция Маҳкамжоннинг талабларига рози бўла олмасе ке-  
рак... Яъни, динга сўфиёна, шариятга панжа орасидан кара-  
лишига сира рози бўлишмасе керак...

- Ах, вот ана што! - Шахло бошини чайқаб қулди. -  
Ну, сўпи, ну комил инсон. Қойил!.. - Ўғлига қаради. - Кўрдинг-  
ми, дадангни? Бу одам ҳеч қачон тузалмайди.

Собит ҳам кулиб, бош ирғади.

- Ман ҳам шунақа деб ўйловдим.

Адхам жим турди-турди-да:

- Мен - бетараф! - деб "Распутин"ни олди. - Ака,  
сизга қуяйми?

-Кўпроқ қуйинг, - деди Шахло. - Акайиззи бошка  
нима ишлари бор.

Шунда Абзал ака қафтларини тиззаси кўзига ишқай  
бошлади.

- Бизга жавоб берасизлар, келинжон... Мана,  
Маҳкамнингизга айтдим, оқшомги автобусда Тошканга кета-  
ман. Ўғлим шифохонада ётибди.

- Раҳмат, Абзал ака.

- Бизга биронта топшириқ бўлса... Мен Камронни  
кўраман, албатта. Унга бирон гапингиз бўлса, етказардим.

- Йўқ, - деди Маҳкам.

- Бизнес килувурсин, - деди Шахло ҳам ва қўлини  
фотихага очди.

- Омин.

42

Маҳкам хурсанд: Абзал акани "йўлдан урган"дек туяр-  
завқланар, айни пайтда унинг ўзидаям "урилиш"га мойиллик  
борлигини ҳис этар, умуман, асар майдонида эмас, мазкур  
ҳаётда битта шахс - шоирни аслига қайтариш учун беихтиёр  
(баъзан аччиқланиб) ҳаракат қилганидан ажабтовур қаноатда  
эди.

"Ха, айтишиш ҳам лозим. Одам ўз-ўзидан инсонга  
айланиб қолмайди. Бу нозик маҳлуқ ўзгаришларга ўта мос-  
лашувчан бўлади. Шунинг учун асл қиёфасини йўқотади...  
Бу - кучсизлик!

Дарвин? Падарлаънати Дарвин бунинг аксини исбот-  
лаб қўйган-да.

Хе-е, ҳаёт - ранг-баранг, дейдилар. Бировнинг ҳаёти  
бировга андоза бўлолмайди.

Вой-бўй, ўғрига - "ўғри" десанг, чавақлайди. Ғарга -  
"ғар" десанг, ёқангдан олади... Демак, ҳар қандай бузук кимса  
ҳам яхши бўлиб кўринишни истади: демак, инсон табиатда  
яхши бўлиб кўринишга тўғма эҳтиёж бор..."

Маҳкам бу "кашфиёт"идан қаноатланиб, шу билан  
бирга дилини ҳаргиз зирқиратиб турган ҳол - "одамларнинг  
ўзга йўлда кетишаётгани"ни пайқамаганга олиб, арокдан  
пиёлага қуяркан, онасининг ўрнига ўтириб, устихон кемигини  
шимаётган Собит инжиқланди:

- Дада, ичманг, - деди. - Ман кўриб турибман, шўтда  
кўпи билан юз грамм ичдийиз, холос. Сезилмайди ҳам. Лекин,  
- уй биқинига қараб олди. - Опам... опам инжиқлик қилади-  
лар-де!

- Рост.

- Мухбирликка рози бўлмаганииз учун ўзи баҳона  
излаб турипти... Кейин кайфиятийиззи бузади.

- Раҳмат, ўғлим.

"Ха, бунинг ўзида андиша, мулоҳазақорлик бор, -  
кўнглидан кечирди дарҳол. - Бу барибир менга тортади. Тўғри,  
пул ширин... Тижоратчи бўлар. Аммо Жамол типиди..."

Ха-е, истиклол кўрсатади.

Комрон ҳам куни кеча "олибсотарларни осини керак-  
!" деб юрарди".

- Маҳкам!

- Лаббай! - У онасини айвонда кўриб, ёдига пул туш-  
ди яна. Шунга баробар ўрнидан иргиб туриб, шийпондан  
тушди. Ишончли қадамлар билан айвонга чиқиб борди. Она-  
сини нимадир деб суймоқчи эди, у хумрайиб уйига йўналди.

Онанинг ҳужраси айвон бурчагида - чапдаги хона,  
дахлиздан кирилади. Бу - энг эски уйлари дир, Маҳкамнинг  
ёшлиги, айниқса, шу бошпана билан боғланган.

Бу ҳужранинг алоҳида ҳиди бор... Шуниси ажойибки,  
Маҳкам туш кўрса, ўзини қап-қатта йигит сифатида кўрса  
ҳам, шу ҳужрада кўради ва қандайдир воқеалар ҳам шу уй-  
у дахлизда кечади.

Маҳкам иттифоқо шуни эслаб ва бу даргоҳга қадам  
босганидан бери бу уйга кирмагани, анчайин томоша-ю, гу-  
рунги билан банд бўлгани, бу эса қандайдир кечирилмас гу-  
ноҳдек туюлиб, боғ-роғнигини эмас, балки укаси билан  
ҳамқамги ўтириб дардлашиши, ҳозир эса волидаси сўзлари-  
ни эринмасдан тинглаши лозимлигини дилига тутиб, онаси-  
нинг изидан дахлизга қадам босаркан...

... суви ҳовузга оқадиган водопроводда қўлини чай-  
ган қўйи ўзига тикилиб турган Шахлога кўзи тушди-ю: "Мах-  
фий гапи бор буларнинг", деб ўйлаяпти, - деди беихтиёр. -  
Вей, қанақа махфий гап бўлиши мумкин хоним!

Айтмоқчи, пулни унинг кўзи олдида берсам. Токи,  
ҳамма нарса аён бўлса!"

- Шахло! - деб уни имлаганини сезмай қолди. - Бу  
ёққа келинг. Гап бор.

Дахлизга кирган она:

- Сени ўзингга айтадиган гапим бор эди, - деди.

- Айтасиз, - деди Маҳкам меҳмон бўлиб келган фар-  
занднинг эмас, онаси билан бир умр бирга яшаб келаётган  
ўғилнинг унида: Ха, бу - унинг олати. Ҳар гал уй ва боғ,  
онасию укаси ҳақида ҳар қанча тотли хаёлларга толиб,  
алоҳида-алоҳида суҳбат қуриш ва сўзларини жон қўлоғи билан  
тинглашга аҳд қилиб келса-да, тезда ўзгарар ва бу гўшадан  
жилмаган мўким бир одамга айланиб қолардики, келганига  
бирон соат бўлгани йўқ-у, укасини уришиб берган пайтлари  
ҳам кўп бўларди.

Она ўғлига итоат этди. Аммо:

- Келинимни хафа қилма, - деди.

- Нега, йўқ, умуман, - деб чайналди Маҳкам. - У  
ҳақ... Бу ерга келинг. - Маҳкам "ЗИЛ" музхонаси ёнига ўтди  
ва Шахло қандайдир жилмайиш ила кириши замон чўнтаги-  
дан пулни чиқарди-да, музхона устига ташлади. Пул... кўп  
эди, ёйилиб кетди.

Шахло ялт этиб эрига боқди. Савол бермади-ю, юзига  
кинояли табассум қалқиб, "Ну-ну!" деган каби бошини са-  
рақлатди.

Кампир ҳайрат тўла кўзларини пулдан узмас, келинига  
ҳам қарамас эди.

- Мана шу, - дея Маҳкам ақчадан ситиб ола бошлади.  
Беш-олти-етти... Ниҳоят, хотинига қараб қўйиб, қўлидагини  
буқлади-да, онасига узатди. - Оз бўлсаям оласиз энди.

- Вой-вой, нага, Маҳкам... Ман сандан пул сўрадим-  
ми? - она ҳайратланиб чекинди. - Худонга шукр, уканг бор,  
камчилигимиз йўқ. Оилангга ишлат, хотининга бер... Олинг,  
Шахлохон, рўзгорларинг бор. Шаҳарда яшайсизлар.

- Она.

Шахло ҳам орага тушди.

- Олинг, ойижон, - деди, - ўғлингиз бергандан кейин.  
Қаранг, бу кишининг асраб қўйганлари...

- ... Шу эди, - деди Маҳкам кескинлик билан. - Она...

- Пулни онасининг қўлига сунди. Кейин музхона устида  
қолганини олиб, бир, икки, уч, саккизга элликталикни аж-  
ратди-да, бошқасини Шахлога тутди. - Опқўйинг, ишлатар-  
сиз. Йўлда бериш ёдимдан кўтарилган экан. Ҳозир эсладим.  
Олинг! - дўқ қилиб юборди унинг жилмайиб турганидан жадди  
чиқиб.

Шахло пулни олди.

- Гапим шу эди, - деди Маҳкам. Ва эшикка бурилган  
қўйи онасига савол назари ила боқди. - Манга гапингиз бор  
эди, цекилли. Нимадир демоқчийдингиз?

- Ҳм, майли, кейин, - деди она. Сўнг бирдан зуғум  
қилди: - Келинимни хапа қилма... Бизнинг оилада ҳеч қачон  
хотин кишини ранжитмаганлар. Дадангни элса. Тоғангни элса.  
Ў, бир одамлар ўтишди...

Шахло қайнонасининг кифтини силади ва унга жўр  
бўлиб, кўзига ёш олди.

Маҳкам эркакона бир юриш билан айвонга чикди.  
Чикди-ю... боя унутгани - тўғилган гўшасида эканини қаттиқ  
ҳис этиб, буни бот-бот томоша қилиш ва яна учрайдиган,  
эҳтимол ўзини излаб келадиган таниш-билишлари билан ҳам

гаплашиш истагини туйди; сўнгра, хаёлан тан олдики, бундай ҳол...

... илгари бўлмаган эди.

У шу алфозда боққа оралаб кетди: ҳар бир дарахт тагида тўхтайти, унинг ўтмишини эслайти... Ниҳоят, яна ёнғок остига борганда, ҳорғинлик тортиб кетди.

43

- Маҳкам ака!- деб чақирди Адҳам. У шийпон устунига суяниб турар, стол атрофидан онаси, Шахло, ҳатто келин ҳам жой олишмоқда эди. - Келинг, ўзивуз битта ўтирайлук! Дунё ўтди-ку, ожаон!

Маҳкам мамнун бўлиб: "Демак, ўзимизникилар билан ўтираимиз", дея бу томонга илдاملди. Келиб, астойдил салом берди ва ўзининг ўрнига ўтирди. Ва пайқаддики...

... ҳамманинг хайфияти баланд! Бояги кисиниш-диққатпазликдан асар ҳам йўқ.

"Эй, наҳотки ҳалиги пулнинг таъсири бўлса бу? - кўнглидан кечирди Маҳкам, - Мушт кетди дегандек, бирдан бирига ўтиб, даврани иноқ қилишгача олиб бордим? Қуриб кетсин бу жолугар-пул..."

- Ака, эллик грамдан олишга қасд қилдик, - деди Адҳам. - Кенноним ҳам оладилар... Йўқ деманг, хафа бўламан! Мен уйнинг эгасиман, мезбоннинг гапи-қонун! Шундоқми, онажон? Сизгаям йигирма грам коньяк қузмам. Бу мазорбости. Бундан ташқари, сиз ладам билан ичгансиз...

- Вой, ўргулай сандан. Кампир онангни... Йўқ-йўқ, болам у кунлар ўтиб кетди... Ўзларинг олинглар. Келинжон, ола қолинг. Шаҳарликнинг ичмагани бўлмайди.

- Бўпти, лекин азроқ, - деди Шахло "Напалеон"ни ушлаб турган Адҳамга.

- Ест! Хўш, сўфи жаноблари бир нима десинлар энди!

- Ойижон, - деди Маҳкам кўзғалиб кўйиб. - Адҳам, келиним Ойгул! Шу нарсени алоҳида таъкидлаб айтишни истайманки, сизларни яхши кўраман! Сизларни кўриш, дийдорларингга тўйиш, суҳбатлашиш - Тошкентда ягона орзуим бўлади баъзан. Бироқ, маъзур тутасизлар, ҳар гал келганимда, орага қоработирлар тушади, ичкилик кўпайиб кетади, яна алламбалолар бўлиб, дуруст суҳбат қуролмай ҳам қоламиз... Шундай эди! Бугун, яъни, бу келишим - келишимиз алоҳида бир сафар бўлди, деб ўйлайман.

Шахло жилмайди. Маҳкам унга совуқ кўз ташлади-ю, шу оннинг ўзида аёлининг чехраси дилкаш-ёқимли бир ифода билан ёришиб кетганини кўриб:

- Ҳа, кино қилса арзуғулик саргузаштларни ҳам бошдан кечириб келдик, - деди. - Гапнинг қисқаси, Абзал ака билан суҳбат ҳам, манга ёқди, онажон... Унақа мавзуларда мен деярли ҳеч ким билан мунозара қилмаган эдим. Замон шундай бўлдики, оламни қайта кашф этишга тўғри келяпти, она, - сўнг "ўтлаб" кетаётганини фаҳмлаб, гапни қалта қилди: - Хуллас, ҳаммамиз тўрт кўз тугал бўлиб, мана шундай юз кўришиб юрайлик... Она, чехрангизни очиб ўтиринг! - деб қолди бирдан. - Мандан ўпқаламанг... Майли, гина қилишга ҳаққингиз бор. Бироқ ман - ёмон фарзанд эмасман. Фақат баъзи нарсаларни тушунмаяпман, холос.

- Вой, ўргулай сандан. Хали жойнамоз устида ўтириб ҳам...

- Тушунарли. Раҳмат... Аммо яхши кунлар, шодликлар келади албатта. - Шахлога боқиб, унда бир шидиятни укди-да, лафъатан суюб кетиб, давом этди: - Ва, мана келинингиз Шахлониям хурсанд қиладиган кунларим келар...

- Во ажаб, Шахло йиғлаб юборди. - О, гапим таъсир этди, суюнганидан йиғлаётти опанг, Собит! - деди-ю ўзининг ҳам кўнгли бузилди: илло гапираётган гаплари омонат, ҳар қалай давранинг руҳини кўтараётган эди. - Адҳамжон, саням жуда яхши кўраман, - деб кўйди кейин.

- Мен ҳам, - деди Адҳам ва бақириб юборди. - Бўлди қилинг, билдик, нотиксиз!

Маҳкам мийиғида қулганча пиёлани ўртага узатди ва узатилган қадаҳларга чўқиштириб олиб, битта кўтаришда бўшатди.

Шу пайт худди буларнинг қадаҳ кўтариб туришларини кутиб тургандек, биров дарвозани тақиллатди. Кейин:

"Адҳамбе-ек!" деган овози келди.

- Тойиров-ку! - деди Адҳам ва ҳамма сергак тортиб кетди: илло, у одам бу ерда ўтирганларнинг (Собитдан бўлак) ҳар бирига ўзига азин эди.

Масалап, она уни - эрининг содиқ дўсти, эри қамалгандан кейин ҳам ўқтин-ўқтин тун қоронгусида тугун ташлаб кетадиган мурувватли мусулмон сифатида иззат қилар. Маҳкам, табиий, у одам, аввалам бор, отасининг улфати, сўнгра оғир кунларида асқотган садоқатли инсон сифатида, ундан кейин эса ўзларига бир синф (ўинчида) СССР тарихидан дарс берган муаллим, қолаверса, дўсти-иниси, "ажойиб яланғоч проза" устаси Комроннинг даласи сифатида ҳурматлар, афсуски, у киши билан кам учрашишга тўғри келарди. Энди Шахлонинг унга муносабатига келсак, Тошмат ака Тойиров уларнинг, яъни, Маҳкам билан Шахлонинг никоҳ базмига иккита шериги билан Эски шаҳарни бир айланиб, зўрга топиб борган, базм тугар чоғи конвертга солинган талай пулни столга кўйиб кетган киши эди.

Адҳамнинг муносабати бошқачароқ эди: Тошмат акани ҳурмат қиларди, аммо...

- Сизни кўп сўрарди, - деб давом этди Адҳам. - Аканг келса, бебаҳар қолмай, гапим бор, дер эди. - Сўнгра бирдан бақирди: - Лаббў-ўй! Ҳо-озир!.. Келаверинг, ит йўқ! Бўрилар қафасда!

Давра илжайиб ўрнидан турди. Маҳкам эса Адҳам билан қорама-қора ҳовуз бўйига етганди, домлани кўрди.

Ўша қомат: барваста, девдай. Эғнида энди-энди бойваччалар ва хонандалар орасида урф бўлаётган ялтироқ қора кастюм, ола-була галстук, оёғида ажабтовур учли туфли. Кўксига босиброқ ушлагани семизгина қоғоз холтаям у одамга ярашиб турар, унинг бунақа символ қиёфасига ажиб бир соддалик бахш этарди. "Нега келдилар экан?" деган ўй кўнглидан ўтган ҳолда илдاملди Маҳкам. Ва йўлакай укасининг гапини эслади: "Кўрмоқчи экан. Демак, муҳим гапи бор. Ҳа, ўзики келди..."

Кейин Комрон ёдига тушиб қолди: беш-олти ойдан буён у кўнгирик қилмас, қандайдир фирмалар очиб, бадавлат бўлиб олганини "ҳафталик"нинг редакциясида эшитган, шунинг учун Комрон ўзини тортаётгандек туюлар, қисқаси...

...у отасидан ҳам ўзини тортгандек, Тошмат ака ҳақида деярли гапирмасди.

- Ассалом алайкум, домла.

- Маҳкамбек. - Домла қоғоз халтани Адҳамга бериб, Маҳкамга бағрини очди. - Азизим... - деб шивирлай бошлади: - Мен сизни жуда ҳурмат қиламан. Фахрланаман... - овози қалтираб кетди: - Сизни кўрсам, Маҳмудбекни кўргандай бўламан. Омон бўлинг, чироғим.

Маҳкам таъсирланиб, нима дейишни билмай қолди.

- Марҳамат, домла, - деди, ниҳоят.

Бу ёқда - ҳовуз бўйида Маҳкамнинг онаси шимарилган енгларини тушириб, соме бир вазиятда турар, Шахлонинг ҳорғин чехраси чароғон, Собит ер остидан тикилар эди.

- О, Робия бону! - хитоб қилди Тойиров ва икки қадам берди тўхтаб, кўлларини қорни устида қовуштирди. - Қалайсиз энди? Маҳкамбек келиб, хурсанд бўлиб қолдингизми?

- Худога шукур. Қадамларингга ҳасанот, - деди Робия бону. - Ўзингиз чарчамай, бардамгина юрибсизми?

- Аллога шукур, - деди Тошмат ака. - Эл қатори, бону, эл қатори... Қани, сиз яхшими, қизим? Э, келинпошша-ку?! Шахлохон! - бирдан овозини кўтарди. - Хуш келибсиз энди? Минг сўмлик пулдай кўринмай кетдингиз?

- Шу, мана келдик, - деди Шахло. - Ўзийиз... Биз Комронни кўриб турувуз...

- Волидангиз соғ-саломатми?

- У кишини бериб кўйдик. - Шу қиска жумлани айтиш мобайнида Шахлонинг кўзидан ёш чиқиб кетди. - Узоқ йили. Инфарк... Қийналиб ўтдилар. Дадамиззи биласиз...

- Эшитганман, албатта, - дея бош ирғади Тойиров ва собит вазият олиб, хўп пичиллади. Кейин кўлини фотиҳага очди: - ...мурсалиманва алҳамдуриллаҳи роббил оламийн. Омин. - Тағин бироз пичиллаб, ҳовучини юзига тортди. Тортди-ю, бир сония ўтмасдан қулимсиради. - Йўл устидаги дуода бу қизим. Лекин чин кўнглидан чиқса, ўтириб тиловат қилиш

мулако шарт эмас.

- Ҳа, сўфиёна усул бу, - деди Маҳкам. - Кани, домла, марҳамат.

- Э, э, анави ўғлон ким бўлди?

- Кимга ўхшайди?

- Э, э, э. Кани, бери кел-чи? Кичкина Маҳмуд...

Унинг чаккасида ўпиб, ўз қўйнига қўл солди. Бармоғига иккита юз сўмлик илашиб чиқди. Собит олишга унамагач, курткани кийиб тикиб юборди. - Бобоники табаррук... Китоб ол. Сизлар зиёли авлодидансизлар.

44

Шийпонга чиқиб ўтиришди. Тойиров тагин қўлини фотиҳага очиб, ниҳоят, "омин" деди.

Четдан кузатган одам шундай ўйлаши мумкин эди: "Бу қария комил мусулмон экан. Шундай оврупоча либосда бўлатуриб, тилидан калими шаҳодат тушмас экан, улуғлиги - шу".

Тошмат акани яқиндан биладиганлар эса...

... бу одам экскурсияга чиқиб, ю-корикўрган қабристонни ёнидан ўтаётган ўқувчиларни қабристонга буриб, у ердаги бир сағана устида ҳилпираб турган увада тугни олиб отгани, буни кўрган ўқинчилар ёқа ушлаб, домлага бир нарса бўлиши, камиди "қўли шол бўлиши"ни башорат қилишгани, бироқ домлага ҳеч нарса бўлмагани-ю, фақат обрўсининг пасайганини ҳам билишар эди.

Ажаб, ҳаёт шундай издан кетмоқдаки, ўша воқеани камдан-кам одам эслар, гўё таъна қилса, ўзининг-да қандайдир сирлари фош бўладиган каби эди.

Маҳкам ҳам бу воқеани эшитган, ўшанда жаҳли чиқиб, домларан ранжиган ҳам, кейин: "Бир гап бор-ов. Бунчалikka бу киши", деб таскин топган эди.

"Бунчалikka..."

Бунинг маъноси шундаки, Тошмат ака Тойиров "СССР тарихи" муаллими бўлгани ҳолда Работ атеистлар жамиятининг раиси ҳам ҳисобланар, табиий динга қарши маърузалар ўқиб турар, демак, ўқувчиларни ҳам шу руҳда тарбиялашга ҳаракат қиларди; бироқ бу ҳолни тушуниш мумкин эди: замоннинг (идеологиянинг) талаби шу эди.

Фотиҳадан кейин Тойиров Маҳкамнинг уст-бошига қандай ҳолис қизиқиш ила тикилган бўлса, дастурхонга ҳам шундай табассум-ла разм солди-да:

- Э, э, - деб, "Напалеон"ни олди. Маҳкамга "зўрсизку!" дегандай қараб қўйиб, шиша қорнидаги ёзувни ўқиди. Кейин: Баняни шифо, - дея олдидаги тозалаб қўйилган пиёлага қуйди.

Буни кўриб Маҳкам ҳам "Распутин"дан ўз идишига қуйди.

- Ана, ана. Саломат бўлсинлар. Ижодларига фақат муваффақият тилайман!

Пиёлалар уриштирилди, кўтарилиди. Маҳкам бўшаган идишни жойига қўйиб, домланинг қадаҳи деярли пасайганини кўриб, унга қарали: у лабларини яларди.

- Ажойиб. Асл мол, - деди Тошмат ака. Кейин ёнидан бир пачка "Президент" сигарети чиқариб, очаркан: - Чекасизми, Маҳкамжон? - деб сўради-ю, Маҳкамнинг олдида ётган "Прима"га кўзи тушиб, чимирилди. - А, уни чекасиз... У кучли. Бизга заифи маъқул. - Фильтри бир ярим бўғин келадиган сигаретни қалин лабларига қистириб, Маҳкам чақиб тутган гугурт чўпида тутатаркан, яна табассум қилди-да, шу сигарет дудини ҳам ичига ютмай пуфлай бошлади.

Маҳкам дафъатан ҳорғин туйди ўзини: домлани, кузатиш, ўйлаш, қайд қилиш меъдасига теккан, эркинрок-яйрабок ўтиришни истарди.

- Хўш, Маҳкамжон, менинг қутилмаган ташрифим сизга ҳайрон қолдирган бўлса керак?

- Ҳа, - деб юборди Маҳкам. - Гарчи сиз келадиган, дўстингиздан қолган уй бўлсаям...

- Офарин. - Домланинг бирдан кўнгли бузилиб, бошини эгди. - Қандоқ миллатсевар инсон эдилар дадангиз... Тоғангиз ҳам у кишидан қолишмас эдилар. Замонавий кийинишда эса, якка-ягона эдилар...

Маҳкамнинг ҳам боши эгилди: Гаплари ҳақ. Кейин

негадир ўгли Комрон ҳақида сўрайди. деб ўйлади. Аммо Тошмат ака фикр тизимидан узилмас эди:

- ...Ў, уларнинг орзулари. Бу қулларга етганлар бор, етмаганлар бор, деб бежиз айтмайдилар. Дадангиз билан тоғангиз, тагин талай тенгқурларимиз "етишмадилар".

- Нима, шу қулларни орзу қилишармиди? - деди Маҳкам. - Яъни, Ўзбекистоннинг мустақиллиги, озодлигини? - Кейин домлага қаттиқ тикилиб қолди.

Домланинг юзига ёрқин табассум ёйилди.

- А, сиз-чи, сиз орзу қилмасидингиз? - деди.

- Нега... Лекин, Озодлик мундай енгил йўл билан қилишини тасаввур қилмасдим, албатта. А так... - қизишиб кетди Маҳкам. - Тошмат ака, Комрон ҳам бир вақтлар "Туркистон Мухториятининг ҳалокати"га жуда қизиққан эди. Мен ҳам, умуман, кўп ҳамкасблар қизиққан эди. Айниқса, Болтиқбўйи республикалари? "СССРдан ажралиб чиқамиз!" деб намоёнлари ўтказётганда...

- А, "Кўкон Мухторияти"га?

- Туркистон Мухториятини камситиш учун шундай дейилган кейин. Ахир, Тошкентда сайланган ҳукумат аъзоларини қамаш тўғрисида Масковдан буйруқ келгач, улар Кўконга қочган-ку? Шунинг учун "Кўкон..."

- О, - деб аста чайқалди Тошмат ака. - Кўконнинг уч кун ёнгани, ўттиз минг одамнинг шаҳид бўлгани... Тавба. Хоч кўтариб чиққан поплариям ўлдирди-я, ноқаслар. Перфилов, ҳа... Бу хунхўрликка ҳатто генерал Осипов ҳам чидай олмади, гарчи дастлаб ўзи Кўконга кирган бўлсаям... Ажаб бир инсонлар ўтишди.

- Тошмат ака, бу маълумотларни илгариям билармингиз ёки кейинги вақтда ўқиб билдингизми? - деб сўради Маҳкам.

Тошмат ака беозор табассум қилди.

- Яхши савол... - Сўнг ўзи савол берди: - Сиз ва сиз каби зиёлилар бу масалага қизиққан экансизлар, нечук энди биз қизиқмаган бўлайлик? Ахир, ўша қонли воқеалар сизларга нисбатан бизларга яқинроқ эди-ку?

- Дарвоқе, - деди Маҳкам ва: "Наҳотки, наҳот?.." дея энтикиб кетди; бу энтикишнинг тагида отаси билан тоғасининг ҳам...

...Ватан Озодлиги ва Мустақил бўлиши бобида "ўйлаган"лари ётар эди.

Лекин у яхши биларди: отаси ҳам, тоғаси ҳам - "чет эл шипони, Советларга қарши прапаганда юргизган", деб ҳибсга олинган... Нима, "Советга қарши" деганда, ўша - Ватан Мустақиллигини орзу қилишгани кўзда тутилганми?

- Шундоқ, азизим, - салмоқ билан бош ирғаб, пиёладаги коньякдан яна хўплади. Буни кўриб, Маҳкам ҳам арқадан ўзига қўймоқчи бўлди-ю, тийилди. - Олинг, Маҳкамбек... Аммо лекин зўр экан, - давом этди Тойиров. Сўнг бирдан унга тикилиб туриб сўради: - Аҳвол қалай, маишати онла?

- Ёмонмас, - деди Маҳкам. - Кечирасиз, менинг дадам билан тоғам ҳам мана шу қулларни орзу қилишганми?

Тошмат ака дунёни қучадигандек қулочини кериб қуйиб, чуқур хўрсинди.

- Сизга ёлғон, худога - чин.

- Кечирасиз, нега бўлмасам, у кишиларни "чет элнинг шипони" деб айблаган?

Тошмат ака боз табассум қилди. Айтиш лозимки, Маҳкамнинг гаши келиб кетди: ўзи нималарни сўрапти-ю, у одам табассум қилади.

- Шундоқ, - деди кейин. - Чунки асл айбни қўйишолмас эди... Тушундингизми?

- Сал-пал.

- "Мамлакатига Озодлик тилапти. Мустақилликни истаяпти", деб айблаш, маъбусни кўтариш, яъни, уни сиёсий маъбус даражасига кўтариш бўладикки, бу - Москов учун зиён бўлур эди. Шунинг учун "угаловшина" - энг макбул йўл саналарди. "Шпиён, хоин, соткин" эса - дежурний айблар ҳисобланарди.

- Кечирасиз, дадамни сотишган-да, а?

- Шақ-шубҳасиз. - кейин маҳзун тортиб, дастурхонга тикилди домла. - Шу ерда турмада ётганларида, икки марта бориб кўрдим. Ёнимизда соқчи бор эди...

- Хўш?

- Мен гап орасида кимдан гумонни борлигини сўраган бўлдим. У айтолмади... Аммо кимдир, маслакдошларидан бири сотганига шубҳа йўқ.

- Тошмат ака, ўтмишни эслашдан ҳозир фойда йўқ-у...

- Э, э, мен бекорга эсламаяпман, азизим. Бу ерда гап бор. Ҳали айтаман, - деди Тойиров чимирилиб ва давом этди сезиларли шиддат билан. - Азизим, мен бир нарсага жуда ҳайрон қоламан, яхшилаб тинглаб олинг.

- Қулоғим сизда.

45

- Мана, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат. Қамалилар, кесдилар, ўлдирдилар... Хўш, нима учун? Ҳа-ҳа, миллатчи бўлганлари учун. Бу - факт. Ҳокимиятни большевойлар олган куни - "Дунё соб бўлди" деб ёзган эди Фитрат. Чўлпон бўлса бир қарчилигидан ашаддий туркпараст газета "Таржумон"га қатнашарди. Ҳамза! Яқинда унинг ўша газетанинг муассиси Ғаспирали оғанинг қазоси туфайли ёзган мақола-сини ўқидим. 14 йилда. Ҳамза: "Э, воҳ, туркий халқлар отасиз қолди!" деб фарёд чекади.

- Ман ҳам ўқувдим, - деди Маҳкам.

- Айтмоқчи бўлган гапим шулки, Маҳкамбек, - давом этди домла, - нима учун уларни "туҳмат"дан камашди, "маж-бурлаб қўл қўйдиришди" ва ҳоказолар, деб ёзади газеталаримиз. Мухбирларимиз, олимларимиз? Нега, ука?.. Бундан чиқадими, улар - Шўро тузумининг содиқ одамлари эканлар-у, нима учундир туҳмат уюштирилган экан уларга? Шундай маъно чиқадими-йўқми?.. Ахир азизим, "Улар чин миллатсеварлар эди. Улар Ватан Озодлиги-Мустақиллигини истар эдилар. Ана шу йўлда қурбон бўлдилар!" деб ёзишса, ахир, улар... чин бир миллий қаҳрамонлар бўлиб кўринмайдими бизга?

Маҳкам отасини "шпиён, агент" деб қамалгани, яъни, эллигинчи йилларда ҳам ўттинчи йилларнинг қора кўлан-қаси пайдо бўлгани, миллатнинг асл фарзандларини йўқотиш "кампанияси" уюштирилгани, шунинг оқибатида ўша киргинлар бошланганига инонар...

... ва бунда табиий мантикни ҳам кўрар эди: ўша зиёлилар бир кунмас-бир кун Хуррият ғояларини кўтариб чиқадилар, бу ҳолнинг олдини олмоқ керак!

Қодирий ва Чўлпон, кейин Усмон Носирлар тақдирига ҳам шу нуқтаи назардан қарар, зеро вақтли матбуот ҳам, олим уламолар ҳам шу нуқтаи назардан қарашар, баҳарҳол шунинг ўзи кифоя қилар эди.

Бироқ...

Тошмат ака Тойировнинг талқини... ажабтовур маъноли, улугларимизни яна-да улугроқ қиладиган, аниқроғи, улар ҳаётининг моҳиятини очишдан иборат бўлиб кўринди. Ва манглайига битта ураб: "Ақлинг қаттайди, хумпар!" дегиси келди. У ҳаяжонини босолмас эди: ахир бу - кашфиёт!

Сўнг.

Тошмат акага қаради-ю: "Ўзи-чи?" деди.

- Домла, мани афу этасиз, - деб бошлади. - Биринчидан, сизнинг ундай миллатсевар адибларимиз тақдирига бу хил ёндошувингиз мани танг қолдирди. Қўлингизни беринг! - Тойиров табассум ила қўлини узатди. Маҳкам унинг қўлидан ўпиб, қаддини кўтарди. - Сизга минг бор раҳмат... Қаранг-а, нақадар ғафлатда эканмиз!

- Ўзи логика - шу-да, - деди Тойиров. - Алқисса, отангиз билан тоғангиз ҳам... нима?

Бунақа қилиб савол бериш - домла сабоғидаги усулларидан бири эди, Маҳкам эслаб:

- Ҳа-ҳа, - деди. Кейин муҳим бир нарса ҳаёлига келдирганию туткич бермаётганини пайқаб, уни "излаштирар" экан, беихтиёр тилига "мослашиш" сўзи келди - бироқ уни "суриб ташлади"-ю, фикри очилиб кетди: ҳа-ҳа, қандайдир асарнингми, фильмнингми (сафар давомида туғилаётган) тизимига ушбу ғалати, донишманд (айни чоғда мураккаб инсон) ҳам "тиркалиши"ни ҳис этароқ амин бўлдики, бу одам - алоҳида бир воқеадир: бунга нисбатан "мослашув"ни қўллаш ҳам керак, албатта!

Бироқ бу одамда қандайдир қатта қалбнинг нидолари

ҳам бор эканки, унинг юзага чиқиши - янги ҳаёт тарзининг шарофатидан бошқа нарса эмас.

Ҳа, бу - Мустақиллик шарофати!

"Ҳе, Маҳкамбой, - деди ичида қулимсираб. - Одамларнинг бузилиб бораётгани ҳақида лоф урасан. Аммо бунақа "тузалиш", балки "очилишлар" ҳам бор-ку?"

46

Уй ортидаги ўчоқларнинг устига шифер ёпилган, ариқ ёқасида ертандир, унинг оғзига каттакон қозон қоплаб қўйилган.

Ойгул келин шу тандир ёнида - ўрик гўласида майингина бўлиб ўтирибди, Шахло берирокда - қўл бола курсида, овсинининг гапини ўйланиб тинглапти, Адҳам гуруччи ағдармоқда, Собит эса ариқнинг у бетига-деворга қўшилиб ўсган тоғолча шохидига зағизгоннинг чўп-капа инини томоша қилар эди.

- ...ширинмиянинг сувини ичганларидан кейин ўзларига келдилар. Шунда хўжайинингиз телпон қилиб, бораёп-пиз дедилар-у, тўшакдан туриб кетдилар.

- Ҳой, - деди Адҳам, - зира!

- Зира солинган. Ҳидидан сезмаяпсизми?.. Опажон, бу киши ҳалиям наша чақадилар.

- Зато ароқ ичмайдилар, - деди Адҳам ва қиҳ-қиҳлаб қулди. - Ҳе, жамала-ак, шикоят қиляпсиз-да... Жиян, эшит-воссанми хотинларнинг гийбатини? Ҳаммасининг зуваласи бир ердан олинган. Узр, кенной... Дамтовок қани? Ҳа, мана экан... Так што сен ўпкалама, жиян...

- Ҳаққатан ҳам у киши тўйимизга борган эдилар, - деди Шахло. - Жуда яхши эслаيمان, конверт берувдилар. - Кейин ўйчанлиги ғойиб бўлиб, қувнабгина қулди; унинг бу ўзгаришидан аслан хурсанд экани аён бўлди. - Ўшанда бизга асқатган эди ўша пул. Ман студент, у киши дастлабки фильмларини ола бошлаган эдилар.

- Лекин жуда шайтон одам, - деб юборди Адҳам. - Шаҳарда ҳамма билади... Мениям алдаган. Ишонмайсизларми?

- Қанақа қилиб алдаган? - деб сўради Собит. - Сиззи алдаган бўлса, Алдархўса эканлар-де.

- Шофир эдим. Мана бунга уйланаман, деб юрган кезларим. Топишим ёмонмасди-ю, бир куни левийга чиқдим. Грузовойни ҳайдаб! Хув Қўштоғнинг ғарбидаги тизмада мрамар ушоғи сотилади. Ўша ёққа бораётсам, домла йўлни тўсдилар. "Шундай ўзим..." дедим. "Битта хизмат бор". - "Хўш?" Шундоқ-шундоқ деди: бир мошина ўша ушокдан керак экан. "Домла, сўраганим айби йўқ, қанча берасиз?" дедим. "Хурсанд бўласан", деди. Тамом. Ўзим кетдим. Конга бордим. Ўша пайтларда мрамар крошқаси жуда арзон эди. Яримта ароқнинг пулига бортни тўлдириб, жўнадим. Ҳе хилват кўчалардан домланинг уйига етиб келдим.

Шу пайт Маҳкам қақирди. Адҳам:

- Ҳозир! - дея давом этди: - Уйларига опкелиб туширдим. Ташишдим.

- Акангиз бир нима демоқчи, - деди Шахло ва Собитга буюрди: - Сан бора қол.

- Ҳозир. Кейин нима бўлди?

- Кейин мундай сўрига ўтказдилар-да, ярим соат лекция ўқидилар. Хурсанд қилганлари шу бўлдики, "сен ёшсан, бундай левий ишларни қилма. Отанг яхши одам эди. Аканг машхур режиссёр", дедилар... Нимага уқрасизлар?

- Шуми?

- Шу. Бир сўмам бермади, жиян!

- Вей шунақа хасисмилар? Ахир, манга...

- Даданг учун, жиян! Даданг орқали қандайдир ишини битирмоқчи. Аммо лекин баъзан қўли жуда очик бўлиб кетади... Бултур ёзувчи ўглининг ўглини - неварасини тўй қилди. Йигирма саккиз яшиқ ароқ кетди... Бу - бой одам. Ҳозирнинг ўзида учта дўкони бор.

- Ну-у!

- Бутун моли - импортний... Вабше, қизиқ одам: бировни алдайди, бировга сочади. Менимча, ўзини жа яхши кўради. Ёш йигитдай кийнади. Ўтган йили хотинини ал-маштирди...

- Как, "алмаштирди?"  
- Ёш келинчакни олди... Тагин тўйида айтиптики, уларни муҳаббат бирлаштирган эмиш.  
- Вой-во-е.  
- Шунақа, кеннойи... Собит анави халтани оч, жиян. Шахло ҳам:  
- Кўрайлуқ-чи, нима опкептилар, - дея хонадон соҳибасидек ўрнидан туриб, уй деворига суяб хўйилган қоғоз халтани очиб қаради-да, қўл сукиб, новват бурдасидек ношвати чиқарди. - Нок... Йўқ, ношватти... Тошкентда йўқ. Номиниям унуттишган.

- Олинг, янга. Олинг-е! Собит, сен ҳам ол. Мана, бизнинг жононгаям битта бер.

Уй муқолишидан шийпонга қараб олган Собит:

- Чой, чой девоттилар-ку? - деди. - Ман чойнакни опкелай. - У жилибок бувисига дуч келди. Кампир унинг кифтини силаб: - бўйингдан ўргулай, - деди. - Канийди, кучим бўлса, сизларнинг хизматларингни қилсам... Ҳали бошим айланди. Ширинмия шарбатидан ичиб ётдим. Худога шукур. Анови кишига яхши қаранглар. Оиламизнинг дўсти эди. Шундай одам катта бошини кичик қилиб уйга келибдими, иззатига ет, болам.

- Ҳўп,-деди Адҳам ва халтани кўтарди. - Шунақасига обориб, дастурхонга тўқайми?

Шахло ҳай- ҳайлаб қолди:

- Бирон вазагами, лагангами солиб обориш керак. Так неудобний, Адҳамжон.

У хўрсинди.

- Майли!

Келин туриб кетди. Ва Собит қайтиб келиб, чойнакни Адҳамга берди-да, онасига зимдан тикилиб:

- Опа, улар ғалати гаплар гапиришвотти,- деди. - Сиз эшитсангиз бўларди.

- Нима. нима дейишвотти?

- Қандайдир... Умуман, сделка ҳақида гапиришвотти.

Адҳам ака, бу кишининг дадам билан нимага учрашмоқчи эканини билармидингиз?

- Менга айтармиди... Бу одам ичидан пишган, жуда баланд дорларга осилиб юради.

- Бўлди қил! - жеркиб берди она. - Бундан кўра, уларнинг олдига бор. Чой қўйиб бер.

Шахло бир муддат ўйланиб турди-да:

- Майли, ман борақолай, - деди. - Тўйимизда бўлган. Ўғиллари уйимизга келиб туради... Ҳа,кайф қилди - келади! Жуда таниқли ёзувчи.

- Шундай отадан... - Адҳам бирдан қўлларини кўтариб: - Ош дамланди! - деди-да, қайнавериб суви озайиб қолган мис қумгонни оловдан олди. - Чой... Уф, балонний газ келмай қўйди, кеннойи.

Ниҳоят, Адҳам чойнакни кўтариб, Шахло эса олма, ношвати ва ҳусайни узум уюлган чинни лаганни кўтариб, шийпонга йўл олишди. Адҳам домлага ер остидан қараб бораркан унинг Маҳкамга кўрсаткич бармоғини кўтариб қўйгани, демак, гаплари ўзаро қолишини англаганини кўрдию, орқаларидан эргашган Собитга чойнакни тутқазиб, меҳмонхонага кетди.

- Ассалом алайкум, - деб борди Шахло. - Яхши ўтирибсизми, домла? Кечирасиз, чой қайнавермади. Баллон камчил бўп қолипти...

Тошмат ака Тойиров ўрнидан турган эди.

- Мана бу чой эмасми? Оби замзам-ку, - деди. - Келинг, келинпошша.

- Чойни ман ичаман... Чикинг, ўтиринг, - деди Маҳкам қандайдир бетоқатлик билан. Ва ўзининг мушкул аҳволда қолганини англадиган бир қараш билан ўглини ҳам таклиф этди: - Собитжон, сан ҳам жойингга ўтир.

47

- Келинжон, мингта сизу биздан битта жизу биз яхши деганлар. Шу ҳикматга амал қилиб, оилангиздаги аҳвол-руҳияни сўраш, каминанинг қай тарзда "Қарилик гашти"ни сураётгани ҳақида ҳам сўзлашдан олдин бир масалани ҳал қилиб олсақ, девдим.

- Марҳамат, домла, - деди Шахло. Ва эрига қараб олиб, меҳмонга диққат билан қулоқ бердики, Маҳкам гинг деса, уни ғажиб ташлашга тайёрдек эди.

- Қисқаси бир таклиф мени бу даргоҳга бошлаб келди, - дея давом этди Тойиров. - Уни бошқа бир режиссёрга ҳам тавсия этишим мумкин эди. Ўзимизнинг шаҳарда ҳам видео "ясайдиган"лар кўпайиб қолган. Балодай. Тўйларни олишди. Баъзан... Аммо мен ундайлар билан алоқа қилишни истамадим. Ҳатто тошканлик режиссёрлар билан ҳам сирдош бўлгим келмади. Йўғасам, Комронжон топиб бериши мумкин эди.

Шахло бу орада эрига икки бор қараб қўйган, Маҳкамнинг эса ҳаяжони бир тўлқин бўлиб томоғига урилар эди: ахир, бу одам ўзининг...

...Маҳкамнинг кўнглидан кечган ўйларини, балки шу ўйларнинг ижроси ҳақида гапирмоқда-ку!

Шуни изоҳлаш лозимки, Собит адасига: "...сделка ҳақида гапиришвотти" - деган эса-да, булар орасида ҳали ундай гап бўлмаган, шунчаки Тошмат ака Троцкийга бағишланган бир фильм кўргани, унда Бухариннинг ҳибсга олиниши ўзига қаттиқ таъсир қилгани, ҳуллас, ўша "ҳужжатли кино" "қанчага?" тушганини сўраган, Маҳкам бу нарса фильм ҳомийсига аён эканини айтаётганда, Собит чойнакни олиб қайтган эди.

- Маҳкамжонда тўхтаганимнинг боиси шундаки, келинпошша, бу инсоннинг менга шогирдлиги, дўстимнинг кўз қораси бўлгани ҳам эмас, балки мен истаган, кўнглимда гулгула қилиб юрган дардларимни экранга олиб чиқадиган ёлғиз киши эканига бўлган бир ишончдир. Қолаверса, менинг тарихим эрингизга яқин, дардларимга дардқаш бўлишига ишонманам.

- Раҳмат, домла, - деди Шахло: унинг руҳи тобора очилиб бормоқда, шишаларга бир-икки қарадики, улар қадаҳини тўлдиришга ҳам тайёр эканини билдирарди бу. Бирок, тажрибали аёл...

...масала ҳал" бўлишини кутади.

- Сўзга чечан эмасман, - деди Тойиров. - Гап шундаки, келин, мен ҳақимдаги "кино"га кириши лозим бўлган энг муҳим воқеалар - Маҳкамжоннинг дадаси билан боғлиқ... - У Маҳкамга тикилиб қаради.

Маҳкам: "Шуни учун дадам ҳақида шунча гапирган экан-да, - деб ўйлади. - "Гап бор" девди-я. Ман дадамни сотган кишининг кимлиги ҳақида ўз гумонини сўрамоқчи бўлганимда..."

- Уқдингизми, Маҳкамбек?

- Нимани?

- Дадангиз билан боғлиқ экан кўп воқеалар, - деди Шахло. - Домла ўшаларни фильмга киришини истар эканлар.

- Офарин!

- Қулоғим сизда, домла, ман ўйланиб қолдим, - деди Маҳкам. - Ўзлик қилди. - Гап шундаки...

- Ҳўш?

- Боя суҳбатимиз давомида шу нарсани, яъни сиз ҳақингизда бирон асар яратиш ҳақида ўйламаган бўлсам, ҳар нарса бўлай. Шуни айтивоссизки, ман ҳайронман... Ман жуда ҳайронман. - У дудукланиб қолди. - Баъзан бир гапни ўйлаб турганимда, суҳбатдошинг айтворади. Бунақа воқеалар бўлиб туради. Ким билади, биотоклар таъсирими бу.

- Ният холис-да, - табассум қилди Тошмат ака.

- Шундай бўлса керак.

- Демак, - деди Шахло, - ўзингиз ҳақингизда бирон частлик фильм яратилишини истайсиз?

- Ҳа. - Тойиров кескин тасдиқлагач, йирик, хушбичим, зиёли қиёфасига зид ўлароқ ғарибона тус олди. - Умримни берса, ёшим етмишга чикади, келинпошша. Етмишга. Буёғига оз қолди...

- Домлажон.

- Борини айтиш керак-да.

- Демак, ўзингиздан хотира қолишини истайсиз? - дангал сўради Маҳкам.

- Ҳа, ҳа. - Бутун гавдаси билан ирғалди домла. - Хотира... Бирок, - яна табассум қилди, - яхши хотира қолишини истар эканман. Англадиларми? - Кейин Маҳкам эътироз



билдирадигандек, изоҳ бера кетди: - Марҳумнинг орқасидан нима дейишади, одатда?

- Домла.

- Нима дейишади? - такрорлади домла. - "Яхши одам эди", дейишади.

- Шундай, - тасдиқлади Маҳкам ва...

... ғалати ҳолга тушди: ҳа, қабр тепасида кимдир ҳалойикдан сўрайди: "Бу қандок одам эди?" "Яхши!" дейишади... Ҳар қалай, бу одат мусулмон одобиға хос бўлса ҳам, балки Қуръондаям қайд қилингандир, барибир - йўлиға айтилади-ёв. Ҳа-ҳа, йўлиға айтилади.

Ахир, кейин марҳумнинг, масалан, "ёмонликлари" унутилмайди-ку?! Ҳеч.

Пироварди ўлгани билан - "яхши одам" бўлиб қўя қоладими?... У ҳолда тириклигида қилган бадкорликлари - аслида бадкорлик бўлмай қолади-да?

Бундан чиқадими, "тириклигини" хоҳлаган номаъқулчиликни қилавер! Ўлганидан кейин барибир "яхшиликка" ўтади?

Риёкорлик бу!

Ўша гап-гап: сани "яхши-ёмон"лигини ўзига маълум.

Бировларнинг баҳоси - бир пул.

Ҳеч ўйламаган эканман-а? Ҳолбуки, Эҳ-хе... Дарвоқе, Усмон Носирнинг устида "миллатчи" деб ёзиб берган "ҳалиги шоир"нинг ҳам қабри устида шундай савол берилганда "яхши одам эди" деб жавоб олинганди...

Ҳа-ҳа, шу гап билан ўша шоир "яхши одам" бўлиб қолмади.

Қайтамга энди кўпроқ сўкишяпти уни...

Демак, домланинг ўзидан яхши хотира қолдириш ҳақидаги гапи - нисбийдир.

Шошма, домла манинг туйғуларимга кўпроқ таъсир этишни ўйламаяптими?

Бирданига ўлимдан тушди...

Ҳолбуки, о, кўринишини кўр!, ҳали-вери ўлишни истамайди...

Яхши кийиниш, яхши ейиш, "Наполеон"дан ҳўплаб роҳатлиниш ва ҳоказо...

48

- Тошмат ака, - деди Маҳкам ниҳоят. - Инсон шундай яралган эканки, ўзидан яхши ном қолдиришни истар экан. Сиздек кишининг эса, бундай ўйлашга юз фоиз ҳаққи бор.

- Кулук, ука. Лекин...

- Нима?

- Мен элимизни ҳурмат қиламан. Аммо биламанки, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Бундан юз йил бурун қилган бир хатойингизим унутмайди. Ҳолбуки, ўзим ўша ишларимдан ҳамон пушаймонман.

- Билсак бўладими?

Домла Маҳкамга бокди.

- Масалан, "ялов" воқеасини эшитгансиз?

- Ҳа, - деди Маҳкам ва хотинига юзланди: - Домла бир қабристонга кириб, битта қабр устидаги эски туғни олиб ташлаган эканлар. Уни кўпчилик кўрган.

- Ўшанда район маориф бўлимининг мудир эдим, Шахлохон, - деб тушунтира бошлади Домла. - Юқоридан кўрсатма келди: "Ёшларни патристик руҳда тарбиялаш су-сайиб кетди!" Ўша кезлар идеология масаласи яна кўтарилган, эллигинчи йилларнинг хиди кела бошлаган эди... Бу бежиз эмас эди, албатта. Одамларнинг динга ихлоси денг фавқулодда ошиб кетган, миллилик туйғулари ҳам яна уйғона бошлаган эди. Русларда диссидентлар кўпайган, рус зиёлилари орасида миллий кадрятлар ҳақида кўп гап бўлар, айримлари телевизорда ҳам бемалол айтиворарди.

- Эсимда, - деди Шахло. - Ўзимизда идеологиянинг бошлиғи...

- Худди ўша эди.

- Узр, домла, - деб гапга кўшилди Маҳкам. - Ўшанда рус интеллигенциясининг ҳам кўпи сиёсатдан норози эди... Манга таниш ижодкорлар ҳам. Хатто биздан ўзларига таржима этадиган асарларнинг ҳам, фильмларнинг ҳам "зубастий" бўлишини талаб этишар эди. Қандайдир ҳамфикр эдик

улар билан. Э, нафақат улар билан, армани, грузин, малдаван... - У Шахлонинг "етар" маъносидан тикилиб турганини кўриб, бош ирғиди. - Так што, ўшандаги шароит манга маълум. Хўш, кейин нима бўлди?

- Ҳа-а, - анча энгил тортиб хўрсинди Тойиров. - "Болаларни патристик руҳда тарбиялаш"ни кучайтириш учун, масалан, "Дўстлик мазори"га бориш, яъни ўқувчиларни обориш ва митинг қилишни планлаштирган экан. "Ленин" мактабининг директори. Мениям таклиф этишди. Тарихчиман... Лекин, келинпошшо, бир нарсани билиб қўйингки, ўша вақтларда ҳам, ундан олдинги вақтлардаям, хатто кейинги йиллардаям ҳар бир ташкилотда органнинг одами бўларди... Бу мактабдаям бор эди. Билардим уни... Хуллас, шаҳарнинг у чеккасидаги Юқорикўрган қабристони ёнидан ўтаётган эдик, бир бола савол бериб қолди: "Анави оқ байроқ нимани билдиради?" деб... Мен ўша байроқча остида бир шахид ётганини айтишга чоғландим. Аммо шунда кўзим ҳалиги номернинг кўзига тушди... Гапирсам, марҳумни прапаганда қилган бўламан. Гапирмасам ҳам, у ифлос бу воқеани тегишли жойга етказди.

- Тушунарли.

- Келинпошшо, ўзбекда бир гап бор: "Оғзи куйган совуқ сувни ҳам пуфлаб ичади".

- Рост, домла, - деди Маҳкам ва илова қилди: - Аиникса, эллигинчи йиллар даҳшатини кўрган сиздек кишининг аҳволини тасаввур этиш кийинмас.

- Раҳмат ука. - Домла чойдан ҳўплади. - Кейин мазорга кирдим. - Қўлларини ёйиб, "ўлдиришлар, марҳамат", дегандай қилди. - Ўша қабр бошига бордим. Туғни суғуриб олдим... Аммо ичимдан ўтганини ёлғиз ўзим Аллоҳ билади. "Ўзинг кечир", деб шивирлайман денг. Марҳумнинг руҳига ёлвораман... Кейин эртаси кечаси келиб, туғни жойига қадаб қўйдим.

- О-о, - деб юборди Маҳкам ҳам, Шахлоям бир овозда ва Маҳкам давом қилди: - Зўр-ку! Раҳмат, домла: Худди-ки, дадам қамалгач, шу уйимиздан...

... тунлари хабар олганингизга ўхшайди! Прекрасний кадр!

- Ташаккур. Тушунган инсонларнинг садағаси кетсанг, арзийди, - деди Тойиров. - Лекин, авом... халқ қайдан билади мен ўшанда чеккан изтиробларни, Маҳкамжон?

- Биз унга билдирамиз, - деди Маҳкам ишонч билан. - Все логичний.

Домланинг киприклари пирпирлади.

- Кўрсатаман дедингизми бу?

- Ҳа.

- Тушунармикан.

Маҳкамнинг яқин ҳамкасблари билан бўладиган гурунгларида баъзан асарни - "халқ тушунадими - йўқми?" деган масала ўртага тушиб қолар ва деярли барчанинг фикри бир жойдан чиқарди: "Керак бўлса, тушуниб олади. Тушунсин, деб унинг "даражаси"га тушмаслик керак!"

Табий, бу гап айтилганда, давра аҳли ихтиёрсиз бир тарзда ўзини халқдан баланд, қиборий бир босқичда сезар, айни чоғда...

...уялар ҳам эди.

Маҳкам беихтиёр:

- Тушунмаса, тушунмас, - деб юборди. Ва тили кичиб кетди: - У сексини тушунар экан. Энди билияман... Олди-қочди вестериларни тушунар экан... - Шунда қаттиқ кетаётганини фаҳмлаб қолди: ахир яқин-яқинда севар эди-ку ҳақиқий адабиётнинг, кинонинг!?

- Демак, "ялов" воқеасини...

Маҳкам яна қайтарди:

- Киритаман.

Домла табассум қилди.

- Давом этамизми?

- Айтмоқчи, Тошмат ака фильмга ҳаётингиздан нима-лар киришини истайсиз? Кечирасиз, ўзингиз ҳақингиздаги фильмми қандай тасаввур этасиз.

- Ҳа-я, қандай? - деб сўради Шахло ҳам. Ва...

...Собит "Президент" пачкасиға қараб хўрсиниб қўйди: у ота-онасидан яширинча чекар эди.

- Ҳм, ҳарқалай, тасаввур этаман у фильмни, - деди

Тойиров. - Ўзимча, албатта... Акс ҳолда, уни заказ қилиш ҳақидаям ўйламас эдим.

- Домла, фильми тасаввур этар эканлар, - деди Шахло ўйчан тортган эрини "ўзига келтириш" учун. - Эшитиб олдийизми?

- Албатта.

49

- Масалан, шундай ўлтирибмиз. - деб бошлади Тойиров. - Иккимиз. Бизнинг уйда, менинг ишхонамда. Хўш, жовонда китоблар, сувратлар... Дадангизнинг сувратиям бор. Фақат группавой портретда ўчирилган. Менимча, Комроннинг онаси ўчириб ташлаган. У шунақа эҳтиёткор эди...

- Нега "эди?" - деб сўради беихтиёр Маҳкам ва муомаласи майин, багри кенг - Маҳкамни Комрондан кам кўрмайдиган адабиёт муаллимаси кўз олдига келди.

- Биз ажрашиб кетдик, - деди Тойиров бир муддатдан кейин: унинг ўйланиб қолиб айтган гапи - бўлари гапнинг ўзи эди-ку, буни хиёл тасаввур этмоқ учун бир кулгули диалогни эслаш жоиздир: бир киши бир дўстидан сўраб қолади: "Фарзандлар нечта?" "Учта", жавоб беради дўсти. "Хўш, нечаси ўғил, нечаси қиз?" Дўст ўйланиб қолиб, жавоб беради: "Иккитаси қиз... Учинчисиям қиз". - Шундай бўлқолди, - деб япончасига бош иргаш билан ҳам гапини тасдиқлади. - Фавқуллода бўлди десам виждонимга қарши борган бўламан... Аммо шундай бўлди, ука.

- Ўғлингиз бу масалага қандай қаради?

- Қандай бўларди, - синик жилмайди Тошмат ака. - Хафа бўлди, аразлади.

- Шунинг учун экан-да...

- Нима?

- Сиз ҳақингизда деярли гапирмай кўювди... Бу воқеага қанча вақт бўлди?

- Бир йилдан ошди.

- Тўғри... Хола қатдалар?

- Комроннинг уйида.

- Тошкентда?.. Э-э. Бизниям Комронни уйига борманимизга бир йилдан ошди... Шундайми?

Ковоғи солиниб кетган Шахло:

- Ошди, - деди ва артистона майин тортиб, фикр билдирди Тойировга: - Домла, сиздай, у кишидай ёши улугларнинг бунақа иши ҳайрон қолдираркан.

- Сизлардан бошқалар ҳам ҳайрон, - тақдидлади Тошмат ака. - Қолаверса, ўзим ҳам ноқулайлик сезаман. Шу мавзуда гап очилса, қулогимни бекитаман. Ахир, январда етмишга тўламан...

- Хола-чи?

- Олтмиш олтига кирди.

- Яхши бўлмапти, - деди Шахло дангалига. - Қайси қуни Комрон ичиб келган эди уйга. Эсингиздами, Маҳмудов? Муҳаббат ҳақида гаплашдинглар... У кўп сўқинди. Сиз "ишонаман" дедингиз, у - "ишонмайман" деди.

Тошмат ака Маҳкамнинг гапиришига имкон бермай:

- У чиндан ҳам "муҳаббат"га ишонмайди, - деди. - Унда ёмон бир рашёт бор... Цинк, ҳа, циник дейиш мумкин уни.

- Бу қизиқ гап, - деди Маҳкам; бироқ ҳақиқатдан ҳам Комрон ҳаётнинг кўпдан-кўп муаммоларига панжа орасидан қарар, "ҳамма нарса бўлиши мумкин" деб, бировларни жинни қилар даражага етказган масалаларни ҳам елкасидан ошириб ташлар эди. Ва...

...унинг асарларида ҳам шу ҳол сезилар, шунинг учун аксар қаҳрамонлари - тўпори туюлар, шу асно услуби ҳам - "яланғоч" эди.

Комрон нимаси биландир Чеховнинг "хотиржам"лигини ҳам эслатар, асарларининг мазмуни - ҳаётнинг айнан ўзи бўлиб кўринар, бунинг устига, у Хемингуэй каби қаҳрамонларнинг ички оламига шунғимас, суҳбату диалогларида уларни очган бўлар ва шу тарика тугатар эди.

Қисқаси, унинг насрини танқидчилар ҳам қўллар-мақташар, зеро бу наср...

...азалдан мулоҳазага мойил ўзбек прозасида янгилик эди.

Ҳа, Тошмат ака ўғлига, умуман, тўғри баҳо берди: циник.

Бироқ, "муҳаббатга ишонмайди", дегани нимаси? Нима, у муҳаббатсиз уйланганми, ёки..."

Тойиров гапига хулоса қилгандек:

- Балки мен хато қилаётгандирман, - деди, - Одатда, ўғил бола онасига, қиз бола отасига...

- Кечирасиз, домла, - Маҳкам у кишининг сўзини бўлди. - Нега энди айна "муҳаббатни билмаслиги" ҳақида гапирдингиз? Тушунолмайд қолдим.

50

- Мен... уйландим-да, - жавоб берди Тойиров боягидек ўйланиб.

- Янгисига? - Шахлонинг оғзидан чиқиб кетди. Ва шошиб шикаста жилмайди. - Ман тушунаман, домла. Эркак кишига ёлғизлик қийин бўлади. Айниқса, сиздек мўътабар кишига. Иссиқ-совуқ дегандай...

- Офарин, - деди домла. - Сиз жуда олийжанобсиз... -

Кейин коньякли пиёлани қўлига олди. Ва Маҳкамга "сиз ҳам олинг", маъносида им коқди-да, тагин бир хўплади. - Ўҳ, ўҳ, ўҳ. Сени яратганга раҳмат... Келинпошша, бу қурмағур баъзан кўнгил оташини бостиради, одамни овутади. Хуллас, ортиқча изтироблардан холи қилади. Акс ҳолда, билмадим, бизга ўхшаш дардманлар...

- Ҳай-ҳай! Сиздек меъёрида ичганлар зиён кўрмайдилар, албатта. - Кулимсираб эрига қараб олди Шахло. - Лекин ҳозирги йигитлар ошириворишади.

- Тўғри, - деди Маҳкам ва арокдан пиёласига қуйиб, шартта отиб олди.

Шу пайт Собит шошилиб, бошқа пиёлага иссиқ чой қуйиб (чой кайфни кесишини билади) узатди. Маҳкам ўғлининг тез фаҳм бўлаётганидан мамнун ҳолда унинг тиззасига уриб қўйди.

Тошмат ака ота-боланинг бир-бирига дилдорлигини кўриб, илиқ қулимсирар экан:

- Ҳа, бу даромад гапларни қўйсак, - деб қолди. -

Кино ҳақида гаплашсак.

- Ҳа-я, - деб қувватлади Шахло.

- Манимча, биз ҳалиям кино ҳақида... унинг мазмуни ҳақида гаплашвоммиз, - деди Маҳкам "Прима"дан тутатиб. - Жуда ажойиб кадрлар кўзим олдига келаяпти.

- Нима, сиз бу томонларига ҳам ўтмоқчимисиз? - дафъатан энгашиб, беморнинг ранг-рўйидан дардини билмоқчи бўлган дўхтирдек тикилиб сўради Тошмат ака.

Маҳкам ўзини орқага тортиди.

- Албатта, - деди. - Асар сиз ҳақингизда бўлгандан кейин... образингиз тўлақонли бўлиб чиқиши керак-да. Шундайми, Шахло? Ҳу, ўрмон хўжалик инженери ҳақидаги бир часлик фильмин ёдийиздами? Яхши чиққан эди.

- Ёдимда, - деди Шахло эри билан ҳамфикрлигига ургу бериб. - Лекин, манимча, сиз аввало домланинг истакларини эътиборга олишингиз керак.

- Шубҳасиз, - деди Маҳкам. - Бироқ санъатнинг талаблари ҳам бор.

- Жула унақа "санъат асари" яратинг демоқчимасман, Маҳкамжон, - деди Тойиров. Сўнг бирдан қаддини ростлади. - Муҳаббат ҳақида эпизод кўшмоқчимисиз - кўшинг, розиман.

- "Муҳаббат?" - ҳайрон бўлди Маҳкам. - А-а, хола-мизга бўлган муҳаббатингиз оқибати...

Йўқ-йўқ, - кескин бош чайқади домла. - Янгини-кенноингизга бўлган муҳаббат ҳақида, майли... - Собитга қаради-да, бошнини эғди.

Собит панжарадан йўлкага тушди.

- Ҳа, бир айланиб кел, - деди Маҳкам. - Бўриларни томоша қил. Яқинига борма.

Шахло "ман ҳам турсаммикан?" маъносида эрига зимдан тикилди ва унинг розимаслигини англаб, ўзига чой қўя бошлади.

Маҳкам сигаретни каттик сўриб торти-ю, яна йўтал тутди. Бирон дақиқалар давомида бўғилиб, кўкрагига кафтини босганча тек қолди.

- Дорини ичдийиз-а? - сўради Шахло.  
- Ҳа, ютворувдим, шекилли, - деди Маҳкам. - Тагин бериб кўйинг. Жа ғалати бўвомман... Домла, йўлда совук бўлди. Сал шамолладим, дейман.  
- Мен ҳозирок аптекачини чақираман, - деди Тойиров. - Телефон борми?  
- Йўқ, овора бўлманг, домла. Ўтиб кетади... - Ичида эса: "Аптекачи чақирса..."

...Кичкина одаммас-е, - деб ўйлади Маҳкам. - Ҳа, кийинишим айтиб турипти".

- Барибир ўзингизга яхши қаранг, - деди домла. - Барча касалликларнинг боши - шамоллаш.

- Ҳа.  
- Хўш, гапимиз нимадайди?... Муҳаббат! - Тойиров бир зум жимиб қолди-да, авайлаб деди: - Мендан фильмни қандай тасаввур этасиз, деб сўрадингиз-а?

- Ҳа, домла.  
- Шунга айтиб тугатсам  
- Э, айтинг-да.  
- Хуллас, иккимиз иш кабинетимда ўлтирибмиз, демак.  
- Ўтирибмиз.  
- Сиз менга савол беряпсиз, мен жавоб беряпман.

Экранда эса сўзимизни - тасдиқловчи тасвирлар.

- Тавба! - деб юборди Маҳкам. - Шахло ишонинг, ман ҳам худди шундай тасаввур қилувдим... Дейлик, бу киши дадамнинг ҳибсга олинганини ҳикоя қилинаётганда, экранда ўша дадам олиб кетилган кўча, кейин - у киши қамалган камера... Ўша камера ҳалиям борми, Тошмат ака.

- Бор, бор, - деб хитоб қилди Тошмат ака. - Келинжон онг ичаман, мен ҳам шунга ўйловдим.

- Яхши-да, - деди Шахло чехраси ёришиб. - Икковингларни фикрларинг бир жойдан чиқса... - Сўнг, "ишқилиб, мана бу одам айниб қолмас бўлгани" дегандек эрига қараб кўйди.

Ажабо, эри унинг ўйини уқди, ва бошини сараклатиб:

- Ишқилиб, бир-биримизни тушунганимиз рост бўлсин, - деди. - Демак, фонда - манзаралар, суратлар. Сиз улрни изоҳлаб берасиз.

- Ҳалиги Чўлпон, Қодирийлар ҳақидаги фикримни ҳам айтсам, бўладими?

- О, - деб юборди Маҳкам ва хотинига ўнгланди. - Домлаимиз бир кашфиёт қилдилар, - У улуг адибларни "туҳмат билан камалди, ўлдирилди" дейилган гапларга қараганда, "аслида миллатчи эдилар. Миллий қахрамон эдилар. Шундан кўрқиб, уларни йўқотишди" дейилиши айна муддао эканини айтгач: - Домла маннинг кўзимми очдилар бу масалада! - деди. - Бу янгилик.

- Айтсам, бўлади?  
- Албатта! - таъкидлади Маҳкам. Аммо...

...кўнгли тубида бу гапу хитоблар муваққатдек, ҳализамон бу режалар йўққа чиқадигандек туюлди: зеро у домланинг тўлақонли образини кўрсатиши керак. Ва тасвирлар замирида бир олижаноб...

... эзгу ғоя ётиши, балки фильм ўша ғоянинг ифодасидан иборат бўлиши керак!

У киши эса: "Санъат асари бўлиши шартмас..." Ҳа, унақада...

Тавба, Абзал аканинг газетасига ёзиб юбориладиган ахборотлардай бир гап бўлиб қолади- ку!

Шошма!  
Кейин билганингни қилсан: домлани авайлаб йўлга сол, бас. Бу киши кўниши керак..."

- Домла, гапингиз чала қолди, - деди Шахло. - Жаноб режиссёр ўйловоттилар.

- Узр, домла. Муҳаббат бобида эди гапимиз... Нима, кичкина кеннойини севиб уйландингизми?

- Тасаввур этинг, Маҳкамбек! - деди Тойиров ва консиз-салки юзига кизиллик қалқди. - Келинпошша, инсоннинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳодисалар кўп бўларкан... Шулардан бири - "муҳаббат" бобида қалбнинг ўзгариши, деб ўйлайман. Мени зинҳор тўғри тушунишларингни истайман. - Тойиров бошини ҳам қилиб давом этди: - Мусулмон тарихидан ҳам маълумки, масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад Мус-

тафо жаноблари йигирма мартадан кўпроқ уйланганлар ва назаримда, севиб уйланганлар.

- О, ундай эмас! - деб юборди кўзлари йилтирай бошлаган Маҳкам ва Шахлонинг қовоқ уйгани - жим ўтиришга даъват этганини кўриб жимганда, домланинг ўзи туртки берди:

- Хўш? - деди. - Нега "Ундай эмас" экан? Севмай уйланганларми Ойша онамизга, Хадича онамизга?

- Уларнинг йўриғи бошқа, тақсир. - Гап дин арбоби ҳақида кетаётгани учунми - Маҳкамнинг тилида эски сўзлар пайдо бўла бошлади. - Битта мисол айтиб берайми? Кечирасиз, ман ҳам унча-мунча ўқиганман пайғамбаримиз тарихини ҳам...

Тойиров дарҳол рози бўлди.  
- Қани қани?... Лекин мен Гётега ҳам мисол қилиб келтирмакчидим.

- Тушунарли. - Маҳкам бирдан бурилиб, қари ёнгоқ остида турган ўғлини чақирди: - Баққа ке! Эшит, Ўғлим! - Сўнг ҳамсуҳбатларига қарамасдан, Собит лўқиллаб келишини, панжарага тирсақларини тираб олишини кутди. Ниҳоят, шаҳд билан ҳикояни бошлади: - Пайғамбаримиз мушрикларни исломга киритиш билан машғул эдилар. Бу йўлда урушлар, қон тўкишлар бўлмоқда эди. У кишининг энг яқин ўлифларидан Абу Бакрнинг шафқатсизлиги ҳаммага аён... Ўша кезлар арабларнинг тўқсон тўққиз фойизи кофир эди, яъни, кўпхудоликка инонишар эди.

Қисқаси, бир қабила билан уруш бўлади-ю, пайғамбаримиз тарафнинг қўллари баланд келиб, қабиланинг эркак уруғини қириб ташлашади. Икки юзга яқин хотин-халаж, бола-бақрани асир олишади. Абу Бакр айтадилар: "Эй Муҳаммад! Булар исломни қабул қилишмаётир. Буларни-да тезда ўлтириш керак!"

Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам оғир ўйга толдилар: у киши аслида исломга куч билан киритишга қарши бўладилар. Аммо ваҳий келган динни тарғиб этишга маҳкум эдилар: бу йўлда ўзлари ҳам бир неча бор яродор бўлган эдилар.

Алқисса, халифанинг таклифига қарши боролмайдилар-у: "Шу ожизаларнинг ичидан энг кўп болали аёлни билиб келинг", дедилар.  
Абу Бакр билиб келиб, айтади.  
Пайғамбаримиз дарҳол хитоб қилдилар: "Ўша заифани ман никоҳимга оламан!"

Гап йўқ.  
Урфига яраша тўй қилиб, етти-саккиз болали муштипар асирани хотинликка оладилар. Эртаси Абу Бакр бошқаларни қатл этгани чодирдан чиқади-ю, хомуш бўлиб қайтиб қиради Муҳаммаднинг ҳузурига.

"Эй, Муҳаммад, - дейди у киши, - Ман уларни қандай қилиб қатл этайин? Бизга қаридош бўлдилар-ку?"

"Ҳа", деб жавоб беради Муҳаммад саллоҳи алайҳи васаллам.

51

Муҳаммад тагин бир сигаретни лабига кистирди-да, чека бошлади. Зеро у ҳикоя маъноси Тойировга ҳам, Шахлога ҳам етганига амин. Уларнинг "ҳазм" қилишларига имкон беришини истарди,

- Дада, қизикакан, - деди Собит.  
- Ҳа, ўғлим, Муҳаммад Мустафо ҳазратлари уйланмаганлар. Буни билмоқ керак. - Маҳкам бу гапи билан домлага таъна қилаётгандай бўлди-ю, майин қулимсиради. - Домла, кечирасиз...

- Йўқ. Кўп ибратли ҳикоя экан, - деб бош ирғади Тошмат ака.

- Домла, гапийиз чала қолди, - далда берди Шахло. - Бу киши сўпи бўп кетганлар. Лекин номоз ўқишни билмайдилар... Билмайсиз, бўнингизга олинг.

- Ҳа, - дея Маҳкам чой хўплади ва ўғлига "кетавер" ишорасини қилди. - Демак, домла кеннойимми яхши кўрасиз?

- Шундай, - деди у киши сезиларли асабилаша бошлаб. - Мен бунинг сабабини тушунтириб беролмайман. Севги деганларини, умуман инсон шарҳлаб беролмас керак... Етмиш саккиз яшар Гёте ҳам нима қилаётганини билмай қолган.

Бўлмасам, у муҳаббат қўйган қиз ниҳояти ўн етти ёшга кирган эди .

- Домла, кеннойимиз неча ёшдалар?

- Нақ йигирма саккизда, - эълон қилди Тойиров. - Оила кўрган.

- А-а, - деб қўйди Шахло. Ва яна чойдан қуйиб, у ёқбу ёққа қараган ҳолда хушлай бошлади: ўзини ноқулай ҳис қиларди бу жувон...

Ахир, бу чолнинг хотини - ўзидан, яъни Шахлудан ўн ёш кичик экан-а!

"Вей, бетавфик, - деб ўйлади атрофдан кўз узмай. -

Севдим эмиш...

Ҳар нарса бўл.

Ўшандоқ хотинни қўйвориб...

Э, манга нима-е!

Мунақа мунофиқлар озми ҳаётда? Тўлиб ётипти...

Айниқса, ҳозирги кунда: пули кўпайиб қутирган чоллар ҳам нима номаъқулчиликларни қилишмаяпти.

Инсоф йўк.

Худодан кўркмайди, бандасидан уялмайди... Бу қариянинг фотиҳа ўқишлари, дуолари - ширма, холос!"

- Демак, кичкина кеннойимизга бўлган муҳаббатингиз ҳам акс этиши керак, шундайми? - деди.

- Албатта, - деб юборди устоз. - Ўйлаб кўрсам, кўп маломатлардан ҳам қутилар эканман... Агар сўз берсангиз, "муҳаббат" ҳақида ўз фикрларимни айтсам, янаям яхши бўларкан... Мени тўғри тушунинг, ука. Кеннойимиз барибир кадрга тушиши керак эди. Сухбатлашаётганимизда чой қўйиб кетадими...

- Тушундим, - деди Маҳкам. - Аммо сўзлаётганда, ўзингизда сал-пал ноқулайлик...

- Мен фикрингизни тушундим, - деди домла. - Йўк, ҳеч қандай ноқулайлик сезмайман. Бошқалар эса... ҳали яхши бир гап айтингиз: тушунмаса, тушунмас. На чора, келинпошиша?

- Ҳа, албатта, - деди Шахло тил учуда.

- Офарин!

- Хўп, - деб бу масалага нукта қўйди (балки қўйган бўлди) Маҳкам. - Энди, бошқа бир савол, Тошмат ака. Ҳали ялов воқиясини гаплашдик. Умуман, келиндик ҳам: демак, яловни суғуриб отасиз-у, тун қоронғисидан келиб, жойига қадаб қўясиз?

- Ҳа.

-Прекрасно... - Маҳкам оёқларини чалиштириб олди: Энди у шунчаки шогирд ё мезбон эмас, балки жиддий - совуқкон режиссёрга айланган эди. - Холамиз хусусида...

- Керак эмас.

-Ман гапимми тугатай.

- Кечирасиз.

- Ўзингиз иқрор бўлишингизча, домла, холамиздан ажраганингизга, ҳарқалай, пушаймонсиз...

- Ажралишга мажбур бўлдим, Маҳкамбек, - чертиб чертиб деди Тошмат ака.- Сабабини сўраб ўтирманг. Одатда эр-хотин орасидаги жанжал арзимаган нарсалардан чиқадиган гаплар. Бир-бирини тушунмаслик. Ҳалиги суратни расво қилгани...

- Ман ишонмайман, - деди Маҳкам кескин. - Ўзингиз ҳам гумон қиларкансиз, холос...Ҳозир! - У қўлини кўтариб, "стоп!" дегандай қилди. Кейин ўйчан давом этди: - Сухбатимизнинг бошида даданинг қамалиши олтидан кимдир "сотгани" ҳақида гап бўлди. Ман "ўтмиш - ўтмиш," дегандай қилдим.

- Ҳа, шундай дедингиз... Чиндан ҳам, - ўйлаб-тиришиб давом этди Тошмат ака, - у масаланинг тагига ҳеч ким етолмайди энди.

- Қ-қайси масаланинг?

- Сиз кўзда тутаётган...

- Ким "сотгани"?

- Ҳа-да, айтдим-ку мен, ўзимизнинг яқин маслақдошлардан бири хабар берган... Хабар бергандаям очигини айтган: "Булар Мустақилликни истайди. Хурриятни..." ва ҳоказолар.

- Сўраганинг айби йўк: сиз ўшанда нима иш қилар эдингиз? - беозор савол берди Маҳкам ва жилмайди. - Сизнинг

омон қолишингизга қандайдир сабаблар бўлган, албатта?

- Албатта! - тасдиқлади Тойиров. - Райкомсомол кўмитасининг Бош котиби эдим, ука. - Кейин нуқиб тушунтира кетди: - Сизлар ҳам билсанглар керак: Ўша, кезлар ҳатто

Горбачов давридаям ҳар бир ташкилоту маҳкама раҳбарларини органга чақириб, ҳалигидай ақл ўргатишар, сиёсий вазиятнинг нозик томонларидан огоҳ қилишарди. Ана ўша сухбатлардан далангизга қўйилган айбнинг асл сабабини билиб олганман... Хў-ўш, кейинроқ меням сўроқ қилишди, чунки далангизнинг улфати эдим. - Тошмат ака қўлларини ёнига ёзди. - "Эшитганим йўк," - дедим. Албатта, улар менга ишонмади, бироқ тайинли ўлиқалари ҳам йўк эдики, қамашолмади.

- А-аа, - "Демак, орган билан алоқангиз бор эканда?" деган гап Маҳкамнинг ичида қолди. - Тушундим, Тошмат ака,- деди артистона бир самимият билан. Сўнг Шахлога қараб қўйди. - Ажаб замонлар ўтган-а!

Эрининг кўнглидан кечган бу ўй Шахлонинг ҳам дилидан ўтган эди.

- Айттилиги йўк,- деди.

Тойиров эса,бу муомаладан қаноат ҳосил қилди. Кейин хаёлкашлик ила соатига қараб олди-да:

-Демак, кеннойимизгиз ҳам кадрга тушади,мен эсам бир-икки оғиз гапирман,- деди.

-Муҳаббат ҳақида?

-Ҳа.

-Тошмат ака, холамиз билан ажраганингизга наҳотки жиччаям пушаймон қилмадингиз? Яна узр сўрайман... Начора, домла, ижодкор ҳам терговчига ўхшаб кетади баъзан. "Журналиская исследования" деган гапни эшитгансиз. Ёзувчи-сценаристнинг исследованияси ундан ҳам...

- Гапни қисқа қилинг, - деб юборди бирдан Шахло: зеро, фильм тақдиридан шубҳага туша бошлаган эди. - Фильм бўладиган бўлдим?.. Домлажон, кечирасиз, бу иш учун анча-мунча сарф-харажат бўлади.

- Мен ҳаммасига тайёрман, - деди Тойиров хотиржамлик билан.- Маҳкамжон, домлангиз олдий ўқитувчидан фарқ қилади ҳозир. - Камторона жилмайди. - Бош бувамиз сарроф ўтган эканлар. Ўшаларнинг генлари таъсирими, бу бозор иқтисодиям йўл очиб бердики, бир-икки фирма ташкил этиб олди.

- О-о, - деди Маҳкам чиндан ҳам унга тан бериб: "Мана, буям мослашув..."

Мана, сенга ҳаётнинг тарзи. Ҳатто шундай одам ҳам - савдогар!

Демак, пули кўп.

Шунинг учун, ўзи ҳақида фильм заказ қияпти-да.

- Ана, эшитдийимми?

Маҳкам ҳушёр тортиди.

- Нимани?

- Мен фильмнинг барча харажатини кўтараман, - деди Тойиров. - Агар хоҳласангиз, ҳозироқ закалад бериб қўйишим мумкин... Бу ерда видеочилар сероб. Иккита студия бор. Сиз фойдаланишингиз...

- Тушундим, домла. - Маҳкам ўзини қил устида тургандек туйди: авайлаб гапирмаса, хотини талаб ташлаши мумкин, унда шарманда бўлади.

- Шахсан ўзларига - эллик минг, - деди домла Шахлогаям бош ирғаб.- Дўстимнинг ўгли мен ҳақимда асар яратар экан, мен ундан ҳеч нарсани аямайман... Кам десалар, яна кўшаман.

Маҳкамда шундай ҳолат пайдо бўлдики, хотини олдида юзи ёруғ, ҳали жуда чўкиб-ўтириб қолгани ҳам йўк: хоҳласа, яхшигина пул топиши мумкин: унинг хорижга қатнаб топганидан кам бўлмайди.

Алҳол, у бир ғурурни туйди. Айни чоғда "иш"нинг масъуляти ҳам кучайиб бораётгани, фильм - "санъат асари" бўлиши лозимлиги, зеро...

... вақти келиб, домланинг ўзидан миннатдор бўлиши кераклигини туйди.

Бунинг учун, албатта, Тошмат акани мақташ - фақат "яхши томонлари"ни кўрсатиш риёкорлик бўлади. (Ўлган бўлсам бир нави эди). Ҳар тарафлама кўрсатишга эса...

...умуман, рози бўлди шекилли. Шошма, яна нималар қолди? Ҳа, ўлига муносабати - қоронги: бу жуда муҳим.

Ахир, отаси ҳақида ундан ҳам икки оғиз эшитиш, - аини мулло-ку? Лекин, отасидан совугани аниқ.

Лекин ўзбек чолининг эвараси тенги қизни (эркак сифатида) севиб қолиши - бу ё ҳирс талаб, ё тийилмаган туйгуларнинг жумбушидан келиб чиққан бир ҳол.

Ҳа, энди, ўзимизнинг қари шоирлар ҳам муҳаббат мавзуда ёзганлар. Бундан кейин ҳам ёзадилар.

Аммо шеърдаги туйғуни амалиётда қўллаш - ҳаётини иш эмас: Ахир, инсон ўзини тия билиши лозим: оламдаги барча ишлар - жумладан, инсонларнинг оила-жамоа - давлат пайдо қилиб яшашлари - уларнинг нималардандир тийилишлари ва нималаргадир кўпроқ ихлос қўйишларининг оқибатидир!

Етмиш яшар чол ҳалигидай жувонга ошиқ бўлиб, муҳаббат ҳақида лоф ура бошласа...

Бу ҳол - инсоннинг табиатига ҳам зиддир: ахир, яна ўн йил ўтар!

Йигирма саккиз яшар жувон ўттиз саккизга чиқар, яъни нақ "даҳа"га кирган чоғида ошиқ чол...

... сафдан чиққан бўлади.

Табиат ҳар бир мавжудотни бир-бирига мутаносиб қилиб яратган: тенг тенги билан, тезак қопи билан.

Ҳе, Миртемир домла!

Қандоқ шоир эдилар!

Буюк шоир-у, чин бир мусулмон-ўзбек, қолаверса, "шарк одами" эдилар. Мана, у кишининг бир жононга муносабати.

Кексайган чоғларда ёзган шеърларидан бирида шундай сатрлар бор...

Қандоқ эди?

Хуллас, у киши айтадилар: "Биргина қараб қўй, савоб бўлади..."

Мана, шоирнинг-шоир чолнинг нафсини туйган бир мусулмоннинг шоирона ҳазили. Бу сатрда буюк завқ бор, аммо...

... турган-битгани одоб.

52

Тошмат аканинг, ҳарқалай, кулгига қолиши аниқлигига инонган Маҳкамнинг у кишига раҳми келиб кетди ва домлани "муҳаббат" ҳақида вазъ айтиш ўзини оқлаш ниятидан қайтаришни ўйлар экан, афтига қаради-ю:

- Тошмат ака, бошқа хизмат ҳам борми? - деб сўради. - Ўқитувчиликни ташладингизми?

- Бизнинг поезд кетди, - деди Тошмат ака синиқ жилмайиб. - Келинпошша, "СССР тарихи"дан дарс берардим. СССР билан бирга бу сабоқ ҳам йўқ бўлди. - Шахлонинг чеҳрасига ҳам табассум, ҳам домлага ачиниш ҳисси балқиди. Домла эса эркин нафас олди. - Ўзбекистон тарихидан дарс бериш ҳам қўлимиздан келади-ю...

- Албатта, - деди Шахло йўлига, гарчи бу одамнинг ҳийлагина билмдос эканига инониб бўлган эса-да.

- Менинг асосий ишим, - дея Маҳкамга юзланди Тойиров, - шаҳардаги тарихий обидаларни муҳофаза этиш жамиятининг раислиги. - Маҳкам сергак тортиди. Домла илҳомланиб, жўша бошлади: - Эрталаб шаҳарни бир айланиб кўрсангиз, яхши бўларди. Таъмирлаш ишлари аини авжида... Ўша Юқорикўргондаги мадраса ҳам ремонтдан чиқди. Қабристон атрофини симдевор билан ўраб олдим. Дарвоза ўрнатдим, ярим ой шаклини ҳам тушуриб қўйдим.

Маҳкамнинг ҳаёлида бу манзаралар дарҳол намоён бўлиши билан бирга, домланинг...

...туғни олишию тунда қўйиш воқеасини ушбу таъмирлаш ишлари билан боғлай бошлади.

Ниҳоят, унда (домла сўзида давом этаркан) Тошмат аканинг "яхши" ва "ёмон" жиҳатларини салмоқлаб кўриш фикри туғилди. Бирок, тезда бу фикр - кайфият маҳсули эканини англади: ҳақиқий одамда салбий ҳам, мусбат томонлар ҳам бўлиши табиий.

Шунинг учун санъат асари инсоннинг ижобий ва салбий томонларини, бир бутун уйғунликда кўрсатиши лозим.

Зеро бу икки жиҳатни бир-бирдан ажратиш мумкин эмас, сабаб...

...бирдан бири келиб чиқади.

Мисол учун, домланинг ўша ишини олиб кўрайлик: туғни олгани - гуноҳ, жойига қўйгани - савоб эмасми? Ёки бўлмасам у кишининг органга алоқаси борлиги - хунук иш, аммо ўлимга маҳкум қилинган (ўзини осиб қўйган) дўстининг уйдан хабар олиб тургани, оқибатни унутмагани - яхшида.

Тагин, хотинини қўйгани - ёмон.

Шошма, бу ерда бошқа гап бор.

Иттифоқо, фильмининг "финал"и қандай бўлиши ҳақида ўйлашга эҳтиёж сезди Маҳкам; зеро асарнинг бошини-яқуни белгилайди; воқеалар ўша яқунни чиқаришга хизмат қилади; яқун эса...

...қисматдек бир ҳол бўлиши лозимки, ўша тўхтамдан қараган (китобхону) томошабин домланинг қай йўсинда ўлишини ҳам тасаввур эта оладиган бўлсин.

- Хўш, бу мусбат манфий жиҳатлардан иборат ҳаётнинг моҳиятини қандай баҳолаш мумкин?

Маҳкам яна иқрор бўлдики, бу тўғрида ўйлаш ва албатта, Комронга маслаҳат солиши лозим.

- Яхши! - деб юборди Маҳкам домланинг таъмир ҳақидаги гапининг охирини эшитиб. - Раҳмат сизга. - Фикри яна аслига қайтиб, гўё фильм яратиши шаксиздек, унинг мазмуни дарҳақиқат пишиб-етилиб келаётгандек, деди. - Юқорикўргон. Қабристон. Ўша туг...

Шахло бош ирғади.

- Яхши чиқади.

Шунда Маҳкамнинг онгида бир ёришиш (сўфийлар "нурланиш" дейишади) содир бўлди ва уни жилла ҳазм қилмасдан баён қила кетди:

- Домла, одатда, санъат асари маълум бир оҳангга бўйсунди ва барча сахналар шу оҳангга мослашиб, бир шаклга тушади... - Шахлонинг йўталидан гапни қисқа қилишини англади-ю, вужудида бир чарчокни туйди. - Домлажон, сизнинг ҳаётингиз мазмуни, ташвишларга тўла кечипти ва кўп яхшиликлар ҳам қилибсиз, - деди. - Аммо андак ёмонлик қилишга ҳам мажбур бўлгансиз...

Тойиров вазмин бош эди.

- Шундоқ, ука. Ўша вақтлар орган жосуслари билан суҳбатлашни ҳам менга жуда малол келарди. Лекин на чора... - У ғамгин илжайди. - Аини пайтда топган фойдам шу бўлардики, вазиятдан ҳаминша бохабар эдим. Маҳбусларга қўйилаётган айбларни ҳам кўзда тутяпман.

- Кечирасиз, домла, - деди Шахло. - Ман ҳам битта савол берсам.

- Бош устига!

- Бу кишининг дадалари қамалишини сезувминдигиз?

Узр, домла.

- Албатта, - деди Тойиров. - Ўшандоқ айб қўйилмаган чоғдаям қамалиши аниқ эди, келин... Чунки зиёлиларни қамаш - сиёсий кампания эди. Худди қатли омдек бир нарса эди.

- Вой, даҳшат!

- Ҳа, Истибоднинг усули шундай эди: вақт-вақти билан миллатнинг гулларини чеканка қилиб турарди... Бунинг учун келинжон, анчайин хорижий журнални варақлашингиз ҳам кифоя қиларди. Масалан, айғоқчи сўрарди: "Қалай экан бу журнал?" "Яхши. Қоғози зўр экан. Расмлари яхши чиқипти", дер эдингиз. Тамом. Демак, Совет қоғози ёмон, Совет журнали ҳалигидай. Бу империализмга сиғиняпти, деб айб кўярди. Ёки бўлмасам, Маҳкамжоннинг тоғаси қачонлардир Туркияда тикилган кастюми кийиб юрганлари учун ҳибсга олинувди.

- Вой-во-е.

- Ман шу гапни эшитганман, - деб қўйди Маҳкам ва фикрдан чалғитаётганини сезиб: - Стоп! - деди. - Тошмат ака, илтимос, манинг сўзимми охиригача эшитиб олинг.

- Хўш-хўш?

- Гап шундай! Яловни суғуриб олганингизда, пушаймон егансиз-у, кейин тузатгансиз бу ишни?

- Худди шундай.

- Энди тарихий обидаларни таъмирлашда бош бўлаётганингиз билан ҳам...

- Қулоғим сизда.

- Ўша гуноҳларни юваётганга ўхшамайсизми?.. -

Маҳкам авайлабгина шундай деди ва домла бир муддат сукутга толиб:

- Сиз менинг ҳаётимни шу тарзда талқин қилишни истасангиз, мен розиман, - деди.

- Энди битта гап қолди, домлажон. Ростини айтинг, наҳотки холамдан ажралганингизга жилла пушаймон қилмасангиз?

- О, йўк! - деб юборди домла қандайдир кўрқиб. - Ҳеч, ҳа. Бу иш табиий тарзда рўй берди.

- Сану манга...

- О, асло! У аёл унақамас... Ҳим, бир кунни айтдим-да: "Сарвар, яшаб бўлмай қолаёпти", дедим. У дарҳол тушунди. Жиянига кўнғироқ қилди. У машина олиб келди. Мен: "Хоҳлаган нарсангни ол", дедим. У: "Раҳмат" деди-да, ўзи ётиб турадиган кўрпа-гўшаги билан кийим-кечагини машинага юклатди. Кейин: "Хуш қолинг", деди-да жўнади-кетди.

- Қаранг-а... Неча йил бирга яшовдинглар? - деб сўради Шахло овози бўғилиб.

- Қирқ йил деяверинг... Келин, бўлар иш бўлди, бўёғи синди.

- Нима, бу темада гап тамомми? - Маҳкам ҳам сўради.

- Ҳа.

- Майли-ю, - деди-да, минғирлаб қолди: - Афсус, асарининг оҳанги бузилди... Мани тўғри тушунинг, домла, кичкина кеннойи бирон кадрга тушадилар. Ҳим, ўзингиз билан бирга.

- Илтимос.

"Уялмайди-я, - деди ичида Шахло. - Вабше, идеал аёл экан каттаси.

Йўк, олийжаноб аёл экан! Комрон маладес, онасини опкетган бўлса..."

Маҳкамнинг қўли яна "Распутин"га борди. Тошмат ака ҳам "Напаoleon"дан ўз идишига томизди ва Шахлога табассум қилди.

- Келинжон, балки...

- Йўк, домла, - деди Шахло ва қулиб сўради: - Кичкина кеннойи ичадиларми?

- Ҳа, бўлмасам-чи... Айтмоқчи, эрта кечкурунга сизларни таклиф этаман хонадонимизга. Кеннойингиз билан танишасиз.

- Раҳмат, - деди Шахло. - У киши билан танишишни чиндан ҳам истаб қолдим. Сиздек домлани севган жувон билан...

Маҳкам хотини "нима деяётгани"ни уқиб:

- Бўпти, - деди. - Эртагача худо пошшо... Домла, олдик. Сал қўйсам, майлими?

- Биз энди...

- Омон бўлайлик!

Тойиров тагин бир културм олди, холос. Маҳкам пиёлани бўшатиб қўяркан, Шахло кўзгала бошлади.

- Шундай қилиб, нима фикрга келдинглар?

Домла Маҳкамга қаради. Маҳкам кескин бош ирглади.

- Мен... Тошкентдан телефон қиламан, домла.

- Нега, бу ерда, - деб чайналди домла. - Шароит яратиб берардик.

- Мен Тошкентда... ёзиб ўрганганман. Сценарий керак-ку?.. Шахло ош тайёр бўлдимикан? Э, Собит хабар олчи, ўғлим... Домла?

- Мен кетаман энди, Маҳкамжон. Турислар келинган. Улар билан бўлмасам, бўлмайди.

Шахло мик этмади.

Домла қўлини фотиҳага очди.

- Шу ердан ўтганларнинг охиратини обод қил. Маҳкамбекнинг ишларига ривож, Шахлога яхши кайфият ҳамшиша ёр бўлсин.Омин!

Маҳкам домлага эргашиб дарвозага борди. Тойиров хўшлашаркан, машинага зеҳн солди.

- Бизга ўхшаб қопти, - деди. - Ҳеч киси йўк... Эртага яшартирамиз бунди.

- Яхши боринг, домла.

- Хўш қолинг.

Маҳкам бурилар экан, жинкўча адоғида енгил моши-

нининг мотори ишлай бошлаганини эшитди.

Маҳкам ўчоқбошига борганда, Шахло тик турганча тор даврага гап берар, келин гўлада, она курсида ўтирар, Адхам ўчоқ олдида чўнкайиб чала ёнган тараша билан чўғларни кўзгар, Собит йўк эди.

- Жа чуқур кетворасиз-де, - деди Шахло эрини кўриб. - У одамга шунчаки бир репортаж бўлса, бас. Ўзи айтиб турипти: етмушга кирар экан. Меҳмонларига қўйиб беради, мактанади...

- Ҳар қалай, - деди Маҳкам, - Комрон ҳам кўради... Меҳмонлар сўрашмайдими: "Бу фильми ким қилган?" деб?

- Сўраса сўрар!

- Йўғ-е, барибир инсоф билан қилиш керак, Шахло... Умуман, бу одам ёмон одаммас, шундайми, ойн? - сўради Маҳкам. - Ҳарқалай, раҳмдиллик бор бу одамда.

- Ай! Етмушга кириб, кўнгли ёш хотинга кетган чолнинг нимаси яхши бўларкан, - чирсиллаб деди Шахло. - Ўзбек бойиса - уй қуради, қозоқ бойиса - хотин олади, дейишарди. Акси бўлди. Ўшандоқ хотинини... Тагин уялмасдан мактаб ҳам қўяди. Ё сезмасдан мактавордими?

- Шу гапингиз тўғри, - деди Маҳкам. Кейин хотинининг мақолида замонавий бир ҳолни фаҳмлаган бўлди: бу қария камбағал бўлганида, ўша жувон...

... тегармиди бунга?

- Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин, - деб қўйди она ерга тикилганча. - Шу ишни ўзига лозим кўриптими, қўявер, болам. Ёш хотин ҳам ёшлигини қилади бир куп...

- Вой! - деб юборди Адхам. - Бизнинг асалчи устоз ўзидан йигирма ёш кичигига уйланган эди. Хотини ўлгандан сўнг... Ҳозир ўша жувон устозни миниб олган. Учрашиб қолсак, ҳасрат қилади бечора: "Э, Адхамбой, бу зотнинг бозори йўкки, обориб алмаштириб келсам".

Ойгул жилмайди, Шахло қолди, она бошини сараклатди. Уйнинг у бурчагидан чиқиб келаётган Собит яна олчаларга қаради. Маҳкам битта улуг актёрнинг ҳам ёш қизга уйланиб, охири хор бўлиб ўлиб кетганини эслади; кейин ўзининг...

... ўзидан ниҳоят уч ёш кичик Шахлога уйланганидан ичида шукрона айтди.

- Пул ташадими? - туйқусдан сўраб қолди Шахло. - Бизга керак ахир. Унда ачиб ётипти... Манга қаранг, мана шу ерда жигарларингиз ўтиришипти. Сўз беринг: Тошкентга борибоқ сценарий ёзишга киришасиз. К чёрту "санъат асари!" Эшитиб олинг, кичкина оймчаси ҳақида қанча гапирса, бемалол қўйиб беринг. Ўзингиз ўхшатиб ёзинг... Бир майна бўлсин. У ҳозир сезмиёпти. Қандайдир абстракт фикрлар билан ўзини алдавотти.

- Тўғри! - Маҳкам ҳам ўчоқ олдида чўнкаювди, Адхам наридаги ўрик гўласини тортиди. Ака унга омонат чўқиб, кўлларини беихтиёр ўтга тоблади.

- Ну, брат, туриб-туриб, ҳайрон бўламан сизга, - деди Адхам қандайдир завқ билан.

- Аммо лекин даданг билан жуда иноқ эди, - деди она хаёлчан. - Иккиси кўп гаплашарди...

- Ойи! - деб унга ўнгланди Маҳкам. - Дадамми ким сотгани ҳақида бирон гап чиққанми?

Она жим қолди. Кейин:

- Ўша кезлари кўчада кетиб бораётган бозорчиниям тутиб қамашарди, болам.

- Бўпти. Қатда ўтировуз? - сўради Шахло эрига айтган "насихат"лари туйфайли руҳан кўтарилган ҳолда.

- Жамалак!..Йўк, ўзим бор. Жиян, манга қарашворасан энди. Акавой, болохонага жой қиламиз. Барибир ўша ерда ётасизлар. Меҳмонхона тузук-у, печкаси йўк.

- Ҳа, болхонангиз маъқул, - деди Шахло: булар илгари келишганда ҳам ўша ерга чиқиб ётишарди. - Лекин акангиз пастда ётаверсалар ҳам бўлади, барибир у кишини излаб кимдир келади... Биз ухлиёмиз.

- Хўп, - деди Маҳкам.

- Йўк, тепала ётасиз сиз ҳам, - деди Собит. - Жойингиз бор, калавотийиз бор.

- Раҳмат, ўғлим.
- Бўлмаса биз оймнинг уйларида овқатланавуз. Сиз эркаклар тепага чиқинглар.
- Ест, кенной.

54

Болохона - ердан икки газлар баланд тахсоннинг усти бўлиб, бир уйу бир даҳлиздан иборат; орқа тарафга ҳам, ҳовуз тарафга ҳам очиладиган деразалари бор. Деразаларига қалин парда, деворларига гилам тутилгани учун катта-хона ёзнинг кунидаям нимқоронғи бўлади. Даҳлизда - туңука печ, қарнайи деразанинг бир кўзидан терс томонга чиққан.

Бу уйлар ҳам - Маҳкамга болалиқдан қадрон: сахарлаб Кўштоққа жўнайдиған қушлари ҳамроҳлари билан шу уйда тунар, туңнинг бир маҳалигача жез патронларга сочма ўқ жойлашар ва қайси тизмаю қайси камарга бориб ҳордик олишни режалаштиришар, сўнг шароитнинг ўзи уларнинг ўйлаганларига таҳрир киритар эди.

Ҳа, Маҳкамнинг ёшлиги шу ҳужралар билан ҳам чамбарчас боғлиқ: ичкари хона - дарсхонаси, ўша пайтлар деворларга рус- Совет ёзувчиларининг суратлари қоқилгил бўлар, стол устидаги сопол кузачада гул ёхуд кўкатлар яш-наб турарди.

Ўшанда бу қадимги шаҳар ҳам "пат-пат" деган электр станциянинг қуввати билан кечаси соат ўн биргача ёруғ бўлар, сўнг хонадонларда лампа-чирок ёқилар, гоҳида станция, умуман, ишламай қўярдикки, айтишларича, бу ҳол ўша ердаги хизматчиларнинг қайфиятига боғлиқ экан.

Маҳкам ўнинчи синфга ўтгач, боғия меҳмонхонага кўчиб тушган эди...

У тепага чиқарқан, ёғоч зинанинг "инграши"ни ҳам "таниди", кейин айвопчада турарқан, шу ердан бокка бокқан кезлари кўз олдига келди; у баъзи тонларда уйғониб даҳлиздан чиққанда, фақат булбулнинг (баҳорда) сайрашини эшитар, сўнгра қораталоқ деган қуш янғроқ овоз чиқариб уча бошлар, чумчуқлар уйғондимми, бас, чағир-чуғурга булбулнинг саси кўмилиб кетар, қушлар бозори бошланарди.

Бу ердан олмалар қўлаганда боқиш ҳам мароқли эди: тунда ёмғир савалаб ўтган бўлса, олма тағларига тўкилган тухум пўчоғининг ушоқларидек гулбарглр ажиб бир ночорликда кўринар, шоҳу бутоқ ҳам гуллари тўкилганидан хомуш тортгандек туюларди.

... Маҳкам даҳлизга кириб қаравотга чўзилишни ўйлади-ю, беихтиёр ичкари хонага ўтди. Димикқан ҳавони тўюб, дереза пардаларини бир четга сурди ва бир табақани очди. Сўнг шинга осилган чирокни ёқди.

Тўрдаги сервант ялтираб кетди, ичида ёски буюмлар: чиннидан коса шаклида ясалган қиз боланинг боши, тулки, бўри, юмрон ва камёб қушларнинг чинни ҳайкаллари...

Маҳкам меҳмонхона шкафида кўрганларини эслаб: "Олдин шу ерда эди", деб қўйди.

Шунда нақшин мис қумонга суяб қўйилган сарғиш суратга кўзи тушиб, ойнани сурди ва уни қўлига олди: ўзи, олтинчими синфдалиқ пайтида дўсти (бундан тўрт йил буруи "оқ қон" касалигидан нобуд бўлди) Илҳом билан Кунтегмас камаридан қочиб чиққан қобонни отишган (ўшанда геологларнинг верталёти учиб ўтган эди), тўнғиз ёш, ҳали бўри-тиши чиқмаган эди. Навбат билан уни миниб туриб, фототў-гарагидан бериб қўйилган "Смена" аппаратида суратга тушишган, пешоналарини оқ қийиқ билан боғлаб олишган эди.

Мана, ўша тасвир...

- Ака!
- Лаббай.
- Ҳозир печка қизийди... Ўзимиз бир ўтирайлик. А, расмни кўряписизми? "Акам учиб бораётган какликни уриб туширарди" десам, Бўри ака ишонмайди.
- Ким у Бўри аканг?
- Э, редакциядаям, китоб магазинидаям...
- Бўлди, бўлди.
- Шу киши айтади: "Ундай овчи қушлару ҳайвонларни қандай қилиб мунча яхши кўради?" дейди. Китобларингизни кўп ўқиган. Биттаси...
- Мана кўмир, - деб челақ кўтарган Собит кирди ва

Маҳкам укасида сўради:

- Кўмирни қатдан опкевосилар?
- Қорақияда қон очилди... Хе, Русия бермасаям кунимиз ўтар экан. Президент биларқан: "Бизда ҳамма нарса бор!" Фақат тоғдан бу ерга опкелиш проблема: йўл чатоқ, кейин кўмирнинг ҳақини сўрайди шопирлар.

Маҳкамнинг кўнгли сув очиб кетди: қўли узун бўлганида бу уйларнинг барига батареялар ўрнатиб, тағхонага сув қайнатгич қозону чўян печ қурдириб берарди, албатта; ана шунда печкалардан таралиб турадиган ёски руҳнинг ўрнига замонавий бир қайфият кирар, бундан онаси ҳам, келин ҳам хурсанд бўлар эди.

Туңука печ гуруллаш бошлаганда, Маҳкам айвонга чикди ва мошинасига кўзи тушиб, милтиқни эслади: уни шу даҳлизда тозалашни истаб қивотти.

Даҳлизда Адҳам шаққилар эди:

- ...Келаси йил буни ўзимизга юборасиз. Шу ерда ўқийди. Кейин институтга киришям осон бўлади.
- Қайда! - деди Собит. - У замонлар ўтиб кетди оқа.
- Ҳозир ҳамма нарсани пул ҳал қивотти.
- А, бўлмаса, отангни юртини кўриб, тоғларни кўриб меҳринг тушиб кетасан, нима!
- Собит, - деди Маҳкам. - Милтиқни опке, ўғлим.
- Адҳам, сандаям бир ўнолти бўларди-я?

- Опкўйишди миллисалар, - деди Адҳам ва қўли билан кўмир олиб, печга сола бошлади. - Тоғда қутиларни энди жойлаштириб бўлувдим, бир верталёт кеп қолди. Миллисалар рейд қилишган экан. Кўкнор, наша экилган ерларни излашгаётган экан. "Бизнинг кўкнор - мана!" деб мойчецак, сапсар очилиб ётган майдонни кўрсатдим. Мени хўп дапрос қилишди. Ростки, кўкнор экадиган бир-икки кишини билардим. "Бировга айтмагин" деб жингондан оз-моз бериб туришарди. Ака, кўкнор экканларни - "бой" дейишади. Бекор гап. Мижозлари - бой... Албатта, айтмадим уларни жойини. Миллисалар ҳам менга ишонмади. Ахир, биз ҳам тоғнинг бир беги-да.

- Милтиқ қаердайди?
- Арчага илиб қўювдим-е.
- Мандаям ҳужжат йўқ. Бунинг устига - менинг милтигим боевой.
- Эҳтиёт бўлинг, ака... Тоққа чиқасизми? Соғинмадингизми?

- Соғинганман, - деди Маҳкам ва сигарет тутатди. - Жуда... Хайрият, йўлда алашиб, бир чўққига чикиб қолдим. Кўштоғнинг юқори тизмасидан қиялаб борсанг бўлади. Ярим қушлиқ йўл.

- Янгам ҳам айтаётувди, - Адҳам қўлигина эмас, бурни-бети ҳам қорақуя бўлиб, даҳлиздан чикди. - "Хайрият" деяписиз, атай алашган сиз-а? Биламан, туйқусдан йўлни бериб юборадиган одатингиз бор. - Кейин ғамгин тортиб: - Ака, сиз талантлисиз-у, соддасиз, - деди. - Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, анави миллионерни яланғоч қилиб чиқарворардим шу ердан. Янгам айтганларидай, бир репортаж бас унга. Сиз бўлса фильм деб...

- Ўзи шундай деди-да... Раҳмат, ўғлим. - Маҳкам Собитнинг қўлидан милтиқни олди.

Олди-ю, вужудида жўшқинлик кучайганини туйди.

55

Бир неча дақиқадан кейин учовлон қорни қизара бошлаган печ ёнида, шийпондаги мевалару шишалар безаб турган дастурхон бошида ўтириб, ош ейишмоқда эди: дадаси билан амакисига тақлид қилиб Собит ҳам қўлда олар, гуруч доналари бармоқлари орасидан тўкиларқан, уларни бошқа қўлда териб, оғзига солар эди.

Маҳкам чойдан қўйди-да:

- Адҳалинг қалай ўзи? - деб сўради Адҳамдан. - Дастурхонингга қараганда...
- ...ничево, - деб давом эттирди Адҳам. - Мен ишимни топдим, брат. Шопирликни ташладим... - У бирдан қоматини кўтарди. - Бизни ўғил кўринмай қолди. Қайнонамнинг уйига кетувди, ярамас. Қулангир товукларига ишқивоз... Қани, ош совумасин. Жиян, олишингни мазаси йўқ-ку?
- Овомман.

- Фирт тошканлик бўпти бу... Ака, кечирасиз, энди бир умр Тошкентда яшайсизми?

Маҳкам пиёлани олди.

- Билмадим.

Ука акага тикилиб қолди.

- Шаҳарда яшаш осон эмас-а?

- Кимга қандай.

- Домла хурсанд бўлиб кетдим, ишқилиб?

- Да, ну ево...

- Комрон ака Работга келса, уйларига бормади. Пряма гастинницага тушади. Сизлар учрашиб турасизларми?

- Уйимизга кеп туради, - отаси учун жавоб берди Собит. - Фақат ичганда.

- Ичганда ҳамсухбат излайди-да одам, - деди Маҳкам ўз тажрибасидан чиқиб: илло ўзи ҳам кайф қилганда, Комронни излаб борган вақтлари бор, қолаверса, Шахло билан ҳам ичган пайтида даррлашгиси келади.

- Бу гапингиз рост, - деди Адҳам. - Аммо зелендан тўрт дуд олсангиз, ҳеч ким билан гаплашгингиз келмай қолади.

- Сан чекишни ташла, - деди Маҳкам астойдил. Кейин чехрасида кўркув пайдо бўлиб, давом этди: - Бу нарсани инсонни жинни қилишгача оборади. Хотиннинг бор, боланг... Яна фарзанд кўрасан.

- Ака, - деб унинг сўзини бўлди Адҳам. - Укангиз, - рўзгор бошига тушгандан кейин ўйлаб-ўйлаб иш қиладиган бўган. Шунинг учун хотиржам бўлинг.

- Ўзингга инсоф берсин.

- Жиян, сенгайм ўн грам... а? Ўзи, бу шишалар бўшаймайдиган хилидан экан. - Сўнг акасига манглай остидан қаради. - Мен ҳам обқўйганман...

... Собит ҳам коньякдан икки қултум ичди.

Маҳкам кўзини очганда, шифтга осилган лампочка ярақлаб порлар, оёғи совкотган, дастурхон йиғувсиз, ўғли нари бурчакда хўмрайиб ўтирарди.

- Ухлабман-да. Соат неча бўпти, - биллагига қаради-ю, оёғини каравотдан осилтириб ўтирволди. - Нега мунақа қилиб ўтирибсан? Печкага кўмир сол.

Собит тиззалаб туриб, печ устидан сирланган чойишни олди. Бурчакдаги челақдан қисқичда кўмир қисиб, қип-қизил оташхонага сола бошлади. Ичкаридан чирсиллаб учкун отилар - бу манзараю ўғлининг эвсиз ҳаракатлари Маҳкамга болалиқда қолиб кетган кунларини эслатаркан, кайфияти бир мунча кўтарилди.

- Амакинг қани?

- Пастда. - Собит шундай деб отасига қандайдир хавотирли қараш қилди: "У кишига халақит берманг", дегандек бўлди.

Маҳкам ўғлининг бу ҳолатини укди: "Яна ичипти-ми?" деб "Напалеон"га қаради: шу номли жаҳонгир каби пакана шишадаги ичимлик ҳамон икки бўғинлар пасайгани ҳолда турарди.

У чойидишдан пиёлага иссиқ сув қуйиб, эшикдан кираверишдаги бурчакка борди-да, дастпў устига энгашиб, қўл-бетини чайган бўлди. Кейин эшикпарда илиб қўйиладиган қозикдан сочқини олиб артинди. Ва қунишиб келиб, бояғи жойига чўнкайди-да, қўлларини печкага тоблаб бошлади.

- Дада, қачон кетовуз?

Маҳкам ўғлининг саволидан теран бир талабни укди. Аммо, одатдагича:

- Кетамиз, - деди. - Зерикиб қолдингми?.. Манга қара, нега хўмрайиб олдинг?

- Э-э.

56

Шу пайт эшик зарб билан очилиб, жинси шими баданига ёпишиб турган, бўйи яна ҳам ўсгандай Адҳам тўфлисини ечмай кирди-ю:

- Э, ўйғонибсиз-ку, ака, - дея ичкари хонага ўтди. Эшикни зичлади: чироқ ёқилди, у нимадир қила бошлади. Маҳкамнинг бир одати бор: бу тариха шошилинч нимадир қилаётган кишига асти савол бермайди, ўйчан кузатади; сабабини билса - билгани, билмаса - ундан гап чикишини кутади. Ниҳоят, ўрни келганидагина сўраши мумкин.

Адҳамни кўрган Собит ўрнидан туриб кетаёзгани. Отасига зимдан кўз тикиб, унинг салобати босдими, ўрнига ўрнашиброк ўтирди-да:

- Чой ичасизми, дада? - деди.

- Ҳа, ўзим чўлаб ўйғонувдим. - Маҳкам чойнакни олиб, жумрагидан бир-икки сипкорди. Шунда Адҳам тагин шошганча ташқарига чиқиб кетди. Маҳкам каравотга суяниб ўтириб, битта сигарета тугатди-да, ўғлига тикилди.

- Нима? - деди ўғли (кўз қараши ила онасининг ондасондаги мушук қарашини асатиб). - Нимага бундай қивотди амакинг демоқчимисиз?

- Ҳа, энди, - деди Маҳкам. - Авзойи бошқача.

- Шунақа.

- Пастда бирон гап бўлдим?

- Бўлди! - деди Собит. - Хотинийиздан сўранг.

- Балки ўзинг айттарсан?

- Уф.

"Шахлодан нима гап ўтган бўлиши мумкин? - ўйланиб қолди Маҳкам. - Демак, нимадир ўтганки, ўғлимгайм ёқмапти".

Шунда Собитнинг кўзларидан милт-милт ёш оқа бошлади.

- Собитжон?

У миқ этмади.

- Қизик. - Маҳкам ўрнидан турганди, Собит унга қўл чўзди-ю, бирдан тортди. Кейин бошини кўтармасдан пиқиллади. - Боринг, ўзийиз билиб олинг. - Кейин қизарган кўзларини отага ғазабкор тикди. - Курткалар бор-у, учта куртка бор...

- Хўш?

- Э-э! Дада, эртага кета қолийлик Тошканга. Бувимми кўрдийиз. Уйни, боғни кўрдийиз. Шаҳарни бир айлансак, етар... Ман жаа уялвомман, дада.

- Ўғлим, кўзингни арт, - деди Маҳкам фарзандини чунон севиб кетиб. Ва унда адолат ҳисси кучли экани, бундан кўп сезишини эслаб, онасини ҳам баъзан (Шахло ноҳақ бўлса) силтаб ташлаши кўз ўнгига келиб, қалбида қувончу оғрик билан айвонга чиқди.

Қоронги туша бошлабди, пастдаги айвон чироғи ёниқ, онасинингу меҳмонхонага туташ уйчанинг ҳам (Адҳам хотини-боласи билан ўша ерда ётади) деразалари ёп-ёруғ эди. Вақтида уйғонгани, акс ҳолда ланж бўлишини дилида қайд этган кўйи туфлисини кийди. Тунда яхшигина совуқ бўлишдан даракчи изгирин ёсаётгани боис кастюми тугмаларини ўтказиб, зинадан тушаркан, тўхтаб қолди: бўри увлаб юборган эди.

Маҳкамнинг вужуди титраб кетиши баробарида ўша - Кунтегмас гори устида Камрон, Қуюн билан эшитгани "нола" хаёлига келди. Ва у ҳайвоннинг қопқонда экани билан бу ердаги бўриларнинг қафасда ётишгани орасида бир ўхшашлик кўрди.

Кейин, узоқ-яқиндан ваҳима билан ақиллай бошлаган итлар товуши остида жилиб, айвонга қадам босди-ю, наздида, Адҳам (қайси уйдан бўлса-да) чиқиб қоладигандай, тўхтади яна.

Адҳам чиқмади. Аммо онасининг хужрасидан - деразатиркишидан чиқаётган гап-сўзлар эшитила бошлади ва Маҳкам...

...ўғлининг "боринг, эштинг" дегани учунми, укасининг ғайриоддий ҳаракатлари туфайлими, ё аёлига ҳаргиз "кўз-қулоқ" бўлиб турганими сабаб - бировнинг гапини хуфия тинглашдан уялиш ҳисси ундан узоқлашди, ва кучли бир қизқиш ила деразатига борди.

- Янгажон, дил кетди-да, - дер эди Адҳам. - Ойи, аралашманг. Жамалак, жим ўтир дедим-ку сенга!

- Адҳамжон, айтдим-у, агар ўзиммики бўлса, сизга текин берворардим, - деди Шахло.

- Менга текини керак эмас, кеннойижон... Текинини, мана онамга, хотинимга бердингиз. Минг раҳмат сизга. Шундай, ҳе-е, меҳри-оқибат дефицит бўлиб қолган кунларда буларни сийлаб совға олиб келиш - қатта гап, ахир. Мен бундан қадрлайман... Аммо Лайло бу кўнгил тусаб қолди-да, ўша курткани. Эшитмаяпсиз-да, "ҳозир олу кий!" деяпти бу девона!

Маҳкам укасининг ҳийла кайфи ошгани, демак, яна



ичгани, балки аламидан ичгани, ахир, Собит буларнинг гу-  
рунгида бўлиб, кейин тепага чиққан, шекилли, шу боис  
кайсарлик қилаётганини тушунди.

Кўнгли истаган нарсага етишиш қарори буларнинг  
қониди бўлса керак: оталариям бир гапдан қайтмаган...  
Маҳкам эса...

... Ўша довонни эслайлик, ҳа-ҳа. Нечук энди бир қарич  
резина топиш учун тубанга тушмасдан ўрқачга ўрлаб кетди?  
Ахир у ерда резина нима қилади. Холбуки, ўша исқоти ҳақида  
ўйлашни ҳам хоҳламай (балки ўша ўй ҳаёлидан кўтарилиб  
кетиб), тепага тирмашиб чиқа бошлади. Нечун?

Ғор-камарни бир-икки бор эслаган ва уни кўрмоқ  
истаги туғилгани учунми?

Балки йўлнинг сув олиб кетган жойидан қайтиб ке-  
лаётганида тунни шу атрофда ўтказиш фикри, ҳа-ҳа, ўша  
фикр миясига ўрнашиб қолгани сабабми бунга?

Тагин: ўзи, умуман, бир ёқларга чиқиб кетиш ҳаёли-  
га тез-тез берилиб туриши туфайли, алалхусус, шундай им-  
коният туғилгандек бўлдимми?

Нима бўлганда ҳам - ғор-камарга интила кетди: уни  
тополмасдан қийналди ҳам (тўнғизларга дуч келди). Оқибат  
топди...

- Бу куртка киймаса тинчимайди, - деб пичирлади  
Маҳкам. Кейин эса, укасига раҳми келиб, эшик томонга  
жиларкан, Адҳамнинг яна бир гапи қўлоғига чалинди:

- Кеннойижон, ахир, халқдаям пул йўқ ҳисоб.

Маҳкам беихтиёр кастюмнинг кўкрак киссаси усти-  
га қафтини босди.

57

У тор даҳлизда туфлисини ечаркан, Адҳам биров эта-  
гидан тортяпти-ю, унинг қўлига ураётган каби бир ҳаракат  
билан ҳужрадан чиқди. Ва эшикни ёпиши ҳамон Маҳкам  
унинг биллагидан туғди.

- Ака? Акажон! - деди у йиғламоқдан бери бўлиб.

- Ўзингни бос, - деди Маҳкам. - Кўтарса, ичиш ке-  
рак... Бу ёкка юр!

- Хўп! Сиз бизга - ота ҳисобидасиз. Юринг... Лекин  
мен арокдан эмас, бошқа нарсдан маст бўлдим. Одамнинг  
кадри-қиммати - ҳамма нарсдан устун, деб ўйлар эдим. О,  
замо-он!.. Юринг-юринг.

Айвонга чиқишди. Маҳкам уни пастга тортди. Адҳам  
сақраб супадан тушди-ю, акасини кучиб олди. Овозида йиғи  
билан бир нималар дея уни ўпа кетди.

- Акагинам. Нима дейсиз? Уринг. Мен тайёрман...  
Эй, бир-иккита солинг шу қовоқ қаллага. Нимага олифтачи-  
лик қиласан денг. Юз кило асалинг бор, тўртта кўзинг бор,  
иккита бўрингами?

- Етар, - деди Маҳкам укасининг гиналарида, бари-  
бир, ҳақиқат борлигини дилида қайд этиб.

- Хўп-хўп. - Шунда тепадан тушган сояни кўриб қара-  
ди-да: - О, жияним! - деб юборди Адҳам. - Сен... - Бирдан  
акасининг қўлоғига шивирлади: - Худди ўзимиз. Зўр йиғит  
бўлади. Мен ўзим уни асалчилик техникумига опжириб қўмаман.  
Домлалари билан салом-алигим бор, консультация оптура-  
ман.

- Раҳмат.

- Сизга раҳмат. Эшитаман. - Ниҳоят, ўзини ҳийла  
босиб, ёнидан "Беломор" пачкасини чиқарди. - Рухсат этинг,  
тутатиб олай... Омон бўлинг. - Кейин ғамгин жилмайди. -  
Сизни кўнглингиз мана шу осмондай кенг. Қойилман.

- Бўпти. Ҳим. - Маҳкам чўнтагида бор пулини чиқар-  
ди. - Мана, ол.

- Нима бу?

- Ол.

Зинадан тез тушиб келган Собит ҳам отасининг сўзи-  
ни қувватлади:

- Олинг, Адҳам ока.

- Айланай тошканча тилингдан... - Адҳам уни ҳам  
кучиб ўпти. - Менинг қанотим бу.

- Адҳам.

-Йўқ, ака, олмайман, - деди у кескин.- Илтимос,  
жойига соб қўйинг. Ўзингизга керак бўлади.

- Манинг фақирлигим учун шундай девотсанми?

- Оо-о! - Адҳам кафтлари билан юзини ёпиб энгашди.

Уни хўнграб юборди, дейиш мумкин эди. Бир муддат шу  
қўйи тек қолди-да, қоматини илкис кўтарди. - Йўқ, ака. Ундай  
ўйлаганим йўқ. Сиз фақир эмассиз, мардсиз - айбингиз шун-  
да.

-Сенга пул керак-ку? - Маҳкам гап кўпайишини ис-  
тамадим, дераза ортидан бораётган юзни кўрдими, ахчани  
чўнтагига солди. - Ё нотўғри тушундимми?

- Тўғри-ю... Хўп. Тепага чиқийлик. Юринг.

- Юр.

Адҳам зинага етганда, буларга йўл берди. Собит ота-  
сига шивирлай қолди:

- Шу пулли опамга беринг. Боринг. Қурткани опчик-  
нинг. Уч юз сўм етмовди.

Адҳам кулди.

- Нима деяпсан даланга? Айланай дадасига сирдош  
ўғилдан.

Ўғлининг гапи Маҳкамга дафъатан маъқул тушди-ю  
ичида қандайдир оғир бир таъналарнинг шарпасини туйиб,  
айни чоғда ушбу андишани бартараф этишга ўзида бор  
имконни-да ҳис этиб, бош ирғади.

- Сизлар чиқовуринглар. Ман ҳозир...- деб четланди.

- Адҳам, бошқа ичма. Ўзингни қўлга ол. Кучли йиғитсан-ку.

- Ҳим. - Адҳам илжайди. - Шундайми? - Сўнг акаси-  
нинг совуқ нигоҳи ортиқча бир сўз айтишига имкон берма-  
ди: илло бу нигоҳ ортидан қайноқ ғазаб ҳам чиқиши мумкин  
эканини билади.

- Ассалом алайкум. - Маҳкам қизик бир томоша  
кўргандек мийғида жилмайиб, ҳужрага кирди.

Ўнг бурчакда, чўян печ ёнида чўнкайиб ўтирган келин  
туриб кетди. Орқасига ёстик қўйиб ўтирган онаси:

- Кел, кел, - деди.

Тўрда, ҳар хил ялтироқ матоҳлар ва иккита қора чарм  
куртка чўзилтириб қўйилган кўрпачада ўтирган Шаҳло эри-  
ни бағоят ҳурмат қиладиган бошқелин мақомида вазминлик  
ила ўрнидан тураркан (молларини) беписандлик билан тах-  
мон томонга суриб юбориб):

- Келинг, ўтиринг, - деди ва чап томонга ўтиб, дераза  
пастидоги яқандозга чўкди.

- Бу ёкка ўтинг, - деди қайнона унга. - Тепангиздан  
шамол уради.

- Деразани бекитдим, ойижон. - Кейин, серрайиб тур-  
ган эрига зарда қилди: - Ўтиринг энди.

- Манга шу ер бўлади, - дея сўл бурчакдаги стол  
тагига суриб қўйилган курсини олиб ўтирди Маҳкам ва ҳўлини  
фотиҳага очди. Ҳамма унга қўшилди; ҳовучлар юзларга тор-  
тилгач, у ўша жилмайишида сўради: - Яхши ўтирибсизлар-  
ми?

- Шу, уканг... - деб чайналди она. - Нашанинг усти-  
дан озгина ичсаям айнийди.

- Кейин шилқим бўп кетадилар, - қўшимча қилди  
келин.

- Адҳамжоннинг феъли ғалати экан, - деди Шаҳло  
ҳам киброна қўлимсираб. - Ҳаққатан ҳам енгил бўлиб кетар  
эканлар. Мана шу куртқаларни Валя берворган эди, биласиз-  
... Кўрсатувдим, ёпишиб олдилар ... Адҳамжон, тонг отсин,  
бир гап бўлар дейман, ҳеч йўқки, кўнсалар. - Шаҳло завқ  
билан кулди. - Ҳозир кияман деб турволдилар. Ўзлари оёқда  
зўрга турибдилар. Тушунасиз, бировнинг моли...

- Шунақа бўлди, - деди она ҳорғинлик билан. - Жуда  
кўнглинг кетган бўлса, мана шу пулни ол, келинга, бер,  
дейман. Йўқ, дейди.

- Жуда қайсар у киши, - деб яна гап қўшди келин. -  
Эртага киймасликлари ҳам мумкин.

- Ҳим, бу ёғи бор, - деди Маҳкам. Сўнг бу ердаги  
вазият кутганидан яхши эканига инониб, гапни буриш, ғуборни  
кўтаришга баҳона изларкан, Тошмат ака Тойиров эсига ту-  
шиб кетди. - Ойи, Тойиров домланг отамни қазосидан кейин  
ҳам уйимизга келиб, биздан хабар олган вақтларини эслай-  
ман, ўшанда...

- Ҳа, бир эмас, уч-тўрт марта келувди, - деди она. -  
Кейин ман ўзим айтганман: "Жон ака, оқибатингиз учун  
худо ярлақасин сизни. Бир дўст бўлса, шунчалик бўлар. Лекин,

ман бева аёлман, етимларим бор..." дедим. Шундан кейин келмай кўйди. Яхши одам бечора.

- Бечора деманг, работнинг тўртта бойидан - бири, - деди Ойгул.

- Катюмининг ўзи беш минг сўм туради, - илова қилди Шахло. - Туфлелиям импотний... - Кейин сергак тортиб, бу мақтовнинг тафтига сув сепди: - Лекин ўгли скромний, а, ўртоқ режиссёр?

Она хўрсинди.

- Ишқилиб, ҳар бандасига инсоф берсин. Ҳа, гапинг чала қолди, Маҳкам?

Шу пайт эшик шахд билан очилди-ю, Собит кўринди.

- Дада! Адҳам окам милтиқни олиб, бўрилининг олдига кетди! - деди.

58

Шунда "қарс!" этган кескин товуш эшитилди. Сўнг беҳол ангилилаш...

Маҳкам ўрнидан сапчиб туриб, даҳлизга чиқди. Дуч келган калишни оёғига илиб, айвонга отилди. Катак томонга қараганча супадан тушиб, ҳовуз бўйига етганда кўрди: беда-поядан ўнгротқа - нақ қафас қошида фонар нури йилтилар эди. Иттифоқо кундузги манзара - бандихонада нари-бери зир югураётган йиртиқичлар кўз олдига келди. Улардан қайси бири шу тобда оёқ қоқаётганини кўриш, кўрса...

...уни ўрнидан турғизиб юборадигандек олға босди.

Ариқдан (ҳатлаганди,) ажриқда тойиб - ўтириб қолди. Ўрнидан турганида, қандайдир шох юзига урилди.

У баттар ҳансираб олға интилди ва, ниҳоят, укаси ёнида туриб қолди. Бўрилардан бири чўзилиб ётар, иккинчиси қафас бурчагига тикилиб, қулаётган каби тишларини кўрсатарди.

- Отибсан-да - деди, Маҳкам юз бор "отма" деб, вадасини олгандек.

- Ҳа, ака, - деб хўрсинди у.

- Нимага, а?

- Шунга тўғри келди-да.

- Менга кара.

Адҳам иккиланиб акасига юз буриши билан Маҳкам унинг чаккасига шапалоқ тортиб юборди.

Адҳам тисланиб кетди ва фонар тутган кўлини чаккасига босди; сўнг бирдан тушириб, у кўлидаги қуролни акасининг оёғи остига ташлади.

Шунда оқсаб-оқсаб етиб келган Собит:

- Нима бўлди? Нима қивоссизлар? - деганди, Адҳам қулимсираб, фонар нури кататка қаратди.

Собит (кундузи чопқилиб юрган) ҳайвоннинг (энди) чўзилибгина (бепарво) ётганини, очилиб қолган оғзидан эса қон сизаётганини кўриб:

- Отдийизми? - деди. - Ўлдириб қўйибсиз-у уни - Кейин бурила солиб, Адҳамга интилди-ю, йиғлаб юборди. - Йиртиқич экансиз! Сиз - бўрисиз...сиз! Уятсиз. Шуларни ота-онасидан айриб, бўтга опкелиб, битта-битта отасиз. Сотасиз... Уят! - Яна йиғлай бошлади. - Нага бу киши мунақа, а, дада? Нага жавоб бермайсиз? ... А-а, сиз ҳам отгансиз. Тилингиз қисик. Ҳаммаларинг ёвузсизлар, ёвузлар!

У қафтлари билан юзларини ёпиб, тескар қаради. Кейин тентираб нари кетди.

- Собитжон, ўзингни бос, - деди Адҳам бўғиқ-титроқ овозда. - Бу барибир ўлиши керак эди.

- Гапирманг!

- Инсонга дўст бўлмайти бу.

- Дада, кетайлик бўтдан! Юринг... Томоша қивоссизми?

-Хозир, Ўғлим!

-Боринг-е!

Собит негадир ҳовуз томонга эмас, боғ томонга кетиб юборди: чамаси, қаёққа бораётганини билмас эди.

Маҳкам шошилмасдан, сигарет тутатди.Сўнг бош эгиб турган укасига:

- Аттанг, - деди ва ниҳоят бурилиб, энгашган кўйи тутун буриқсителиб кета бошлади. Кета бошлади-ю, туйқусдан тўхтаб қайрилди. Энди ўзига пастга тикилиб турган инисига: - Унисини отмассан, ҳойнаҳой? - деди.

- Ҳа, - деди Адҳам.

- Раҳмат.

Шунда Адҳам турган ерида бирдан чўнкайиб олди, фонар нури ўчди. Маҳкам йўлда давом этаркан, уйдан чиққанидан буён мияси алланечук берч бўлиб қолгандек, энди очилаётгандек туя бошлади:ариққа яқинлашар экан, "шу ерда ўтириб қолдимми? - деб эслади. - Қизик бўлди-да...

Кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди. Уйдан отилиб чиққанимда, келин кўрқмадимкан? Ойим ҳайрон бўлгандир. Шахло қай аҳволдайкин?

Қизик, нега ман мунча ҳаяжонга тушдим-а? Ахир, "қарс" этгандаёқ билувдим-ку... Чикдим. Йиқилдим, юзимга шох урилди...

Адҳамни урдим.

Кейин эса, мана...

...хотиржамман, - дея баттар ҳаяжонланиб кетди: зероки онгидан жой олиб қолган "мослашув", "ўзгарув" каби сўзлар гулу қилиб, шундай хулоса чиқарди: - Демак, ман фавқулодда воқеани, ўзгаришларни дарҳол қабул қилолмас эканман.

Рост, Кунтегмасдаям шундай ҳолга тушувди..."

У онасининг хужрасига кирмоқчи, у ерда ўтирганларнинг кўнглини тинчитмоқчи эди.

Бироқ, тинчителиш ўрнига Шахлога каттиқ-қурум гаплар қилиб юбориши мумкинлигини англаб қолди: ахир, ўша куртқа тўфайли бу ҳодиса рўй берди-да.

Яхшиси, тепага чиқиб ўтиришади. Улар барибир англаб олишади: Собит айтиб берар... Айтмоқчи, у қани? Балки уларнинг олдидадир.

59

Шунда ичкарига кираркан, оёғидан ечгани - калиш эканини кўриб, ғамгин қулимсиради. Сўнг дастурхон тепа-сига борибқўчўнкайди-ю, "Русская водка"дан қуйиб, паққос отиб олди.

Кейин жойига чўкиб, қаравотга суянди. Шу он уни тағин йўтал тутди: кўксига қафтани босиб, ютина-ютина ўтка-зиб юборди.

Кўнгли бир мунча тинчиб, печкага кўмир ташлади. Кейин яна жойига ўтириб кута бошлади: ё Шахло кирди, ё Собит... Адҳамнинг иши бор: бўри терисини шу тобда шилиб олмаса, мурда қотиб қолгач, қийналади.

Ҳақиқатан ҳам, эшик очилиб, хотини кирди.

Маҳкам малла-тивит рўмол ёпиб олган Шахлонинг важоҳатини дарҳол туйди-ю, бу ёпинчиқ унга ярашганини ҳам дилида қайд этди.

- Келинг, Шахло, - деди.

- Нима қил қўйди укангиз? - тик турганча сўради у. - Бўрини отгандир?

- Хе, қўйинг энди, - деди Маҳкам. - Тўғри, рост... Лекин бўри барибир отилар эди.

- Аммо, аммо ҳозир шу ишни қилиши шартмиди? - Аёлнинг кўзлари жик ёшга тўлиб, печ ёнига ўтирди. - Биламан, манга аччиқдан қилди у... Вей, нима ҳаққи бор? - бирдан чийиллаб юборди. - Ман унга тушунтириб айтдим...

- Ман ҳам тушундим, - деди Маҳкам. Ва хотини ўзини босиб олишига имкон бериш учун аста ўрнидан кўзгалди. Тиззаланган ҳолда жилиб, печ устидан чойгумни олди ва оташ-қуракда тағин бир бўлак кўмир ташлади.

- Қанча тушунишиийиззи биламан, - деди Шахло. - Адҳам ёлғиз укайиз...

- Ғалаги, - деб елкасини қисди Маҳкам. - Лекин бўлар иш бўлди энди.

Шу пайт тап-туп юриб, тиззалари лойга беланган Собит кириб келди. Унинг кўз жияклариди ёш қотиб қолган эди. Эшикни аямай ёпди. Онасига совуқ бир ёвқараш қилди-да, куртқасини ечиб, қаравотга ташлади. Бурчакдаги қозикдан қора чопонни олиб эгнига ёпди ва дастурхон адоғига ўтириб олди.

- Ҳа, сизга нима бўлди? - деди Шахло. Ва ёниб кетди: - Ҳой, маннинг ишларимга аралашасан, а, нега?.. Ҳали бир сўм топганинг йўқ, топининг ҳам гумон... Лекин пулни писанд қилмайдилар бу киши. Дадангизга ўхшаб... Ахир

ҳозирги замонда ҳамма нарсани ўша ҳал қилади, бола.

Собит тап тортмади:

- Ҳа, ҳа, ҳа! Бўриниям ўлдирди, - деди. - Шундоқ хайвонни...

Кейин йиғлаб юборди. Во ажаб, уни кўриб, Маҳкамнинг ҳам кўнгли бузилди ва кўзлари ёшга тўлди.

- Йиғлама, болам. Сенга раҳмат... - деди. Сўнг ўзини кўлга олиб мавзунни ҳис-туйғудан узоқлаштиришни, яъни бундай воқеаларга фалсафий муносабатиде бўлишни уқтирмак ниятида давом этди: - Тирик жон... Уни жонсиз қилиш, албатта таъсир қилади кишига. Кўрдинг-ку, ман ҳам ёш болага ўхшаб қолдим. Тўғриси, ҳамон хижолатдаман.

- Э, маниам хижолатга ўлдирди, - деди Шахло. - Бунақа феъли борлигини...

- Адҳамними?.. Униям тушуниш мумкин.

- Ман тушунмиман.

- Ҳўп.

- Эй, опа, сиз гапирсайиз, майли! - чирсиллаб деди

Собит. - Дадам жим ўтиришлари керак-а? Ҳўп, чесний эйтинг, шу ишга сиз сабаб бўлдингизми-йўқми? Ахир, қурткани берсангиз, ни-ма бў-лар-ди?.. Адҳам окам эртага топиб берардилар ўша пулли... Ман биламан, у киши мард одам. Дада, битта искирт оғайнийиз бор-у, онда-сонда Тошканга бориб туради?

- Кимакан у?

- Шамолми, бўронми...

- Қуюн! - Маҳкам табассум қилди. - Бугун ресторан олдиде турувди.

- Ароқхўрми? - бепсандлик билан сўради Шахло. - Тошкангаям ичиш учун борадилар шекилли.

- Опа, одамларни мунча ёмонламанг.

- Ба-ас! Бўлди! - чинқириб юборди Шахло. - Ҳой, ўртоқ Маҳмудов бунингизга айтинг, ахир... Мани ўлдирди...

- Опа, опа.

- Йўқол.

- Ҳўп.

- Ҳим, Қуюнни нега эсладинг? - деб сўради Маҳкам тагин оғриқли мавзудан йироқлашиш учун. - Биз бир синфда ўқиганмиз, ўғлим. Ман фақат ўша билан санлашиб гаплашаман... - шундай деб Маҳкамнинг чеҳраси бир равшан тортиб кетди. - Айтмоқчи, у автошколада дарс берали. Ҳим, Адҳам акангниям ўқитган... Демокчиманки, эртага мошинани ўшанга кўрсатиб оламиз, токи ишкали чикмасин йўлда... У - жа уста йигит.

- Ҳа, эртага кетамизми? - деди Шахло. Ва ўғлига дўк қилиб берди: - Битта чой дамласанг-чи, маҳмадоналик қилмасдан... "ё, қариндошларимми олдига келдим деб...

- Ҳечам шунақа ўйлаётганим йўқ-де, - деди Собит ва кидириниб қарали. - Қуруқ чой.

- Бўлса керак.

- Эртага кета қолайлик, - давом этди Шахло эрига қараб. - Майли, йўл устида универмагга киришимиз. Бозорга... Бу ерда пул бўлмаса, мол кўпдир...

- Балки, - деди Маҳкам.

- Бир вақтлар ўзвизуани студияга битта уйғур чолғувчи кеп турарди. Сиз кўрмагансиз, сиз баландда эдийиз... Ўша мусофир: "Долларим бор, бир сўмга - бир доллар", деб ялинарди, - деди Шахло.

Маҳкам ҳам кулимсиради.

- Ўшанда сўмнинг, э, рублнинг қиймати долларга тенг эди, шекилли.

Шахло елкасини қисди. Маҳкам суҳбат ўзга ўзанда кетгани, бинобарин, уни яна ўша йўлда опкетавериш учун:

- "Ўшанда баландда эдингиз" дейсиз, ҳолбуки, "Гамлет" учун дапрос бериб юривдим, - деди.

- А-а, ўшанда эди-я, - Шахло ҳаёлчан бош ирғади.

Маҳкам учинчи курсдаёқ "Гамлет" ни саҳнага қўйишни орзу қилар, зеро, ўзининг ёши ҳам Шаҳзодага тенг бўлиши билан бирга унинг дардларини ўз дардидек талқин этиш мақомига ета бошлаган эди.

Киностудияга ўтганидан кейин эса бу орзу эҳтиёжга айланган, табиий...

...уни фильм қилишни эмас, ҳамон бирон-бир театрда қўйиш қўйинга тушган эди.

Оқибат, "арзон ҳамда сифатли" деб Шахло ишлаётган студия -театрига бориб, бош режиссёри билан гаплашувди у дарҳол рози бўлди. Кайфи чоғ бўлиб кетган Маҳкам кинохонага қайтиб, таниш режиссёру сценарийчилар даврасида орзуи амалга ошаганини айтиб: "Бу бошқа спектакл бўлади", деди. Шунда қай биридир сўраб қолди: "Масалан?"

Маҳкам авайлабгина айтди: "Гамлет ким? Отасидан ҳам, давлатидан ҳам айрилган бир масхарабоз! Шундоқ... Ҳўш, биз киммиз?"

Давра аҳли бир-бирига, сўнг ўнгу сўлга қараб олишган ва табассум-ла бош ирғаб, Маҳкамни қутлашган эди.

Иш бошланиши - яъни, "читка - асарни ўқиш" белгиланиш арафасида бош режиссёр Маҳкамга телефон рақамини бериб: "Шунга қўнғироқ қилар экансиз", деди.

Маҳкам қўнғироқ қилди: "Гастиница "Шарк" эшитади" деган жавоб қайтди.

"Мани кимдир йўқлаган экан?" Овоз эгаси Маҳкамнинг кимлигини билиб олгач, фалон номерга, фалон соатда, етиб келинг, деди. Маҳкам тушунди...

... "Гамлет"ни қўйишдан мақсадингиз нима? - деб сўради бири. - Лекин, очигини айтмасангиз ҳам биз биламиз". "Тушунолмадим?" деди Маҳкам. Улар (икки киши эди, бири диванда тек ўтирар, иккинчиси стол ёнида, столда иккита телефон бўлиб, бирининг гўшаги олиб қўйилган эди) бир-бирига қараб-қараб олишди.

Сўнг стол ёнидаги малла соч йигит Маҳкамнинг киностудияда - ўша тор даврада нима деган бўлса, оқизмай-томизмай айтиб берди-да: "Биз киммиз?" деганингиз нима?" деб сўради. Маҳкам жавоб берди: "Биз совет кишисимиз". Ва...

ўшанда изоҳсиз гапирганига минг бор шукрона қилиб, шу гапиде туриб олди.

Тагин, асарнинг яқин-яқингача "Ҳамза" театрида ўйнаганини эслаиб: "Биз бошқача ўйнашимиз керак-да, - деди. - Ёшлар бошқача ўйнайди..."

Улар Маҳкамнинг жавобидан қониқишмади. Аммо "мудлойинг - шу" деб ҳам айтишолмади. "Бошқа асар қўйинг, ўша асарнинг яхши чиқишига муваффақият тилаймиз", дейишди, ҳолос.

Маҳкам бу воқеани Шахлога сўзлаб берган, Шахло афсусланган, негаки у...

- Офелия рўлини ўйнашим керак эди-я, - деди. - Шундоқми, ўртоқ...

Чойнакни дастурхонга қўйган Собит хўмрайиб жойига чўқаркан:

- Шунақа пайтда қанақа қилиб "Гамлет-памлет" ҳақида гапирасизлар-а? - деди. - Вабие, бир-бирларингдан паркларинг йўқ... Кимдир кевотти! - Ирғиб туриб, эшикни очиб қарали-ю, отасига ўгирилди. - Ўртоғийиз. Боя айтудим-у?

- Қуюн?

- Ҳа... Тўхташди. - Эшикни ярим ёпиб, туриб қолди. - Боя келуадилар. Адҳам окам бўрининг терисини шилвотганди...

- Ҳм.

Шахло чойнакнинг қапқоғини кўтарди-ю, ташлаворди.

- Майли энди, - деди Маҳкам.

- Сиззи ўшандоқ одамлар билан нима боғлайди, а? - кизишиб сўради Шахло. - Ичкиликми?.. Йўқ, айтақолинг.

Маҳкамнинг жағлари қаришгудек бўлиб кетди-ю:

- Дўстлик, - деди. - Сиз аёл киши бўлганингиз учун эркақларнинг дўстлигини тушунмайсиз... Ёки аёллар орасида дўстлик бўладими?

- Нага бўлмаскан? - Шахло шундай деворди. - Жуда бор-де! Собит, эшитвоссанми ижодкорнинг гапларини?

- Эшитвомман, - деди Собит. - Бор унақа дўстлик ҳам, дада. Бизнес соҳасида, тақинчоқларни муҳокама этишди, бировларни ғийбат қилишди.

- Бас! Отангдан... тавба! Келишяпти! - Шахло дастурхонни кўздан кечири бошлади.

Маҳкам ички бир қаноат билан мийиғида илжайиб ўрнидан тураркан, Шахло:

- Лекин чўзили-иб ўтирманглар, - деди. - У кишим бемалолчиликни хуш кўрадилар.

Камида икки бал зилзила бўлаётгандек силкинаётган уйга Адхамнинг ўзи кириб, эшикни зичлади. Унинг ҳам тиззалари ва энглари ҳўл эди.

- Узр энди, - деди чўнқайиб. - Кеннойи, акажон, битта гап бор. - Улар жой-жойларига омонат чўкишгач, гиламга тикилиб, давом этди: - Мен пас-с, кеннойи... Ҳали бироз хафа қилган бўлсам, кечиринг. Шунақа бўп қолди. Кайфим ошган экан. Лекин, сизни... зигирча ранжитиш тилимда бўлса, ана, болаларим билан онт ичаман... Сизларни жонимдан яхши кўраман. Хуллас, ўша воқеани унутинглар.

- Ҳа, энди, ничево!, - деб қўйди Шахло. - Агар ўша куртқалар маники...

- У тўғрида гап йўқ.

- Бошқа сўзинг ҳам борми? - сўради Маҳкам. - Ташқарида кимдир бор, шекилли?

- Ҳа, - акасига тикилиб деди Адхам. - Жўрангиз Қуюн ака. - Сўнг дарҳол янгасига қаради. - Бу кишининг Работдаги энг яқин...

- Во-ой, Қуюн аками! - деб қулди Шахло. - Ахир, Тошканга борсалар, бизниқига кирмай қайтмайдилар-у! Шўттами? Чақиринг у кишини!

- Раҳмат, кеннойи. Сизларни чарчаган, деб...

- Кечаси узун... - Шахло эрига ўгирилиб, давом қилди: - Междо прочим, шахрингиздан Тошканга борадиган тишларийиз орасида энг одамшивандаси шу киши бўлсалар керак.

Бу калиманинг мазмуни ҳар бир ўзбекка аёндир: яъники, "қурук қўл" билан бормаиди, дегиндир.

- Бу ергаям уч-тўрт кило гўшт кўтариб кепти. Олмасиям бор, - деди Адхам. - Мен у кишига айтдим: "Қурук келсангиз, қўймасмидик?" деб. Мана, Собит ҳам бор эди... Одат шундай.

- Майли, - деди Маҳкам. - Бу, умуман, ёмон одатмас. Тошкентда ошнинг хоминиям қилиб боришади...

60

Чарм куртқаси тагига қўйиб ўтиргандек гижим бўлган, ёқаси очик - санаса бўладиган қобирғалари алланечук қорайиб кетган, новча, орик, шўртумшук кимса...

...Қуюн кирибок Маҳкамга қучоғини очди. Кейин, уч-тўртта ўлди-да, Шахлога таъзим қилиб:

- Хўш кўрдик, келинбой, - деди. - Эсон-омон, қийналмайгина келдингларми?

- Раҳмат-раҳмат, - деди Шахло уятчан келин бўлиб. - Ўзларинг яхши юрибсизларми?

- Шу, юришимиз шу! - деб қулочини керди Қуюн. Кейин қўлларини кўксига қўйди. - Худога шукр. Қани, ўтиринглар... Мен онахонни кўриб чиқдим, анча ўтирдим. Зиёрат қилдим. У киши бизга чинданам - онахон!

- Ўт-ўт, - деди Маҳкам печ ёнини кўрсатиб. - Роса отибсан, чўйқаб кетибсан.

- Бугун шунақанги кун эди. Сўкма, дўстим... Ҳа, майли ўтирдик. - У кўрсатилган жойга ўтиб бемалол чордона қурди. Маҳкам ҳам, Собит, Адхам ҳам жой-жойини олишгач, Шахлоям қаравот четига омонат ўтирди. - Овмин, - деб ҳовучини очди Қуюн. - Шу улўғ хонадондан файз-баракат аримасин. Унинг сизлардай соҳиблари қайси юртда бўлмасин, эсон-омон, ўйнаб-қулиб юришсин!

- Омин.

- Қани, сўра энди.

Маҳкам жилмайди.

- Ўзинг сўра. Бир ёш катталигинг бор.

- Лекин, сен улўғсан, жўра!

- Хўп, тузукмисан, ишқилиб? Бозор иқтисоди таъсирини бемалол кўтараётган бўлсанг керак? - деди Маҳкам ва...

... Шахлоям қулиб юборди:

- Ман сизларнинг келишиб қўйган бир гапларинг бор-у, ўшани сўрашвоссилар депман.

Адхам ҳозиржавоблик билан:

- Бу - ёскидан қолган одат, - деди. - Тоғ зоналаридаги кишлоқларда ҳалиям бор.

- Ман ҳам опамдек ўйловдим, - деб қўйди Собит.

Маҳкам ғурурланиб, бош ирғади-ю, сўрашишнинг бу тури дафъатан ўзига ёқиб кетди. Ҳолбуки, яқин-яқингача оғирқарвон чолларни мазах қилгандай бўлиб сўрашарди шу тарика ва завқланиб қулишарди.

Энди бу йўригда ўзга маъноларни кўргандай бўлди.

- Жўражон янги иқтисодий сиёсатга келсак, кимга таъсири ўтган бўлса - ўтди-ю, менга ўтмади, - деди Қуюн бирданига жиддий тортиб. - Гап шундаки, азизим, ўзинг яхши биласан: болаликдаям тудуяга эдим. Ҳалиям ўша-ўшаман. Девонаи Машраб айтган эканлар: "Қайга бордим Роҳат истаб, меҳнат ёқамдин ушлади"... Мен меҳнатнинг ёқасидан ушлаганман.

- Тўғри-тўғри, - деди Маҳкам.

- Ишлаган тишлайди, деган замон энди келди.

- Бу гапинг ҳам тўғри.

- Отадан вақтли қолган эдик, келинбой, бу ёғини ўзимиз эплаб кетдик.

- Бу кишиям вақтли қолганлар, - деди Шахло.

- Ҳа-ҳа... Менинг бир ютуғим шундаки, вақтида қолганман.

- Нега энди "ва-ақтида?"

- Молимиз мусодара қилинмаган-да.

- Тушунолмадим.

- Вей, - Қуюн лабларидан чиқиб турган ўғри тишини кўрсатиб ишшайди. - Келинбой отам ва-ақтида кетмаганида, мана Маҳкамнингизнинг дадалари изидан қамоққа равона бўлардилар.

- У кишиям зиёлимидилар?

- Йўқ, келинжон, - хўрсинди Қуюн. - Тавба, айтмаган эканман-да?

- Энди айта қолинг.

- Дадамиз боғбон эдилар.

- Боғбон?

- Боғбон.

- Ҳалигидай КГБдан план тушганда опкетишган-ку, агар дуч келсалар...

- Йўқ-йўқ. Дадам ўзлари: "Қаманглар" деб боргандаям қамашмас эди.

- Тушунмадим, - деди Шахло. - Ёки сизлар тушундингларми?

- Ман - йўқ, - деди Собит.

- Ҳозир тушунасиз, кеннойи, - деди Адхам.

- Бас энди, гапни айлантирмай - айтақол, - деди Маҳкам ва хотинига майингина жилмайди. - Бунинг гапириш усули ўзи шу... Шумболанинг усули.

- Хуллас калом, келинбой, - деб давом этди Қуюн, - отамиз раҳматли мана бу ёзувчи-режиссёр ўртоғингизнинг дадалари билан қиёматли дўст бўлишган. Ва-ақтида кетмаганида... Тушундингизми энди?

- А-а. Шундай демийсизми?

- Шунақа, келинбой... Уларга раҳматлар ёғилсинки, Маҳкам иккимизни дўст қилиб кетишган. Эстафетани давом эттирвомиз.

- Қандай, "дўст қилиб?"

- Тушунтир, - деди Маҳкам.

- Бу гапимми тегилаям бир гап бир денг?

- Албатта, - Қуюн Маҳкамнинг энсаси қота бошлаганини кўриб, қисқа қилди: - Бизга чопон қийдиришиб, мавлуд ўтқазиб, дўст қилишган.

- Тавба.

- Шунақа одат ҳам бўлган, - деди Маҳкам. - Собит, чойни янгила... Бу совугандир. Адхам, ўзинг пастдан янгилаб чик. Гапинг тугалими, Қуюн?

- Вой, нега ундай дейсиз, - деди Шахло. - Қизик гаплар бўвотти. Этнографлар кўзига суртади-ку.

61

Қизариб пишган қалта-қалта қобирғаларнинг ҳидиёқ иштаҳани очади: бу ҳол уларни тезкорлик билан танаввул қилинаётганидан ҳам аён.

Қуюн олиб келган "Русская водка" ҳам номига очилган, чунки "Распутин"нинг умри тутай деб қолган. Қуюн чай-ирлигидами, "ароқнинг ҳавосини олганми" - уни маст ҳолда

бирова кўрган эмас, тилидан ҳам адашмайди; аксинча: шўх-шонок бўлиб кетади.

Маҳкам эса ўйчан бўла боради.

Ичкилик ўлгур ҳар кимга ҳар хил таъсир этар экан-да: афтидан, ичувчиларнинг феълигаю қандайдир пинҳон дардларига боғлиқ бўлса керак.

"Напалеон"дан бир қўлгум олган Шаҳлонинг чеҳраси ростакамига очилиб, қайнонаси қошига тушишга ҳам шояшмас эди.

Адҳам чин мезбонга айланган, Собитга ҳам "хушомад" қилади.

...Собит Қуюнга: "Нага бўри терисига мунча кизикиб қолдйиз?" деб берган саволига Қуюн роҳатланиб жавоб қайтармоқда:

- Менинг уйимга борасизлар, албатта. Шунда сандик устида турган бешикка қарасанг, қуббасида бир тизим тиш-ни кўрасан. Бўрининг тиши! - Собит кўзларини катта очиб, отасига қаради. Маҳкам вазмин бош ирғади: "Эшитиб, ол". - Хўш, нима учун у ерда турипти ўша тишлар? Ҳали туғилмаган жиянингди қасрига соқчилик қилишяпти! - Уқтириб деди Қуюн. - Истасанг, бўрининг тирнокларини ҳам кўрсатаман.

- Намунча энди эҳтиром? - кулимсиради Шаҳло. - Нима, бу иримми?

- Ҳей, нега бунақа гапларни айтиб бермайсанми буларга? - деди Қуюн дўстига.

Маҳкам бу тур одатларнинг қадрига ўзи етмоқда эди.

- Бу киши бошқа нарсаларни гапириб берадилар, - деб жилмайди Шаҳло. - Масалан, қаёққадир бош олиб кетишими... Сўфийлик нима, Комил инсон ким?

- Ў, зўр-ку, - деди Қуюн. - Мачитдаям, телевизордаям нуқул шу гап.

- Сан ҳикоянгни тугат, - деди Маҳкам.

- Ҳе, келинбойим, гапнинг қисқаси, бўри жонивор-хосиятли ҳайвон. Бизда шундай!

- Да, это интересно.

- Туркий халқларнинг бош бобоси ҳам - бўри бўлган, дейишади, Шаҳло.

- Айтматовдами, каттадир ўқувдим.

- Шунақа миф бор... Албатта бунга ишониб қийин, - жилмайди Маҳкам. - Бироқ туркийларни "бўри"га боғлаш - қадимдан мавжуд. Талайгина турк ҳоконларининг байроғида бўрининг сурати бўлган... Ҳамон бор!

- Собит отасига совуқ тикилиб турди-да:

- Лекин ўлдирасизлар-а? - деди бирдан ишшайиб. - Кейин терисини шилволасизлар?

- Бу энди... - Маҳкам чайнаиб қолди. - Бу масалага нуқта қўйдик, шекилли.

- Собитжон, қолганини эртага ўзим тушунтираман, - деди Адҳам. Ва бамайлихотир илова қилди: - Анави терини Тошканга оборгандан кейин дарсхонанг деворига осиб қўйсанг, хосиятини яхшироқ биласан. На туш кўрасан, на ёмон ниятли одамлар уйлариңга дорйиди. Хуллас, хурсанд бўласан.

Собит анграйиб қолган эди. Шаҳло ҳам чимирилиб, эрига қараб қўйди. Уқасидан айни шуни кутган Маҳкам "Прима"га қўл чўзувди, Қуюн пачкани олиб, челақка ташлади-да, ёнидаги "Родопи"ни унинг жойига қўйди.

Маҳкам ҳеч нарсени кўрмагандек, "Родопи"дан бирини олиб тутатди.

- Сиз рости билан... - энди титроқли кулимсираб сўради Собит Адҳамдан.

Адҳам бош ирғаган кўйи унинг кифтига қоқиб қўйди. Қуюн ўғри тишларини кўрсатиб ишшайди.

- Ҳе, сен-а, шунинг учун тери сотилмайди деган экансан-да?

- Ахир, жиян турганда, - деб қулди Адҳам, - устоз ҳам кўзга кўринавермас экан.

- Маладес... Бир-у нўл! Собит жиян эҳтиёт қилиб сақла. Ҳадемай ёз келади. Нафталин сеп, ё ялпиз, ёнғоқ баргидан бостир, а?

Собит тез-тез бош қимирлатди.

- Хўш, анави Бўридан гапиринг-чи, энди, бойваччадан, - деб қолди шунда Шаҳло. - Жўрайизни кўрмоқчи экан-

лар... Муҳимроқ гаплари борми, дейман.

- Жуда бор-да! - Қуюн ялт этиб Маҳкамга қаради. - Муҳимдан муҳим гапи бор!

-Қани, эшитайлик.

-Унда кизиги қолмайди, - деди Қуюн. - Менга шунчаки маслаҳат солган, холос... Идеясини ҳам пишмаган ҳали. Сен билан пиширади. Бизнес ундан, қолгани...

Маҳкамнинг юраги гурс-гурс уриб хотинига қараб олди.

- Хўш?

- Тамом.

- Ахир...

- Майли, - деди Шаҳло. - Мажбур қилманг. Эртага учрашасиз-ку, - эрига мурожат этди-ю, қандайдир...

...ўзгариб кетди.

- Ҳа, келин? - деди Қуюн.

- Э, шу, бу киши пишиб турган ошнинг тўқиворишлари мумкин! - чирсиллаб кетди Шаҳло. - Қуюн ака, кўёвуринг... Манимча, бу кишига Шўро даврини тиклаб бериш керак, холос. Ҳа-ҳа, гапимми бўлманг! Ўша системада яшаб, бу қулларни орзу қилиб ўтаверсалар, бас.

- Кизик гап бўлди-ку, Маҳкам?

Маҳкам иттифоқо жиддий тортиб, гапни ҳам ўзи учун бир кашфиётдек қабул этди: тўғри-да, рост! Шаҳло оч биқининга найза урди.

Демак, мавжуд турмуш тарзини қабул қилишга маҳкумсан... Йўқ, қабул қилишга - қилдинг. Бошларинг осмонларга етди ҳам. Бироқ одамларнинг ўзгариб кетишлари...

Ҳамма Маҳкамга қараб турар эди.

- Яхши гап айтингиз, Шаҳло, - деди ниҳоят Маҳкам. - Аммо ҳадемай ўзи кўрсатди...

- Нимани? Сиз гўё - ҳаёт эмас-да, а? Тавба, нима дейишнинг билмайсан, киши... - Шаҳло бир зум тарадулланиб, меҳмонга мурожаат қилди: - Қуюн ака, мани тўғри тушунинг, илтимос.

- Мен сизни жуда тўғри тушунаман, - деди Қуюн дафъатан ишонч билан.

Собит мийиғида қулди. Шаҳло унга қаради-да, унинг тескари бурилганини кўриб:

- Узр сўраганининг айби йўқ, - деб бошлади яна. - Маошингиз қанча, деб сўрамайман. Анча бўлса керак... Ўша етадим сизга, рўзгорингизга?

Қуюн қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборди.

- Биласиз-ку, келинбой...

- Отайизга раҳмат, - деди Шаҳло. Ва эрига илкис юзланди-ю, унинг тиришиб кетгани, баайни пишган (тиркиш) қовундек ёрилажағини кўрди. Сўнг яна меҳмонга қаради. - Демак, қўшимча дароматийиз бор-де?

- Ҳа, албатта, - деди Қуюн. Ва томоқ қириб, авайлабгина сўради: - Нега суриштириб қолдингиз, келинбой? Маъзур тугасиз, менимча, энг зерикарли мавзу - пул мавзуси бўлса керак. - Атрофида бир жонланишни сезиб, давом этди: - Албатта, кимлар учундир бу муҳим мавзу.

- Биз учун ҳам бу мавзу бир вақтлар зерикарли эди... деди-ю, қулиб юборди Шаҳло. - Бир вақтлар!

Маҳкам хўрсиниб, эшикка қаради: унинг чиқиб кетиш нияти дарҳол маълум бўлди.

- Қани, ароқ маҳтал бўп қолди-ку, - деди Қуюн. Ва...

Маҳкам миқ этмасдан пишани олди. Қуюндан кейин ўзининг, сўнгра Адҳамнинг пиёласига қуйди.

- Ўлмийлик, - деди-да, битта отди.

Бу гапни шундай мунг ва аллақандай фоже бир оҳангда айтдики, барчани ларзага солди.

Маҳкам фикри ноаниқ-ғализ чиққанини шу оннинг ўзида фаҳмлаб, узр айтди:

- Фикримми англатолмадим... Демокчиманки, ҳозирги ҳокимият нуқтаи назарда ўша пайтдаги санъаткорларнинг, сиёсий маҳбусларнинг, ҳа-ҳа, диссидентларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир... Энди тушунтиролдими?

- Ҳа, - деди Шаҳло.

- Ана, Россияга ўша диссидентлар қайтишди, айрим шоирлари, бастакорлари ҳам.

- Нима учун? - ҳаяжон билан сўради Қуюн. - Ахир, ёзувчилар, рижисёрлар ҳамма вақт...

- ... иззатда бўлган дейсан-да? - Маҳкам жилмайди-ю, фикри равшан тортиб кетди: - Чунки у тузум - идеологияга қурилган тузум эдики, унинг мафқураси бўлмиш - социализм-коммунизм ғояларини ташвиқ этилишидан манфаатдор эди у.

- Э-ҳа, - деди Қуюн.  
- Тўғри-тўғри, - деди Шахло ҳам.  
- Хулоса шулки, ҳозирда идеологиянинг ўзи... Мафкура, дейлик. Мафкура ишлаб чиқилмаган... Ҳа-ҳа, аслида у бор, энг қадимий ва инсоний мафқурадир! Бекорга Комил инсон, Баркамол жамият деб бонг урмаямиз. Президент ҳам кўп гапирдилар. Бирок, биродарлар, агар шу мақсадни идеология деб атасак, бунинг ташвиқ этилишига нечун эҳтиёж бўлмас экан?.. Комил инсон ҳам, Баркамол жамият ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди-ку?

- Бе, кўриб турибмиз, одамлар пайдо бўлаётганини, - гижиниб деди Қуюн. - Мана, бунинг бўрисини ҳозир қўйворайлик, нима ишлар қилар экан. Ҳамма ёқнинг тўс-тўполонини чиқаради.

- Рост айтивоссиз, - деди Шахло.

62

Маҳкам гапи тамом бўлган-у, муҳокамани бошқаларга ҳавола қилгандек эди.

Ҳали нуқта қўйишига бор экан.

- Шахло, Қуюн, укажон, ўғлим, -дея бирийўла мурожаат қилди у. - Ёзувчи, сценарист, режиссёру актёр - барибари аслида комил инсонун Баркамол жамият орзусида хизмат қилиб келганлар ва шу йўлда хизмат қилиб қоладилар. У ёғини айтсам, улар шунга маҳқумдилар...Чунки у-идеал!

- Оҳ! - деди Қуюн. - Идеал.

- Ҳўп, - деди Шахло ҳам ва кескин сўради: - Хулосангиз нима?

- Хулосам шундай-ки, - деди Маҳкам ўйлаб, - халқ сайлаган улуглар ана шу мақсаднинг яншлашувига бевосита хизмат қиладиган санъат аҳлини эъозласин дейман.

- Қанийди, қанийди, - деди Шахло тажанглигини чой ила босиб. - Афсуски, жаноб...

- Ҳўш?

- Лекин хусусий студиялар билан...

- Опа! - деди Собит. - Видиони айтивоссизми?

- Сан жим ўтир...Ҳа-ҳа, - деди кейин паст тушиб, - ўшаларни айтивомман. Ахир, жаноб режиссёр, замон ўшаларники эмасми энди? Нашриётлар ҳам хусусийлашвотти.

- Воҳима қилманг.

- Ваҳима эмас бу. "Кеч бўлади"ки, у вақтда ҳақиқий санъаткорлар ҳам ишдан чиққан бўлади.

- Ундайларни эса, оналари ҳар кун тугавермайди, - деди Қуюн ва...

...Шахло кулиб юборди.

- Бас-е. Бизнинг қўлимиздан келадигани ҳозир-қовурдоқни совутмаслик.

- Лекин яхши гаплар бўлди-да, - деди Қуюн.

-Эй, шунақа экан-да, - хўрсинди Маҳкам. - Умуман-ку, бу гаплар янгилик эмас.

Шунда Қуюн бирдан билагига осилиб турган соатига қаради-ю:

- Ў-у, келининг йўлга қараяпти, жўра, - деди. - Майли,энди, дам олинглар, келинбой. Овсинингиз ёлғиз... Айтмоқчи, эртага биронта олғир меҳмонга айтмаган бўлса, бизниқидан бир пиёла чой ичасизлар...Мен ахир қачон борсам, уйларингда бўламан-ку.

Маҳкам хотинига маслаҳатомуз қаради-да:

- Кўрамиз, - деди.

- Демак, бандсизлар?

- Эрта қайтишимиз керак.

- Ҳа, Қуюн ака, кетмасак бўлмайди, - деди Шахло ҳам. - Мана, жиянийиззи ўқиши бор, икки кунга жавоб олувдик, холос. Бу кишининг ҳам ишлари бор...

- Айтмоқчи, Бўривойнинг телефон номери борми санда?

- Ресторан, - деди у. - Ресторан сўрайсан, тамом. Шефини...- кейин Шахлога бокди Қуюн. - Ресторанни сотиб

олди. Э, унинг ишлари - авж... Учрашганда, билиб оласизлар.

- Раҳмат, - деди Маҳкам.

- Бўлмасам кетар жафосига...- дея шишага қаради Қуюн. Ва Маҳкам ўз идишига ҳам қуйгач, Қуюн пиёладан кўз олмай: - Овмин, - деди. - Мен ўзимга биттагина фарзанд тиламан. Сизларга бўлса - аҳил- иноқлик... Мана буларга эса - дўстга садоқат, мардлик тиламан. Ай, бу кунлар ўтади!.. Шу созда кетсам, меҳнат қилсак, нонимизни топиб еймиз.

- Раҳмат, Қуюн.

- Сизнинг дўстийиз ҳам ўзийизга ўхшайди, - деди Шахло.

Қуюн синиқ жилмайди.

-Боримиз шу.

- Айтмоқчиманки, гапийиззи бошқа бировнинг гапи билан алмаштириб бўлмайди.

- А-аа! - Қуюн яйраб кулиб юборди. - Шу-шу... - Кейин яна пиёладан кўз узмай: - Маҳкам жўра, чиндан ҳам яхши ўтди ёшлигимиз. Мен сени иншоингдан кўчириб олардим-а... Ҳатто диктантниям. - Энди Собит кулиб юборди. - Рост-рост, жиян - деди Қуюн. - Кейин ўқитувчи: "Киндикларинг бирми?" деб сўрар эди. "Ҳа, битта!" деб турардим кўзимни лўқ қилиб... Аммо "Практикум"дан зўр эдим! Ўшандаёқ шоппир бўлиб олгандим...

- Касбни ўшандаёқ танлаган экансиз-де, - деди Шахло. - Эшитдингми, Собит?

- Эшитвомман.

- Ну, паехали.

63

Шахло қолди. Жўраларга эргашган Адҳам билан Собит ҳам секин-секин жилишаркан, дарвозага етганда, Қуюн бирдан бурилиб, тент ёпилган мошинага қаради.

- Адҳам, вақтли ёйгонарсан? - деб сўради-ю, ўзи жавоб қилди: - Маълум-ку... Гап бундай, шогирд: менинг мижозим бор-у, сомпапаз? Сариқ "Жигули"си бор... Ўша йигит... Эрталаб азон маҳали шу ерга етиб келади. Иккита балон опкелади. "Волга"га.

- Эй, нега-нега, - тислаиб деди Маҳкам. - Қуюнжон, уялтирма мени. Ўзиникиям ярайди ҳали...

- Жим тур! - дўқ қилди Қуюн. - Сен любителсан, мен - профессионал. Лисий бўп қопти балонларинг... Бундан ташқари балонларни пулимга олганим йўқ. Самсапазинг ўзи берган эди: ездани ўргатганим учун... - У Адҳамдан "хўп" жавобини олгач, Маҳкамни қўлтиқлаб дарвозага қаратди-да, икки қадам босди. -Шу.

- Бўпти, - деди Маҳкам гап чўзилиб кетмасин учун. - Бир кун қайтарарман.

- Бу бошқа гап, - қаноатланиб енгил тортиди Қуюн. - Дўстим, бир қўй бир терининг ичида...

- ... неча озиб, неча семиради, - унинг гапини давом эттирди Маҳкам.

- Ақлингга балли.

- Бошқа гапинг ҳам борми?

Дўстининг феълени биладиган йигит асти кўнглига олмади бу кўполликни ва:

- Бор, - деди Қуюн. - Албатта, Бўрибой билан гаплашининг керак. У кўпдан бери кутиб юрибди. Айтдим-ку, "Бехабар қолсам..."

- ... ресторанга киритмайман сизни" деди.

- Ҳа.

- Эртагача. -Қуюн унга қўл берди-ю, илова қилди: - Бўрибойнинг мухбирга маош бераётганидан хабаринг борми?

- Как? - деди Маҳкам. - Газетаям пирватизация бўлдими?

- Бўлмагандир.

- Ҳим, Бўри, демак, спонсорлик қиляпти?

- Аа-а, балли. - Қуюн жонланиб давом этди: - Яна айтадими, шаҳримизда қадимдан ҳозиргача ўтган шоирларнинг бир китобини чиқараман, дейди.

Маҳкам хўрсиниб юборди: "Хайрият... Йўқ, бундай йигитнинг бориға шукур қилиш керак.

Ха-а, макташганича бор экан бу Бўрибой. Тўхта, - баттар, ҳаяжонланиб кетди: - Жамолдин ҳам китобга ишқибози-а? Умуман, келажакда пайдо бўладиган энг одил савдогарлар саводли-билимдон бўлишлари лозим экан... Бу факт". Сўнг бу борада бир кашфиёт яратгандай туйди ўзини ва Қуюн билан яхши хайрлашишга шайланиб:

- Эртага кетвормасак, албатта, уйингга борамиз, - деди. - Жойларинг ўзгармагани?

- Сал-пал. Сизларни ўзим излаб топаман. Бемалол томошаларингни қилаверинглр.

Шунда ҳамманинг қулоғи динг бўлди: бўри увламоқда эди! У чўзиб-чўзиб увлар, қандайдир аламоқ, ҳасратли эди уни.

- Ака, шеригидан айрилганига энди инонди, - деди Адҳам. Ва тек қолдилар: Энди яқин-ёвуқдан итлар-итваччалар, қанчиғу ирлонлар хуришга тушган эди.

Маҳкамда шундай бир қувонч пайдо бўлдики, маъносини шундай шарҳлаш мумкин: қафасдаги бўридан кўркишади-я бу итлар. Банди бўри эса увлаши билан бошига бало орттириши мумкинлигини "ўйламайди" ҳам. Ҳолбуки, у қаерда, қай маконда товуш чиқариши мумкинлигини яхши билади; одамларга эса соясини ҳам кўрсатмайди кўпинча... Фақат аъза-алам ўлимдан ҳам устун келгандагина ҳамма нарсани унутади, демак. Масалан, болаларини оддирган бўрилр кишлоқларга бемалол оралаб...

- Бўпти, - деди бирдан Маҳкам. - Эртагача... Тўғрироғи, кўришгунча, Қуюн.

Қуюн бошини эгиб:

- Оқ йўл, - деди.

Кейин Адҳам ва Собит билан илиқ хўшлашиб, дарвозадан чикди-да, тез юриб кетди.

64

Маҳкам ҳам орқага қайтди. Укаси-ю ўғли билан бир неча қадам ён-ёнма боргач, уларнинг суҳбатига ҳалал бермаслик учун жадаллаган ҳам эди, ўғлининг гапи қизик туюлиб, яна секинлади.

- ...нима, бўридан кўркиб кетган, деб ўйлайсизми? - сўради Собит. - Ахир, бўрилрни опкелганиёизда кўзи очилмаган экан-ку? Демак, итиёиз уларга ўрганган бўлиши керак.

- Билмадим-е, - деб тўнғиллади Адҳам. - Жиян ўғайлар ҳам ёшлигида бир-бири билан аҳил бўлади. Эси киргандан кейин - пўм! Менимча, кучутимни рашк эзиб ташлади. Нукул бўрилрларга қарайдиган бўлдим.

- Ит эсийиздан чикди?

- Ҳа-да. Шунинг учун даданг тўғри ёзган...

- Нимани?

- "Рашк"ни ўқиганмисан? Дадангни китобини.

- Хим, кўрганман. Уйда бор... Ўзлари "ўқи" демаганлар. Жовонда турипти.

- Койил.

- Нимайди? Тўхтанг.

Маҳкам шаҳдам одим отиб кетди: унинг иттифоқо нафсонияти оғриган эди: барча фильмлари, спектакллари-нинг бошидан охиригача иштирокчи каби қатнашган Шаҳло...

...бадий асарларини деярли ўқимас, китобни қўлига олгандаям салмоқлаб қўя қоларди.

Маҳкам эса гоҳо ўқсир эди: Чунки унинг назарида, ҳикоялари (асосан табиат ҳақида ҳикоя ёзарди) фильмларидан асти қолишмас, бильакс унинг дунёси шу жажжи асарларида кўпроқ кўринар эди.

Нафсаломбири, ҳикоячилик - унинг "хобби"си эди.

Болохона эшиги очиқ, ундан ёруғ тушиб турарди. Маҳкам тепага кўтарилди. Ичкарига кираркан, туфлис пайдо бўлганини кўриб, жилмайганча остона ҳатлади. Дастурхон йиғиштирилмаган эди. Маҳкам бир зум серрайиб турди-да, аста чўнкайди. Ароқдан пиёлага андак қуйиб, отиб олди ва шу онда йўтал яна хуруж қилди.

Маҳкам кўксига кафтини босиб, бошқа қўли билан оғзини ёпиб, йўтал ўтиб кетганда, Адҳам билан Собит кириб келншди.

- Айтмоқчи, олапарга нима бўлди? - деб сўради

Адҳамдан. - Шунча итлар хуришди, сеники - жим. Ё ўлдим?

- Кетиб қолди, ака, - деди Адҳам. - Ўтир, жиян...

Чикипти-кетипти. Қўшнилр ҳам кўришибди. Тоғда бир чўпон ҳам айтди, бир ола итни ўрмонда кўрдим, деб... Мендан хафа бўлган, ака!

- Ну! - Маҳкам қулимсиради. - Ҳайвонлар яхши кўрган ағаларидан ранжиши мумкин, - деди. - Ёшлигимда "Тигр Аҳбар" деган фильм кўрганман. Йўлбарс ўзининг ўргатувчи аёлни эридан рашк қилиб ўлдиради...

- Ана! - деди Адҳам. - Жиян, сенга айтдим-ку... Шу. Хў-ўш, Қуюн ака қалай энди?

- Тўхта. Лекин бўри билан итнинг бир ҳовлида туриши ҳам ғалати. Ҳақиқатдан ҳам, ит эзилиб, олапар хурамлиди бўрига?

- Йўқ, ака. Йўқ.

- Да-а.

- Қуюн ака ўзгармаптим?

- Қуюн ўзгармайди, - деди Маҳкам. - Санга ёқдим, ўғлим?

- Жу-уда.

- Шунақа.

- У кишининг қўшимча даромади, дада, ездани ўргатганлари учунми? Ахир, школадаям...

Собитнинг гапини Адҳам олди:

- Жиянбой, стоп, - деди. - Шундай пулдорлар борки, бу шаҳарда, бир кунда права олади. Лекин ҳайдаши - нўл. Шунинг учун - авария... Нима қилади улар? Бизнинг шефга учрайди. У киши вақтни белгилиб, ҳайдашни ўргатади уларга. Честно ўргатади лекин.

- Улар ҳақ тўлашади?

- Канешна.

- Ўртоқлар, ётаизми-ўтираизми? - деди Маҳкам. -

Хоним дастурхонни йиғмаптилар. Демак, ўтириш мумкин. Соат ҳам энди... тўққиз бўвотти. "Время"ни кўрамизми?

- Ихтиёр сизда, - деди Адҳам. - Чечен ҳақида эшитгингиз келяптими?

- Ҳа-да.

65

Шаҳлонинг ширмон нондай юзида балқиб турарди: демак, кайфияти жойида.

- Ўтирибсизлар? - деди.

- Ўтирибмиз, - деди Собит.

- Яхши. Ўтировуринглр. - Кейин буларга гўё мукофот берди: - Ман ётаман, хўжайин. Адҳамжон, ичкари совукдир-а?.. Ҳа, майли. Кўрпамиз кўп-ку!

- Ҳозир юкни бузамиз. - Адҳам ирғиб туриб, ичкарига йўл олди.

- Ўтиринг, Шаҳло, - деди Маҳкам ва нарига сурилганди. Шаҳло унинг ёнига ўтирволди-да, ўғлига қизгин бир меҳр билан:

- Қалайсиз, кичкина Маҳмудов? - деди.

- Зўрмиз, ўртоқ Маҳмуда, - жавоб қилди Собит.

- Сани шўтдан уйлантирсам, қалай бўлади?

- Олтин.

- Ху, ёқмай ўлсин... Чекмаганинглрда, эшикни очиб қўйсақ, ичкарига иссиқ кирарди... Аммо лекин, қорнинг ҳиди кевотти.

- Қиш, энди - қиш, - деди Маҳкам.

- Қулвоссизми? - сўради Шаҳло.

- Йўқ. Ман ҳам кириб ётсамми, деб ўйлавомман. Сани иситиб кўярдим.

- Тавба. - Шаҳло бу гапни кутмаганиданми, тек қолди-да, қулиб юборди. - Бемаҳалда қичқирган хўрозни нима қилишади?

- Нима?

- Бас. Тинчгина мана шу ерда ётинг... Тавба, қизик қилиқларингиз бор-а?

- Дил кетди-да.

- Вой, ўлсин!

Шаҳло яна шарақлаб қулиб юборди. Маҳкам яна ҳам пик-пик қулар экан, амакиси ортидан уйига кирган Собит иккита кўрпа кўтариб чикди.

- Ана, эси бор, ўглимининг, - деди Шахло. - Сан паст-да ётсан, даданг бўтда ётадилар.  
- Нага кулвоссиз?  
- Бултурги бир гап ёдимга тушиб кетди. Даданг айтуди.

Адхам ҳам уйдан чиқиб:  
- Кеннойи, жой гатоп, - деди. - Мен акам билан яна бир минут гаплашиб ўтирсам, майлими?  
- Вей, кизикмисиз, Адхамжон. Бу нима деганингиз... - Шахло ўрнидан турди. Маҳкам укасида ҳам, хотинидан ҳам миннатдор бўлган кўйи, аёлининг кифтини силаб кўйди. - Яхши гурунг қилинглар. Лекин, сиз бошқа ичманг. Эртага - йўл... Сан ухла, Собит! Булардек бўлгунингча, кўп ковуи пишиги бор! - Сўнг яна нимадир дейиш, қилиши керак-у, ёдидан чиққандек бир нафас иккиланиб турди-да: Печкадан ис чиқмаса, яхши, - дея ичкарига кириб кетди.

Собит қовун пишиқлари ўтиб бўлгандек, печ ёнида, чўнкайди-да, яна туриб, кўмир солди.

- Дада, чой керакмас?  
- Ҳа. Кўп ичдим. - Маҳкам жойига тушиб ўтирди ва ўглининг ёнини кўрсатди Адхамга. - Юкорироқ сурил. - У сурилгач, кўнглига келган гапни айта бошлади: - Адхамжон, ҳар гал келсам, сизлар билан, ойм билан мириқи-иб гаплашаман, деб ўйлайман. Лекин шундоқ бўладик, Тошканга боргач, пушаймон еб ўтираман...

- Ничево, ака. Биз сизнинг дийдорингизни кўриб турсак, бас, - деди Адхам. - Баъзан кампир соғиниб қоладилар. Шунда "қасал" бўладилар. - Кейин силкиниб кулди. - Қачон қасал бўла бошласалар, сезаманки, сизни соғинган...

Собит ҳам кулди.  
- Сен омон бўл, - деди Маҳкам. - Худога шуқр келиним ҳам қўлли-оёқли...

- Ҳар қалай, дуруст.  
- Ке, онамиз учун битта оламиз.  
- Гап йўк. Кеннойим... ҳалиги воқеани кўнгилдан чиқардиларми?

- Кеннойинг кек сақлашни билмайди, - деди Маҳкам. - Менга кўядиган талабларига келсак, у - юз фойиз ҳақ. Сўнг буёғини тўқиб юборди: Уша қурткаларнинг эгаси мангаям ялинувди: "Шуларни пуллашга ёрдам беринг" деб. Манинг кўлимдан келмайди олди-сотди қилиш, дедим. Кейин, кеннойинг олувди. - Маҳкам ишшайганча қовурдоққа тикилаётган ўғлига: - Сан ҳам жиндак, а? - деди.

- Йўк. Шуларни кераги қолса-ю, бошқасини у ёққа опқўйсам-чи?

- Раҳмат деймиз-да, - деди Маҳкам. Ва укасига бош ирғаб, пиёлани лабига оборди-ю, тагин йўтал қисиб келди; назарида йўталнинг сабабчиси - ичимлик бўлаётган каби пиёлани дастурхонга қўйди.

Адхам ҳам пиёлани жойига қўйди-ю, бурда нонлар, устихонларни йиғиштира бошлаган жиянининг билагидан ушлади.

- Тегма. Мен борман-ку... Сал гурунг қилайлик. - Кейин акасига боқди. - Ака, ростини айтинг, аҳволингиз қандай?

- Айтдим-ку, - кесди Маҳкам: бу мавзуда гап бўлишини энди истамас эди. Кейин: - Ке, хотиралардан гаплашамиз, - деди-ю, бу мавзу ҳам меъдасига теккани учун, бирданига: - Бўрибой Работда ўтган адилларнинг асарларини китоб қилаётган экан. Мандан нималарни киритмоқчи? - деб сўради. - Ҳали Қуюн шу гапни айтиб қолди, балки сен ҳам...

- Менинг билганим шулки, - деди Адхам, - суратингизниям чиқармоқчи.

- Ў-ў.  
- "Рашк" китобингизни эса, шундоқ киритмоқчи тўплагма.

- Билар экансан-ку.  
- "Рашк" билан "Қалдирғоч" ҳикоянгни ёддан биледи, - деб давом этди Адхам. - Бир-иккита базмда айтиб ҳам берди. Одамларга ёқди... Одамлар тушунади, ака!

- Хўп, олдиқ, - деди Маҳкам, ниҳоят.  
- Ҳа, - деди Адхам.

Улар ичиб бўлишлари билан Собит кулди.  
- Бувим учун ичдинглари энди?  
Ака-ука бир-бирига қарашди.

- Ҳм.  
- Бувинг учун сарҳовуздаям ичувдик, - деди Адхам.  
- Айёрсиз... Майли, - рози бўлди Собит. - Бўри ака ёд олган ҳикояларини сиз ҳам биласизми? Ўқигандирсиз?  
- Айтиб берайми?  
- Ҳа-де.  
- Қайсини атай, ака?  
- Ихтиёр ўзингда.  
- Майли, "Рашк"ни айтаман. Лекин "Қалдирғоч" ҳам шунга яқин.  
- Фақат секинроқ...  
- Албатта.  
- Эшитовуз.

66

- Бир ёш оила, яъни эр-хотин Эски Шаҳарнинг эски ҳовлиларидан бирида яшар экан. Ҳовли мерос қолганими, сотиб олинганими - айтилмайди.  
Эркак - режиссёр... Ҳа-ҳа, даданг! Қулоқ сол... Шу, бир оқшом репетициядан кеч қайтадилар. Жиндак кайфлариям бор. Ҳаво сову-уқ, лойгарчилик.

Маҳкам кўзларини юмиб, каровотга суянди ва кечган воқеаларни хаёлан кўра бошлади.

- Жаноблари дарвозага етганда, қарасалар, бурчақда бир кучуквачча ингиллаб ётибди. Совқотган, жунлари ҳўл. Унга шартта ҳўл чўзадилар. Итвачча тишларини кўрсатади. Чунки кўрқади. Йўк, полвон уни чангаллаб олиб, ҳовлига кирдилар-да, қаладовкага қамаб, уйга ўтадилар... Ака, шундайми?

- Ҳа, давом этавур, - деди Маҳкам. - Лекин қаладовка эмас, ўтинхона эди.

- Э, бўлган воқеа экан-де? - деди Собит дадасининг сирини очгандек.

- Даданг бўлмаганини ёзмайди, - деди Адхам.  
- Ҳа, - тасдиқлади Маҳкам. - Ҳикоя ёзиш - манинг "хобби"им, холос.

- Давом этамиз.... Режиссёр уйга кирсалар, хоним кутиб ўтирибдилар. Сал жаҳллариям чиққан. Ахир, репетициядан келяптилар... Масалан, актрисалардан рашк қилишлари мумкин-да?

- Ўзингдан қўшма, - деди Маҳкам. - Умуман, кеннойинг мани рашк қилмаган

- Сиз-чи? - сўради Собит.  
- Ман... айтувдим-у санга.

- Ҳа.  
- Гапнинг қисқаси, жиян, оинг дадангни кечга қолганини кечирадилар. Нимагаки ўша кучукваччани ўзлар ҳам опкироқчи бўлганлар-у, тишлаб олади, деб кўрққан эканлар. - У бир нафас сукут сақлаб, давом этди: - Шундай қилиб, муштдеккина итвачча ҳовлида яшай бошлайди. Унга "Мусофир" деб ном қўядилар. Мусофир ҳовлига ўрганади. Ойингни кўлларидан ҳам ҳўрак ейдиган бўлади. Гапни яна қисқартирсам, оиланинг учинчи аъзосига айланиб қолади.

- Аслида тўртинчи, - деб қўйди Маҳкам.

- Ҳа, ўшанда бувим ҳам тирик бўлганлар, - деб илова қилди Собит.

- Мен ёзилганини айтяпман, - деди Адхам. - "Ўзимдан қўшмайман", даданг ҳам қўшмасинлар.

- Маъқул.

- Мусофир эгаларига шунчалик ўрганадики, ишга жўнашса, йўлгача кузатиб қўяди. Кейин дарвозанинг тагидан ҳовлига кириб кетади. Кечки пайт ҳам, даданг билан оинг келадиган пайтда торкўча оғзига чиқиб, чўнкайиб ўтириб олади. Уларни кўрганда, ҳей, думалайди-е, ўйнайди-е, шодлиги чексиз... Кунларнинг бирида Мусофирнинг ошига заҳар қўшилади... Ака, қисқартириб айтяпман. "Ошига заҳар қўшилди"ни кейин ёзгансиз.

- Ҳа.

- Ёз бошланади. Бир оқшом даданг билан оинг ёлғиз ўрик остида ўтиришса, болаларнинг шовқин-сурони эшитилади-ю, девордан бир майна - олақанот ошиб тушади. Кейин қанотларини ёзиб, ётиб қолади. Даданг бориб, кўтариб қарасалар, жониворнинг бир қаноти билан бир оёғи синган. Сап-



сарик оғзини очиб, жиғиллайди. Хали жуда ёш.

- Шундай.

- Эр-хотин уни муолажа қилишга тушадилар. Даданг канотни тортиб туради, ойинг бинт билан боғлайди. Оёқни ҳам тахтакачлаб, шкафга солиб қўядилар. Шкафда ойна бор, ойнадан кўриниб туради у. Жонивор кийшайиб ётаркан, эгаларидан қайси бири кўринса, оғзини очаркан...

- Буларни онаси деб ўйларкан-де, - деди Собит.

- Албатта... Кейин бир куни кеннойи пайкаб қоладиларки, майна пашшага ўч бўларкан. Пашша ўлдиргич билан қора чивинларни йиқитиб, инвалиднинг олдига ташлайдилар, куш лук-лук ётиб юборди-да... Хўш, майна гўшти яхши кўриши - маълум. Унга чимдим-чимдим гўшт ҳам беришди. Ўшанда арзончилик...

- Тушунарли, - деди Собит. - Унга ном қўйишмаганми?

- Йўқ. Майна... Биласанми, нима учун у қушни Майна дейишади? Чунки у - таклидчи! Мушук муёвласа - уям муёвланди баъзан...

Маҳкам кўзини очди.

- Шу гап керак экан-да... Бўпти, давом эт.

- Ана шунақа. Демак, жиян майна ҳам тузалади. Кейин у ҳам даданг билан ойингга ўрганиб қолади. О, улар дарвозадан кириб, "Майна!" дейишса, қайси гўрда бўлсаям, учиб келади. Қайси бирлари қафтларини очиб турган бўлсалар, ўшанга келиб кўнади. Ана шундай ўрганиб кетади. Демак, оиланинг тўртинчи... ҳа, бешинчи аъзосига айланади.

- Эславомман. Опам шунга айтувдилар, шакилли, - деди Собит чимирилиб. - Айтинг, Адҳам ока. Кейин нима бўлади?

- Маълум бўлиб қоладики, Мусофир Майнага ёмон кўз билан қарапти! Бу хабарни дадангга опам айтади: "Ўлгир Мусофир. Кеча кўрсам, майнани қушлаб юрибди, кўндирмайди ҳеч", дейди.

- Илгари-чи?

- Ҳатто Мусофирнинг ялогидан хўрак чўқиганидаям - индамас экан.

- Кейин?

- Акам ойингни гапларига унча парва қилмайдилар. Аммо бир куни ишдан келсалар, кеннойи йиғлаб ўтирганмиш. Олдиларида Майнанинг ўлиги.

- Вей!

- Ҳа. Мусофир ғажиб ташлабди экан. Кеннойи куткаришга улгурмаптилар. Шу топда Мусофир ўтинхонада ётганмиш... Ҳа, айбини билади! Ит уялишнания билади, жиян. Давом этамиз. Даданг ҳовликиб кетадилар-да, ўтинхонага кириб, Мусофирни бўйнидан чангаллаб олиб, дарвозадан ташқарига отворадилар... Бу ёғини эшит. Мусофир узоққа кетмайди. Лекин ҳовлига кирмайди. Бир куни "старий веш" сотиб оладиган чол гараж ортида унинг ўлигини кўради. Ўшанда даданг уни излаб чиққан эканлар. Чунки бу пайтда унга ачина бошлаган эканлар. Чунки уни ҳар куни кўришаркан. Ойинг ҳам, даданг ҳам. Жонивор йироқдан тикилиб тураркан: озиб-тўзиб кетган...

- Томомми?

- Ҳозир... Ҳовлиларинг қандайдир жарлик ёқасида экан. Майнани кўмган жойларига Мусофирнинг ҳам ўлигини обориб, ярим метр бўзга ўраб кўмпитилар.

Шу пайт ичкари хонада "чирк" этиб чиरोқ ёнди. Адҳам алланечук писиб, эшикка қаради. Маҳкам кўзини очиб тумшайди. Собит ўз дарди билан:

- Ну, и ну-у.

67

Тоб ташлаган эшик тирналиб қирилиб, ва "қарс" этиб очилди-ю, Шахло чикди. Ўйлаш мумкин эдики, ҳозир бобиллаб беради у: "Ухлагани кўясизларми-йўқми?"

Бироқ унинг кўзлари ёшга тўла, қўлида эса ялтираган чарм куртка бор эди.

У қалбаки кулимсираб:

- Нимани гапирвоссизлар? - деди ва жавоб кутмасдан яна сўради: - Чой борми, Собит? Чўлладим... Ошдан кейин қовурдоқ ейилди, иккисиям ёғли...

Собит:

- Бор, бўлиши керак, - дея ҳозиржавоблик билан чойнакнинг қопқоғини очиб қаради. - Боракан...

Адҳам эса аста-аста сурилиб акасининг ёнига ўтди. Ўглининг биқинига бир тиззада чўкалаган Шахло чойни атай ютоқиб ичди-да, ҳансираган бўлиб: - Ёзган экансиз-де, Мишкани? - деди эрига ва ёнига чўзилтиргани курткани нарига сурвориб, ўлига яна пиёлани тутди. - Қуй... тўқувчисиз-де, ўртоқ Маҳмулов.

- Ҳим, ёлғони борми? - деди Собит. - Эшитвописиз-а, ухлаган киши бўлиб.

- Тешик қулоқ эшитади, ўғлим, - деди Шахло. - Лекин, манимча, дадангни ёзганлари орасида энг ҳаётий чиққан ҳикоя шу бўлса керак... Тушунмадингми? Ҳаётий воқеа асосида ёзганлар-де. Вимисел жуда кам...

- Бувумми қўшмаптилар, шуми?

Шахло хўрсинди.

- Бўтда гап қуш билан ит ҳақида кетвотти. Одамларни кўпайтиришга ҳожати йўқ эди. Даданг тўғри қилганлар. Ҳатто иккламиздан биримиззи ёзганларидаям моҳият ўзгармас экан... Ўртоқ, ёзувчи кечирасиз, ман ҳам ўқимовдим.

- Биламаң, - деди Маҳкам; айна чоғда Шахлонинг "бир кишиям етарди" мазмундаги мулоҳазаси ўзига ёқиб, у "киши"нинг "ким"лигиниям дарҳол топди: бўйдоқ, аниқроғи, ёши бир жойга бориб қолган, ижарашин кимса... Анави қуш билан итваччани ўзига яқин олади...

- Айтмоқчи, Бўривойингиз китобингизга спонсорлик қилса бўлар экан, - фикр билдирди Шахло. - Нуқул кичкина-кичкина қилиб чиқаргансиз. Ҳаммасини тўплаб, битта қилиб, чоп этса, - дея қулиб юборди, - унда қўлга олса арзийдиган бўлармиди... А, Собит? Иккаламиз биргаллашиб ўқиб чиқардик!.

- Ман Тошканга борибоқ "Рашк"ки ўқийман, - деди Собит ва курткага қараб қўйди.

Унинг назарини илганган Шахло:

- Айтмоқчи, - дея курткани олиб, Адҳамнинг ёнига ташлади-да, кўзгалди. - Ман ётаман. Энди сизлар ҳам ухланглар. Иззатларинг ҳам битди...

Шунда Адҳам курткани астагина нари сурди.

- Нага, сизга бердилар-ху! - деди Собит бирдан бўғилиб.

Адҳам тез-тез бош ирғади.

- Тушундим-у...

- "У-пу"ни йиғиштир, - деди Маҳкам. - Кий! Пули бир гап бўлар...

- Раҳмат, ака. - Адҳам, Шахлога қаради-ю, кўзини олиб қочди. - Раҳмат, кеннойи.

- Киясизми, йўқми? - зуғум қилиб сўради Шахло.

- Хўп дедим-ку.

Шахло эрига айвонни кўрсатиб имо қилди.

Маҳкам ўрнидан турди.

Икковлон ташқарига чиқишлари билан Адҳам жиянига совуқ ва жиддий тикилди.

- Сен менинг жигарим бўлсанг, ўғил бола бўлсанг, айтганимни қилсан.

- Нима, нима қилай? - ҳаяжон-ла сўради Собит ва курткага қараб қўйди.

- Шу, - деди Адҳам. - Муни, - олиб, унинг ёнига ташлади курткани, - опкириб қўй жойига. Ойинг сезмайдиган бўлсин.

- Ахир, бу қанақаси?

- Гап тамом.

- Адҳам ока.

- Гап тамом бўлди.

- Кейин ман...

- Уф, Тошканга боргандан кейин очигини айттарсан...

Ҳозир мен "йўқ, керакмас" деб туриб олсам, ойинг ҳафа бўладилар. Акамниям настрацияси бузилади. Ўзи, ҳалигина ярашдик ҳисоб. Мен узр сўрадим. Сувни яна лойқалатмаслик керак.

Собит аранг кўзгаллиб, курткани зўрға олиб, базўр уйга кирди-да, сал ўтмай қайтиб чикди. Жойига ўтиргач, болаларча мақтанди:

- Бошқасига кийгизиб қўйдим.

- Раҳмат.

...Ниҳоят, Адҳам "Беломор канал"дан бирининг тамакисини кафтига тўқайтган эди, Маҳкам билан Шаҳло кириб келишди. Ташқарида изғирин бошлангани уларнинг афт-ангоридан билинарди. Дарҳақиқат, Шаҳло:

- Қор, қор ёғади, - деди ва эрига қаради. - Ўша кал баллонларийиз билан қатгача борар эканмиз, худо билади.

- Тошканга бориб, яна қайтиб келишларингтаям чидаб беради, - деди Адҳам. - Мен дуосини ўқиб қўйдим.

Шаҳло унга ҳазиломуз тикилди-да, иттифоқо курткани жойида кўрмади. Ва:

- Илоий дуонгиз ижобатга ўтсин, - деди.

- Эртага кўрасиз.

Шаҳло ўғлига ҳам зимдан тикилди. Собит бошмалдоғини кўрсатди, кейин пастга ишора қилди, яъни: "Оптушиб қўйилди", деди.

- Хайр.

Шаҳло уйга кириб кетди. Ва, Адҳам:

- Ака, дастурхонга бир фотиҳа қиламизми? - деди.

- Ҳа, албатта. Ҳим, уйингдан файз-барака аримасин, ука. Ҳеч ким ҳафа бўлиб чиқмасин бу хонадондан.

- Омин.

Ташқарида шамол эсар, дераза кўзлари зир-зир этиб титрар, печнинг ичига бир бало қамалгандай ғалати товушлар чиқарди.

Чироқ ўчиши биланоқ кўзларини юмган (тўйиб ухламас, эртага - йўлда қийналади) Маҳкамнинг кўнгли, ҳар қалай, хотиржам эса-да, ухлай олмади. Бунинг устига, эски каравотнинг эски пружиналари ҳам "тоб ташлаган"ми, сал қимирласа гижирлайди: ўғлининг-да уйқусига халал бераётгандек бўлади.

Ниҳоят, у оёғини каравотдан осилтириб ўтирди. Қоронғида пайпаслаб сигаретни топди. Хона ҳавоси тагин бузилишини тагин бўйнига олиб ("кейин эшикни очиб қўярман бироз"), чека бошлади.

Бугунги учрашувлар, воқеалар бошидан зув-зув кечи, бўри воқеаси, кейин Куюннинг келиши-кетиши ва хотинининг "эриши"га етганда: "яҳши - деди ичида. - Умуманку..."

...Шаҳло хасис эмас, йўқ: бир вақтлар пулни пул демас эди, ҳатто ўйламас эди; рўзғор уни қаттиққўл қилиб қўйди. - Шунда иттифоқо юраги уриб кетди: - Пулга ўрганиб қолса-я?

"Маҳкамнинг хотини савдогар". Даҳшат-ку бу!"

Кейин, Шаҳлонинг боя уйдан чиққани - йиғлаб чиққани (шубҳасиз, Мишка билан Майна воқеасидан таъсирланиб - уни эслаб) ва курткани шундоқ ташлаворгани кўз олдига келиб: "Ҳа, қаттиқлиги-вақтинчалик, - деб ўйлади. - У мард аёл..."

Ўғлим рост айтади: биз бир-биримизга ўхшаймиз... Аммо у анча романтик эди: нозиккина, хаёлкаш қиз... Камолани ўйнаганда, ҳар саҳнада йиғларди-я? Қизиқ, Камолани раҳимдиллиги, етимча Умешни ўз паноҳига олгани - унга оналарча меҳр қўйгани нақадар...

яқин-а унинг Мусофир билан Майнага муносабатига.

Ҳа-ҳа, Шаҳлонинг кўшимча даромад топишга жазм этиши осонликча кечмаган: у мажбур бўлган, ахир.. Катта руҳий тўсиқларни энгиб ўтгани ҳам аниқ... Ҳа, у бекорга баъзан йиғлавормайди...

Хуллас, ман айбдорман...

Ҳаётимда ўзгариш бўлмаса, кетаман..."

Шундай деди-ю, қарахт тортиб қолди: "қаерга?" деган савол тилига келмаёқ бу фикрни хаёлидан қувишга бошлади.

68

Маҳкам тонгда уйғониб, айвонга чиқди. Ҳаво бағоят совуб кетган, ҳовуз сиртида муз, банорас тўнини кийиб олган Адҳам мошина гилдирагига кийгизилган баллон четларига болта билан урар, унинг ёнида Собит дийдираб турар эди.

Маҳкам хурсанд бўлиб, улар қошига тушиб борди: баллонлар яп-янги, резина ҳиди анқир эди.

Мошинанинг эски баллонини янгисига алмаштираётганда, агар шофёр бўлсанг, сендан кайфи чоғ одам кам то-

пилади.

Маҳкам чой устидаям мамнун эди. Онаси пастдан чиқиб келаётган, Шаҳло ҳам уйқуга тўйган, Адҳамнинг ҳам кайфияти кўтаринки, Собит эса дама-дам гапга қўшилар, отасининг дўсти билан фахрлианиши билиниб турар эди. Яна шу ҳол аён эдики, Маҳкамлар ҳадемай йўлга тушишди, зеро қиш совуғи ҳам шивирламоқда эди: "Қиш ўчоғи тор, тез уйингга бор". Лекин бирров бозорга кириб чиқишлари шарт: Шаҳлонинг талаби шу...

Маҳкамнинг ўзи мошинани катта кўча оғзигача ҳайдаб борди.

Ва кўчанинг у бетида юксалиб турган "Қўштоғ" ресторанига қаратганча:

- Шаҳло, Бўривой билан гаплашиб олай, - деди. -

Адҳам рулга ўт... Кенноинг истаган жойга обор.

- Сизни шўтдан топамизми?- сўради Шаҳло.

- Ҳа, - деди Маҳкам.

- Тагин.

- Тушунарли.

- Уф, бу одамнинг юпуниги, - ҳатто йиғламсираб мингиллади Шаҳло. - Ўжар, ўлгудай ўжар. Бу одам шамолламай, ман шамоллайми?

- Ҳечкиси йўқ. - Маҳкам эшикни ёпиб, қўлини кўтариб қўйди. Адҳам мошинани шаҳд билан ҳайдаб, марказга йўл олди.

Маҳкам зиналардан тушаркан, шакар қор учқунлай бошлаганини кўрди-ю, баттар илдамлай кетди. Йўлка адоғидаги қадим қошоналарга ярашиқли қизил-залварли эшикни итарди; кейин тортиб очиб, ичкарига кирди.

Одатдаги ҳидлар: димикқан ҳаво, овқат, ёғ, ичимлик ҳиди.

Шу пайт ўнг қўлидаги банкетлар залидан чиққан оқ халатли жувон:

- Ресторан ўн бирдан очилади, - деди. Ва Маҳкамга тикилиб қолди. - Вей, сиз Маҳкам акамасми?

- Ўша, - деб қулимсиради Маҳкам. - Манга Бўривой керак эди. Жула зарил эди, синглим.

- Агар кетиб қолмаган бўлсалар. Шу ерда.

Маҳкам унга эргашди.

- А, қаёққа кетишлари керак эди? - шу гап оғзида, зал эшигида Бўрибойни кўрди. Ва иссиқ кўришишга шайланганида, яна кўрдик, унинг ҳам ёғнида оқ халат ва Маҳкам билан қучоқлашишга мойил эмас. Шунга қарамай, у тисланиб, қўлини кўксига қўйди.

- Келинг, Маҳкам ака.

- Сиз Бўрибойми ё ман қаридимми? - деб унга қўлини узатди Маҳкам.

- Қийёфам сизни алдади, - деди йигит. - Адашдингиз, акажон. Мен кичкина Бўрибой бўлман. Укасиман... - Кейин шошиб, атрофга қаранди. - Қаерда ўтирасиз? Барга тушсакчи? Овлоққина?

- Раҳмат, ука. Манга акангиз керак, - деди Маҳкам.

- Акам эртага келадилар, - жавоб берди кичкина Бўри.

- Тошканга кетдилар-у... Сиз билан албатта учрашишлари керак эди! Учрашадилар! Учиб бориб, учиб келадилар. Туркиядан ўртоқлари келишган экан. Шунга шошиб кетдилар.

- Ҳим, Туркиядан...- беозор жилмайди Маҳкам ва ёнларидидаги стол қошидан курсини тортиб ўтира қолди.

Кичкина Бўри "вой-войлаб":

- Пастга тушайлик. Бу ер совуқ, - деди. - Ёки... Ҳўп. Ҳозир исиниб оламиз. Ким бор?

- Укажон, - Маҳкам унинг билагидан қисиб тортиди. - Манинг икки минут вақтим бор... Мундоқ ўтиринг. Раҳмат.

- Балки чой ичарсиз? - Кичкина Бўри ҳам курси олиб ўтирди.

- Майли... Тавба, окангизни худди ўзисиз-а?

- Ҳамма шундай дейди, - деб қулди Кичкина. - Аммо, - дея овозини шўхнамо пасайтирди: - Фойдаси бор экан. Акамнинг йўқлиги билинмайди. Биров битта хасниям бу ердан олиб, у ерга қўёлмайди... Ҳой, мусулмонлар! Чой!

Вазиятни кўриб турган эканми - хипча бир йигит мис барқашда чойнак кўтариб келди.

- Ассалом алайкум.

- Салом. Раҳмат, - деди Маҳкам ва титраб кетди. -

Киш тушди дейман-а?

- Ҳа, вақтиям келди-да... Тошканга қайтмоқчимисиз, ака?

- Ҳа.

- Зарил гаплари бор эди-да!

- Балки учини чиқарарсиз?

- О, йўк...Билсайдим қанийди. Акам - ҳақиқий бизне-смен. Сирларини айтмайдилар.

- Бу, турклар билан...

- Кўшма қорхона очадилар, - Кичкина Бўри шундай деди-ю, лабларини юмди. Сўнг яна паст товушда, давом этди:  
- Терини ошлаш, чарм ишлаб чиқариш қорхонаси қурмоқчилар. Шу ерда.

- О-оо, - деди-ю, оғзи "О" шаклида қолди Махкамнинг: илло Жамолиддиннинг тери, жун харид қилиш ҳақидаги гапийо ўзининг ваъдаси эсига тушиб кетган эди.

- Чойни ичинг, ака... Сизнинг "Рашк" деган китобингиз акамнинг жавонида...

- Ҳа-ҳа, - деди Махкам ва эҳтимоллаб сўради: - Бўри-войнинг манга айтадиган гаплари китоб билан боғлиқмасми, ҳойнаҳой?

- О, йўк, - деди кичкина Бўри. - Каттароқ гап бўлиши керак.

- Кечирасиз, Бўривой, ўзимизда тери, жун деганлари кўпми дейман-а?

- Бор, - деб шивирлади яна кичкина Бўри. - Шаҳар холодильнигидан чиқадиган терилар эгали бўлиб кетди, тўғри. Аммо тоғда...Акажон, ўзингиз шифоли сув чиқадиган азиз жойларда кўп бўлгансиз. Ўзингиз мол сўйгансиз. Хуллас, айрим қунлари битта Обишифода элиқлаб қўй-эчки сўйилди. Уларнинг териси зах камарларда уюлиб - хирмон бўлиб, сасиб ётарди... Энди, йўк! Акам ўша булоқнинг бошида санаторий қурадиган бўлиб, атрофини ўраб олдилар. Фирмани ўша ерда ташкил этдилар.

- Яхши.

- Маҳсулот ишлаб чиқарадилар-да, маҳсулот. Бу- олиб-сотарлик эмас.

- Биламан, - деди Махкам. - Иқтисодий ислохотнинг ҳам илк талаби шу бўлса керак.

- Шу-шу.

- Бўпти бўлмаса.

- Бир кунгина қолсангиз эди...

- Иложи йўк. - Шунда: " Қолсам-чи? - деган ўй ўтди кўнглидан. Аммо Бўривой эртага ҳам келолмай қолса, нима-лар бўлишини тасаввур этолмаса-да, Шаҳло билан муомала батамом издан чиқишига юз фойиз инонди-да: - Барибир учрашамиз Бўривой шунчалик истар экан... Дарвоқе, телефон номерини олсамми? Йўк, номеримни бераман. - Кейин, бу фикрдан ҳам қайтди: - Керак бўлсам, Адҳамдан сўраб олади"

Кичкина Бўри зар чопонини узатиб, кийиб боришни, сўнг уйда қолдиришни илтимос қилди. Махкам унамади: бунақа кийимни кийиб қўрмагани устига, хотини: " эримга сарпо берипти" деб ўйлаши мумкин эди...

У боягидек тез юриб, торкўча охирига етганда, орқадан сигнал эшитилди. Махкам мошинасини таниб, четланди.

- Хўш? - деди ичкарига хириб ўтиргач, хотинига.

- Ай, - деди Шаҳло эрига қарамий. - Мол йўк эмас. Лекин олувчи йўк.

...Онанинг ҳужрасида бир фурсат ўтирдилар. Бу орада Шаҳло тепага чиқиб, пальтосини-да сумкасини ўғлига кўтартириб тушди.

Ниҳоят, она дуо берди:

- Уйларинга эсон-омон етиб олинглар. Иноқ-итипоқ бўлинглар, болаларим... Дийдор ғанимат, келиб туринглар.Йўларинг оқ, йўлдошларинг ҳақ бўлсин...

- Омин!

Кейин Робия бону торкўча оғзигача борди ва мрамор пойдевор қошида туриб, тагин фотиҳа берди; Энди унинг ёнида келини, кенжаси ҳам бор, нари-беридаги деразалардан кимлардир мўралар ҳам эди.

Махкам ойнаартгични ишлатиб қўйиб, сигнал берди-да, мошинани тез ҳайдаб кетди.Кўчага чиқиб, катта йўлга солди. Ойнабанд дўконлар қошидан, қорга чўлганиб, тушдагидек кўринаятган мадраса-мачит ёнидан ўтди. Таниш "ДАН" пости ҳам ортда қолди.

Кечга яқин чўққисида камар-ғор жойлашган таниш довон пастига етавериб, йўл четида тагликка ўрнатилган кўрсатгич ҳамда ёзувни кўрди: "Бензин. 300 м."

Бензин олаётганида, хотини билан ўғли, ниҳоят, уйғонишди-да, миқ этмасдан уни кузатишди. Яна йўлга тушишгач, аста-секин, довонни таниб қолишди ва шўх-асабий суҳбат бошланди.

Махкам гурунга кўшилмас, унинг хаёли олдинда: Тошкент,уйи=уйчаси ва редакцияю қандайдир студияларда, тагин...

..."кутиб турган" изгиш-изланишлару ўйлар-изтироблар аралаш гойибдан келгуси бахт каби бир омадда эди.

Шаҳарнинг чароғон-гавжум кўчаларидан ўтиб, беш қаватли иморат пойига етиб бордилар.

Қор майдалаб ёғар, улар шаҳарга қишни бошлаб келгандай эди.

## БИРИНЧИ ФАСЛ БИТДИ

1996 й. Тошкент, Дўрмон.

*Атоқли адиб Шукур ХОЛМИРЗАнинг "Динозавр" романи мана, журналимиз саҳифаларида тўла ҳолда Сиз, азиз мухлисларимиз эътиборига ҳавола этилди. Сир эмаски, асар адабий жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.*

*Энди шуни мамнуният билан маълум қилмоқчимизки, ушбу асарнинг муаллифлик ҳуқуқи Шукур ХОЛМИРЗА истагига кўра тўла ҳолда "Ёшлик" журнали таҳририятига берилди. Кимки асарни чоп этиш, саҳналаштириш ёки кино қилиш ниятида бўлса, аввало журналимиз таҳририяти билан шартнома тузиши шарт.*

**ТАХРИРИЯТ**

Маҳмуд МАРДИЕВ

Беғубор кунларга  
чўмилиб...

\*\*\*

Энтикиб боради табиат  
Беғубор кунларга чўмилиб.  
Қуёшнинг бағрида безавол  
Севгимиз қолади кўмилиб.

Шабада заминни эркалаб  
Яшиллик кўқарар барқ уриб.  
Уфққа тугашган майсалар  
Кўксимга киради югуриб.

Томчилар қайтади соғиниб,  
У биздан олади суюнчи.  
Кўз ёшлар тўкилгай заминга  
Сачрагай дунёнинг ўкинчи.

\*\*\*

Қаҳратоннинг қайтмоқда шашти,  
Чил-чил синар ноилж музлар.  
Ва ёқимли кунларни сезиб,  
Энтикади теран илдишлар.

Бойчечаклар қор кўксин ёриб,  
Очиб борар баҳор дарчасин.  
Бойчечаклар келар тортқилаб,  
Хайқирикли чақмоқлар сасин.

\*\*\*

Хоналарда қамалган ором,  
Тонг пойига уланган тушлар  
Дарахтларнинг пинжиги кириб,  
Ёруғликни кутади кушлар.

Ухлаётган жим-жит дунёни,  
Ўз ҳолига кўймайди қуёш.  
Оппоқ тонгнинг этагин ушлаб -  
Кўчаларни супира фаррош..

\*\*\*

Баҳоргача узокдир ҳали  
Далаларда ҳоким - қаҳратон,  
Фалак эса оппоқ йиғлайди  
Қор остида тўлганар райҳон.

Бўғотларда туришар сассиз  
Қарахт қотган қушлар галаси.  
Кўзларида ўлмаган ҳали  
Далли-дарвиш баҳор парчаси.

Маҳмуд МАРДИЕВ нуроталик.  
Жумҳурият матбуотида шеърлари,  
долзарб мавзудаги мақолалари билан  
мухтазам қатнашиб келади.  
"Олмоқнинг бермоғи бор" китобининг  
муаллифи.

Ўроз ХАЙДАР

Қайтаётган турналар  
билан...

\*\*\*

Сут ичаман тонг товоғидан  
Шуълаланиб кетур борлиғим.  
Ёприласан кўк равоғидан  
О, мовийлик — куйим ёрлиғи.

Гиёҳлардан таралган ифор  
Кўз ёшимга қорашур қордай.  
Жилмайиб-да йиғлайман бекор,  
Тўшагидан турган бемордай.

Айбдордай бош эгаман сўнг  
Самовий куй тортқилар яна.  
Ҳамма нарса мендан улуг,чўнг,  
Бунда уйғун фожье, тантана,

Юрагимга сепади баёт  
Мовийлигу кенгликлар нурдай.  
Қаршиламан мен сени Ҳаёт  
Ўримга илк чиққан ўсмирдай.

х х х

Урчуғингни йигиргин,эна,  
Қуёш сари талпинсин кўллар.  
Сочларингда оқармиш ана,  
Ипдай таранг тортилган йиллар.

Кипригингдай тўкилмиш уфқ  
Кўк чашвонин юзига тутиб.  
Айтиб бергил, эна, бир кўшиқ,  
Ҳақ каломин мунгинга битиб.

Нафасимдан қуяр булутлар,  
Ўзин ёқур момагулдирак.  
Шунда мени майсалар қутлар,  
Кўз ёшимга дарёлар - йўрғак.

Урчуғингни йигириб беун  
Юрагимдан ёқмишсан ўлан.  
Мен сафардан қайтурман у кун  
Қайтаётган турналар билан.

Чироқчи.



Мўмин АВАЗ

Жайдари отларнинг  
дупури...

\*\*\*

Ҳаво тўйинади ипор таратиб,  
Баликдай сирғалиб ҳайрат жилмоқда.  
Туртиб чиққан хомак олмадай қаттиқ  
Икки кўкраги селкилламоқда.

Тушуниб бўлмайди сирли ўйларни,  
Кўзлари сузилар,  
Сим-сиё қошлар.  
Кўзни қамаштириб, ҳарир қўйлагин  
Зар тангачалари парпирай бошлар.

Буралиб эгилар тилла ранг камон...  
Тортилган симларни чертади тирноқ.  
Хирс қўйиб оч кўзлар боқади ёмон,  
Доира юзига ёяр шапалоқ.

Ҳар бир ҳаракатда назокат, ҳаё,  
Нафосат ҳайратнинг бағрига кирар.  
Бунча гўзалликка ташнасан дунё?!  
Олов ишқ майини қалблар симирар.

Хонанда харж этар бор идрок, кучин,  
Найчи ҳаво пуфлаб, куйдиради жон.  
Битта раққосани ўйнатиш учун  
Қанчалар одамлар бўларкан сарсон.

\*\*\*

Юлдузлар суяди кўкдаги бежирим  
ойни,  
Гиргитон бўлишиб кирар жонлари,  
Асл, фасоҳатли Моҳларойимнинг  
Атрофида замон нуктадонлари.

Ялпиз бўйларига осмон тўйинган,  
Энг азиз одамга бахшида умр.  
Мозийни эласанг Турон қўйнидан  
Тарих этагига тўкилади дур.

Сутга чайиб олар юзин субҳидам,  
Кўқон дарвозасин кўриқлайди эр.  
Отилиб покиза дилнинг тубидан  
Орият талашиб яшамокда шеър.

Азоблар юкени елкага ортган  
Заҳматкаш улуг халқ меҳрибон,танти.  
Қайсидир бурчақда қисилиб ётган  
Мақр қилич қайраб келар бақамти.

Олис шимол юртдан ловиллаб олов  
Зўраяр қўшинини орқага суриб.  
Ёпирилган бошқа томондан асов  
Жайдари отларнинг дупур-дупури...

Сиз овоз бермайсиз дил фарёдига,  
Кўқон босинкираб кўрар ёмон туш.  
Оловлар ичидан чорлар олдиға  
Ҳаволаниб Сизни кадрдон товуш.

Сирдарё.



## Саҳобиддин ХҲЖАНОВ



- ... Миллатимизнинг ҳар бир йигити кучли, матонатли, теран мулоҳазали, жисман ва руҳан комил бўлмоғи лозим.

Ўқтам МУРОДОВ шундай дейди. Бу гаплар бежиз айтилмаганлигини кейинроқ Ўқтам ака билан яқиндан танишгач, англаб етдим.

Ўқтам МУРОДОВ 1963 йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида туғилган. Хабаровск Олий Милиция Мактабига кириб, икки йил таҳсил олганидан сўнг ўқишни Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг Академиясида давом эттирган. Айни кунларда шу Академияда катта лейтенант лавозимида ўқитувчи бўлиб ишламоқда. Оилали. Икки фарзанди бор.

Ўқтам ака болалигидан учувчи бўлишни орзу қилган экан. Ўрта мактабни битиргач Тошкент Авиация техникумига кириб, бир йил ўқиган ҳам. Сўнг, ҳарбий хизматни Россия заминидан ўтаб қайтгач, бир йил Каттақўрғонда пайвандчи бўлиб ишлайди. Шу даврлардаги кечинмаларини эслаб, Ўқтам ака жилмаяди: “Узоқ-узоқларга кетгим, дунёни кўргим келарди...”

Интилиш самарасини бермай қолмади. Қаҳрамонимиз мустақил тарзда ўқиб-ўрганиб, ўзи бир умр Устоз атаб чуқур эътиқод кўйгани - кучи ва матонати билан миллионларни лол қолдирган, миллионларни ортидан эргаштира олган афсонавий Масутацу Ояманинг ҳаёти фаолияти билан яқиндан танишди. Улуғ устознинг “Тақдир фақат улкан сазй-ҳаракатли, иродали, руҳан кучли одамагина кулиб боқади...” деган пурҳикмат сўзларининг магзини ҳис қилди.

Шу ўринда мавзудан озгина чекинсақ-да, Ояма шахси билан “Ёшлик” мухлисларини мухтасар тарзда таништириб ўтишни лозим топдик:

Масутацу Ояма - япон якка

курашчиси, Халқаро Киокушин кай каратэ-до Ташкилотининг (ХКТ) асосчиси, Киокушин Будо каратэ услубининг муаллифи.

ХКТ эса 133 та мамлакатда расмий рўйхатдан ўтган, 12 миллиондан кўпроқ ўрганувчилари бўлган жаҳондаги энг катта яккакураш санъати саналади.

Ўз вақтида япон жамоатчилиги Киокушин каратэга худди кенка каратэ (кўча жанги)га қарагандай муносабатда бўлган. Ояма эса: “Бу кўча жанги эмас! Бу Будо каратэ!” деган гапни бот-бот такрорлаган. Хелбуки, Киокушин каратэчилар дунёдаги энг кучли жангчилардир. Бунинг боиси шундаки, ғалабага эришиш йўлида уларга ҳеч қандай куч тўсқинлик қилолмайди. Бу курашда жанг аёвсиз зарбалар остида, ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз кечади. Жангчилардан бири ўзининг устунлигини тула кўрсатган тақдирдагина, яъни рақиб татами ҳолатига тушганда, аксарият ҳолларда уни майдондан олиб чиқиб кетишгандан кейингина мусабақа тугайди. Бунинг устига унда вазн тоифаси ажратилмайди. Фақат Киокушин - каратэ турниридагина бўйи 150 см ва вазни 67 кг бўлган миқти билан икки метрлик, вазни эса нақ 135 кг тош босадиган давангирнинг жангини мириқиб томоша қилишингиз мумкин.

Бугунга келиб Киокушин Будо каратэ Ўзбекистонда ҳам омалашмоқда. Бу вазифа Япониядаги Халқаро Киокушин кай Ташкилоти томонидан ушбу спорт бўйича иккинчи дан соҳиби Ўқтам Муродов зиммасига юклатилган. Ўз ибораси билан айтганда, - у ХКТнинг Ўзбекистондаги ягона Бранч (бўлим) чифидир. Бранч чиф ушбу бўлимда айни спорт турини ривожлантириш учун тайинланган масъул киши ҳисобланади.



“Шогирдларимдан ўзбек Брюс Лилари, Жекки Чанлари чиқади!” - дейди Ўқтам МУРОДОВ.

“Мен ўтган ёшлигим учун ачинмайман. Билъакс. Зеро, ҳаётимда бутун борлигим билан севиб, ўзимни бахшида эта олган ақидам бор. Мен ўзларини бирон-бир гоёга фидо қилмоққа қурблари етмайдиган ёшларга қаттиқ ачинаман...” (Масутацу Ояма)

Одатда бу лавозимга аҳолиси камида 10 миллион бўлган мамлакатларда бир ёки икки киши тайинланади, холос.

- Киокушин кай Будо каратэ бўйича иккинчи дан соҳиблигига эришиш учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келди, - дейди Ўктам ака. - Чунки, Будо иборасининг маъносига қайтиб айтадиган бўлсак, у спортчидан юқори даражадаги жанговарлик ва матонат талаб қилади. Будо сўзини айнан "Жанговар йўл" деб таржима қилиш ҳам мумкин. Мас Ояманинг фикрича, Будо каратэ - япон феодализми даврига хос Бушидо ("жангчи йўли")нинг барча ижобий фазилатларини қайта тиклаш, жамлаш учун қилинган бир уринишдир. Бу эътиқод - ғолиб бўлиш истаги; энгилмас бўлиш учун буюк қурбонлик беришга (жон фидо қилишга) ҳам тайёр тур, деганидир.

Руҳни камол топтириш йўлида ўткинчи хоҳиш-истакларимиз билан мурасасиз курашамиз.

Мас Ояма Бушидонинг энг кучли ғояларини ўзлаштириб, Киокушин услубини шакллантириш йўлида олға қадам қўйди.

Жанговар санъат - шахсни шакллантириш, ўзликни мукаммаллаштириш, ҳаёт қийноқларидан, машаққатларидан озод бўлиш учун бир восита бўлиб хизмат қила бошлади. Шундай қилиб, Мас Ояма таълимнинг издошлари жисмоний камолот билан бир қаторда руҳан баркамолликка кўтарилажagini тушиниб етдилар.

*"Яхши китоблар мутаоласи яхши ғояларни тарбиялайди, мақсадинтилишни шакллантиради, яхши дўстларни кўпайтиради. Албатта, китоблар инсон ҳаётидаги асосий нарса эмас, аммо у ҳаракатчан одамларга жуда кўп нарсаларни тавсия қила олади..."*

*(Масутацу Ояма)*

\*\*\*

Ўктам аканинг шогирдлари даврасида илк бор бўлганимда мени бир нарса қизиқтириб қолди: аксар шогирдлар узоқ йиллар жўгилик билан шуғулланган ёхуд илоҳий билимларга берилган кишиларнинг теран ва меҳрибон нигоҳлари билан боқишарди. Суриштирдим. Икки, узоғи билан уч йилдан бери Киокушин кай билан шуғулланиб келишадиганини айтишди. Ўктам ака буни "Киокушин кайнинг фалсафасини юракдан қабул қилишда", - деб изоҳлади.

- Унинг фалсафасини тез илғаб, чин дилдан берилган шогирд қисқа фурсатда ҳам жисмонан, ҳам руҳан юксалади. Агар шогирд ҳовлиқма бўлса, аксинча, босилади. У энди оламга бошқача кўз билан қарай бошлайди, яъни дунёқараши кескин ўзгаради; жисмо-



ний, руҳий қудратнинг чин моҳиятини англаб етади. Натижада унинг нигоҳларида теран, донишмандона ифодалар кучаяди; табиати ҳалимлашади...

Дарҳақиқат, Ўктам аканинг шогирдлари орасида ўзига бино қўйиб, димоғдорлик қилиб юрганини учратмайси. Умумий тартибни бузган катгаю кичик қўшимча жисмоний машқлар бажаришга мажбур. Шуниси борки, бундай жазоларни-да шогирдлар ҳафсала билан адо этишади. Чунки бу ерга ҳамма ўз ихтиёри билан келган. Ҳар қандай эрка ё тантук фарзанд ҳам бошда чидаб берса, тартибга бўйсунса, ҳақиқий эркача тарбия жараёнида тезда ўз майда истақларини жиловлашни ўрганиб олади. Энг муҳими, кучли жинс вакили эканлигини тўлақонли хис этиб, ҳақиқий эркача феъл-атвор билан улғаяди. Қисқа қилиб айтганда, болага баъзан ота-она ва мактаб муҳити бера олмаган ижобий хулқ, феъл-атворни Киокушин кай сингдира олади. Агар ёшлар Киокушин кай билан мактаб даврларидан оммавий равишда шуғулланиб боришса, шубҳасиз, кун келиб мустақил Республикамиз қуролли кучларининг савиясига, қудратига кескин ижобий таъсир қилмай қолмайди.

Киокушин кай сўнги вақтларда энг кучли жанговар яккакураш тури сифатида аллақачон дунёга оммалашиб кетди. Шу йилнинг октябрида Рос-

сияда йирик турнир бўлиб ўтади. Унда дунёнинг 135 мамлакати Киокушин кайчилари куч синашадилар. Улар сафида Ўзбекистон спортчилари ҳам бўлади.

Ўктам ака учувчи бўлиш орзусидан воз кечиб, пайвандчилик қилиб юрган ёшлик пайтларини эслайди.

- "Комсомолская правда"да Владивостокдаги денгизчилар мактабига танлов бўлаётганлигини ўқиб қолдим. Тошкентдан: "Қайдасан, Владивосток!" дея учдим-у, аммо Хабаровскда қолиб кетдим. Хабаровскда ҳам ўшандай мактаб бор экан, ўқишга кирдим. Бир йўла болалиқдан эрмагим - каратэ билан, табиийки, яширин равишда, шуғуллана бошладим. Мен ҳақиқий каратэни шу ерга келиб кўрдим. Устозим (сенсэйим) Исаков Женья эди. Икки ярим йил деганда мактабни тугатдим. Ўзбекистонда Киокушин кай каратэни ривожлантиришни ўша кезлар олдимга мақсад қилиб қўйдим. Шундан сўнг 1988 йили Хабаровск Олий Миллиция Мактабига ўқишга кириш насиб этди.

1989-90 йилларда спортнинг каратэ турлари ҳам очик ривожлана бошлади. Бу пайтга келиб Киокушин кай Будо каратэ бўйича Ўзбекистон вакили сифатида катта мавқе - данга эришдим.

- Иш энди бошланган, - давом этади Ўктам ака. - Халқаро турнирларга, йиғинларга бориб, янгиликлардан хабардор бўлиб турмасангиз орқада қолиб кетасиз. Шу боис, жаҳон миқёсидаги беллашувларда имкон қадар қатнашиб, янгиликларни шогирдларимга ўргатиб бораман. Масалан, шу йил июн ойининг бошида, Россияда бўлиб ўтган саралов беллашувиде кўшлаб мамлакатлардан 110 нафар сара Киокушин кайчилар қатнашишди. Шу беллашувда менга еттинчи ўрин насиб қилди. Ўзимиз шу кунгача Ўзбекистон миқёсида икки мар-



та йирик танлов мусобақаси ўтказдик. Аммо бу борада ишмизнинг ривожига тўққилиқ қиладиган қатор муаммолар ҳам бор. Уларнинг ичида иқтисодий таъшишларимиз бизни кўпроқ қийнамоқда. Шунга қарамасдан, Киокушин кай Халқаро Токио Хонбуси (Маркази) билан бранч - шартнома туздик. Ушбу шартнома менга Ўзбекистонда Киокушин Будо қаратэни оммалаштиришга расман масъулик ҳуқуқини беради. Шогирдларимга келсак, ҳозирча улар ичидан Гапиров Низом ва Отамқулов Валилардан умидим катта. Қолаверса, Андижонлик шогирдларим ҳам тилга олса арзиғулик ишларни амалга оширишмоқда. Каттақўрғон тумани бўйича айни масъулият ўз ака-укаларим зиммасида. Дарвоқе, биз, оилада тўртала ака-ука ҳам спорт соҳасини таллаганимиз. Ота-онамиз вақтида бизга яхши шарт-шароит яратиб беришган экан энди ўйласам...

Мен шу ишга ҳаётимни бағишладим. Токио Хонбунинг президенти Рояма сан ҳар сафар кўришганимизда: “Ў, Ўзбекистан! Ў, Ўзбекистан!”, деб қўяди. Бу билан, “сиз Ўзбекистонликсиз!”, демоқчи бўлади. Мақтаниш эмас-у, уларнинг кўпчилиги жаҳонда Ўзбекистон деб аталадиган давлат борлигини то юртимиз мустақилликка эришгунга қадар мен билан таниш-

ганларидан кейин билишди. Бу нарса нега менга қанот бағишламайсин ахир?!

Шогирдларим ўсмоқда. Уларни ҳам йирик турнирларга олиб чиқамиз. Агар шу жиҳатдан Ҳукумат, айниқса янги ташкил этилган ёшлар жамғармаси “Қамолот” бизни қўллаб қувватласа, мустақил Ўзбекистонимиз шаънига ҳам муносиб иш бўларди. Менинг бир нарсага имоним қомил, вақти келиб, халқаро йирик турнирларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтарамиз...

\*\*\*

Айтишларича, буюк соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темуր навкарлари ҳам шарқона жанговар якка кураш усуллари билан изчил шуғулланишган экан. Демак, шарқона якка кураш бизнинг ўзлигимизни англашдаги, қадриятларимизни тиклашдаги бебаҳо воситадир.

Бу йўлда жон куйдираётган фидойи юртдошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз жониз. Мавриди келганда, шундай фидойи юртдошларимиздан бири - Ўктам Муҳаммадовдан кўмагини аямаётган Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлиги Академияси раҳбариятини алоҳида тилга олиб ўтиш ўринлидир. Академия мутасадди-

лари Ўзбекистонда Киокушин Будо қаратэнинг кенг оммалаштишида, ёшларнинг ҳам жисман, ҳам руҳан қамолотга етишида беғараз ёрдамларини бундан буён ҳам аямайдилар, деб умид қиламиз. Қолаверса, бу савоб ишга бош қўшман, дейдиган миллатпарвар юртдошларимиз яна топилса керак...

“Эр киши бир мақсад ила остона хатлаб кўчага чиқдим, унга эришмагунча ортга қайтмаслиги лозим...”

“Енгил йўл кўнгилга ўтиришса-да - ҳеч қачон юксакликка олиб бормайди...”

“Одам аталмиш мавжудот тугма жисмоний имкониятларини юзага чиқара олган тақдирдагина тўлақонли инсонликка даъво қилиши мумкин...”

(Масутацу Ояма)

ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳтарам мухлисларимиз. Агар сизларда шарқ якка кураши, хусусан, “Киокушин Будо қаратэ” турига нисбатан қизиқиш пайдо бўлган бўлса, ўз фикр-мулоҳазаларингизни мактублар ва кўнгирақлар орқали билдирсангиз. Биз бу мавзуда туркум мақолалар уюштиришни режалаштириб қўярдик.

## БИРИНЧИ УЧРАШУВ

### Олима НАБИЗОДА



\*\*\*

Дарахтнинг дардини куйлади япроқ,  
Киприкнинг гамини сўйлади кўз ёш.  
Юлдузсиз тун қолди тонггача уйғоқ  
Тонгда булутлардан ёғилди кўёш.  
Сарғайиб қолишди у ҳассос аҳдлар,  
Муҳаббат ахийри юракни еди.  
Мунғайиб термулди куйган дарахтлар  
Хушовоз ҳазонлар “севаман” деди.  
Узун ғам номасин ўқиди ёмғир.  
Сўнгги бор тобутда ёнди кўшиғим.  
Йиғлагин гуноҳим, севгилим-қабр,  
Келдим, тупроқ-менинг сўнгги  
ошиғим...



### ЮРАГИМНИ СИЗГА

### ПОПШИРДИМ...

\*\*\*

Бу тун осмон  
Ойни унутди, юлдузин унутди.  
Бу тун бутун осмон  
Менинг ётоғим...

\*\*\*

Икки қўллаб, авайлаб  
Юрагимни  
Сизга топширдим...  
Сизни асрамоқ-чун  
Тангримни  
Сиз томон шоширдим...

\*\*\*

Тун зулмат,  
Тун гўзал, тун ором  
Сассиз, садосиз.

Энг гўзал тун -  
Мен адо бўлган тун.  
Тун гўзал, гўзал...



Олима Набизода 1974 йилда Тошкент вилояти, Бустонлиқ туманидаги Бурчи Мулло қишлоғида тугилган. Ҳозир Тошкент Давлат Дорилфунуни Филология куллиёти V-босқичида ўқийди. “Ёшлик” да илк бир чиқиши.



Аслида буни сир тутишим керакмиди... Аммо биламанки, сир туюлмайман - гуноҳга ботаман. Сабаби, бундай ботқоққа ботган биргина сиз бўлмасангиз керак. Эҳтимол, шу жирканч ботқоқ сари яқин келиб қолганлар бордир. Ёхуд энди ботқоқ сари юз бурганлар бордир. Қўрққаним, шу яқин келиб қолганлару юз бурганларнинг ботқоққа сиз каби тамоm ботиб кетмасликлари... Илтижойим, уларни ноҳалолликдан огоҳ этиш... Кўнгул ҳамда ақл кўзларини очиш... Бор-йўғи шу. Шуни адо этмасам, қарғишга ботаман. Мени маъзур тутинг, сирингизни айтаман...

Билсангиз, менга ёзган мактубингизни ўқиб, ханузгача ўзимга келолмайман. Тонгим билан шомим ўртаси бир қадамдек туюлаверади. Мен сиз билан ҳеч қачон учрашмаганман. Ўртамизда шу биргина мактуб бор, холос. Аммо мактубни ўқиб қиёфанингизни хаёлан тиклаб олдим. Сизни бундан ўзга қиёфада тасаввур эта олмайман. Аслида, бу ёлғиз сизнинг қиёфанингиз эмас, бу шаҳарда кўп сизга ўхшаган қиёфалар. Ушбуни ўқиб улар ўзларини таниб оладилар деган умиддаман.

Хуллас... мактуб. Сиз уни қайси юрак билан битдингиз - ақлимга сиғдиrolмайман. Онадек мўътабар зотга кўл кўтарган кўллар қандай қилиб бу мактубни битди экан?.. Ўйлаб дилим ўртанади. Менинг ҳам ёши қартайиб қолган мушטיפар Отажоним бор. Жуда олисда. Соғинсам ҳафталарки кўзимга уйқу келмайди. Онамнинг ҳидини туяриканман деб, гўдақларимни ҳидлайман. Йўқ. Дилимдаги ўт баттар-да ловиллайди. Яратгандан "онамнинг жонини омон сақла", деб ёлвораман. Барибир бўлмайди. Бориб, оёқларини ўпиб, дийдорига тўймагунимча дилимда қиёмат қоим бўлаверади...

Сиз бўлса... Сиз... "Онамнинг юзига қанақа шاپалоқ торганимни, сочларини юлиб, бўғмоқчи бўлганимни ўзим ҳам билмайман. Бу хатоимни онам кечирармикан", дейсиз. Бу қотиллигингизни хатоим деб ўтирибсиз. Йўқ, хато бошқа, бу хатога кирмайди. Бу волидақушлик, машум қотиллик. Дунёдаги ҳеч бир қонуну ҳукм билан поклаб бўлмайди бу қотилликни. Бунинг

учун икки дунё дўзахи азобида куймоқлик ҳам кам қилади.

Бу фоний дунё азалдан ноқис яралмиш. Бу фоний дунё азалдан яхшилиқ билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик, муҳаббат билан қабоҳат ўртасида талаш бўлиб келган. Инсон эса бу савдоларнинг бетакрор ижросидир. Ва шу ижрочилиги учун Қалб - Юрак деб аталган сарҳад берилган. Бу сарҳад қайси кучнинг илкида бўлса инсон ўшанинг қулидир. Бу қуллик Яхшилиқ, Эзгулик ва Муҳаббатга ато этилган бўлса... то қиёмат қадар Яратганга шуқр айтмоқлик бизнинг кундалиқ кунгил тановулимиз бўлади. Аксинча эса... Яратганинг

огирлашяпти. Инсти-тутга-ку кучимиз етмайди, ҳеч бўл-магани ҳамшира бўлсанг ҳам бошим кўкка етарди. Мени ўзинг даволар-динг..." Онамнинг айтганидек шаҳардаги тиббиёт билим юртига ҳам кирдим. Ҳатто ўқишга кириш учун онам бисотидаги бир умр йиққанини сарфлади. Ўқишининг биринчи йилини яхши тугатдим. Ўзим ҳам беармон эдим. Афсуски... Баҳор ойлари эди ўшанда. Ҳар галгидай ўша кун ҳам дарсдан чиқиб, автобус бекатига келдим. Ёмғир ёгаётганди, ёмғирпушимни унутганим боис, то бекатга келгу-нимча ҳамма ёғим шалаббо бўлди. Совуқдан дир-дир титрардим. Автобус ҳаяллайвергач,

такси тўхтатмоқчи бўлдим. Сутдек оппоқ "Волга" келиб тўхтаркан, сўрамай-нетмай чиқиб олдим, сўнг ҳайдовчига борар манзилимни айтдим. Ҳайдовчи деганим салобатли, келишган, тизмқора кўзлари қулиб туриб менинг илтимосимни қабул қилди. Йўлда кетар эканмиз, исмиимни, қарда ўқишимни сўраб олди. Узини эса виҳрият-даги туманларнинг бирида

прокурор бўлиб ишлашини айтди. Ва эртаси кун мени ўша бекатда кутишини айтиб хайрлашди. Кўнглимда майин эпкин эсгандек бўлди. Эртаси кун ўша соат ўша бекатга ошиқдим. Келди, кетдик... Хуллас, бу машқимиз ҳар кун тақрорланадиган бўлди. Бу орада бўлиб ўтган гап-сўзлару, воқеаларни ёзиб ўтиришим шарт эмас, деб ўйлайман. Қисқаси ҳали ўн саккизда тўлмаган ному-симни қирқ беш ёшли одамга (бал-ки, отам тенгидир) топширган эдим. Энг даҳшатлиси бу беномуслиқдан озор чекмадим. Асроримдан воқиф дугоналаримдан уялмадим. Устозлар ўғитини қуруқ сафсата деб тушундим. У одамнинг ким эканлигини билишмасам-да, барибир менга муносиб эмаслигини, мен нурдайин бир пок йигитга умрдош бўлишимни, бир хонадоннинг муносиб бекаси бўлишим мумкинлигини бот-бот ўқитишди-ю, бироқ мен бу меҳрибончиликларни душманликка йўйдим. Дилим қулфлари қалитсиз бекилган

## Волидақуши

ўзини-да танимаймиз...

Сиз ўзи нега менга шу мактубни ёздингиз? Мен умримда ҳеч кимни Сизчалик лаънатламаганман. Ва ҳеч кимдан Сизчалик нафратланмаганман. Менда Лаънат топи ва Нафрат ўқи зўрлигини мактубингиз сабаб англадим. Бу жароҳатдан мен омон қола оламанми? Кўрдингизми, инсонни маҳв этиш қанчалар осон. Ҳеч қандай оғу керак эмас. Бир парча уринган сарғимтир қоғозу унда битилган 50-60 сўз... Сўзларга ҳам раҳмим келади. Бундай қабоҳатни баёнлашга маҳкум этилган сўзлар...

"...Онам ўзи касалманд эди. Қирқдан ошиб-ошмай соғ юрган кунини эслолмайман. Шунинг учунми мени оппоқ халатда кўришни жуда орзу қиларди. "Қизим, сен менинг азоб-уқубат билан вояга етказган ёлғизимсан. Отанг бевофолик қилиб кетгандан сўнг фақат сен ҳамдардим бўлдинг, ёлғиз сенга суяндим. Кўржасан, аҳволим жуда ёмон. Соғлигим кундан-кунга



эди. Ойлар ўтгач, вужудимда яна бир вужуд жонланганлигини сездим. Маъишқим менга бу жонни йўқ қилиши йўлларини айтди. Кўнмадим. Менинг анчадан буён юриш-туришимдан хавотир сезган онам тўлишиб қолганлигимни энди аниқ пайқаб қийин-қистовга олди. Мен борини айтдим. Шунда онам юзимга шапалоқ тортиб, у одам ким эканлигини айт ва ҳозир унинг олдига олиб бор, шармандасини чиқараман деб туриб олди. Шундан сўнг... онамнинг юзига, дуч келган ерига ура кетдим, сочларидан чангалладим, бор важоҳатим билан бўғзидан бўга кетдим. Оёқларим остида гўдакдек бир бурда бўлиб ётган онам ҳушини йўқотди. Орадан уч кун ўтди, ўзига келмади. Сўнг касалхонага бордим. Юрак хасталигига чалинган онам, менинг бу беномуслигим ҳамда ваҳшийлигимни кўтара олмади. Касалхонага келганининг еттинчи куни кўзлари очилган кўйи оламдан ўтди. Мени ҳеч ким айбламади, жазоламади. Аслида, онамнинг қотили мен эканлигимни, тумонат одам сезмади. Гўёки, онам азалдан юрак хасталиги боис, ўз ажали билан ўлгандек, ишлар силлиқлашди. Онам менинг қотиллигим - жиноятимни ҳам ўзи билан олиб кетди. Мен ўлгач, кизимни қийнашмасин деб, фожеа

сирини бировга айтмади. Онам, умри дўзахдек куйган онам-а... Аввали бевафо отам, сўнг мен онамнинг умрини ўртада талош қилдик. Эндиликда катта бир идоранинг бошлиги бўлган отам давру даврон суриб юрибди. Онамни тупроққа топишрган кунимиз ҳам келмади. Беномуслик тошбағирлик менга отамдан мерос бўлгани ҳақиқат. Икки беҳаё, икки золимнинг уволига қолди онагинам. Мен кечирилмас катта хато қилдим. Бу хатоимни онамнинг чирқираб юрган руҳлари кечирармикан... Ҳадемай ўзим ҳам нопок она бўламан. Қайтар дунё деганларидек кун келиб шу тугилажак зурриёт (ўгилдир-қиздир) мени ҳам онамнинг куйига солмасмикан деб кўрқаман..."

Кўрқиш азоби, бу сўнгги чора эмас - чорасизликдан чоралар излаш... Кўрқиш азоби пушанмонлик эмас - қабиҳликнинг соясида улғаяётган "фоҳиша умид". Кўрқиш азоби тавба-тазарру эмас - жирканч оламдаги энг жирканч махлуқларнинг беўхшов фарёди. Дахшатни қарангки, Яратган Оллоҳ дилингиздан тамоман йироқда, Оллоҳнинг ҳукм фармосидан сиз беҳабар гумроҳ, ҳали туғилмаган зурёддан кўрқяпсиз. Фил чумолидан хавсирагандек аянчли кўрқув.

Аминманки, шу кўрқув дахшати икки дунёда сизни омон қолдирмағай. Зурёдингиз кун келиб сизга қастланмаганда ҳам ана шу кўрқув сизга қасдлашади.

Хом сут эмган бандаси борки, имон дайридан бир юриб ўтмоғи бор. Ва кун келиб сиз-да дайрга юзлангайсиз - шунда Оллоҳдан ўзгани кўра олмайдиган чаёнлар дилингизни нимталаб тановул этади, илонлар бўйнингизда сиртмоқ бўлади, баҳайбат юҳолар кўзингизни чўкиб ҳузурланади. Шундагина кўрқув дилингиздан йироқлашади. У ёғи ё хайр, ё бахайр...

Бир чиройли ғамким, олам гуллари сўлдилар. Дилим пештоқига беадад найзалар қадалди. Мен Унда борману ўзимда йўқман. Ўзимдан кечдим-да Унга зорландим: "Шармисорлик ўлкасига сочма ризқимни, Махлуқсифат кўлка томон бурма юзимни". Дилим қон қусдию, минг йил яшадим. Мактубингиз мени эрта қаритди. Уни ёқиб ташласам-да таскин топмадим. Лабларимдан йиғлаб учди шу сўзлар: Сиз - қотил, беномус, ВОЛИДАКУШсиз...

**Матлуба ҲАМРОЗ**



## МАЪЮС БИР КЎШИҚҚА БОҒЛАНАР ҲАЁЛ

\* \* \*

Сен қалбимга тошлар отдинг,  
Метин бўлдим, дош бўлдим.  
Муздан ясаб сўзлар отдинг,  
Жилмайдим, "дилдош" бўлдим.  
Ўйладингки, аста-аста куяди кул  
бўлар деб.

Ўйладимки бу бир ҳаста  
Кўлидан шу келар деб.  
...Мезонгача етган олма  
Тўкилмағай ҳар кимга.  
Сен отган тош келиб тегди -  
Айнан менинг ўзимга.



Япроқларни алдаб ўйнайди шамол,  
Дарахт айрилиқдан титраб кетади.  
Маъюс бир кўшиққа боғланар хаёл,  
Баҳор соғинчларинг ўлчаб нетади.  
Тўкилиб кетади бағрим эгатга  
Наҳот юзларингни яширсанг қуёш.  
Жойлаб бўлмас экан ризқни этакка  
Заминга тўкилса меҳнату бардош.  
Ҳар кузак бир йилни кетаркан олиб  
Умр ўтиб борар кўнгил тўлмайдди.  
Табиатнинг сарғиш рангига боқиб  
Она, оқ сочларинг мени қийнайди.

*Пахтачи*



# ДАҚОЙИК УЛ-АХБОР

Муоз ибн Жабал розийаллоху анху ривоят қилиб-дурларки, пайгамбар алайҳиссалом айдилар: “Қиёмат куни бўлгонда манинг умматларим Маҳшарга ўн икки фирка бўлуб келурлар. Биринчи фиркаларининг қўл оёқлари кесилган суратда келурлар. Бас, Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунгларки, бу фиркалар дунёда ҳам-сосяларига озор бериб, охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур”. Қавли таолоки, ВАЛ-ЖАРИ ЗИЛ-ҚУРБИ ВАЛ-ЖАРИЛ-ЖУНУБИ62 ҳамсосяларининг ризоси учун нозил бўлди.

Иккинчи фиркалар тўнғуз суратида бўлуб келурлар. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар намозга сустлик қилиб, охир умрларида тавба қилмай ўтганлардурки, буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур”. Чунончи, қавли Аллоҳ таолоки, ФАВАЙЛУЛ-ЛИЛ-МУСОЛЛИНАЛЛАЗИЙНА ХУМАН СОЛАТИХИМ САХУН. АЛЛАЗИЙНА ХАМ ЙУРОЪУНИ63 ҳам ушбу мазмунга далилдур.

Учунчи фиркаларининг қориқлари гўё бир тоғдек катта бўлурки, ҳаммаси илон ва чаён бирла тўлгон бўлур. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар дунёда закот бермаганлардур ва охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур. Қавли Аллоҳ таолоки, ВАЛЛАЗИЙНА ЙАКНИЗУНА3-ЗАҲАБА ВАЛ-ФИЗЗАТА ВА ЛА ЙУНФИКУНАҲА ФИЙ САБИЛЛАХИ ФАБАШШИРХУМ БИЪАЗАБИН АЛИМ64 ҳам ушбу маънига далолат қилур. Бас, андоғ кишиларнинг олтин ва кумушларининг ҳар бир донаси баробарида Худойи таоло дўзахнинг ўтидин муҳр яратиб, ул муҳрни фаришталар ул кишининг ҳамма аъзоларига босиб қуйдурб доғ солурлар ва анго қараб ҲАЗА МА КАНАЗТУМ ЛИАНФУСИКУМ ФАЗУҚУ МА КУНТУМ ТАКНИЗУН65 деб итоб қилурлар. Яъни: “Эй бандалар, ушбу муҳр сизларнинг дунёда закот бермай жамъ қилган олту ва кумушларингиздур. Эмди мунинг лаззатини кўрунглар” - деб сарзаниш қилурлар.

Тўртунчи фиркалари Маҳшарга келурларки, аларнинг оғзиларидин қон оқиб турар ва тиллари оғзиларидин тушуб, ерга сурғалиб борар. Оғзиларидин ўт чиқиб турар ва Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар мол олмоқ ва сотмоқларида ёлгон сўзлагон ва охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур”. Қавли Аллоҳ таолоки, ИННАЛЛАЗИЙНА ЙАШТАРУНА БИЪАХДИЛЛАХИ ВА АЙМАНИХИМ САМАНАН ҚОЛИЛАН УЛАЙКА ЛА ХОЛАҚО ЛАХУМ ФИЛ-АХИРОТИ ВА ЛА ЙУКАЛЛИМУХУМУЛЛОХУ ВА ЛА ЙАНЗУРУ ИЛАЙХИМ ЙАВМАЛ-ҚИЙАМАТИ ВА ЛА ЙУЗАККИХИМ ВА ЛАХУМ АЗОБУН АЛИМ66 ушбу маънига далолат қилур.

Бешинчи фиркалари Маҳшарга чунон бадбўй бўлуб борурларки, аларнинг бадбўйликлари офтобда ётгон эски мурданинг бўйидин ёмонроқ бўлур. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар дунёда қилгон гуноҳларини бандалардин яширган ва ул гуноҳни қилгон вақтларида мандек Худодин кўркмаганлардур. Охир умрларида тавба қилмай ўлганлардурки, буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур. Қавли Аллоҳ таолоки, ЙАСТАХФУНА МИНАН-НАСИ ВА ЛА ЙАСТАХФУНА ВА ХУВА МАЪАХУМ67 шундоғ одамларнинг шаънига нозил бўлгондур.

Олтинчи фиркалари бўғзиларидин кесилгон бўлуб Маҳшарга борурлар. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар дунёда ёлгон

гувоҳлик бериб, охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур”. Қавли Аллоҳ таолоки, ВАЖТАНИБУ ҚОВЛАЗ-ЗУРИ ХУНАФАА ЛИЛЛАХИ ҒАЙРО МУШРИКИН68 шундоғ кишиларнинг шаънига нозил бўлди. Қавли Аллоҳ таолоки, ВАЛЛАЗИЙНАП ЛА ЙАШҲАДУНА3-ЗУРО ВА ИЗА МАРРУ БИЛ-ЛАҒВИ МАРРУ КИРОМАН69 шундоғ кишиларни мазаммат қилмоқ учун аларнинг хилофларининг мадҳига нозил бўлди.

Еттинчи фиркаларининг оғзиларида тиллари бўлмас. Оғзиларидин қон ва йиринг оқиб Маҳшарга борурлар. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар билган нимарсаларини ёшуруб, ҳукми шарнатга катмони шаҳодат қилиб, охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур. Қавли Аллоҳ таолоки, ЛА ТАКТУМУШ-ШАҲАДАТА ВА МАН ТАКТУМАҲА ФАИННАХУ АСИМУН ҚОЛБУХУ ВАЛЛОХУ БИМА ТАЪМАЛУНА АЛИМ70 шундоғ кишиларнинг шаънига нозил бўлди.

Саккизинчи фиркаларининг бошлари ҳам бўлгон, оёғлари бошларидин баланд бўлуб, андомларидин зардоб ва йиринглар гўё бир анҳордек бўлуб оқур. Бас, бул ҳасратда Маҳшарга боргонларида Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар дунёда зино қилиб, охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур. Қавли Аллоҳ таолоки, ВА ЛА ТАҚРАБУЗ-ЗИНО, ИННАХУ КАНА ФАҲИШАТАН ВА САА САБИЛАН71 шул сабабдин нозил бўлди.

Тўкқузунчи фиркаларининг юзлари қаро, кўзлари қўқ ва қоринлари олов бирла тўлган ҳолда Маҳшарга борурлар. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар етимларнинг молларини зулм бирла олиб еганлар ва охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур. Қавли Аллоҳ таолоки, ИННАЛЛАЗИЙНА ЙАЪКУЛУНА АМВАЛАЛ-ЙАТАМА ЗУЛМАН ИННАМА ЙАЪКУЛУНА ФИЙ БУТУНИХИМ НАРОН ВА САЙАСЛАВНА САБИРОН72 ҳам ушбу мазмунга далолат қилур.

Ўнунчи фиркалари Маҳшарга борарда қош ва кифриклари тўқулуб, баданлари оқариб моҳов ва фест бўлуб борурлар. Худойи таоло томонидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар ота ва оналарига оқ бўлуб, охир умрларида аларга тавба қилмай ўлганлар. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари дўзахдур. Қавли Аллоҳ таолоки, ВА АЪБУДУ ВАЛЛОҲА ВА ЛА ТУШРИКУ БИХИ ШАЙЪАН ВА БИЛ-ВАЛИДАЙНИ ИХСАНАН73 шундоғ кишиларнинг шаънига нозил бўлди.

Ўн биринчи фиркаларининг кўзлари кўр, диллари беҳуш ва беихтиёр бўлуб, тиллари тиззаларига тушарлар, тишлари гўё ҳўқузунинг шохидек дароз бўлур, қоринларидан палид ва ифлос нимарсалар оқиб турган ҳолда Маҳшарга борурлар. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар дунёда ҳамр ва шароб ичиб, охир умрларида тавба қилмай ўлганлардур. Буларнинг жазолар шулдур ва борар жойлари дўзахдур”. Қавли Аллоҳ таолоки, ЙА АЙЙУҲАЛЛАЗИНА АМАНУ ИННАМАЛ-ХАМРУ ВАЛ-МАЙСИРУ ВАЛ-АНСОБУ ВАЛ-АЗЛАМУ РИЖСУН МИН АМАЛИШ-ШАЙТОНИ ФАЖТАНИБУХУ ЛАЪАЛЛАКУМ ТУФЛИХУН74 шул сабабдин нозил бўлди.

Ўн иккинчи фиркаларининг юзлари ўн тўрт кечалик ойдек тобиш бериб, Маҳшарга борурлар. Пулсиротдин чакмоқдек ўтурлар. Худойи таоло тарафидин нидо келурки: “Эй халойиклар, кўрунглар, бу фиркалар дунёда савоб ишларни

ва амали солихларни кўп қилгонлардур. Беш вақт номозни доимий жамоат билра ўқуғонлардур. Гуноҳ ишлардин ўзларини қайтариб ўлар вақтларида тавба билра ўлганлардур. Буларнинг жазолари шулдур ва борар жойлари жаннатдур. Қавли Аллоҳ таолоки, АЛЛА ТАХОФУ ВА ЛА ТАХЗАНУ ВА АБШИРУ БИЛ-ЖАННАТИ-Л-ЛАТИЙ КУНТУН ТУЪАДУН75 ва қавли Аллоҳ таолоки, РОЗИЙОЛЛОҲУ АНХУМ ВА РОЗУ АНХУ ЗАЛИКА ЛИМАН ҲАШИЙА РАББАҲ76 шундоғ кишиларнинг шаънига нозил бўлди". Валлоҳу аълам.

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

### ХАЛОЙКНИНГ ГЎРДИН ТИРИЛИБ ТУРМОҚЛАРИНИНГ БАЁНИ

Ҳазрат расули ақрам саллаллоҳу алайҳи васаллам айтибдурларки, киёмат қоим бўлса, Исрофил алайҳиссалом сурга дам урсалар, ҳамма халойиқ гўрларидин тирилиб туруб, бир мавзёда турарлар. Ҳаргиз таом емаслар ва шароб ичмаслар, ўлтурмаслар ва ҳеч сўзламастар. Бас, саҳобалардин билраи сўрдилар: "Ё расулуллоҳ, ул мавзёда сизнинг умматларингизни қайси аломатлари билра билса бўлур?" Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Манинг умматим дунёда таҳорат қилғони сабабларидин киёматда юзлари, қўллари ва оёғларининг ранги оқ бўлурки андин билмоқ мумкин бўлур".

Хабарда келибдурки, агар киёмат қоим бўлса, Худойи таоло ҳамма халойиқни тургузур. Андин сўнгра фаришталар Худойи таолонинг амри билра халойиқнинг гўрларига келиб, аларнинг баданларига гўрдин ёпушғон туфроғларни силкиб покиза қилурлар. Аммо, сажда қилгон вақтда ерга тегадурғон аъзоларининг, чунончи, пешона ва қўлнинг икки қафи ва оёғ панжасининг, тизза кўзининг туфроғи ҳаргиз покиза бўлмас. Андин сўнгра Худойи таоло тарафидин нидо келурки: "Эй фаришталар, бу бандаларининг саждагоҳ аъзоларининг туфроғи ҳаргиз кетмас, чунки, бу туфроғ гўрнинг туфроғи эмас, балки, меҳробнинг туфроғидурки, Маҳшарда халойиқ ичра буларнинг муслмонлиғлари ва манго ибодат қилгонларига аломат бўлур. Алар бул туфроғнинг хосиятининг Пулсиротдин саломат ўтарлар ва бул туфроғ билра жаннатга кирарлар.

Жобир ибн Абдуллоҳ розийоллоҳу анҳу ривоят қилибдурларки, пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Агар киёмат қоим бўлса, Худойи таоло ҳамма халойиқни гўрдин тургузур чикарур ва жаннатдаги ризволарга амр қилурки; "Эй Ризволлар, ман дунёда рўза тутуб очлик ва ташналиқнинг шиддатини кўруб, дунёнинг неъматидин кечган собир бандаларимни гўрдин чиқордим. Эмди алар учун жаннатга зийнат ва оро бериб, жаннатнинг шароб ва таомидин ва маҳбублариндин олиб аларнинг истиқболларига чикинлар".

Бас, ризволлар сайҳа тортиб нидо қилурлар: "Эй филмонлар, вой виладонлар, нурдин яратилгон табақларда таом ва шароб олиб келинлар". Филмон ва виладонлар нур табақларда ширин мевалардин ва егулик таомлардин ва лаззатлик шарбатлардин олиб келиб жамъ бўлурларки, аларнинг ададлари ер юзининг гардинин ва ёмғурларнинг қатрасидин ва осмоннинг қолдузидин ва дарахтларнинг баргидин зиёдароқдурлар. Бас, ризволлар ул табақларни олиб, ҳар бирини бир ҳурга кўтартируб, мўмин бандаларининг олдиларига истиқболга чиқурлар. Аларга муқобил бўлгонлариди таъзим қилиб айтурларки, САЛАМУН АЛАЙКУМ ТИБТУМ ФАДХУЛУҲА ХОЛИДИН77. Эй меҳмонлар, ушбу таом ва шароблардин ифтор қилинлар ва хурлар билра маишат қилинларки, сизлар дунёда Худойи таоло учун дунёнинг шароб ва таом ва маҳбубаларини ўзларингизга ҳаром қилгондурсизлар.

Ҳазрат ибн Аббос розийоллоҳу анҳу ривоят қилибдурларки, пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Киёмат қоим бўлса ва халойиқ гўрларидин чиқсалар, фаришталар уч нафар одам билра қўл ушлашиб кўрушурлар. Аларнинг бири - шаҳидлардур. Иккинчиси - рамазон рўзасини тутқонлардур. Учунчиси - арафа куни нафл рўза тутқонлардур".

Яна ҳазрат Оиша розийоллоҳу анҳу ривоят қилибдурларки, пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Батаҳқиқ, Худойи таоло жаннатда неча адал кўшқлар яратқондурки, анинг баъзилари дурдин, баъзилари ёқутдин, баъзилари забаржаддин, баъзилари тиллодин ва баъзилари кумушдиндур". Бас

ман сўрдимки: "Ё расулуллоҳ, ул кўшқлар қимлар учун яратилгондур?" Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Арафа куни нафл рўза тутқонлар учундур". Ва яна айдиларки: "Ё Оиша, кулларнинг Худойи таолога дўстроғи ва яхшироғи жумъа куни ва арафа кунидур. Шайтон алайҳил-лаънанинг наздида ёмонроғи ҳам жумъа куни ва арафа кунидур. Чунки, бул икки кунда бандаларга Худойи таолонинг раҳмати ёғилур". Ва яна айдиларки: "Ё Оиша, ҳар қим арафа кечаси субҳдин илғари рўза тутса ва рўзадорлик билра тонг оттурса, ул банданин Худойи таоло раҳматидин ўттуз адал дарвоза очур ва офтоб ғойиб бўлгондин сўнгра сув ичиб ифтор қилса, ул банданинг жасадидаги тамурлари тонг отгунча истиғфор айтиб: "Эй бор Худоё, бул бандани раҳмат қилғил" - деб дуо қилур.

Хабарда келибдурки, рўзадорлар киёмат куни гўрларидин чиқар вақтда баданларидан рўзанин хушбўйлиги зоҳир бўлур, рўзадорликлари маълум бўлур турар ва аларга бир неча хонларда таом ва бир неча кўзаларда шароблар ҳозир қилинур. Фаришталар айтурларки: "Эй Худонинг азиз меҳмонлари, дунёда сизлар Худойи таолонинг ризоси учун очлиғи ва ташналиқнинг меҳнатини тортқон вақтларингизда, халойиқ таом билра тўйуб, шароб билра сероб бўлур, роҳат қилиб юрган эрдилар. Эмди алар ҳисоб ва азобнинг меҳнатини тортиб турган вақтларида сизлар бул таом ва шароб билра ифтор қилиб роҳатда бўлунлар!"

Ва яна хабарда келибдурки, ўн нафар одамнинг жасади ерда чуримас. Аввал пайгамбарларнинг жасадлари, иккинчи - шаҳидларнинг жасадлари. Учунчи - уламоларнинг жасадлари. Тўртунчи - гозийларнинг жасадлари. Бешинчи - ҳофизи қаломуллоҳларнинг жасадлари. Олтинчи - муаззинларнинг жасадлари. Еттинчи - одил подшоҳ ва одил қозиларнинг жасадлари. Саккизинчи - нифосдин ҳануз пок бўлмай ўлган хотунларнинг жасадлари. Тўққузунчи - зулм билра ўлдурилгон кишиларнинг жасадлари. Унунчи - жумъа куни ва ё жумъа кечаси ўлган кишиларнинг жасадлари ерда чуримас.

Ҳазрат Оиша розийоллоҳу анҳу пайгамбар алайҳиссаломдин ривоят қилибдурларки, киёмат куни одамлар гўё онодин янги туғулгондек бараҳна бўлур Маҳшарга келурлар. Оиша розийоллоҳу анҳу сўрдиларки: "Ё расулуллоҳ, ул вақтда эркак ва хотунлар аралашиб юрарларму?" Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Орий". Бас, ҳазрат Оиша йиғлаб айдилар: "Вой киёматнинг бараҳналиғига, вой ул вақтдаги мардумнинг шармисорлиғигаки, халойиқнинг баъзилари баъзиларининг баданларига назар қилиб юрар эканлар!" Бас, пайгамбар алайҳиссалом қўлларини Оиша розийоллоҳу анҳонинг сийналарига қўйиб туруб: "Эй, Абу Бакр Сиддиқ розийоллоҳу анҳунинг нури чашмлари, кўрмағилки ул вақтда ҳамма мардумлар бир мавзёда жамъ бўлур кирк йилгача қўларини осмон тарафидин жудо қилмай турарлар. Киёматнинг, ҳисоб ва азобнинг ваҳмидин кўрқуб ҳаммалари ғамгин бўлур турарларки, билраи билраига назар қилмоқлари мумкин бўлмас. Бул кайфиятда то кирк йилгача таом емаслар, шароб ичмаслар, ҳеч сўз сўзламастар ва ҳаргиз ўлтурмаслар. Ҳамма халойиқ ҳисоб ва азобнинг ваҳмидин терлаб, баъзиларининг терлари оёғларига оқиб тушар ва баъзиларининг терлари сийналарига оқиб тушар. Баъзиларининг терлари баданларидан чунон оқурки, гўё ул киши дарёга гарк бўлгондек сувнинг остиди қолур. Жамий фариштаи муқаррабдоғлар, жамий пайгамбари мурсаллар, жамий шаҳидлар ва ўзга халойиқлар ҳаммалари ҳисоб ва азобнинг, ул ерда қўб турмоқнинг шиддатидин кўрқуб, ҳайронликда қолурлар."

Бас, Оиша розийоллоҳу анҳу сўрдиларки: "Ё расулуллоҳ, жамий бандалар бир жойга жамъ бўлурларму?" Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Орий, ҳаттоки пайгамбарлар ва шаҳидлар, ражаб ойида ва барот ойида ва рамозони шарифда рўза тутқон кишилар ҳаммалари бир жойга жамъ бўлурлар".

Андин сўнгра Оиша розийоллоҳу анҳу сўрдилар: "Ё расулуллоҳ, аларнинг қоринлари очлиғи ҳолда жамъ бўлурларму ё тўқлик ҳолда жамъ бўлурларму?" Пайгамбар алайҳиссалом айдилар: "Пайгамбарлар ва аларнинг аҳллари, ражаб ойида ва барот ойида ва рамозони шарифда рўза тутқонларнинг қоринлари тўқ бўлур. Ўзга халойиқларнинг қоринлари оч бўлур. Ҳаммаларини фаришталар Маҳшаргоҳга олиб борурларки, Маҳшаргоҳ Байтулмақаддасда Соҳира деган мавзёдадур. Қавли Аллоҳ таолоки, ФАЙННАМА ХИЙА ЗАЖРОТУН ВАҲИДАТУН ФАЙЗА ҲУМ БИС-СОҲИРА 78

даги Сохирадин мурод ҳам ўшал мавзеъдир.

Ва яна хабарда келибдурки, батаҳқиқ халойиқлар ҳаммалари аросатда жамъ бўлуб, бир юз йигирма саф бўлурларки, ҳар бир сафларининг узунлиги қирқ минг йиллик йўлдур. Ул сафлардин уч сафи мўъмин бандалар қолғони ҳамма кофирлардур.

Ва аммо Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоху анху ривоят қилибдурларки, пайгамбар алайҳиссалом айдилар: “Батаҳқиқ манинг умматим қиёматда бир юз йигирма саф бўлурлар”. Ушбу қавл саҳиҳроқдур. Бас, Мўъминларнинг сафлари шулдурки, юзлари, пешоналари, қўллари ва оёғлари оқ бўлур. Аммо, кофирларнинг сафлари шулдурки, юзлари қаро бўлур, жасадларининг ҳаммаси занжир бирла боғланган ва шайтонлар бирла азоб берилиб турарлар.

#### ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ ХАЛОЙИҚНИ МАХШАРҒА ҲАЙДАМОҚНИНГ БАЁНИ

Хабарда келибдурки, қиёмат куни фаришталар кофирларни ўз оёғлари бирла пиёда юргузуб ҳайдаб борурлар. Аммо, мусулмонларни ўз Буроқларига миндуруб олиб борурлар. Қавли Аллоҳ таолоки, ЙАВМА НАҲШУРУЛ-МУТГАКИНА ИЛА-Р-РОХМАНИ ВАФДАН ВА НАСҚУЛ-МУЖРИМИНА ИЛА ЖАҲАННАМА ВИРДАН<sup>79</sup> ушбу мазмунини тақозо қилур.

Пайгамбар алайҳиссалом айтибдурларки, қиёмат куни ўз Куталларига миндуруб олиб борурлар. Чунки, агар қиёмат бўлса Ҳақ таоло фаришталарга айтурки: “Эй фаришталар, манинг бандаларимни манинг наздимга пиёда юргузуб келманглар, балки, ўзларининг Куталларига миндуруб олиб келинглар, чунки, алар дунёда пиёда юрмай, ҳамниша сувораликга одат қилғондурларки, аввал ҳолда оталарининг пушти камарига сувор бўлгон эрдилар. Иккинчи мартабада оналарининг раҳмига сувор бўлдилар. Учунчи мартабада оналарининг оғушига сувор бўлдилар. Тўртунчи мартабада оталарининг гарданига сувор бўлдилар. Бешинчи мартабада ер юзида бўлсалар от, тева, эшак ва хачирларга сувор бўлдилар. Сув ичра бўлсалар кемага сувор бўлдилар.

Бас, дунёда бул тарикка сувораликга одат қилғон бандаларим эмди гўрдин туруб пиёда юрмоққа тоқат қилолмаслар. Эмди аларга ўзларининг Куталларини олиб бориб миндуруб олиб келинглар. Бас, фаришталар мўмин бандаларининг дунёда қилғон қурбонлиғларини Буроқ суратида қилиб олиб борурлар. Ул бандалар ҳар қайсилари ўз Буроқларига миниб Худойи таоло тарафига равон бўлурлар. Ҳадиси пайгамбар алайҳиссаломки, АЗЗИМУ ЗОҲАЙАКУМ ФАЙННАҲА АЛАС-СИРОТИМ-МАТОЙАКУМ ҳам ушбу мазмунга далилдур. Яъни, пайгамбар алайҳиссалом айдиларки: “Эй саҳобалар, қурбонлиқларингизни катта қилинглар, чунки, бу қурбонлиқларингиз Пулсиротнинг устидан миниб ўтадурғон отларингиздур”. Валлоху аълам.

#### ХАЛОЙИҚНИ МАХШАРҒА ЖАМЪ ҚИЛМОҚНИНГ БАЁНИ

Хабарда келибдурки, агар қиёмат қойим бўлса Худойи таоло аввалдин охир ҳамма халойиқни бир жойга жамъ қилур. Офтоб пастга тушуб, бир найза бўйи микдорда халойиқнинг бошларидин баландроқ турар. Халойиқлар офтобнинг иссиғидин кўп бетоқат бўлурлар. Андин сўнгра дўзахдин бир одамнинг гарданига ўхшаш гардан чиқиб бир жойга соя солиб турар ва ғойибдин бир нидо келурки: “Эй халойиқлар, ўзларингизни ул соя жойга олинглар!” Бас, ҳамма халойиқлар ул соя жойга борурлар. Алар ҳаммалари уч фирқадурларки, бир фирқалари мўъмин, бир фирқалари кофир ва бир фирқалари мунофиқдурлар. Бас, булар ўшал сояга бориб етгани вақтларида соя ҳам худойи таолонинг амри бирла уч қисмга тақсим бўлур. Бири ўтнинг иссиғи, бири ўтнинг тутуни ва бири нур бўлур. Ўшал сабабдин Худойи таоло каломда айдикки, АНТОЛИКУ ИЛА ЗИЛЛИН ЗИЙ САЛАСИ ШУЪАБИН ЛА ЗОЛИЛИН ВА ЛА ЙУҒНИЙ МИНАЛ-ЛАҲАБИ 80. Бас, анинг ҳарорати, яъни иссиғи мунофиқларнинг бошларига тушар ва тутуни кофирларнинг бошларига тушар ва нури мўъминларнинг бошларига тушар. Аммо, ул соянинг иссиғи мунофиқларнинг бошларига тушганига сабаб шулки, алар дунёда офтобнинг иссиғидин ҳазар қилур эрдилар. Бас, аларнинг жазолари қиёматда иссиғи бў-

лур.

#### ҚУРЪОН ОЯТЛАРИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

62. Қариндош қўйини ва бегона қўйинига яхшилик қилингиз! (4-36).

63. Бас, намозларини “унутиб” қўядиган кимсалар бўлган “намозхон”ларга ҳалокат бўлғайки, улар риёкорлардир. (107-4,5).

64. Олтин-қумушини босиб уни Оллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб “хушхабарини” етказинг! (9-34).

65. У Кунда (қиёматда) ўша (олтин-қумушини) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамга босилиб: “Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мазасини тотиб кўринглар” (дейилур). (9-35).

66. Оллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қиёматга сотиб юборадиган кимсалар учун охирада ҳеч қандай насиба йўқдур. Қиёмат кунда Оллоҳ уларга сўз қотмайди, раҳмат назари билан боқмайди ва гуноҳларидан покламайди. Улар учун аламли азоб бордур. (3-77).

67. Улар (ўзларининг жиноятларини) одамлардан яшира оладилар, аммо Оллоҳдан яшира олмайдилар. У ўзи рози бўлмайдиган гапларнинг режасини хуфёна тузаётган пайтларида ҳам улар билан бирга бўлур. (4-108).

68. Ёлгон сўздан йироқ бўлингиз! Ким Оллоҳга ширк келтирса бас у гўё осмондан қулагану уни бирон (ваҳиший қуш) ўлжа қилиб олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учуриб кетган кабидир. (22-31).

69. Улар (яъни, Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлгон гувоҳлик бермаслар ва лағв (беҳуда сўз ё амал) олдидан ўтган вақтларида олийжаноблик билан (яъни ундан юз ўзурган ҳолларида) ўтуурлар. (25-72).

70. Гувоҳликни яширмангиз-Ким (гувоҳликдан бош тортиши билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий-гуноҳкордир. Оллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир. (2-283).

71. Зинога қийлашманглар! Чунки (бу) бузуқликдур - энг ёмон йўлдур. (17-32).

72. Етимларнинг ҳаққини зулм йўли билан ёйдиган кимсалар ҳеч шак-шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар. Ва албатта дўзахга қиражақлар. (4-10).

73. Оллоҳга бандлик қилинглар ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманглар! Ота-онангизга яхшилик қилингиз! (4-36).

74. Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичши), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сизини) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиши) шайтон амалидан бўлган ҳаром шидир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар биридан узоқ бўлингиз! (5-90).

75. Қўрқманглар ва гамгин бўлманглар, Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланинглар! (41-30).

76. Уларнинг Парвардигорлари ҳузуридаги жазо-мукофотлари остидан дарёлар оқиб турадиган мангу жаннатлардир. Улар ўша жойда абадул-абад қолгувчидирлар. Оллоҳ улардан рози бўлди, улар (Оллоҳдан) рози бўлдилар. Бу (мукофот) Парвардигоридан қўрққан киши учундир. (98-8).

77. Сизларга тинчлик-омонлик бўлсин! Хуш келдингиз! Бас унга мангу қолгувчи бўлган ҳолларингизда кирингиз. (39-73).

78. Бас, у (қайтиши) фақат биргина даҳшатли қичқириқлар (яъни сурнинг иккинчи марта чалинишидир). Сўнг баногоҳ улар (тирик ҳолда) ер устида бўлиб қолурлар (79-13,14)

79. Биз тақводор зотларни отлиқ ҳолларида Раҳмон даргоҳига тўплайдиган ва жиноятчи-кофирларни жаҳаннамга тушишлари учун ҳайдайдиган кунни (эсланг)! (19-85,86)

80. (У кунда кофирларга дейилур): “Сизлар (ҳаёти-дунёдалик пайтингизда) ёлгон дегувчи бўлган нарсага (ҳисоб-китоб ва дўзах азобига) боринглар!(Жаҳаннамда ёнаётган дўзахлардан кўтарилаётган бадбўй тутундан иборат, осмонга ўрлаган сари бўлиниб кетган (уч бўлакли, ҳеч қандай салқинлик бермайдиган ва (дўзах) алангасини ҳам тўсмайдиган “соя”га боринглар! (77-29,30,31)

(Давоми келгуси сонда)



Нурбой  
АБДУЛ ҲАКИМ

## ЗОИМ ЎЛМАС БОБАҚО ДАВЛАШ ҲУМОСИДИН БЕГИМ...

### Мўътабар дастнавис тарихи

Мумтоз адабиётимизнинг етук намояндлари ижодиётини тадқиқ этишда муаллиф дастнависларининг аниқланиши ва илмий истифодага киритилиши фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Чунки асарларнинг дастнавис нусхалари ҳар жиҳатдан ишончли ва мўътабардир.

Илм аҳлига Зокиржон Фурқат асарларининг бир қанча дастнавис нусхалари маълум. Булар шоир ижодиётини тадқиқ этишда муҳим манбалар бўлиши билан бир қаторда унинг беназир хаттот бўлганлигига ҳам ҳужжат далилдир.

Яқинда Янгийўлда шоир Абдулҳақ Махзум - Роикнинг шахсий архивини ўрганиш жараёнида Фурқатнинг яна бир мўътабар дастнависини аниқлашга муяссар бўлдик. Оддий оқ қоғозга бинафша ранг сиёҳ билан гўзал настаълик ҳагида ёзилган дастнавис ҳошиясига “Камина Фурқат ва Ҳожи Аъзам тарафидин чўх дуо ва саломлар вусулингиз ўлсин” сўзлари битилган. Шуниси эътиборлики, “Бегим” радибли ушбу ғазал шоирнинг ҳали илм аҳлига маълум бўлмаган шеъри бўлиб чиқди. Дастанвис ҳошиясида қайд этилган “чўх дуо ва саломлар” кимга йўлланганлигини аниқлашдан аввал, номи зикр қилинган Ҳожи Аъзам тўғрисида маълумот бериш эҳтиёжи сезилади. Фурқат Хўқанди латифдан чиқиб Хўжанд вилоятида истиқомат қилар экан, оғир қонтомир касалига йўлиқади. Шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: “Мизожим инқилоб топиб, набзим таҳаррукидин буқаламун машхислар падидор ўла бошлади. Ложарам, ҳукамо қавликим, “ассафару йарфауд-дан” (бетобликнинг давоси сафардир - Н.А.Х.). Ани(нг) мазмунини амалга келтуруб, Тошканд тарафига азимат тариқини кўргуздим. Тарих бир минг уч юз олтинчи йили моҳи шаввол нисфида дохил ўлуб, Ҳожи Аъзам ном бир ғойибона дўстум бирла мулоқот шарафин топдим. Ул кишининг иқтисоси касратидин мадрасай Кўкалдошда истиқомат айлаб, анинг хони шафқатида кўб неъматлар маъкулум ўлди. Ва хаттал-имкон тарбиятимда кўшишлар кўргузди. Майманатлик муолажасидин мизожим беҳбудликқа юз кўйди, анда кунда офият даражасига етушгум. Тўккиз ойғача анда манинг поси хотирим тутуб, ҳурматимнинг риоятини қилди. Бу орада ўзимга лойиқ ишларга машғул бўлдим ва аён ва анрофи вилоят бирла маърифат пайдо қилдим, қози ва мингбошилар зумрасига таърифимдин иттилоъ ҳосил бўлди, мулоқот иттифоқида алардин шафқатомиз каломлар истимоим ўлди”. (Фурқат. Асарлар мажмуаси. Факсимиле. Т.1990, II жилд, 149-150 б.)

Кўриниб турибдики, Фурқат табиб дўсти Ҳожи Аъзамнинг муолажасидан сўнг соғайиб, “аён ва анрофи вилоят бирла маърифат пайдо қилиб”, Тошкент шаҳрида кўшлаб дўстлар ортиради. Шунинг учун ҳам Фурқат Истанбулдан ёзган “Сабоға хитоб” номи билан машҳур бўлган шеърий мактубида дўсти Ҳожи Аъзам-

га оташин саломлар йўллайди. Ҳаттоки, уни “Арастуи замона” дея улуғлайди:

*Кўкалдошга бориб сўр Ҳожи Аъзам,  
Ул Аҳмад Хўжа юзбошини ҳам.*

*Дегилким: - Эй Арастуи замона,  
Билурда набз таиҳиса ягона.*

*Келиб ман олдидин меҳмонингизни,  
Хўқандий, яъни Зокиржонингизни.*

*Юрубдур ўйнаб Истанбулда хушнуд,  
Эрур аҳволи кундин-кунга беҳбуд.*

*Замони фарруҳу, айёми масъуд,  
Фараҳ боби очуқ, ғам роҳи масъуд.*

*Мизожиг мувофиқ Рум ҳавоси,  
Ашинчун турмак ўлмиш иқтисоси.  
(Ўша асар, 97-98-бетлар).*

Ушбу маълумотлардан ва Фурқатнинг Ҳожи Аъзам билан айнан Тошкентда дўстлашганлиги далилидан кўринадики, шоирнинг зикр қилинган дастанвисини унинг Кўкалдош мадрасасида истиқомат қилган даврида ёзилган.

Юқорида дастанвис шоир Абдулҳақ Махзум - Роикнинг шахсий архивидан топилганлиги тўғрисида маълумот берилган эди. Фурқат ҳорижга кетгандан кейин бир қанча муддат ўтиб, шоир Роик ҳам Кўкалдош мадрасасида таҳсил кўради. Мазкур дастанвис унинг кўлига Ҳожи Аъзам ёки Фурқат шеърятини муҳибларидан бири орқали етиб келган бўлиши эҳтимолга яқиндир.

Фурқат Тошкентда яшаган вақтида Абдулҳақ Махзум 5-6 ёшли бола бўлган. Уларнинг учрашган бўлиши эҳтимолдан узоқроқдир. Энди бу шеърнинг кимга бағишланганлиги, Фурқат ва Ҳожи Аъзамнинг “Чўх дуо ва салом”лари кимга аталганлиги ҳам ниҳоятда қизиқарлидир. Зеро дастанвис ҳошиясидаги қайдда бу тўғрида маълумот йўқ. Хўш, “Бегим” дея улуғланган у зот ким? Унинг Фурқат ва Ҳожи Аъзамга қандай алоқаси бор? Мазкур саволларга жавоб бериш учун биринчи навбатда ушбу дастанвис матнига мурожаат этиш ўринлироқдир:

*Шаҳ ҳаёти дуржида бир дур эдинг, бўлдинг ятим,  
Қадринг ошди даҳр атаб қўйгон баҳосидин бегим.*

Бинобарин, шоирнинг сўзларидан бу зот шоҳнинг етим қолган фарзанди эканлиги маълум бўлади. Аниқроғи, бу - Кўконнинг сўнгги ҳукмдори Худоёрхоннинг фарзанди аржуманди Фансуруллобек эканлиги ҳақиқатга яқиндир.

Маълумки, Фурқат Тошкентда яшаган даврида

Фарсуруллобек билан жуда яқин муносабатда бўлган. Бу ҳақда профессор Шариф Юсуповнинг куйидаги фикрлари эътиборга сазовордир: “Шеърятга, шоирларга ихлоси баланд Фансурулло Фурқат Тошкентда яшаган йилларда 20-22 ёшлар орасидаги йигит эди. Узининг ҳамшаҳри бўлмиш забардаст шоир Тошкентда эканини билгач, табиийки, у билан танишиш, дўстлашиш, айниқса, шеърят ҳақида суҳбатлашиш, ўз шеърини машқларини кўрсатиб, ундан маслаҳатлар олиш истаги тез орада Фансуруллобекни Фурқат билан яқинлаштиради. Фурқат Фансуруллобекнинг Занжирлик маҳалласи тор кўчасидаги ҳовлисида бир неча марта бўлади, ундан кўп илтифотлар кўради. Шунинг учун ҳам Истамбулга бориши биланок энг яқин дўстлари қаторида Фансуруллобекни соғиниб, “Сабоға хитоб” шеърини мактубининг салмоқли бир қисмини унга бағишлайди.

Иккинчи томондан, Фансуруллобекнинг қайнотаси Жўрабек додхоҳ ҳам Фурқат билан гоят яқин муносабатларда эдики, қайнотасининг Қорасувдаги катта боғида бўлган суҳбатларда ҳам у Фурқат билан бир неча бор учрашган бўлиши эҳтимолдан узок эмас” (Юсупов Ш. “Худоёрхон ва Фурқат”. Тошкент, Шарқ нашриёт матбаа концернининг бош тахририяти, 1995.77-бет).

Ўқувчи Фурқат ва Фансуруллобек муносабатларини аниқроқ тасаввур қилиши учун шоирнинг “Сабоға хитоб” асарида шаҳзода дўстига бағишланган мисралар мазмунига эътибор бермоқ зарурдир:

*Чиқиб андин даги бир кўчаи тор,  
Бегим ҳовлиси анда, жаҳд ила бор.*

*Бегим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,  
Зиҳи шаҳзодаи зул иззаул жоҳ.*

*На ман танҳо, улус шаҳзодасидур,  
Ҳама шаҳзодалар озодасидур.*

*Кириб кўрганда ер ўпқил, дуо қил,  
Кўзунга хоки посин тўтиё қил.*

*Дегил: Эй нахл боги шаҳрёри,  
Гули парвардиш давлат баҳори,*

*Ки бир аввораи саҳрои гурбат,  
Эрур ном анга Зокиржон Фурқат,*


*Эмиш ул хастадил кечмиш замона,  
Намакпарвардги бул остона.*

*Чекиб обихўраш Рум сори они(нг),  
Иқоматда эрур афкори они(нг).*

*Басе шаҳзодаларга ҳамнишиндур.  
Алар шаҳзодаи ҳам нозаниндур.*

*Аларни суҳбатида эй неку зод,  
Сизи айлар муҳаббат бирла кўб ёд.*

*Забонингни дуога қойил айла,  
Туруб анда ижозат ҳосил айла.*



Мазкур далилларнинг ўзиёқ шоир ва шаҳзоданинг қиёматли дўст бўлганликларига далилдир. Тарихий манбалардан маълумки, Худоёрхоннинг гурбатдаги вафотидан кейин Фансуруллобек онаси Оғача ойм билан Тошкентда истиқомат қилади. Худоёрхоннинг вафотини эшитган Фурқат “Чархи хийласознинг афсу ва макру дағоси” туфайли “тунбоди ҳодисот можаросидин гунчаи давлат гул янглиғ паришон” бўлганлигини, “охируламр ҳукумат гулшани хазон бўлуб”, булбуллар ўрнини зоғлар эгаллаганлигини афсус ва надоматлар билан таъкидлаб, дўстига ҳамдардлик билдиради ва куйидаги мисралар билан унинг ҳазин қалбига таскин беради:

*Одам ўгли йўқ эрурким, арсаи олам аро,  
Бўлмаса озурдадил даврон жафосидин бегим.*

Таъкидлаш жоизки, шоирнинг ушбу мисралари шахсан Фансуруллобекка бағишланган бўлса-да, умумий аҳамият касб этади. “Ҳукумат гулшанининг хазон бўлиши, булбуллар ўрнини зоғлар эгаллаши” фақатгина Фансуруллобек бошига тушган мусибат эмас эди. Бу миллатнинг дарди, миллатнинг мусибати эди. Буни Фурқат теран ҳис қилганлиги шубҳасиз. Шунинг учун ҳам унинг куйидаги дуоси миллатнинг умидди келажаги, аниқроғи, бутунги истиқлол кунлари орзусида қилинган дуо сифатида қабул қилинмоғи керак:

*Соля Тангри насиб этгай санинг бошингга ҳам,  
Зоил ўлмас бобақо давлат ҳумосидин бегим.*

Фурқатнинг хайрли дуоси ижобат бўлди. Гарчанд улуг шоир ва унинг дўсти Фансуруллобек кўра олмаган бўлсалар-да, давлат ҳумоси бугун миллатнинг бошида қанот ёзиб турибди. У гўё Она-Ўзбекистони-мизнинг буюк келажаги сари парвозга шайлангандек назаримизда.

Фурқатнинг янги аниқланган дастнавис шеъри ва бошқа асарларининг мазмун-моҳияти, шоирнинг Фансуруллобек билан муносабати ва шу каби далиллар унинг қарашлари миллатпарвар жадидлар ҳаракати шаклланишида улкан аҳамиятга эга бўлганлиги тўғрисидаги муҳим хулосага олиб келади.

Куйида дастнависнинг асл нусхаси ва жорий ёзувдаги тўла матнини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этамиз. Фурсатдан фойдаланиб, отаси-

нинг ижодий мероси билан бирга улуг шоиримиз Фурқатнинг мазкур дастанвисини кўз қорачиғидек асраб келган Абдулҳақ Махзум Роиқ домланинг саксон ёшли кизлари, муҳтарама Аноргул аяга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Уқувчиларимиздан ҳам уларни хайрли дуолар билан сарафроз этмоқларини ўтинамиз.

БЕГИМ ФУРҚАТ

*Камина Фурқат ва Ҳожи Аъзам тарафидин чўх дуо ва саломлар вусулингиз ўлсун.*

*Эй мусаффо нукталар зеҳнинг сафосидин бегим,  
Дийдаи маъни ёруб фикринг зиёсидин бегим,*

*Жилвагардур меҳру маҳ токим фалакни даврида,  
Тузмагай сандек ўгул даврон аносидин бегим.*

*Маҳди иззатда эдинг доя ноз эрди санго,  
Тарбият айлаб жаҳон нозик адосидин бегим.*

*Бор эдинг андоқ нажобат бўстонининг гули,  
Парвариш топқон шараф обу ҳавосидин бегим.*

*Шаҳ ҳаёти дуржида бир дур эдинг, бўлдинг ятим,  
Қадринг ошти даҳр атаб қўйгон баҳосидин бегим.*

*Шабда изҳор этиб ногоҳ чархи ҳийласоз,  
Бошлади афсун ила макру дагосидин бегим.*

*Гунчаи давлатни гул янглиг паришон айлади,  
Тундбоди ҳодисоти мижаросидин бегим.*

*Охирул-амри ҳукумат гулшани бўлди хазон,  
Келди зоғу, қолди булбуллар навосидин бегим.*

*Одам ўғли йўқ эрурким, арсаи олам аро,  
Бўлмаса озурдадил даврон жафосидин бегим.*

*Кимса меҳр ушбу жаҳондин кўрдиким,  
кўз тутқомиз,  
Бу жаҳон ичра жаҳон аҳли вафосидин бегим.*

*Манго қилгон зулмини кўргилки ўйла бор эдим,  
Сен киби шахзоданинг хайли гадосидин бегим.*

*Айладим тарки диёру ёр агарчанди ҳануз,  
Бўлмадим ҳаргиз халос онинг балосидин бегим.*

*Қонга бағри гуссадин гурбатда тўлмасму киши,  
Халқ ила айрилса хешу ақрабосидин бегим.*

*Бистари заъф узра туштум нотавонлигдин охир,  
Оҳ ҳижрон иштидоди ибтилоосидин бегим.*

*Кўз йўлидин оқти ашк ўрнига ушбу гуссадин,  
Қон ила зардоблар бағрим яросидин бегим.*

*Жонсипору қадрдонлигдин бежуз бир тўхфа йўқ,  
Ҳазратингга Фурқатий холис дуосидин бегим.*

*Соли Тангри насиб этгай санинг бошингга ҳам,  
Зоил ўлмас бобақо давлат ҳумосидин бегим.*



**Шукур  
ЖАББОРОВ**

**Шаҳардан қайтиш**

*Отам Дадамирза хотирасига*

Толиққан дийдор... Қайтишим бир бахт.  
Хотир. Тошлоқ кўча... Салом-алик.  
Боқий камнамо "ўзи юрар тахт"  
Светофор - саҳро... Бекат - дала... Тоғлик -  
Ёронлар... Ўнгу сўлим - таваккул  
Қимнидир кўрмай тамшанган кўзлар  
Қайтади - жасад - қулдон, юрак - кул  
Барибир таскин самимий сўзлар:  
- Ҳайрият бу сенми?!  
- Йўқ. Мен эмас... Қани дадам?..  
(Кечир отажон. Кечикдим.  
Мендек қабринга)  
- Уйғотма дадангни...  
- Мени кўрсин. Ичикдим.  
(Агар киприк синар бўлса  
теккизмай қўлим...)  
Киприк - ниҳол. Менга бўлади асо.  
Ичи - нигоҳ. Жийда - бешик. Дил - тут...  
Ёнғоқ - эшик. Очи-и-иб кетаман...  
Қайдадир менга ўсармиш тобут  
(Ўша дарахтни кўрсатинг,  
Қон суви қуйи-и-иб ўстираман...)

\* \* \*

...Мен кетаяпман. Хесей!  
Инжиқ тун. Саҳрога поездда  
писта пўчокқа жой бўлиб...  
Сукунатни чайнаб. Хесей!  
У ён боғу бўстон, гулшану лавлак  
Бу ён беун биёбон...  
Поезд тўхтади. Нози тинмай  
хонимлар гул отишади.  
Ачинибгина бу ёнга ўтсам  
читрлар шитирлаб йўлим тўсади:  
- Қўй ўзинга азоб берма,  
Афсонанинг теvasи тегмаган  
Янтоқни терма!..  
Дейман: Азобларимда лаззатим  
лаззатларимдадир азоб...  
Ўжар кун... Жансолиқ очун...  
Мен кетаяпман. Оёғим орасида  
қумлар товланар, етти хил рангда.  
Қум кўп. Қумлар хурсанд.  
Қилади деб таямму.  
Гул отади, охирги хоним  
У ён боғу бўстон.  
Бу ён беун биёбон.  
Кетаяпман саҳрога,  
Қурби дарё қидириб...

Шукур ЖАББОРОВ 1975 йили Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Пеиқўрғон қишлоғида туғилган. ТошДЖ журналистика куллиётда ўқийди. "Ёшлик"да илк бор чиқши.

**ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ  
ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!**

**Муассислар:**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот"  
жамғармаси

Бош муҳаррир:

Собир ЎНАР

Бош муҳаррир муовинлари:

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ  
Шодикул ҲАМРОЕВ

Масъул котиб:

Турсун Бой МУҲАММАД

Таҳрир хайъати:

Ҳотам АБДУРАИМОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Абдул Ғани ЖУМА  
Абдусанд КЎЧИМОВ  
Акбарали МАМАСОЛИЕВ  
Тўхтамурод РУСТАМ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ  
Ғоффор ҲОТАМОВ

Жамоатчилик кенгаши раиси:

Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:

Ҳамроқул АСҚАР  
Муҳаммад ИСМОИЛ  
Жамол КАМОЛ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Низомиддин МАҲМУДОВ  
Тўра МИРЗО  
Камол НОРҚОБИЛОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Бегижон РАҲМОНОВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
ШУКРУЛЛО

Ёшларнинг адабий-ижтимоий жўрнали  
1982 йилдан чиқа бошлаган

Ушбу сон "Ёшлик" жўрнали таҳририяти-  
нинг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи:

Саодат ТўЛАГАНОВА

© "Ёшлик" № 4 (151) 1996 й.

Муҳоваларда: 1- б е т . Мустақиллик  
куни шодиёнаси лавҳалари. (Абдул  
Ғани ЖУМА фотолари)

2- б е т . Ш.Холмирзанинг

"Динозавр" романига ишланган расм.

4- б е т . Ўзбек якка-  
курашчилари ("Комил инсонлик йў-  
лида" мақоласига қаранг)

**МУНДАРИЖА:**

**МУАССИС СЎЗ СЎРАЙДИ**

Ҳотам АБДУРАИМОВ. Ёшлар - бугунимиз,  
ёшлар - келажагимиз 2

**НАСР**

Шукур ХОЛМИРЗА. Динозавр. Роман. Охири 24

**САҲНА**

Абдулла ОРИПОВ. Соҳибқирон. Драма. 4

**НАЗМ**

Шухрат НЕЪМАТ 1  
Салим АШУР 22  
Махмуд МАРДИЕВ 52  
Ўроз ҲАЙДАР 52  
Мўмин АВАЗ 52

**МУВОЗАНАТ**

Саҳобиддин ХЎЖАНОВ Комил инсонлик  
йўлида 53

**БИРИНЧИ УЧРАШУВ**

Олима НАБИЗОДА 55  
Шукур ЖАББОРОВ 63

**ОЛИС-ЯКИН ОВОЗЛАР**

Ойбуви ОЧИЛОВА 57

**МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ**

Ал-ҒАЗЗОЛИЙ. Дақойиқ ул-ахбор. 58

**САНЪАТ**

Ф. ХАЛИЛОВ, Ш. РАХИМОВ Мусиқий нафосат 21

**БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

Нурбой АБДУЛ ҲАКИМ. Зоил ўлмас бобақо  
давлат хумосидин бегим... 61

**ҚАЛЕ МАНЗАРАЛАРИ**

Матлуба ҲАМРОЗ. Волидақуш 56

**ИХЧАМ ТАДКИКОТ**

Нурхон ИРҒАШЕВА. Тараққийпарвар 23

**ҲОЗИРГИ ЁШЛАР**

Баҳодир ҲУСАНОВ. Иқтисодимиз  
"ҳалқа"лари 20

**ҒАРОЙИБ ДУНЁ**

Чиллаширдан паҳлавон 65

Манзилимиз: 700017, Ташкент, Жавоҳарлабл Неру, 1-уй  
Телефон: 33-40-83. 36-27-52

Босишга 30.07.96 й.да рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8  
Шартли босма тобоғи 10,2. Наширёт ҳисоб тобоғи 10,0  
Буюртма № 467

Жўрналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб  
изоҳланиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Шарқ" наширёт-матбаа концернининг  
босмаҳонаси, Ташкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.